ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

SamISI

“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”

халқаро илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(VI-қисм)

(2021 йил 19-20 феврал)

Самарқанд - 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

халқаро илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(VI қисм)

(2021 йил 19-20 февраль)

САМАРҚАНД – 2021

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции

(часть 6)

(19-20 февраля 2021 г.)

ТАМБОВ – 2021

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (VI қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 300 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Б.И.Исроилов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д., профессор в.б.
С. Ш.Халилов – ТДИУ доценти в.б. PhD

ИННОВАЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР ТАСНИФИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада инновациянинг турлари ва улар таснифини такомиллаштиришнинг назарий масалалари қараб чиқилган. Унда инновацияларнинг турлари, унинг таснифи илк бор шу ҳолатда гуруҳланган. Шунингдек, мақолада инновация еттита белгиси бўйича тасниқланган. Буларга: инновацияни яратувчилари бўйича таснифи, рақобатбардошлик омили бўйича таснифи, манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи, инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифи, иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифи, инновациянинг тармоқлар бўйича таснифи ва вақт нуқтаи назаридан таснифи қараб чиқилган. Инновациянинг ҳар бир турига қисқача изоҳ берилган.

Калит сўзлар: инновация, инновация турлари, инновация таснифи, замон нуқтаи назаридан таснифи, макон нуқтаи назаридан таснифи, мавсумий иннова-ция, вақтинчалик инновация, узоқ муддатли инновация, инновацион омиллар.

Аннотация: В статье рассматриваются виды инноваций и теоретические вопросы совершенствования их классификации. В нем впервые сгруппированы виды нововведений, их классификация. В статье также выделяются инновации по семи критериям. К ним относятся: классификация по создателям инноваций, классификация по фактору конкурентоспособности, классификация по выражению интереса, классификация по инновациям с точки зрения реализации, классификация по условиям расширенных производственных связей с точки зрения экономического содержания, классификация по типу инноваций по отраслям и классификация по время. Кратко описан каждый тип инноваций.

Ключевые слова: инновации, типы инноваций, классификация инноваций, классификация по времени, классификация по пространству, сезонные инновации, временные инновации, долгосрочные инновации, факторы инноваций.

Abstract: The article discusses the types of innovations and theoretical issues of improving their classification. In it, the types of innovations, its classification are grouped in this case for the first time. The article also identifies innovation on seven criteria. These include: classification by innovation creators, classification by competitiveness factor, classification by interest expression, classification by innovation in terms of implementation, classification by terms of expanded production links in terms of economic content, classification by type of innovation by industry, and classification by time. Each type of innovation is briefly described.

Keywords: innovation, types of innovation, innovation classification, time classification, spatial classification, seasonal innovation, temporary innovation, long-term innovation, innovation factors.

Инновациянинг турларини тўғри тушуниш ва уларнинг таснифи бўйича концептуал йўналишларини аниқ белгилаш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, охирги пайтларда инновация масаласи иқтисодий адабиётларда шу даражада кўп ёритилмоқдаки, уларнин ўзлаштириб улгуриш қийин бўлмоқда. Аммо уларнинг барчасида битта тенденция кўзга ташланмоқда. Бунга турли кишилар турли нуқтаи назардан қараши оқибатида, назарий жиҳатдан бир тизимга келтирилмаган. Бу эса ўз навбатида инновациянинг таснифини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Агарда тушунчалар тегишли тарзда таснифланмаса ҳар қандай вазиятда ҳам нафақат назарий масалаларни, балки амалиётга жорий қилишдаги ҳолатларни ҳам чалкашликка олиб келиши мумкин. Шу туфайли инновация категориясини ҳар томонлама тўғри англаш учунунга турли томонидан ёндошиш лозим бўлади. Уни шундай ҳар жиҳатдан англаш ва тушуниш учун инвестицияни турли белгилари бўйича ҳам таснифлаш лозим, деган хулосага келдик. Чунки инновацияни вақт нуқтаи назаридан (замон) қаралса, унинг тармоқ ёки корхона (макон) нуқтаи назарига мос келмайди. Ёки ушбу категорияга иқтисодий мазмуни жиҳатидан қаралса, уни яратувчилар нуқтаи назаридан қаралишига ҳам мос келмайди.

Шундай қилиб, хулосага келиндики, инновацияни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим экан. Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, мазкур категорияни 7 та белгиси бўйича таснифлаш лозим, деган тўхтамга келдик. Чунки, инновацияни яратувчилар, яъни ихтирочиларнинг манфаати, ундан фойдаланувчилар манфаати билан ҳам фарқ қилади. Ёки инновацияларни жорий қилишда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олишни тақозо қилади. Инновация, таъкидланганидек, вақт нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади. Шу туфайли инновацияни қуйидаги белгилар бўйича таснифлашни тавсия қиламиз. Булар таркибига қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи.
2. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.
3. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи.
4. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш.
5. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш.
6. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш.
7. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш.

Буларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги расмдагидек ифодалаш мумкин (1-расм).

Инновациянинг турларини ушбу белгилар бўйича алоҳида ҳар бирини қисқача қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, биринчидан,



1-расм. Инновацияни таснифлаш белгилари

ушбу масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада қаралмаган бўлса, иккинчидан, ушбу тушунчанинг ҳозирги кундаги аҳа-миятидан келиб чиқиб, уни кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида қараш лозимдир. Учинчидан, иқтисодиётимиз ҳам инновацион иқтисо-диётга ва шу омил эвазига ривожланиш босқичига тўлиқ ўтмоқда. Ушбу ҳолатлар, таъкидланганидек, ҳар бир гуруҳни қараб чиқишни тақозо қилади.

Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи. Инновациянинг ушбу таснифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инновацияларни кимлар яратиш ҳам унинг амалиёти ва назарияси учун муҳимдир. Ушбу ҳолат келажакда қайси соҳа ходимларига кўпроқ таяниш мумкинлигини ҳам кўрсатиб беради. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инвестициялар асосан қуйидаги тоифадаги одамлар (мутахассислар, олимлар, конструктор ва ихтирочилар) томонидан яратилар экан. Шу нуқтаи назардан ушбу белгиси бўйича инновацияни қуйидаги турларга бўлишни лозим, деб топдик:

- илмий ходимлар томонидан яратилган инновация;
- тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инновация;
- махсус ихтирочилар томонидан яратилган инновация. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз аксини топган (2-расм).

Илмий ходимлар томонидан яратилган инновациялар назария ва амалиётни ўрганиш асосида уларни такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Булар икки йўналишда амалга оширилади: шахсий ташаббус билан ва давлат буюртмаси билан, маълум миқдорда грантлар ажратиш натижасида. Шахсий ташаббус билан амалга оширилган инвестициялар кўп ҳолларда мустақил тадқиқотлар олиб бориш натижаси бўйича конференцияларда маъруза қилиш, илмий китобларда ифодалаш билан чегараланиб қолади. Чунки инновацияни яратган олимнинг ҳаммаси ҳам инновацион бозорга ўзининг товари билан иштирок этавермайди. Шу туфайли мутахассислар илмий адабиётлар билан мунтазам равишда танишиб боришлари лозим.



2-расм. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи

Бир қисм инновациялар асосан мустақил тадқиқот олиб бораётган илмий ходимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилади. Бунга давлатнинг бюджети билвосита сарфланади. Булар инновацияларни асосан илмий фаолияти давомида яратадилар. Бундай ихтироларни ҳам қўшимча рағбатлантириш механизмини ўйлаш ва амалиётга жорий қилиш йўлларини ҳам осонлаштириш керак, деб ўйлаймиз.

Давлат буюртмаси билан, маълум миқдорда грантлар ажратиш натижасида ишланган инновациялар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни Мувофиқлаштириш марказига топширилади ва қолган қисми давлатнинг ихтиёрига ўтади ва унинг амалиётга тадбиғи билан асосан давлат ташкилотлари шуғулланади. Буларнинг кўпи тажриба майдони етарли бўлмаганлиги туфайли амалиётда кенг қўлланилмасдан қолиб кетиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Инновацияларни ихтиро қилишдаги иккинчи йўналиш – тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инновациялардир. Одатда, жуда кўп амалиётчилар бирорта соҳада узоқ ва самарали ишлаши натижасида катта тажриба орттиради. Бундай ходимлар жим ўтирмайди ва ўз фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб боради. Бу аснода турли инновацион йўлларини ахтариб топадилар. Булар рағбатни ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш билан бирга харажатлар тежамкорлигига эришади. Мазкур ходимлар рағбатни билвосита оладилар ва шунинг учун катта ижодий ёндошиш билан ишлайдилар. Ҳозирги шароитда кўпчилик корхоналар хусусий секторга тегишли бўлганлиги туфайли, ҳар қандай самарадорлик корхонанинг фойдаси учун ишлайди. Бундан инновация яратувчиси мулкдор сифатида ҳам манфаатдор.

Махсус ихтирочилар ва конструкторлар томонидан яратилган

инновациялар ҳам унинг яратувчилари нуқтаи назаридан алоҳида йўналиш бўлиб ҳисобланади. Кўпгина йирик компанияларда ва тармоқларда конструкторлик бўлимлари мавжуд. Улар алоҳида соҳалар бўйича ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнларини такомиллаштириш билан шуғулланадилар. Уларнинг бевосита вазифаси инновацияларни яратишдан иборатдир. Булар бевосита фаолият кўрсатиб турган соҳадаги жараёнларни такомиллаштириш билан шуғулланганлиги туфайли, алоҳида тажриба майдонига муҳтож эмас.

Яна бир жиҳат, мазкур ихтирочиларнинг жараёнларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва ишланмалари асосан амалиётга синаб кўриш натижасида амалга оширилади ва самарадорлиги ҳам тез кўзга ташланади. Аммо ҳамма соҳада ҳам махсус ихтирочилар ва конструкторлик марказлари фаолият кўрсатмайди. Шу туфайли умумий тарзда мазкур иш билан илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари шуғулланади. Бироқ, улар амалиётдан айри ҳолда фаолият олиб борганлиги туфайли бир мунча қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Шундай қилиб, инновацияни яратувчилари бўйича таснифлаш ҳам унинг ким томонидан ва қандай яратилаётганлигини аниқ белгилашда катта аҳамиятга эга экан. Мазкур гуруҳга олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан бирга амалиётчи мутахассислар ҳам киради. Уларнинг яратган ихтиролари инновация бозорида тегишли ўрин эгаллаб бормоқда.

Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш. Хусусий мулк устуворликни эгаллаган демократик бозор муносабат-лари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош-лигини таъминлаш ҳам устувор вазифалар қаторидан жой олади. Чунки, кундан-кунга такомиллашиб бораётган жамиятда, айниқса иқтисодиёт соҳасида кечаги кун усули билан яшаб бўлмайди. Бугунги кунда бугунги кун усули билан яшаб, эртанги кунда амалга оширилиши лозим бўлган усулни бугун тайёрлаб қўйишга тўғри келади. Шундагина ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг рақобатбардошлигини, яъни маҳсулоти (иш, хизмати) сифатини пасайтирмаган ҳолда, юқори самарадорлик билан фаолият кўрсатиб, нархни оширмасдан таъминлаши мумкин. Шу туфайли инновацияларни рақобатбардошликни таъминлаши нуқтаи назаридан ҳам таснифлаш лозимлиги ҳаётий заруратдир. Зеро, инновацияларсиз тараққиёт, тараққиётсиз рақобатбардош бўла олмайди. Шу туфайли ушбу масалалар ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўта жиддий масалалардан биридир.

Шуни инобатга олиш лозимки, инновацияларни рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан таснифлашда, унга бир қанча йўналишларда ёндошиш мумкин. Биринчидан, давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар, Иккинчидан, кохоналарнинг, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар. Учинчидан ҳар бир товар (иш, хизмат)нинг рақобатбардош-лигини таъминлашга қаратилган инновациялар. Биз мазкур ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласига

эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инновацияларни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам таснифлаш мумкин. Чнки бозор муносабатлари шароитида, айниқса хусусий мулк устуворликни ташкил қилиб турган пайтда ҳар бир хўжалик юритувчи сбъектнинг, шу жумладан меҳмонхона хўжаликларининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу груҳ омилларни учта гуруҳга бўлиш мумкин экан. Буларга:

- товарларни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- техника ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган инновация киради. Ушбу турларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (3-расм).



3-расм. Инновациянинг рақобатбардошлик омили бўйича таснифи

Инновациянинг рақобатбардошлик билан боғлиқ омиллари таркибида бир вақтнинг ўзида нархни арзонлаштириш билан бирга маҳсулот (товар) сифатини оширишга қаратилган инновациялар ҳам мважуд. Аммо ушбу омил бошқа гуруҳларга кўпроқ яқин бўлганлиги тфайли ушбу гуруҳга тўлиқ изоҳ келтирмадик. Юқорида келтирилган инновацияларни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу масала нафақат ички, балки ташқи бозор учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Товарларнинг (иш, хизматларнинг) сифати ўз-ўзидан ошиб қолмайди. Бунинг учун янги илғор техника ва юқори технологияларни жорий қилишни тақозо қилади. Бундай инновациялар моҳияти бўйича узоқ муддатли инновацияларга ҳам мансублиги жиҳатидан келади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг

объектив зарурати шундаки, ҳозирги шароитда жуда кўп эски технологиялар энергияни кўп талаб қилади. Бундай ҳолда маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифати камаймасада, таннархи қиматлиги туфайли нархи баланд бўлади. Албатта истеъмолчига бир хил сифатдаги товарнинг (иш, хизматнинг) энг арзонини харид қилади. Бу ҳолат шу корхонанинг технологиясини ёқилги ва энергия тежавчи технологияларга алмаштиришга мажбур бўлади.

Буларнинг бир-бири билан боғлиқлигини ва мулкдорнинг бевосита талабини қондириш мақсадида ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун уни бошқариш усулларини ҳам такомиллаштириш лозим бўлади. Янги технологиялар билан ишлаётган жараённи бошқариш учун унга эски усулини қўллаб бўлмайди. Албатта бошқариш қўлланилаётган технологияга бевосита боғлиқ бўлиши керак.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, ушбу жараёнлар бир-бири билан чамбар-час боғлиқдир. Инновацияларнинг ушбу жиҳатлари доимий равишда амал қилиши лозим бўлган ҳолатдир. Ҳар қандай нарсанинг бир қисмини такомиллаштириб, иккинчи қисмини эскича қолдириб бўлмаганидек, инновацияда ҳам ушбу қоида қаттиқ амал қилади. Инновацион жараёнлар барча йўналишлар бўйича бирданига такомиллашишни тақозо қилади. Акс ҳолда инновация тегишли самара бермаслиги мумкин. Масалан, меҳмонхонага замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Уни ишлатадиган кадрлар бўлмаса, ундан ҳеч қандай наф бўлмайди. Ёки замонавий илғор технологиялар билан ишлайдиган кадрни қабул қилган бўлса, унга мос техника ва технология бўлмаса ҳам фойдасиз.

Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи. Ҳар қандай фаолият маълум маънода манфаатдорликка асосланган. Ҳозирги шароитда хўжалик юритувчи субъектлар асосан хусусий мулкка ва тадбиркорликка асосланган. Юзаки қарайдиган бўлсангиз, ушбу субъектлар фақат мулкдорнинг манфаатигагина хизмат қилса етарлидек туюлади. Аммо Фвқат шу билан чегараланиб қолишнинг имконияти йўқ. Шу туфайли ҳар қандай янгиликка асосланган инновация ҳам бир қанча манфаатлар муштараклиги ва мувофиқлигини таъминлаши лозим. Шу нуқтаи назардан инновацияни бешта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- мулкдор (инвестор) манфаатини ифода этувчи инновация;
- ихтирочилар манфаатини ифода этувчи инновация;
- давлат манфаатини ифода этувчи инновация;
- жамият манфаатини ифода этувчи инновация;
- меҳнат жамоаси манфаатини ифода этувчи инновация.

Ушбу турларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (4-расм).

Инновациянинг манфаатдорликни ифода этиши билан боғлиқ кўрсаткичлар ўртасидаги яқинлик, ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай миллат ва ҳудудда мавжуд. Манфаатдорлик олдин ҳам бўлган, бугун ҳам бор ва келажакда ҳам бўлади.

Ҳар қандай фаолият натижасидан ўша фаолият эгаси маълум даражада



4-расм.Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи

манфаатдор бўлмаса, уни амалга оширишга унчалик қизиқмайди. Бу инновацияга ҳам бевосита дахлдордир. Инновация тараққиётнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ундан биринчи галда мулкдор (инвестор) манфаатдордир. Чунки инновацион жараёнлар маълум даражада харажатларни ташкил қилади. Бу эса мулкдорнинг мулкини ишлатишни тақозо қилади. Шунингдек, инновациялардан бевосита ихтирочилар ҳам манфаатдордир. Чунки ихтирочилар ижодкор наёб мутахассислар бўлиб ҳисобланади. Уларни рағбатлантириш катта мувоффақиятларга олиб келади. Инновациядан навбатдаги манфаатдор субъект давлат бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараёндан жамият ҳам манфаатдордир. Ушбу инновациянинг ифода эилиши жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Шунигдек, инновациядан манфаатдорлик меҳнат жамоаси бўлиб ҳисобланади. Чунки инновация самарадорликни ошириш эвазига меҳнат жамоасининг ҳам фаровонлигини таъминлайди.

Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай янгилик амалиётга жорий қилинсагина тегишли самара бериши мумкин. Инновацияга маълум даражада харажат қилинади. Бу эса, уни амалиётга жорий қилиб, иш самарадорлигини ошириш эвазига қопланади ва мулкдорга тегишли даражада фойда олишини таъминлайди. Пировардида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустаҳкамлиги ошади ва рақобатбардошлиги таъминланади. Шу туфайли, инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни учта гуруҳга бўлишга қарар қилдик:

- амалиётга жорий қилинган инвестициялар;
- амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инвестициялар;

- амалиётда тегишли самара бериб, кенг қўлланилган инновация.

Ушбу турларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (5-расм).



5-расм. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш

Амалиётга жорий қилинган инновация инновациянинг сотилиши бўлиб ҳисобланади. Чунки инновация ҳозирги пайтда тезлик билан жорий қилинмаса, эскириб қолиши мумкин. Эскиргач, ушбу инновациядан ҳеч қандай наф бўлмайди. Шунингдек, амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инновация ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳам тараққиётнинг ички омили мавжудлигидан далолатдир.

Шуни эътироф этиш керакки, инновация амалиётга жорий қилинса-гина тегишли кўзда тутилган самарани бериши мумкин. Шу туфайли инновациянинг бозорини янада жонлантириш ва уни такомиллаштириш лозим. Зеро жда кўп ғоялар ва улар асосида яратилган инновациялар амалиётда ўз тасдиғини топмасдан қолиб кетмоқдалар. Бу ҳолат ҳозирги тез ўзгаришлар замонида кечирилмайдиган ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Яна шундай инновациялар ҳам борки, уларнинг амалиётда жорий қилиниши тегишли самара бериб, худуд ва маммлакат иқтисодиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Агар ихтирога асосланган инновациялар бутун иқтисодиётимизга жорий қилинса, мамлакатимиз тўлиқ инновацион иқтисодиётга ўтганлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида мамлакат аҳолисининг интеллектуал салоҳиятининг ошганлигини кўрсатади. Зеро, инновацияларни яратиш учун ҳам, ундан самарали фойдаланиш учун ҳам ўта билимдан ходимлар керак бўлади. Бу бутун иқтисодиётни қамраб оладиган бўлса, мамлакатимиз тўлиқ маънода инновацион иқтисодиётга мос аҳоли, интеллектуал салоҳияти юқори мутахассислар қатлами шаклланган бўлади.

Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш. Ҳозирги шароитда

инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш албатта керак. Чунки, кенгайтирилган ишлаб чиқариш қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик иқтисодиётнинг ўсишига эришилади. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бир фазазини тезлаштириб, қолган қисмини шунчаки қолдириб бўлмайди. Шу туфайли унинг барча фазасини тезлаштиришни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида ушбу белги бўйича ҳам инвестициялар-ни таснифлашни тақозо қилади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу белгиси бўйича инвестициялар тўртта гуруҳга бўлинар экан. Буларга:

-ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция;
-тақсимотга мўлжалланган инвестиция;
-айрибошлашга мўлжалланган инвестиция;
-истеъмолга мўлжалланган инвестициялар киради.

Инновациянинг ушбу турлар ҳам ўзаро боғлиқликда. буларни қуйидаги расмда ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин (6-расм).



6-расм. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш

Расмдан кўриниб турибдики, инновация иқтисодиётнинг барча бўғинларида амалга оширилади. Улардан бири, ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновациядир. Ушбу инновация иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифланади. Буларнинг энг биринчиси, ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновациядир. Чунки кенгайтирилган ишлаб чиқаришни тезлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширадиган инновацион омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бунга ушбу соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали эришилади. Ушбу бўғиндаги инновация нафақат шу соҳага, балки бутун кенгайтирилган ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга имконият яратади.

Кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида тақсимот масаласи ҳам

тегишли ўринга эга. Бунда ҳар бир киши меҳнатига яраша муносиб рағбатлантирилиши лозим. Бунда иш вақти ва бажарилган иш ҳажми инобатга олинади. Бироқ бозор муносабатларининг жорий қилиниши ва унинг ривожланиши тадбиркорлик йўли билан ўзини ўзи рағбатлантириш принципига ҳам ўтган. Бундаги муҳим жиҳат, деҳқон бир йилда бир марта даромад қилса, ёлланиб ишлаётганлар ҳар ойда иш ҳақи эвазига даромад қилади. Тадбиркорлар эса ҳар бир операциясида маълум даромадга эга бўлади. Агар улар ҳозиргидек, рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган бўлса, ҳар дақиқада даромад қилади. Бу ҳам ўз даврида тегишли инновацияларни жорий қилишни тақозо қилади.

Айрибошлашга мўлжалланган инновация асосан хизмат соҳасининг савдо тармоғига кўпроқ қўлланилади. Бунга мўлжалланган инновация ҳам ишлаб чиқариш билан тақсимот ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Айрибошлаш масаласи ҳам бугунги кунда катта аҳамият берилмоқда. Бунда адолат торозисини ўрнатишга қаратилган рақамли технологияларни жорий қилиб, рақамли иқтисодиётнинг блокчайн технологиясини ўрнатиш борасида анча ишлар қилинмоқда. Хуллас, инновация барча соҳаларни ривожлантириш имкониятини яратади.

Инновациянинг жорий қилиниши лозим бўлган навбатдаги босқичи истеъмол соҳасидир. Ҳозирги пайтда истеъмол соҳасида анча вақт сарф қилинади. Бу вақт энг қимматли бойликдир. Чунки бойликни топиш, кўпайтириш мумкин, аммо вақтни кўпайтириб бўлмайди. Шу туфайли истеъмол соҳасига инновацияларни жорий қилиб, одамларнинг бўш вақтини кўпайтириш лозим. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон буюртма асосида товар ва маҳсулотларни уйга ва иш жойига етказиш, жуда кўп хизматларни буюртма асосида бажариш каби жуда кўп бўш вақтни кўпайтирадиган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу соҳада инновацион омилларни узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш мамлакатимиз аҳолиси учун объектив заруратдир.

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш ҳам ушбу ишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди. Чунки ҳар бир тармоқ ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш лозимлигини тақозо қилади. Масалан саноатга жорик қилиниши мумкин бўлган инновацияни қишлоқ хўжалиги корхоналарига жорий қилиш мумкин эмас. Ёки савдо соҳасига мўлжалланган инвестицияларни молиявий соҳага ёки хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларига жорий қилиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу гуруҳ инновацияларни қуйидагича бўлишни тавсия қиламиз:

- саноатга мўлжалланган инвестиция;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инвестиция;
- транспорт соҳасига мўлжалланган инвестиция;
- савдо соҳасига мўлжалланган инвестиция;
- молиявий соҳага мўлжалланган инвестиция;
- хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инвестиция.

Инновация турларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (7-расм).



7-расм. Инновациянинг тармоқлар бўйича таснифи

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлашда аҳамият берилиш лозим бўлган жиҳат ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Саноатга мўлжалланган инновация бевосита соҳадатехник ва технологик жараёнларни модернизация қилиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инновация нафақат техника ва технологияларни, балки агротехник жараёнларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Транспорт соҳасига мўлжалланган инновация ҳам техника ва технология билан боғлиқ. Бироқ, савдо соҳасига мўлжалланган иннова-
ция бевосита савдо жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Молиявий соҳага мўлжалланган инновация ҳисоб-китоб жараёнларини, пул айланиши каби ҳолатларни такомиллаштиришга қаратилган.

Шуни инобатга олиш жоизки. хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инновация ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча жараёнларни такомиллаштиришда ва иқтисодиётни ривожлантиришда инновациядан фойдаланилади.

Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш. Барча мувоффақиятлар ва мағлубиятлар вақт ўтиши билан сарҳисоб қилинади ва аниқланади. Бу ерда вақт жуда катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам объектив заруратдир. Ҳеч нарса доимий бўлмаганидек, инновация ҳам абадий эмас. Бугунги янгилик эртага эскириб қолиши ва инновацияни жорий қилиш заруратини туғдириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам устувор вазифа сифатида қараймиз. Ушбу тушунчани вақт нуқтаи назаридан қуйидаги учта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

-қисқа муддатли инновация;

- мавсумий инновация;

- узоқ муддатли инновация.

Инновация турларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (8-расм).



8-расм. Инновациянинг вақт нуқтаи назаридан таснифи

Инновацияни вақт нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолдаги таснифлашда уларнинг боғлиқлигини қуйидагича тасвирлаш ҳам мумкин.

Қисқа муддатли инновация кўпинча хизмат кўрсатиш жараёнларида қўлланилади. Чунки мазкур соҳада мураккаб технологиялар кам қўлланилади ва корхоналар асосан кичик ҳажмда бўлади. Бундай ҳолат ўз навбатида инновацияларнинг ҳам унчалик мураккаб бўлмаган шаклидан фойдаланилади ва ҳозирги тез ривожланиш давридаа тез-тез янгиланиб туришини тақозо қилади. Шу туфайли қисқа муддатли инновациялар ҳам иқтисодиётнинг бир қисмини қамраб олади.

Мавсумий инновация асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Чунки соҳанинг ўзи мавсумий фаолият кўрсатади. Ушбу соҳага ҳам инновацияларни жорий қилиш ўта муҳим. Зеро, мамлакатимиз аҳолиси кўпайиб бормоқда, ҳосилдор ер сатхи аҳолига бўлиб берилиши натижасида қисқариб бормоқда. Аммо озиқ-овқатга эҳтиёж аҳолининг кўпайиши эвазига ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишни ва мос равишда, ҳосилдорликни оширишни тақозо қилади. Ушбу натижага эришиш учун инноввацияни жорий қилиш масаласи объектив заруратга айланади. Инновацияни жорий қилишга яна бир объектив зарурият, аҳолининг сонининг ўсиши ва суғариладиган ер майдонларининг янги ерларни ўзлаштириш эвазига кенгайиши ҳам сувга бўлган эҳтиёжни оширади. Бироқ сув ҳам эҳтиёжга яраша кўпайиб бораётган эмас. Бу ҳам суғориш тизимига инновацион технологияларни жорий қилишни тақозо қилади. Шун нуқтаи назардан, мавсумий инновациянинг мавжудлиги ҳам объектив заруратдир.

Узоқ муддатли инновация асосан техник ва технологик жиҳатдан

такомиллаштириш жараёнида фойдаланилади. Чунки, ишлаб чиқариш тизими ва бошқа бир қанча соҳалар узлуксиз технология асосида фаолият кўрсатади. Бундай шароитда бир қанча соҳаларда техник ва технологик жараёнларни такомиллаштиришга тўғри келади. Бундай жараёнларга жорий қилинган инновациялар узоқ муддатга мўлжалланган ва доимий равишда такомиллашиб боришни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимиз кўрсатдики, инновация ва унинг назарияси ҳақида иқтисодий адабиётларда жуда кўп ёзилган. Аммо унинг табиати, мазмуни, турлари деярли ўрганилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчанинг ҳам турларини, уларни таснифлашнинг назарий масалала-рини қараб чиқишни лозим, деб топдик. Инновациянинг таърифи ва унинг турларини таснифлаш бўйича назарий масалаларга ҳам кенг ўрин берилди.

Шунингдек, инновациянинг турлари жуда кўплиги, улардан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уларни таснифлаш лозим, деган қарорга келинди. Инновацияларнинг турларини такомиллаштириш учун унинг назарий масалалари қараб чиқилиши ва уларни тегишли тарзда таснифлаб, уларни еттита белгиси бўйича изоҳлаш лозимлиги асосланган. Ишда инновацияни яратувчилари бўйича, рақобатбардошлик омили бўйича, манфаатдорликни ифодалаши бўйича, амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан, иқтисодий мазмуни бўйича, тармоқлар бўйича ва вақт нуқтаи назаридан таснифлаш объектив зарурият эканлиги асосланган. Уларнинг ҳар бир турига қисқача изоҳ берилганлиги масаланинг мазмунини нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам очиб бериш имкониятини яратган.

А.Н. Низамов– СамДУ, Инсон ресурсларини бошқариш факультети доценти,
М.М. Мирбабаев– СамДУ, Инсон ресурсларини бошқариш факультети магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларидан бири сифатида тармоқлар трансформацияси ўрганилган. Республика ва Самарқанд вилояти мисолида асосий кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Трансформациялаш зарурияти назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, трансформация, диверсификация, таҳлил, ўсиш суръати, имкониятлар.

Аннотация: В этой статье рассматривается преобразование сети как один из способов эффективного использования ресурсов. Основные показатели проанализированы на примере республики и Самаркандской области. Теоретически и практически обоснованы необходимость трансформации.

Ключевые слова: цифровая экономика, трансформация, диверсификация, анализ, темпы роста, возможности.

Abstract: This article discusses network transformation as one way to use resources efficiently. The main indicators are analyzed on the example of the republic and

the Samarkand region. The need for transformation is theoretically and practically substantiated.

Keywords: digital economy, transformation, diversification, analysis, growth rates, opportunities.

Чегараланган мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб аҳолининг халқ истеъмоли товарларига ва маиший хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш хар бир жамиятнинг ўз олдига кўйган асосий вазифаларидан биридир. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг холати, ривожланиш даражаси, уни ташкил этиш, ўсиш суръатига бевосита боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини, ўсишини таъминлаш етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига эришиш "Ҳаракатлар стратегияси"да асосий устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019-йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 511838.1млрд сўмни ташкил этди ва 2018-йилга нисбатан 5.6% га ўсган. Бунда саноатнинг улуши 2017-йилда 24.7% дан 2019-йилда 33.7% гача ўсган ва аксинча қишлоқ хўжалигида мос даврлар мобайнида 38.1% дан 25.6% гача қисқарган[1].

Иқтисодий ўсишнинг ижобий томони шундаким, унинг асосий қисми саноатдаги иқтисодий ўсиш эвазига таъминланган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида саноат соҳаси тобора кўпроқ аҳамиятни касб этмоқда. Айниқса қайта ишлаш саноати юқори суръатларда ривожланмоқда. Агар ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг таркибий қисмини таҳлил этсак шундан: озиқ-овқат маҳсулотлари – 13.8%, тўқимачилик маҳсулотлари 13.4%, кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 7.3%, резина пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – 9.7% ва металлургия ва металлни қайта ишлаш саноати – 36.3% ни ташкил этмоқда.

Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 2019-йилда 37593.9 млрд сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2018-йилга нисбатан 4.1% га ўсган. Шундан саноатнинг (қурилишни қўшган холда) ЯҲМ га нисбатан ҳиссаси 2016-йилда 17.1% дан 2019-йилда 20.9% гача ошган ва аксинча қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ҳиссаси эса мос равишда 32.2% дан 47.9% гача камайган[2].

Юқорида қайд этилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилоятининг республика ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 7.3%. Шу жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси эса 11.3%. Алоҳида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, республиканинг 23.2% қишлоқ хўжалик маҳсулотлари вилоятимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Шунинг учун Самарқанд вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Аммо шу билан бирга ҳудуд саноатини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, бу уни трансформациялаш

[1] www.stat.uz маълумотлари
[2] www.samstat.uz маълумотлари

бўлиб ҳисобланади.

Давлат корхоналарининг трансформацияси - бу давлат корхоналарини ишлаб чиқариш, харид қилиш, сотиш ва инвестициявий фаолияти самарадорлигини оширишга ва пировард натижада рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Масалан, Малайзияда давлат корхоналарининг трансформация дастури натижасида “телекоммуникацион компания”сининг фойдаси 2 баробарга, “энергетика компания”сининг фойдаси 2.5 баробарга, компанияларнинг бозор нархи эса 3 мартагача ўсган. Сингапурда давлат трансформацияси натижасида авиаташувлар бўйича авиакомпания дунёда рақобатбардош компанияга айланди. Франциядаги давлат темир йўли компанияси темир йўли ташуви бўйича Европадаги етакчи компанияларга айланди. Чет эл тажрибалардан мисол сифатида яна Малайзия ва Саудия Арабистоннинг “Petronas&SaudiAramko” нефт ва газ ишлаб чиқариш компаниясини, Хитойнинг “Hier” маиший электроника компаниясини ва Россиянинг “Сбербанк” банки кабиларни келтириш мумкин[1].

Саноат иқтисодиётини республика бўйича, айниқса Самарқанд вилояти кесимида чуқур таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тоғ-кон саноати, тўқимачилик, ёғоч, пўкак, қоғоз, кокс ва нефть, кимё, минерал ёки кимё ўғитлари, буғдой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан кескин қисқарган. Спиртли ичимликлар, пахта толаси ва чигити, тивити (линт) ишлаб чиқариш эса ўтган йилга нисбатан 3 баробарга камайган.

Маълумки, Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг фикримизча, ҳар қандай саноат тармоғини ривожлантиришимизда ишлаб чиқариш имкониятлари, таққослама афзаллик, харажатлар ва манфаат нисбатини ҳисобга олган ҳолда халқаро меҳнат тақсимотида ўрин эгаллаб, рақобатбардош, сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш лозим. Бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш таклиф этилади:

- ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш паритетини таъминлаш;
- трансформация қилинган саноат корхоналар фаолиятини шаффофлик асосида юритиш;
- монопол корхоналар фаолиятини чеклаш;
- хом-ашёларни максимал даражада ишлов бериб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;
- мамлакатда ишлаб чиқариш имконияти бўлган ҳар кандай импорт маҳсулотларини чеклаш;
- мавжуд бўлган чиқиндиларни экология талабларига мос равишда утилизация қилиш;
- саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоятда саноат маҳсулотларини диверсификация қилиш ва маҳаллийлаштириш, ушбу соҳада инвестицион

[1] https://napm.uz/download.php?f=Press-reliz_Transformatsiya-goskompaniy-uz.doc&i=30545

шаффофликни таъминлаш халқ истеъмоли товарлари ва хизматларини сифатини ошириб, аҳолининг эҳтиёжини тўлароқ қондириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 сонли Фармони 07.02.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020-йил 5-октябрдаги ПФ-6079 сонли Фармони.
3. Анискин Ю.П. "Основы бизнеса" Москва. Омега-2016.
4. Бен Бернанке, Роберт Френк "Экономикс" Экспресс курс Питер-2012.

Н.Н. Сафарова– PhD, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШДАГИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: мазкур мақола камбағаллик ва уни қисқартиришда ижтимоий ҳимоянинг ностандарт усулларини ўрганишга бағишланган. Адабиёт шарҳида камбағаллик ва уни аниқлаш бўйича олиб борилган муҳим илмий ишлар ёритилган, шунингдек, турли концептуал ёндашувлар муҳокама қилинган. Камбағалликни қисқартириш чора тадбирлари ёритилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, мутлоқ камбағаллик, нисбий камбағаллик, ижтимоий ҳимоя.

Аннотация: данная статья посвящена исследованию бедности и нестандартных методов социальной защиты в ее сокращении. В обзоре литературы освещаются важные научные работы по бедности и её определению, также обсуждаются различные концептуальные подходы. Охватываются меры по сокращению бедности.

Ключевые слова: бедность, абсолютная бедность, относительная бедность, социальная защита.

Abstract: This article is devoted to the study of poverty and non-standard methods of social protection in its reduction. The literature review highlights important scientific work on poverty and its definition, and discusses various conceptual approaches. Measures to reduce poverty are covered.

Keywords: poverty, absolute poverty, relative poverty, social protection

Камбағаллик муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этиши билан олимлар, ҳукумат вакиллари ва халқаро ҳамкорлик ташкилотларининг диққат марказидаги масала бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда камбағаллик ўртасида умумий жиҳатлар билан бир қаторда чуқур тафовутлар ҳам кузатилади. Шу боис, камбағаллик муаммосини самарали таҳлил қилиш ва қисқартириш ечимларини таклиф этиш учун уни нима эканлигини аниқлаш талаб этилади.

Камбағаллик тушунчаси замон ва маконга боғлиқ равишда ўзгариб бориши туфайли унга умумлашган ягона таъриф беришга эришилмаган. Масаланинг эътиборга молик жиҳати шундаки, вақт ўтиши билан камбағаллик таърифлари билан ўлчаш услублари мураккаблашиб, дастлабки асосий эҳтиёжларга асосланган таърифлардан кўп ўлчовли таърифларга ўтиш кузатилмоқда. Масалан, замонавий иқтисодий назария отаси ҳисобланган Адам Смит камбағаллик бу инсон табиати ёки одат бўйича талаб қилинадиган эҳтиёжни сотиб олишга қурби етмаслигидир, деб таърифлайди[1]. У таърифда жамият одатлари келтириб чиқарган эҳтиёжларни ҳам эътиборга олиш орқали камбағаллик замирида нисбийлик элементи ҳам мавжудигига ишора қилади, бироқ ўша даврларга хос тарзда моддий эҳтиёжларни қондириш қобилиятини кўриб чиқиш билан чекланади.

Камбағалликни мутлақ ўлчовини киритиш билан соҳага улкан ҳисса қўшган социолог тадқиқотчи олим Роунтри ўзининг туғилган шаҳри Йоркда (Буюк Британия) оилалар орасида камбағалликни ўлчаш мақсадида маълумот тўплашга қарор қилади, унинг мақсади камбағалликни ўлчаш билан чекланмай, унинг табиатини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Натижада камбағалликнинг дастлабки таърифларидан бири келтирилади ва унга кўра камбағал оила – умумий даромадлари жисмоний самарадорликни таъминлаш учун минимал эҳтиёжларни қоплашга ҳам етарли бўлмаган оиладир. Мазкур таърифга тўғри келувчи оилалар салмоғини ҳисоблаш учун Роунтри даромадга асосланган камбағаллик чегарасини яратди[2].

Бунда даромад оила аъзоларининг озуқавий эҳтиёжлари, кийим-кечак ва уй анжомларини энг кам миқдорда қондириш учун зарур бўлган пул маблағи билан ўлчанди ва ҳозирда кенг қўлланилаётган камбағаллик чизиғи концепциясига асос солинди.

Бугунги кунда шаклланган қарашларда эса камбағаллик бирламчи эҳтиёжлардан ташқари, шахснинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ эҳтиёжларни ҳам акс эттиради. Камбағаллик назарияси ривожига улкан ҳисса қўшган А.Сен нисбий таъриф тарафдорлари ва мутлақ нуқтаи назарни қўллаб-қувватловчилар орасидаги мунозарага ойдинлик киритди. Камбағалликни ўрганишда қўшган ҳиссаси учун А.Сен 1998 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган.У юқорида келтирилган иккала ёндашув ҳам камчиликдан холи эмас, дея танқид қилди. Сеннинг фикрига кўра, камбағаллик, аслида, инсоннинг имкониятлари доирасида мутлақ маҳрумлиги бўлсада, у кўпинча товар, даромад ва ресурслардан нисбий маҳрум бўлиш орқали ифодаланади[3]. Умаҳсулотларнинг минимал даражаси ҳар бир одам учун бир хил эмаслигини таъкидлади (масалан, одамлар жинси, ёши ёки географи зонасидаги иқлим шароитига қараб турли хил озуқавий эҳтиёжларга эгадир). Муҳими, товарларнинг ўзи эмас, балки улардан фойдаланиш, яъни ҳар бир инсон товарни фаровонликка айлантириш қобилиятидир. Шу аснода, Сеннинг

[1] Smith, A. (1776), "An enquiry into the nature and causes of the wealth of nations", London: Methuen & Co., Ltd.
[2] Rowntree, S. B. (1908). Poverty: A study of town life. London: MacMillan.
[3] Sen, A. (1983), "Poor, relatively speaking", Oxford Economic Papers, 35, 153-169.

камбағаллик концепцияси нисбий бўлсада, унинг таклиф қилган ўлчов усули мутлақдир: камбағал инсон - бу жамиятнинг бошқа аъзоларининг имконларидан қатъий назар, минимал имконларга эга бўлмаган кишидир[1]. Камбағалликни ўрганишда қўшган ҳиссаси учун А.Сен 1998 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб, халқаро институтлар ҳам камбағалликни қисқартиришга алоҳида аҳамият бера бошлади, Жаҳон банки бу соҳада етакчилардан бири бўлди. Жаҳон банки камбағалликни пул етишмаслигидан кўра чуқурроқ ҳолат, инсонлар чиқиб кетишни хоҳловчи вазият, барча курашиши лозим бўлган чақирикдир, дея тавсифлайди[2].

Камбағаллик аҳолига турли йўллар билан салбий таъсир кўрсатувчи мураккаб хатар омилларини ўз ичига олади. У омиллардан тўртта энг асосийси сифатида қуйидагилар келтирилган:

- Ҳиссий ва ижтимоий муаммолар;
- Ўткир ва сурункали стресслар;
- Когнитив (англашдаги) кечикишлар;
- Соғликни сақлаш ва хавфсизлик муаммолари

Хавф омилларининг йиғиндиси кундалик ҳаётни курашга айлантиради, бу омиллар кўп қиррали ва бир-бирига чирмашиб, вайрон қилувчи таъсирни ҳосил қилади.

Юқорида камбағаллик кўп ўлчовли ҳодиса бўлсада, уни кўпинча даромад ва истеъмолга асосланган иқтисодий мезонлар ўрдамида ўлчанишини кўриб ўтдик. А.Сен камбағалликни қобилиятсизлик туфайли имкониятлардан маҳрум бўлиш орқали ифодалаши муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳақиқий даромадларни ҳақиқий имкониятларга айлантириш ижтимоий шароитлар ва индивидуал дунёқараш билан чамбарчас боғликдир [3] . Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳам Амартья Сеннинг қарашларини ўз лойиҳаларида акс эттирган. БМТнинг 17та Барқарор ривожланиш мақсадларининг энг биринчиси “камбағалликни ҳар қандай шаклини ҳамма жойда тугатиш” этиб белгиланган. Бутун дунёда ривожланиш лойиҳалари ва камбағалликни қисқартириш дастурларида камбағал ва заиф қатламни жамоатчилик талабига асосланган ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш воситаларидан фойдаланилади.

Иқтисодий ўсиш камбағал қатламни самарали иш билан таъминлаш орқали оғир вазиятдан чиқаришнинг асосий воситаларидан биридир. Африка, Бразилия, Коста-Рика , Индонезия ва Хитойда олиб борилган тадқиқотлар 1970-2000 йилларда кузатилган жадал иқтисодий ўсиш аҳолининг катта қисмини молиявий қашшоқликдан халос қилганлигини кўрсатган [4] .

[1] Cardoso S., M. & Teixeira, A., C. (2020). The Focus on Poverty in the Most Influential Journals in Economics: A Bibliometric Analysis of the “Blue Ribbon” Journals. Poverty and Public Policy, 12 (1), p. 10-42.
[2] World Bank. (2016). Global monitoring report 2016. Washington, DC: Author. Retrieved December, 17, 2020, from https://www.worldbank.org/en/topic/poverty/overview.
[3] Sen AK. Social exclusion: concept, application, and scrutiny Social Development Papers No. 1. 2000. Office of Environment and Social Development, Asian Development Bank; Manila, Philippines. ISBN: 971-561-274-1.
[4] World Bank. World Development Report 2000/2001: Attacking Poverty World Development Report. Oxford University Press; New York, Washington, DC, USA: 2001.

Ҳақиқатан, иқтисодий ўсишдан олинган иқтисодий ресурслар ҳукумат томонидан камбағалларнинг асосий эҳтиёжлари бўлган соғликни сақлаш, таълим ва уй-жой қурилиши соҳаларига йўналтирилади.

Умумий тарзда камбағалликни камайтириш стратегияларини тўртга бўлиш мумкин: жамоат ташкилотлари томонидан микромолиялаш, лаёқат ва ижтимоий хавфсизлик, бозор қонунларига асосланган тадбирлар ва самарали бошқарув.

Микромолиялашга асосланган камбағалликни қисқартириш стратегияси энг кенг тарқалган усул ҳисобланади. Ҳозирги кунда микромолиялаш институтлари Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор ривожланаётган давлатларида фаолият юритмоқда. Тадқиқотчилар ва сиёсатчиларнинг аксари ривожланаётган мамлакатларда микромолиялаш камбағалларга (айниқса аёлларга) имконият яратади, даромад келтириувчи фаолиятни қўллаб-қувватлайди ва заифликни камайтиради, деб ҳисоблайди[1,2]. Микромолия янада самарали бўлиши учун тадбиркорлик маҳоратини ошириш, технологик қўллаб-қувватлаш билан биргаликда соғликни сақлаш ва санитария шароитлари, таълим билан боғлиқ стратегияларни биргаликда олиб бориш керак[3].

Х.Э. Азимова– старший преподаватель Каршинский инженерно-экономический институт

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Annotatsiya: Maqolada butun dunyoda raqamli iqtisodiyotning shakllanishi va rivojlanishi, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasida milliy iqtisodiyotni faol raqamlashtirish zarurligi haqida so‘z boradi. O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy etishni kuchaytirish bo‘yicha taklif qilingan yo‘nalishlarga e'tibor qaratilmoqda.

Kalit so‘zlar: bozor iqtisodiyoti, jahon iqtisodiyoti, raqamli iqtisodiyot, axborot, raqamlashtirish, strategiya, O‘zbekiston iqtisodiyoti.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы становления и развития цифровой экономики в мире в целом, а также я необходимость активной цифровизации национальной экономики в Республике Узбекистан. Уделено внимание направлениям предложенным по активизации внедрения цифровой экономики в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: рыночная экономика, мировая экономика,цифровая экономика, информация, цифровизация, стратегия, экономика Узбекистана.

[1] World Bank. Finance for all? Policies and pitfalls in expanding access World Bank Policy Research Report. The World Bank, Washington, DC, USA: 2007.

[2] Banerjee SB, Jackson L. Micro-finance and the business of poverty reduction: critical perspectives from rural Bangladesh. Human Relations. 2017;70(1):63–91. 10.1177/0018726716640865

[3] Singh, P., K. (2020). Evaluating poverty alleviation strategies in a developing country. PLoS One. 2020; 15(1): e0227176.

Abstract: The article discusses the formation and development of the digital economy in the world as a whole, as well as the need for active digitalization of the national economy in the Republic of Uzbekistan. Attention is paid to the directions proposed to enhance the implementation of the digital economy in the Republic of Uzbekistan**.**

Keywords*:* market economy, world economy, digital economy, information, digitalization, strategy, economy of Uzbekistan**.**

Цифровая экономика - это всемирная сеть экономической деятельности, коммерческих операций и профессиональных взаимодействий, которые поддерживаются информационно-коммуникационными технологиями (ИКТ). Ее можно кратко охарактеризовать как экономику, основанную на цифровых технологиях. В первые дни своего существования цифровая экономика иногда называлась интернет-экономикой, новой экономикой или веб-экономикой из-за ее зависимости от подключения к интернету. Однако экономисты и бизнес-лидеры утверждают, что цифровая экономика является более развитой и сложной, чем интернет-экономика, которая, согласно одному определению, просто означает экономическую ценность, полученную из интернета.

В международном смысле цифровая экономика - это сетевая, системно-организованная пространственная структура взаимоотношений между хозяйствующими субъектами. Она включает в себя сектор создания и использования новой информации, технологии и продукты, телекоммуникационные услуги, электронный бизнес, электронную торговлю, электронные рынки, дистанционное обслуживание и другие компоненты.

Развивающаяся цифровая экономика обладает потенциалом генерировать в новые научные исследования, подпитывая рабочие места и экономический рост. На сегодня развитие цифровой экономики актуально не только для Узбекистана, но и для всего мирового сообщества. Именно поэтому закономерности и тенденции развития цифровой экономики являются объектом повышенного внимания научных исследователей и специалистов практического направления, о чем свидетельствует значительное количество трудов в сфере методологии, инструментария и функций цифровой экономики, а также последствия ее распространения.

На данный момент крупные компании во всем мире осознают реалии по цифровизации, ориентируются на облачные технологии и модернизацию сетевой инфраструктуры. Цифровизация, формирование цифровой экономики открывают значительные возможности для потребителей, государства и общества целиком. Среди ведущих стран по поддержанию цифровой экономики в мире можно выделить Сингапур, Китай, Южную Корею, Новую Зеландию и Данию. Данные стран осуществили важные инициативы в области цифровизации и формирования высоких технологий.

Цифровизация приводит к росту мировой экономики, например, согласно оценкам авторитетной консалтинговой компании "McKinsey Global Institute", использование новейших цифровых технологий до 2025 года

приведет к возрастанию валового внутреннего продукта (ВВП) в мире на уровне 3-6 трлн. долларов США.[1]. Прогнозы компании показали, что этому росту станет причиной развитие 12 видов высоких технологий (мобильный интернет, передовая роботизация, облачные технологии, возобновляемая энергия, Интернет вещей (IoT) - беспроводная передача данных, мобильности и искусственного интеллекта и т.д.).

Переход экономики на цифровизацию подразумевает наличие на каждом её этапе данных в цифровом виде и процессов, которые поддерживают свободное передвижение этих данных между производителями и покупателями. И в данном случае роль государства велика, потому-что она заключается в обеспечении системы для такого взаимодействия, а ролью организаций является самостоятельная адаптация к реальным событиям глобализационных технологий, что на сегодняшний день требует соответствующей цифровой стратегии. Наиболее высоких результатов добиваются те компании, где инновационная деятельность обусловлена поддержкой руководства, развитой инновационной культурой и желанием сотрудников развиваться.

На сегодняшний день в мире не существует единого понимания такого явления, как «цифровая» экономика, зато существует множество определений. Так, в соответствии принятого постановления Президентом Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёевым от 3 июля 2018 года № ПП — 3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» которое представляет собой документ о всесторонней стратегии развития информационных технологий в стране на ближайшее десятилетие. В Республике Узбекистан внедряются активно элементы цифровой экономики в национальную экономику. Слова Президента Республики Узбекистан приведенные в его Послании к Олий Мажлису: «… нам следует разработать Национальную концепцию цифровой экономики, предусматривающую обновление всех сфер экономики на базе цифровых технологий, и на этой основе внедрить программу «Цифровой Узбекистан — 2030» являются этому подтверждением [2].

На пути формирования, внедрения и развития цифровизации в Республике Узбекистан как компонента экономики стало принятие Указа Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах», основным направлением которого является формирование инновационной модели развития экономики Узбекистана [3].

Цифровая экономика это экономика, которая стремительно и неизбежно проникает во все сферы и области традиционного хозяйствования. Результатом этого является повышение производительности труда; она по утверждениям экспертов положит конец доминированию работников сферы нематериального труда и ознаменует появление новой социальной прослойки. По определению Всемирного банка, в самом общем смысле, цифровая

экономика представляет собой систему экономических, социальных и культурных отношений, основанных на использовании цифровых информационно-коммуникационных технологий.

Поэтому, конкурентоспособность региональной экономики сегодня во многом определяется уровнем ее информатизации. Основными драйверами роста экономики Узбекистана, которые определяют ее отраслевую структуру, являются высокотехнологичные отрасли, такие как разработка программного обеспечения, научно-исследовательская деятельность, а также в целом все наукоемкие производства, формирующие базис нового технологического уклада региональной экономики.

В 2018 году в индексе информационно-коммуникационного развития среди 176 стран Узбекистан занимает 95-е место и доля информационных технологий в ВВП страны составляет всего 2,2 %. В Республике Узбекистан для развития цифровой экономики осуществляется ряд государственных программ, но и существует ряд проблем, которые препятствуют этому:

-пересмотр законодательной базы, которая регулирует сферу цифровизации;

-отсутствие положений и принципов в сфере ИКТ на законодательном уровне;

-нехватка инфраструктуры и современных технологий, которые могут обеспечить стабильную работу цифровой экономики;

-низкий уровень кадрового потенциала в сфере цифровой экономики [4].

Для эффективной реализации основ цифровой экономики в Республике Узбекистан по нашему мнению нужно обратить внимание на основные приоритеты такие как:

1.увеличение разнообразия каналов и пропускной способности международной связи;

2.сокращение ряда послаблений для иностранных инвесторов с целью стимулирования в развертывании сетей;

3.снижение налогов с целью повышения их ценовой доступности на персональные устройства .

Список использованной литературы:

1. https://www.mckinsey.com
2. Мирзиёев, Ш. М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису/ Народное слово, 28 декабря 2019 г.
3. О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития». Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-5635 от 17.01.2019//Национальная база данных законодательства, 18.01.2019 г., № 06/19/5635/2502
4. Курпаяниди, К. И., Толибов И. Ш. К вопросу оценки состояния и эффективности инфраструктуры предпринимательства в регионах Узбекистана // Экономика и бизнес: теория и практика. 2019. № 1.

Ш.Ш.Пўлотов – ассистент кафедры «Менеджмент», Бухарского инженерно-технологического института
Р.Хамидов, Г.Равшанова, Ф.Камбаров – магистранты Бухарского инженерно-технологического института

ПУТИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В статье раскрыто значение цифровой экономики, результаты и планы её развития, пути дальнейшего развития телекоммуникационной инфаструктуры, создание целостной системы оказания современных электронных государственных услуг.

Ключевые слова: инновационное развитие, цифровая экономика, коммуникационная технология, электронное правительство.

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyotning ahamiyati, uning rivojlanishi natijalari va rejalari, telekommunikatsiya infratuzilmasini yanada rivojlantirish yo‘llari, zamonaviy elektron davlat xizmatlarini taqdim etishning ajralmas tizimini yaratish haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: innovatsion rivojlanish, raqamli iqtisodiyot, aloqa texnologiyalari, elektron hukumat.

Abstract: The article reveals the importance of the digital economy, the results and plans for its development, ways of further development of the telecommunications infrastructure, the creation of an integral system for the provision of modern electronic public services.

Keywords: innovative development, digital economy, communication technology, e-government.

За последние два года в Узбекистане были осуществлены конкретные меры, направленные на развитие электронного правительства, создание целостной системы оказания современных электронных государственных услуг.

В масштабах всей отрасли одним из главных программных документов, определяющих вектор развития ИКТ - сферы на ближайшую перспективу, является постановление Президента Республики Узбекистан **«О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства».** Согласно ему намечено увеличить долю цифровой экономики в ВВП страны к 2023 году в **2 раза** и объем услуг в данной сфере **в 3 раза** с доведением их экспорта до **100 миллионов долларов.** Соответственно в период **2020-2022 годов** запланирована реализация **268 проектов** по самым различным направлениям хозяйственной и экономической деятельности.

Однозначно, в числе первостепенных задач в области развития всей сферы инфокоммуникаций - обеспечение высокоскоростным подключением к интернету объектов социальной сферы - учреждений здравоохранения и образования. Так, к настоящему времени порядка 60 процентов всех социальных объектов **(11 875 единиц),** в том числе **5760 общеобразовательных школ, 3782 ДОО,** а также **2333 объекта здравоохранения** обеспечены высокоскоростным интернетом на основе

оптоволоконных технологий.

Развитие системы электронного правительства, несомненно, играет важнейшую роль в цифровой трансформации всего общества и социально-экономическом развитии государства. В первую очередь это значительно упростит работу государственных органов, а граждане получат очевидные выгоды и преимущества.

- *В числе важных проектов, реализуемых при непосредственном участии министерства, можно отметить проект «Цифровой Ташкент».*

Вопрос бурного развития городов и городского населения с каждым годом все больше приобретает свою актуальность и остроту. В этом контексте концепция «цифрового города» подразумевает качественный пересмотр человеческой жизнедеятельности в крупных населенных пунктах: создание комфортной городской среды благодаря широкому внедрению и использованию цифровых технологий.

Для Узбекистана с 34-миллионным населением это весьма важно. Именно с учетом этого разработана комплексная программа **«Цифровой Ташкент»,** направленная на полное преображение информационной ауры нашей столицы с внедрением передовых информационно-коммуникационных технологий.

Так, одним из главных условий стабильного развития любого общества является развитая **система здравоохранения.** Планируется коренным образом совершенствовать деятельность столичных медицинских учреждений и повысить качество оказываемых медицинских услуг за счет цифровизации сферы.

Ёщё одно важное направление, как **образование,** где цифровизация учебных процессов не только снизит нагрузку на преподавателей, уменьшит расходы, но самое главное, повысит прозрачность в этой сфере

Не менее важным условием обеспечения достойного уровня жизни населения столицы является развитие **жилищно-коммунальной сферы.** В этом плане создание информационно - платежной системы «Менинг уйим» направлено на решение наболевших вопросов в этой отрасли: повышение прозрачности в сфере, повышение платежной дисциплины среди населения, рациональное использование имеющихся ресурсов.

Другим обязательным условием качественного образа жизни городов является наличие развитой системы **общественного транспорта.** Все направления, реализуемые в рамках проекта «Цифровой Ташкент», носят актуальный и важный характер и направлены на создание комфортных условий для жителей и гостей столицы.

Пандемия COVID-19 нанесла урон экономике - режим самоизоляции во всем мире послужил катализатором для развития цифровых технологий. Оказалось, что именно цифровые технологии являются наиболее эффективным инструментом, способным обеспечить работоспособность всех сфер экономики и общественно-социальной жизни с минимизацией урона.

И как подчеркнул руководитель страны, именно сейчас, в период

пандемии коронавируса, наглядно доказана важность мер по дальнейшему широкому внедрению цифровых технологий в сферу государственного управления, госуслуг, торговли, образования и др.

В числе важных IT-проектов, реализованных за данный период, можно отметить:

- разработку телеграмм-бота **Coronavirus Yordam** для консультации по вопросам коронавирусной инфекции;
- внедрение новой госуслуги **«Абитуриент»** на Едином портале для онлайн-регистрации абитуриентов;
- разработку студентами Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий мобильного приложения **ImtihonGo** для определения места проведения вступительных экзаменов;
- мобильное приложение **Self-safety** для сохранения социальной дистанции;
- проект студентов Университета Инха в Ташкенте **«Birdamlik»** для координации волонтерского движения;
- бесплатные образовательные курсы на узбекском языке совместно с **Coursera** - одной из ведущих образовательных онлайн-платформ в мире.

Помимо этого, в условиях карантинного режима все телекоммуникационные операторы и провайдеры предложили своим абонентам новые, более выгодные тарифы и внедрили новые услуги в целях создания дополнительных удобств для своих клиентов.

Как мы видим из приведенных фактов, цифровая экономика - это всеобъемлющее понятие, охватывающее все без исключения отрасли хозяйства и сферы жизнедеятельности. И в свою очередь Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций осуществляется масштабная и комплексная работа, направленная на полное и комплексное преображение экономики Узбекистана и дальнейшее повышение конкурентоспособности и привлекательности имиджа страны на международной арене.

Sh.A.Alimova – Buxoro muhandislik-texnologiya institute “Menejment” kafedrasi assistenti
D.R.Halimova – Buxoro muhandislik-texnologiya institute magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH – BUXORO VILOYATIDA INNOVATSION NATIJADORLIKKA ERISHISH

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyotning ahamiyati, uni rivojlantirish natijalari va rejalari, Ijtimoiy-iqtisodiy tizimlarning turli xil elementlarini modernizatsiyalashni ta'minlaydigan innovatsion muhit, zamonaviy elektron davlat xizmatlarini taqdim etishning ajralmas tizimini yaratish haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: innovatsion rivojlanish, raqamli iqtisodiyot, aloqa texnologiyalari, raqamlashtirish.

Аннотация: В статье представлена информация о значении цифровой экономики, результатах и планах ее развития, об инновационной среде, обеспечивающей модернизацию различных элементов социально-экономических систем, создание целостной системы современных услуг электронного правительства.

Ключевые слова: инновационный образ жизни, цифровая экономика, коммуникационные технологии, цифровизация.

Abstract:: The article provides information on the importance of the digital economy, the results and plans for its development, the innovative environment that provides modernization of various elements of socio-economic systems, the creation of an integral system of modern e-government services.

Keywords: innovative development, digital economy, communication technologies, digitization.

Innovatsion rivojlanishning muhim omillaridan biri bu qulay muhit va innovatsiyalarni yaratishni rag'batlantiradigan innovatsion iqlimning mavjudligi, g'oyalar va ishlanmalarning bozor mahsulotlariga aylanishini ta'minlash, ushbu mahsulotlarni iqtisodiyotning eng muhim tarmoqlariga kiritishdir.

Ijtimoiy-iqtisodiy tizimlarning turli xil elementlarini modernizatsiyalashni ta'minlaydigan innovatsion muhit raqamli iqtisodiyot ehtiyojlariga muvofiq o‘zgarishga muhtoj. Evropa Ittifoqida - taxminan 2,8 foizni tashkil etadi, raqamli iqtisodiyotning jahon yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 5,5 foizni tashkil qiladi. Raqamli iqtisodiyot O‘zbekistonda sodir bo‘layotgan jarayonlarga dahldordir. Jahon iqtisodiy forumi hisobotiga ko‘ra, tegishli texnologiyalarning mavjudligi, ulardan foydalanib, iqtisodiyotga va jamoatchilik bilan aloqalarga ta'siri jihatidan mamlakatimiz eng rivojlangan mamlakatlarning 30 taligiga kiradi. Hozirgi kunda IMD tadqiqotlariga ko‘ra, keyingi besh yil ichida sanoatni boshqarayotgan kompaniyalarning 40% raqamli transformatsiyani amalga oshirmasa, o‘z pozitsiyalaridan mahrum bo‘lishadi.

Iqtisodiy taraqqiyotning evolyutsion mohiyatini va raqamlashtirishning muqarrarligini tan olib, shuni ta'kidlash kerakki, hozirgi paytda keng qamrovli yaxlit yondashuv mavjud emas, ulardan foydalanish butun innovatsion ekotizimning raqamli o‘zgarishini, shuningdek, innovatsion muhitni yuqori texnologiyali bozorlarda global raqobatbardoshlikka erishishning muhim sharti hisoblanadi. Ilmiy tadqiqotlarning zaruriyati va dolzarbligi shundaki, amalda milliy iqtisodiyot, mintaqalar, tarmoqlar va korxonalarning innovatsion muhitini boshqarish jarayonini ijtimoiy-iqtisodiy tizim sifatida amalga oshirishga imkon beradigan moslashuvchan nazariy va uslubiy tavsiyalar sohasida muammoni o‘rganish. Taklif etilayotgan tadqiqotning konvergent xarakteri ilmiy manbalarga yangi manbalarni kiritish, ilmiy qiziqish jabhalarini va iqtisodiy rivojlanish qonunlarini qayta ko‘rib chiqish vazifasini keltirib chiqaradi.

Ishlab chiqarish korxonalaridagi haqiqiy holatni Buxoro viloyati mintaqasi kesimida chuqur tahlil qilish asosida iste’molchini nafaqat sifatli mahsulot bilan ta’minlash, balki namunali servis xizmati, xaridor bilan muomala madaniyati, kommunikativ jarayonlar sifatini oshirish bo‘yicha hududiy va tarmoq dasturlarini

ishlab chiqish va ularning bajarilishini muvofiqlashtirish, sifatli xizmat koʻrsatish boʻyicha davlat buyurtmalarini ishlab chiqish va dunyo bozorida raqobatga chidamli ishlab chiqaruvchi korxonalarga aylanish boʻyicha aniq maqsadga yoʻnaltirilgan kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish.

Maqsadga erishish zarurati quyidagi kattalashtirilgan bloklarga birlashtirilgan koʻp mezonli vazifalarni hal qilishni talab qildi:

- raqamli iqtisodiyotda innovatsion muhitni boshqarish boʻyicha kontseptual qoidalarni ishlab chiqish;
- innovatsion muhitni baholashga uslubiy yondashuvni taklif qilish;
- innovatsion muhitning ekotizimning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta'sirini baholash metodologiyasini ishlab chiqish;
- raqamli iqtisodiyotda innovatsion muhitni oʻzgartirish strategiyasini shakllantirish boʻyicha tavsiyalar ishlab chiqish.

Raqamli iqtisodiyotda innovatsion muhitni boshqarish boʻyicha kontseptual qoidalar ishlab chiqilgan boʻlib, unda innovatsion muhitni kontinum sifatida joylashtirishda farq qiluvchi innovatsion muhitning mazmunini aniqlash va raqamli iqtisodiyotning xususiyatlarini aniqlashtirish boʻyicha muallifning yondashuvi mavjud. shu jumladan, innovatsion muhit elementlari oʻrtasida yuzaga keladigan aloqalarni hisobga olgan holda innovatsion faoliyatni rivojlantirish maqsadlari va istiqbollarini ochib berishga imkon beradigan resurslar, infratuzilma va texnologik xavfsizlik, institutsional qulaylik shartlari, inson kapitali darajasi.

Innovatsion muhitni baholashga metodologik yondashuv taklif etiladi, bu innovatsion piramidaning olti qatlami (qiymatlar, institutlar, tarmoqlarning etukligi, infratuzilma, texnologiya, inson kapitali) boʻyicha taxminiy koʻrsatkichlarni uyg'unlashtirish bilan tavsiflanadi, bu toifalarga ajratishga imkon beradi. Qulaylik darajasi boʻyicha Buxoro viloyati sub'uektlarining innovatsion muhitni rivojlanishining sezgir shakllarini aniqlash. Korrelyatsiya-regressiya modellarini qurish va tashqi va ichki omillar oʻrtasidagi oʻzaro bog'liqlikni aniqlashga asoslangan holda ekotizimning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga innovatsion muhit ta'sirini baholash usuli ishlab chiqildi, bu esa quyidagilarga imkon beradi. Strategik rivojlanish maqsadlariga erishish uchun innovatsion muhitga kerakli boshqaruv ta'sirining maqsad zonalarini tavsiflovchi dominant va retsessiv xususiyatlarni aniqlash uchun uzunlamasına oʻrganish. Shubha yoʻqki, yuqoridagi barcha bosqichlar yangilikning u yoki bu namoyon boʻlishi sifatida tavsiflanishi mumkin. Shu bilan birga, innovatsion faoliyat nafaqat yaratishga, balki ilg'or yangiliklarni joriy etishga yoʻnaltirilgan faoliyat sifatida faoliyatning turi va sferasi emas, balki faoliyatning tabiati ekanligiga alohida e'tibor qaratish lozim. Innovatsion soha aniq ajratilgan predmet sohasi sifatida mavjud emas, chunki har qanday sohada har qanday faoliyat yangi (bilim, texnologiyalar, texnika, yondashuvlar) unga juda talab qilinadigan natijaga erishish uchun kiritilsa, innovatsion boʻlishi mumkin.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Т.Досчанов – УрДУ профессори, и.ф.д.,
У.И. Нурматов– УрДУ магистранти, Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилояти божхона бошқармаси ходими

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ИМПОРТИДА БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада инновацион ривожланиш шароитида мамлакат импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг бугунги кундаги улуши ва бу борада божхона хизматларининг тартиб-тамойилларини ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: экспорт-импорт операциялари, ташқи иқтисодий фаолият, “Ягона дарча” автоматлаштирилган ахборот тизими, “Хавфни бошқариш тизими” автоматлаштирилган ахборот тизими.

Аннотация: В статье рассматривается текущая доля продовольственных товаров в импорте страны в контексте инновационного развития и рекомендации по развитию процедур таможенной службы в этом отношении.

Ключевые слова: экспортно-импортные операции, внешнеэкономическая деятельность, автоматизированная информационная система “Единое окно”, автоматизированная информационная система “Система управления рисками”.

Abstract: This article discusses the current share of food products in the country's imports in the context of innovative development and recommendations for the development of customs service procedures in this regard.

Keywords: export-import operations, foreign economic activity, automated information system "Single Window", automated information system "Risk Management System".

Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка мувофиқлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини, хизматларини такомиллаштириш ва тартиб-қоидаларини очиқ иқтисодиёт талабларига мувофиқ эркинлаштириш тақозо қилади. Шу билан бирга, инновацион ривожланиш шароитида “қоғозсиз ва электрон божхона” масалалари импорт соҳасида лозим даражада ривожланмаётганлиги, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларида контрафакт товарларни олиб ўтиш, коррупция, ноқонуний валюта операциялари ва божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш усуллари божхона маъмуриятчилигининг синовдан ўтказилган ва замонавий усулларини қўллашни талаб этмоқда[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларига эҳтиёж юқори бўлганлиги ва бу товарларни хориждан импорт қилиш ўзимизда етиштиришдан кўра самарали бўлганликлари сабабли бир қанча мамлакатларидан уларнинг импорти сақланиб қолмоқда. Озиқ-овқат экспорти салоҳиятимиз муттасил ўсиб бораётган бир пайтда иқтисодий жиҳатдан юртимизда хориждан олиб келиш самарали бўлган, бизда етиштириш имконияти чекланган ва таннархи юқори бўлган кўплаб маҳсулотларнинг ўзи ҳам хориждан импорт қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шу жараёнларда сифатсиз ва ноқонуний товарлар оқимини ўз вақтида аниқлаб, улар йўлини тўхтатиш такомиллашган божхона хизмати органларининг асосий вазифаларидандир. Дарҳақиқат, мамлакатда озиқ-овқат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда республикага кириб келиши ёки ички ҳудудларда сифатсиз маҳсулотларнинг хуфиёна тайёрланиши иқтисодиётимизга бўлаётган энг асосий иқтисодий таҳдидлардан бири ҳисобланади[1].

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва хорижий давлатлар билан ўзаро самарали импорт-экспорт жараёнлари ривожланиб бораётган бир даврда божхона хизматлари сифатини яхшилаш ва тизимнинг замонавий жиҳозлар билан таъминланиш, уларнинг самарали қўллайдиган малакали божхона мутахассислари билим ва кўникмаларини юқори бўлиши божхона хизматларининг самарадорлигини оширишнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Божхона тизими амалиётида улар ходимларининг чегара ва ташқи иқтисодий фаолият(ТИФ) божхона постларида хизмат олиб бораётган етук ходимларнинг бир вақтда ҳушёр ва сергак ҳолатда бўлиши ҳам лозим. Албатта, бу ходимлар фаолиятининг самарали натижалари уларнинг руҳий ва физиологик томондан соғлом бўлиши билан кунлик иш юкланмалари ўзаро уйғунликда олиб борилишига бевосита боғлиқдир. Яъни, божхона тизимида инсон омилини ифодалайдиган божхона ходими бугунги кунда қонун ҳужжатларга асосан божхона хизматларини юқори даражасини белгилайдиган, ҳамда божхона тўловларини бюджетнинг фискал вазифаларини бажариш мақсадини амалга оширишда интеллектуал омил сифатида гавдаланади.

Айни пайтда Давлат божхона қўмитаси(ДБҚ) томонидан инновацион омил сифатида жорий қилинган “Ягона ойна” божхона ахборот тизими (БАТ)нинг жорий этилиши божхона хизматлари жараёнларини тезлаштирмоқда ва ташқи иқтисодий фаолият(ТИФ) қатнашчиларининг ортиқча вақтини ва харажатларини кескин камайтирмоқда. “Ягона ойна” таркибида рухсатномалар берувчи ташкилотлар рўйхатига божхона хизматлари инфратузилмасига бевосита алоқадор бўлган Йўл жамғармаси ва Суғурта компаниялари билан ҳамкорлигининг кенг йўлга қўйиш фикримизча, божхона хизматларини самарадорлигини оширади. Бу эса ўз навбатида соҳада бир қатор қулайликлар яратишга олиб келади:

- божхона операцияларини расмийлаштириш муддатларини қисқартиради;

Фармони. 2020 йил 5 июнь// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси “Lex.uz”, 2020.

[1] Каримқулов Қ. “Контрафакт товарлар йўлига ғов бўлиб”. (СБХ. №37 (1309), 2019 йил 10 сентябрь.

- божхона тўловларини бехато ва тўғри ундирилишини таъминлайди;
- чегара божхона постларидаги автотранспорт воситаларининг тирбанд бўлиб қолишлигини олдини олади;
- Хизмат фаолияти давомидаги коррупцион ҳолатларини кескин камайтиради.

Мамлакат озиқ-овқат импортидаги замонавий божхона хизматларини кенг қўлланилиши бу хизматлар қатнашчиларининг ўз вақтида тезкорлик билан иш фаолиятини бажарилиши, божхона ходимларини вақтини тежайди ва ўз навбатида автотранспорт воситаларини божхона кўригидан қисқа вақтда ўтказилишини таъминлайди. Шунингдек, автотранспорт воситаларини чегара ва ТИФ божхона постларида узоқ қолиб кетишини олдини олади ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишларини ҳам қисқа муддатларда бажарилишига амалий ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йил товар айланмасининг импорти бўйича маълумотлар таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак(1-расм), унинг умумимпортдаги улуши 18,2% миқдорга тенг бўлиб олдинги йилларга қараганда юқорилигича қолмоқда[1]. Бу эса бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи ҳалигача катталигини кўрсатади.

1-расм.

2020 йилда мамлакат импорти таркиби ва унда озиқ-овқат маҳсулотлари улуши



Импортда озиқ-овқат маҳсулотларининг улушининг юқори бўлиши, 18,2%и (машина ва транспорт ускуналаридан кейин, яъни 40,4%) мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш соҳасини кенг миқёсда модернизация қилиш, импорт ўрнини босадиган ўринбосар товарларни ишлаб чиқариш қувватини оширишни зарурлигини кўрсатади.

Республикамизга 2011-2020 йиллар мобайнида импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари динамикасини таҳлили[2], 2011 йилдан 2015 йилгача озиқ-овқат импорти ҳажми ошиб борганлигини, аммо 2016 йилдан мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш дастурларига асосан импорт ҳажми сезиларли равишда 2018 йилгача пасайганлигини кузатилади(2-расм). Лекин 2020 йилдаги озиқ-овқат импорти

[1] Интернет маълумотлари https://mift.uz/uz/pages/statistika-tovarooborota
[2] ДБҚнинг ЯААТ дастурлари маълумотлари

ҳажми ошиши пандемия сабабли мамлакатимиз озиқ-овқат саноатидаги пасайиши, ҳамда касалликнинг ошиши таъсирида бўлди.

2-расм.



Божхона соҳаси хизматларини яхшилашнинг инновацион воситаларидан бўлган “Хавфни бошқариш тизими” автоматлаштирилган ахборот тизими(ААТ)ни қўллашга ўтилиши божхона хизмати ходимларини ва ТИФ қатнашчиларининг фаолиятини жадаллаштиришга ёрдам беради. Бунда, божхона хизматларининг хавф гуруҳига киритилмаган “яшил йўлак” ТИФ қатнашчилари товарлари тезлаштирилган тарзда, божхона ходимларини ишларини енгиллаштирган ҳолда эркин муомалага чиқарилади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда товар айланмасини жадаллик билан ривожлантиришга ва божхона хизматалрини самарадорлигини оширишга ўз ҳиссани қўшади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона хизматларида инновацион технологияларини кенг қўлланилиши, фикримизча, тизимда бир қанча йўналишларни такомиллаштиришга олиб келади:

1. ДБҚ томонидан жорий қилинган “Ягона ойна” божхона ахборот тизими(БАТ) дастурида қўшимча ТИФ қатнашчилари учун суғурта компаниялари ва йўл жамғармаси молиявий имкониятларидан фойдаланиш учун махсус ойналарни киритиш;

2. Импорт озиқ-овқатлар ҳажмига боғлиқликни камайтириш мақсадида, ўзимизда мамлакат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини қўллаб қувватлаш ва импорт ўрнини босадиган товарларни кўпайтириш учун зарур илғор технологияларни олиб киришни қўллаб қувватлаш ва улар импортини соддалаштириш;

3. Ривожланган мамлакатларининг тажрибалари асосида ДБҚ томонидан яратилган “Хавфни бошқариш тизими” ААТ дастурларида хавф профилларини доимий равишда мамлакатимиз божхона тизимида кенг қўлланиш ва уларни такомиллаштириб бориш божхона тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожланишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотлари импортидаги муаммоларни юзага келиш сабабларини чуқур илмий таҳлил қилиш импорт ўрнини босувчи мамлакат озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш билан бир қаторда божхона хизматларининг инновацион технологияларига асосланган замонавий хизмат турларини кенгайтириш зарур бўлади.

Ш.Н. Хайитов – зав.кафедрой «Менеджмент» к.э.н., доцент Бухарского инженерно-технологического института
М.Музаффарова, М. Каримов, Н.Мухитдинова – магистранты Бухарского инженерно-технологического института

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В статье раскрыта значимость цифровой экономики, проблемы, перспективы и тенденции её развития, степень проникновения информационных технологий в различные сферы экономики, реализация элементов электронного правительства и поддержка цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, коммуникационная технология, законодательство, стагнация.

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyotning ahamiyati, muammolari, rivojlanish istiqbollari va tendentsiyalari, axborot texnologiyalarining iqtisodiyotning turli sohalariga kirib borish darajasi, elektron hukumat elementlarini amalga oshirish va raqamli iqtisodiyotni qo‘llab-quvvatlash haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, aloqa texnologiyalari, qonunchilik, turg'unlik.

Abstract. The article reveals the significance of the digital economy, problems, prospects and trends of its development, the degree of penetration of information technologies into various spheres of the economy, the implementation of elements of e-government and support for the digital economy.

Keywords: digital economy, communication technology, legislation, stagnation.

Узбекистан находится на начальной стадии цифролизации экономики. Для эффективного перехода необходима не только готовность инфраструктуры и самого государства в целом, но и сильное правовое поле, которое обеспечит надежную почву для цифровой экономики и информационную безопасность государства.

Правовое поле, на котором зиждутся информационные технологии и коммуникации Узбекистана, **находится на стадии стагнации из-за долгого отсутствия реформ**.

ИКТ-законодательство Республики Узбекистан состоит из 10 законов, 4 указов президента, 14 постановлений президента и 34 постановлений Кабинета министров:



Как видно, подзаконные акты занимают больше места в ИКТ - законодательстве, чем законы.

Сегодня изучение на научной основе законодательства, тенденций и возможностей развития цифровой экономики в условиях Узбекистана, в частности, степени проникновения современных информационных технологий в различные сферы экономики, имеет первостепенное значение.

Развитие и перспективы нашей Родины, успехи реформ, проводимых в нашей стране в широких масштабах, напрямую связаны с внедрением новых инноваций в национальную экономику. Поэтому важно совершенствовать цифровую экономику, исследовать ее экономические, политические, социальные и правовые основы с научно-практической точки зрения.

Развитие науки, образования и цифровой экономики в нашей стране, то есть повышение в ближайшем будущем интеллектуального потенциала населения, особенно молодежи, а также поддержка сферы информационно-коммуникационных технологий станут одним из приоритетных вопросов государственной политики. В плане развития Узбекистана на ближайшую перспективу прочно закреплены реализация элементов электронного правительства и поддержка цифровой экономики.

Следует отметить, что на совещании, проведенном 22 сентября текущего года главой нашего государства, обсуждался вопрос цифровизации экономики. Новым критерием оценки деятельности хокимов было установлено, что хокимы районов и городов 2-3 дня в месяц должны исключительно заниматься цифровизацией. Подчеркнуто, что оценка их деятельности будет даваться исходя из того, какой уровень цифровизации достигнут в их регионе, а руководителям, достигшим образцовых результатов, будут надбавки к заработной плате в размере до 30 процентов.

Кроме того, глава государства неоднократно отмечал необходимость цифровизировать прежде всего те сферы, с которыми люди сталкиваются чаще всего, и таким образом облегчить жизнь граждан, исходя из этого требования рабочими группами подготовлено 530 региональных и 280 отраслевых проектов, в частности, будут реализованы 239 проектов по цифровизации сфер здравоохранения, кадастра, социальной защиты, сельского хозяйства, образования в 14 районах до конца текущего года и еще в 14 районах в первом квартале следующего года.

Также, с целью ускоренного развития цифровой экономики в стране, широкого внедрения современных информационно-коммуникационных технологий во всех отраслях и сферах, прежде всего, государственном управлении, образовании, здравохранении и сельском хозяйстве 5 октября 2020 года принят Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по ее эффективной реализации».

Согласно указу, в рамках цифровой трансформации регионов и отраслей в 2020-2022 годах предусматривается:

повышение с 78 до 95 процентов уровня подключения населенных пунктов к

сети Интернет, в том числе за счет увеличения до 2,5 миллионов портов широкополосного доступа, прокладки 20 тысяч километров оптико-волоконных линий связи и развития сетей мобильной связи;
внедрение свыше 400 информационных систем, электронных услуг и иных программных продуктов в различных сферах социально-экономического развития регионов;
организация обучения 587 тысяч человек основам компьютерного программирования, в том числе путем привлечения 500 тысяч молодых людей в рамках проекта «Один миллион программистов»;
внедрение свыше 280 информационных систем и программных продуктов по автоматизации процессов управления, производства и логистики на предприятиях реального сектора экономики;
закрепление в регионах соответствующих высших учебных заведений для повышения цифровой грамотности и навыков хокимов, сотрудников государственных органов и организаций, обучения их информационным технологиям и информационной безопасности, а также обучение информационным технологиям 12 тысяч их работников.

На наш взгляд, законодательство ИКТ должно быть полностью либерализовано в соответствии с мировой практикой, чтобы стать максимально благоприятным для инвесторов, как для иностранных, так и локальных.

D.A. Sholdarov– Toshkent moliya instituti, “Byudjet hisobi va g‘aznachilik ishi” kafedrasi mudiri, PhD, Ilmiy rahbar,
B.N. Temirov– Toshkent moliya instituti, Byudjet hisobi va nazorati” yo‘nalishi, 1-kurs magistranti

INNOVATSION VA RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AHOLI BANDLIGI VA TURMUSH DARAJASINI OSHIRISH MASALALARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada mamlakatlarda raqamli iqtisodiyot holati, raqamli iqtisodiyotning insonlar hayotiga ta’siri, raqamli iqtisodiyotning afzalliklari, frilanserlik tushunchasi, raqamli iqtisodiyotning aholi bandligiga ta’siri, davlat byudjeti harajati turlari, raqamli iqtisodiyotning byudjet tizimiga ta’siri yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, raqamli iqtisodiyotning ta’siri, g‘aznachilik tizimi, elektron dasturlar, bandlik.

Аннотация: В статье рассматривается определение состояние цифровой экономики, влияние цифровой экономики на жизнь людей, преимущество цифровой экономики, понятие фрилансера, влияние цифровой экономики на занятость людей, виды расходов государственного бюджета, влияние цифровой экономики на бюджетную систему.

Ключевые слова: Цифровая экономика, влияние цифровой экономики, система казначейства, электронные программы, занятость.

Abstarct: The article examines the concept of condition of the digital economy, influence of digital economy on the life of people, advantages of digital economy, the

notion of freelancer, the influence of digital economy on employment, sorts of expenditures of state budget, the influence of digital economy on budget system.

Key words: Digital economy, the influence of the digital economy, the budget system, electronic programs, employment.

So‘ngi yillarda ko‘pgina mamlakatlarda iqtisodiyotni raqamli ko‘rinishga o‘tkazish uchun jadal ishlar amalga oshirilmoqda. Shu jumladan O‘zbekistonda ham. Buning isboti sifatida 2020-yil mamlakatimizda “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb e’lon qilinishi va davlatimiz rahbarining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilinganligini misol sifatida keltirishimiz mumkin.



1-rasm. Bazi mamlakatlarninig yalpi ichki mahsulotdagi raqamlashtirishning ulushi.[1]

Yuqoridagi 1-rasmga e’tibor beradigan bo‘lsak, O‘zbekistonda bu ko‘rsatkich 2,2%, Buyuk Britaniyada 12,4%, Janubiy Koreyada 8%, Xitoyda 6,9%, Hindistonda 5,6%, Qozog‘istonda esa 3,9% ga tengdir.

Tabiiyki, sizu-bizda ham bu “raqamli iqtisodiyot” bizga nima beradi va bu sharoitda, aholi bandligi, farovonligi, yashash sifati va turmush darajasini oshirish masalalari qay axvolda bo‘ladi va qay tarzda amalga oshiriladi kabi savollar vujudga keladi.

Bir qarashda “Raqamli iqtisodiyot” juda ko‘plab muammolarni yuzaga keltiradi. Aytaylik, ma’lum bir kasblarning yo‘qolib ketishi va ish o‘rinlarining maksimumga qadar qisqartilishi. Bunga misol tariqasida davlat g‘aznachilik tizimida moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirish va hisobini yuritishda katta hajmdagi ishlar elektron qurilmalar tomonidan olib borilayotganini keltirishimiz mumkin. Yanada aniqroq qilib aytadigan bo‘lsak butun boshli mamlakat bo‘ylab davlat byudjeti mablag‘lari o‘tkazmalari elektron qurilmalar orqali olib borilmoqda.

[1] https://review.uz/post/uzbekistan-otsifroviyvaetsya

Bu esa o‘z navbatida personalning ish hajmi unumdorligi oshirishga hizmat qilmoqda va ish o‘rinlarining qisqarishiga sabab bo‘lmoqda.

Biroq “Raqamli iqtisodiyot” sharoitida ham aholi bandligi ko‘rsatkichida yaxshi natijalarga erishish mumkin. Bunga erishishning quyidagicha ko‘rinishlari mavjud;

a) Ko‘pgina hizmatlarning raqamli ko‘rinishga o‘tishi natijasida ushbu xizmatlarni masofadan turib bajarish imkoniyati mavjud bo‘lmoqda. Bularga misol sifatida tarjimonlik, hisobchilik, dispecherlik, arxitektura, dizaynerlik, xuquqshu-noslik, konsalting xizmatlarini olishimiz mumkin. Buning natijasida esa “Frilanser” tushunchasi (ingliz tilida-bir martalik xizmatlarni amalga oshirish natijasida daromad topuvchi shahs) vujudga keldi. Frilanserlik orqali topiladigan daromad juda ko‘plab mamlakatlarda yildan yilga oshib bormoqda. Bu ko‘rsatkich 2019-yilda Amerikada 78%, Buyuk Britaniyada 59%, Brazilyada 48% ga teng bo‘lgan.

Shunday ekan insonlar nafaqat soha bilimlarini balki kompyuter savodxonlik, axborot kommunikatsiyalaridan samarali foydalanish yo‘llarini va ko‘proq chet tillarini o‘rganishga katta e’tibor berishlari lozim. Bu esa o‘z navbatida ma’lum bir personallarning internet tarmog‘i orqali butun jahon mehnat bozoriga chiqish imkonini beradi.[1]

b) Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini aholi bandligiga yana shunday ijobiy jihati bilan tasir o‘tkazadiki bu- yangi kasblarning paydo bo‘lishidir. Bular quyidagilardir:

- Interfeys uslubchisi;
- Virtual advokat;
- Infostilist;
- Raqamli lingvist;
- Muddatli broker;
- Shaxsiy brendni boshqaruvchi;
- Davlat organlari bilan muloqot platformasi moderatori;
- Kiber havfsizlik nazoratchisi.

Ushbu yangi kasblar xaqida insonlarda bilim va malaka xosil qilish yo‘llarini izlash lozim bo‘ladi. Buning uchun esa shu kasb-mutaxassisliklari bo‘yicha oliy va o‘rta ta’lim muasassalarida o‘qish kvotalarini joriy qilish lozim.

2-rasmga ko‘ra Moliya vazirligining 2020-yil uchun byudjetnomasiga ko‘ra byudjet mablag‘lari quyidagicha ko‘rinishda sarflangan:

- ✓ Umum ta’lim maktablari uchun 20 885,2 mlrd so‘m.
- ✓ Oliy ta’lim maktablari uchun 2 266,8. Mlrd so‘m.
- ✓ O‘rta maxsus, kasb-hunar kollejlari va akdemik litseylar uchun 1 718,6 mlrd so‘m.
- ✓ Maktabgacha ta’lim uchun 5 177,0 mlrd so‘m.
- ✓ Ichimlik suvi va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish uchun 1 276,6 mlrd so‘m.
- ✓ Tibbiyot muassasalarini qurish va rekonstruksiya qilish va kapital tamirlash

[1] https://www.cnbc.com/2019/08/07/the-10-countries-with-the-fastest-growing-earnings-for-freelancers.html



2-rasm. Moliya vazirligining 2020-yil uchun byudjetnomasiga ko‘ra byudjet mablag‘lari sarfi.[1]

uchun 1 097,3 mlrd so‘m.

- ✓ Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo‘llarini rivojlantirish uchun 1 514,7 mlrd so‘m.
- ✓ Orolbuyi mintaqalarini rivojlantirish uchun 303,4 mlrd so‘m.
- ✓ Sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash uchun 216,3 mlrd so‘m.

Ko‘rib turganingizdek davlat byudjeti aholi farovonligi va turmush darajasini oshirish uchun zarur bo‘lgan juda ko‘plab harajatlarni o‘z ichiga oladi. Endi bu mablag‘lardan maksimum darajada samarali foydalanishni ta’minlash zarur. Davlat g‘aznasidagi mablag‘lar harakati davlat byudjetida belgilangan tartibda harakatlanishi zarur. Bunday holatda “Raqamli” iqtisodiyot shunday yaxshilanishlar beradiki bunda, bunda deyarli barcha tranzaktsiyalar onlayn ko‘rinishda bo‘ladi. Naqt pul ko‘rinishdagi hisob kitoblardan esa deyarli foydalanilmaydi. Bu esa o‘z navbatida shaffoflikni ta’minlashga yordam beradi va mablag‘larninig noqonuniy o‘zlashtirilsh va belgilangan maqsadlardan boshqa narsalar uchun foydalanishni oldini olishga yordam beradi. Shu yo‘l bilan davlat byudjeti va maqsadli jamg‘armalaridan samarali foydalanish imkonini beradi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, moliya tizimida raqamlashtirish nafaqat insonlarninig yumushlarini yengilashtiribgina qolmay, balki, pul oqimlari harakati va ma’lumotlar almashinuvini tezlashtiradi. Bu esa o‘z navbatida mamlakatning

[1] Moliya vazirligining 2020-yil uchun byudjetnomasi

iqtisodiy o‘sish ko‘rsatkichlari va investitsion loyihalarini o‘z vaqtida amalga oshirishga yordam beradi.

Kelajakda shunday dasturlar yaratish lozimki bu datur moliyaviy operatsiyalarni yil davomida avtomatik tarzda ro‘yxatga olgan xolda fuqarolarga istalgan paytda o‘zi yashab turgan hudud yoki mamlakatning byudjetida qanday loyihalar nazarda tutilgan, sarflangan mablag‘larning hisoboti to‘g‘risida ma’lumot berishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Kelly K. New Rules for the New Economy: 10 radical strategies for a connected world / K. Kelly. – New York: Viking, 1998. – 224 p.
2. N. Yu. Fominix, M.A. Afanasev, D.V. Yenigin, A.B. Bubenchikova. Digital economy language: 2019. – 190 p.
3. Fuqarolar uchun byudjet. 2020-loyiha. 2019.

Ш.С. Олтаев– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ – АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: Аҳоли бандлигини муайян даражада барқарор ушлаб туриш ҳар қандай мамлакат олдида турган мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бугунги ривожланишининг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири ишсизлик муаммосидир. Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринларини яратиш масалалари хусусида мулоҳазалар юритилган .

Калит сўзлар: ишсизлик, бандлик, янги иш ўринлари, аҳоли бандлиги, бандлик сиёсати, меҳнат бозори, аҳоли фаровонлиги.

Аннотация: Поддержание определенного уровня занятости - одна из самых сложных задач, стоящих перед любой страной. Одна из основных социально-экономических проблем развития Узбекистана сегодня - безработица. В данной статье рассматриваются вопросы создания новых рабочих мест для обеспечения занятости.

Ключевые слова: безработица, занятость, новые рабочие места, занятость, политика занятости, рынок труда, благосостояние.

Abstract: Maintaining a certain level of employment is one of the most difficult tasks facing any country. One of the main socio-economic problems of Uzbekistan's development today is unemployment. This article discusses the issues of creating new jobs to ensure employment.

Keywords: unemployment, employment, new jobs, employment, employment policy, labor market, welfare.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий иқтисодиётни юксалтириш ва унинг ички ҳамда ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда инновацион жараёнларни жадаллаштириш, нодир ва ноёб ресурслардан унумли фойдаланиш асосида аҳолининг сифатли товарлар ва хизматларга бўлган талабини тўлароқ

қондириш каби ўта муҳим вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш нуқтаи назаридан ўта муҳим бундай вазифаларни амалга ошириш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, у катта куч ва ресурсларни сафарбар қилишни, улардан мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов “Эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг бахти учун меҳнат қилиш, фидоийлик кўрсатиш – бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир” деб таъкидлаган эдилар[2].

Ишсизлик муаммоси нафақат иқтисодий, балки умумижтимоий муаммолардан биридир. Ишсизлик баъзи омиллар таъсирида ўсиб борса, айнан ишсизлик муаммосининг ўзи жамиятдаги бошқа муаммоларнинг вужудга келиши учун омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг бугунги ривожланишининг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири ишсизлик муаммосидир. Бу муаммони чуқур илмий-тадқиқот, кенг қамровли назарий таҳлил қилиш ва шу асосда мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолини бандлигини таъминлаш, ишсизликни даражасини минимал даражага яъни ижтимоий жиҳатдан мақбул даражага камайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади. Шунинг учун ишсизлик муаммосини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш йўллари, Ўзбекистон меҳнат бозорида бандлик даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш ушбу ишнинг мақсади ҳисобланади.

Ишсизлик жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи - меҳнатни бир қисмини йўқотилишига олиб келади, бу эса мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ва миллий даромадини сезиларли даражада камайтиради. Кўриниб турибдики, мавжуд меҳнат ресурсларини тўлиқ ишлатмасдан, ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасига етмаган ҳолда ишлайди. Шундай қилиб, ишсизлик даражаси иқтисодиётнинг умумий ҳолатини аниқлашда, унинг самарадорлигини аниқлашда асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида ишсизлик масаласини ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ишсизлар — ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно)[3]. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва улар томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Бизнингча Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади:

биринчидан, аввало, меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари

фаолиятини кучайтириш;

иккинчидан, аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал суръатларда ривожлантириш;

учинчидан, давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишларини ташкил этиш;

тўртинчидан, янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзларни бериш;

бешинчидан, меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

олтинчидан, ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътиборни кучайтириш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўнгги икки йил давомида ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан банд қилиш ва даромадларини ошириш билан бирга юртимиз иқтисодиётидаги улуши янада кўпайиши, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кўламини янада ошириш, мамлакатимизда янги иш ўринларининг пайдо бўлишига ва ишсизлик даражасининг пасайишига йўл очади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 й, 30 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш”. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 75б.

3. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни . 616-1-сон. Тошкент, 1998 йил 1 май.

4. Ишкин, В. В. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда / В. В. Ишкин. - М.: ЮНИТИ, 2003. - с. 328.

А.Ю. Худайбердиев– СамВМИ доценти, т.ф.н.,
Н.Н. Мўминов– СамВМИ доценти, т.ф.н.,
Т.Саидхонов – СамВМИ магистранти

ҲАЛОЛ ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

Аннотация: Мақолада гўшт ва гўшт маҳсулотлари Ўзбекистонда истеъмол миқдори, уларни чет эллардан келтириш ва ҳалол маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уларга бўлган талаблар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: чорва, гўшт, истеъмол, таъминлаш, анъана, ҳалол, ислом, қонунчилик, стандарт, колбаса

Аннотация: В статье рассмотрены нормы потребления мяса и мясопродуктов в Узбекистане, производство мясных продуктов по технологии «халял». Требования к производству мясопродуктов по технологии халял.

Ключевые слова: животноводства, мясо, употребление, обеспечение традиции, халял, ислам, законодательство, колбаса.

Abstract: The article examines the norms of consumption of meat and meat products in Uzbekistan, the production of meat products using the "halal" technology. Requirements for the production of meat products using halal technology.

Key words: animal husbandry, meat, consumption, provision of tradition, halal, Islam, legislation, sausage.

Ўзбекистон Республикасида гўшт ишлаб чиқариш ва аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш асосий муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Халқимизни гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаби ҳар доим юқори бўлган. Мақсад ушбу талабларни қондириш ва халқимиздан орган қисмини чет элга экспорт қилиб чиқариш имкониятларини яратишдир. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларимизга халқаро стандартларни олиш ва жаҳон бозорида ўз харидоримизга эга бўлиши учун ҳам барча имкониятларни ишга солиш зарур.

Ҳозирги кунда гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмоли Республикамиз аҳоли сонига нисбатан ўртач 45 кг.ни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткични 2025 йилга келиб 55 кг.га етказиш кўзда тутилган. Аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мақсадида қўшни Қозоғистон, Монголия, Россия ва бошқа давлатларидан гўшт олиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни қўшима чора-тадбирлари тўғрисида”ги, чорва моллари наслчилиги, уларни озуқа билан таъминлаш ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш борасида олиб бораётган ишларимизга ҳуқуқий асос бўла олади.

Жаҳон ҳамжамиятида фойдали ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга юқори аҳамият берилмоқда. Кўпчилик одамлар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилаётганликлари ҳақида ўйланиб қолмоқда. Инсон учун уларни танлаш биргина табитан, тарихий ва миллий ҳаёт шароитлари билангина боғлиқ бўлиб, балки диний анъаналарга ҳам боғликдир.

Жаҳон динларининг амалиётида рухсат этилган ёки ман этилган маҳсулотлар рўйхатини кетма-кетлигини кўриш мумкин. Айниқса, ислом ва мудизмда гўшт маҳсулотларига нисбатан қатъий кўзга ташланади. Ҳар икки динда ҳам ҳайвонотни сўйишда ўзига хос дуолар ўқилади.

Мусулмонлар учун истеъмолга рухсат берилган маҳсулотлар (айниқса гўшт маҳсулоти) ҳалол деб номланади. Халқаро бозор тадқиқотини Канада бюросининг кўрсатмаларига биноан ҳалол мусулмон бозорининг нархи 500 млрд долларни ташкил этади. Ҳалол маҳсулотга бўлган истеъмолчилар талаби 3 миллиарддан ошмоқда.

Охирги йилларда ҳалол маҳсулотини ишлаб чиқариш кенг ёйилиб бормоқда.

“Ҳалол” термини рухсат этилган озиқ-овқат маҳсулотлари тушунилади. Ислом қонунчилигида қуйидаги маҳсулотлардан ташқари барча маҳсулотлар-

ни истеъмол қилишга рухсат берилади.

Ҳайвонотлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари:

а) чўчқалар ва тўнғизлар;

б) итлар, илон ва маймунлар;

в) айиқ, йўлбарс ва шу каби гўштхўр ҳайвонлар;

г) бургут аби тирноқли ёввойи қушлар;

д) каламушлар, қирқоёқлар, чаён ва шу каби ҳайвонотлар;

е) Ислом динида ўлдириш ман этилган чумоли, асалари ҳамда дитллар оиласига кирувчи қушлар;

ж) умумқабул қилинган жирканч бурга, пашша, уларни уруғлари ва бошқалар;

з) қуруқликда ва сувда юрадиган бақа, крокодил ва шунга ўхшаш ҳайвонлар;

и) уй эшаги;

к) сувда юрувчи хавфли ва заҳарли барча ҳайвонотлар;

л) Ислом қонунчилиги бўйича ўлдирилмаган барча турдаги ҳайвонотлар;

м) қон.

Ўсимликлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари.

Ичимликлар:

- алкоголли ичимликлар;

- барча турдаги маст қилувчи ва хавфли ичимликлар.

Озуқавий қўшималар.

Юқорида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулоларидан олинган барча турдаги озиқавий қўшимачалар тавсия этилмайди.

Ҳайвонотни сўйишда Ислом қонунчилигида рухсат этилган қруқда юрувчи ҳайвонотларни гигиеник меъёр ва қоидаларга асосан қуйидаги қоидалар бўйича амалга оширилади:

- ҳайвонотни сўйишда қатнашаётган шахс мусулмон бўлиб, ислом қоидаларини тўла билиши ва ақли расо бўлиши;

- сўйилаётган ҳайвонот (мусулмон) ислом қонунчилиги томонидан рухсат берилган бўлиши;

- сўйилаётган ҳайвонот сўйишдан олдин тирик бўлиши;

- ҳар бир ҳайвонотни қўйишдан олдин “Бисмиллоҳ” сўзини айтиши;

- сўйиш асбоби (пичоқ) ўткир тиғли, ҳамда сўйиш вақтида ҳайвонот танасидан ажрамаслиги керак.

- сўйиш вақтида бўйин атрофида бўлган асосий артерия ва веналар, трахея ва пиўевод бирданига кесилган бўлиши зарур.

Барча озиқавий маҳсулотлар озиқавий гигиенага нисбатан Кодекснинг умумий принципларига асосан тайёрланиши, қайта ишланиши, олиб борилиши ва сақланиши таъминланади.

Ислом қонунларига асосан рухсат берилган озиқавий маҳсулот этикеткасида “Ҳалол” сўзи қўйилади.

Ҳалол маҳсулотлари дунёнинг кўп яшайдиган давлатларда ишлаб

чиқишмоқда. Ҳалол маҳсулотларини нафақат мусулмонлар, балки бошқа динда бўлган халқлар ҳам бу маҳсулотни сифатли ва хавфсиз бўлгани учун истеъмол қилишади.

Ҳозирги кунда Татаристон, Доғистон, Россия (Микоян номидаги гўшт комбинати), Қозоқистон, АҚШ, Малайзия, Франция, Германия, Швеция, Нидерландия, Буюк Британия давлат стандартлари асосида ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу давлатлар ичида ҳалол маҳсулотини ишлаб чиқаришда Малайзия давлати етакчилик қилмоқда. 2004 йили Малайзия давлати жаҳонда биринчи бўлиб халқаро кўргазма ташккил этган. Бундан ташқари, ҳалол маҳсулотларига бағишланган журнал чиқара бошлади. Ҳозирги кунда ҳалол маҳсулотлари бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилган. Ҳалол маҳсулотларини ишлаб чиқаришини назорати диний бошқармалар томонидан амалга оширилади.

Ҳалол маҳсулотини тўғридан-тўғри устунлигиини белгиловчи бир қатор омиллар мавжуд.

Ислом қоидалари асосида сўйилган ҳайвонот гўшти одам организми учун жуда фойдали ҳисобланади. Таркибида гармон қўшимчалари бўлмаган, экологик тоа емиш билан боқиган ҳайвонот гўшти маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади. Ҳалол гўшт маҳсулоти юқори таъм кўрсаткичларга эга ва фойдалидир. Уларга бўлган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Ҳалол маҳсулотларини таъм кўрсаткичларини юқори бўлишини қуйидаги хусусиятлар билан тушунтириш мумкин:

- биринчидан, ҳайвонотни сўйишдан олдин дуо ўқилади, сўнгра қон артерияси кесилади, бу эса танадан қонни тўла чиқишини таъминлайди, натижада ёқимли таъмга эришилади;

- иккинчидан, комбинатларда ҳалол маҳсулоти тайёрлашда аълум техник шартларга риоя қилинади. Масалан, колбаса маҳсулоти тайёрлашда фақат совитилган гўшт ишлатилади, музлатилан гўштдан фойдаланилмайди;

- учинчидан, ҳалол маҳсулот тайёрлашда фойдаланиладиган ҳайвонот гўшти турли хил қўшимчаларсиз экологик тоза емиш бан боқилган бўлади;

- тўртинчидан, ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги барча жараёнлар, тайёрлашдан то сотувга олиб боришгача қолган маҳсулотлардан ажратилган бўлади.

Ҳалол маҳсулот мусулмонлар анъаналарига мос равишда тайёрланиб, мусулмонлар овқатида ишлатилмайдиган компонентларсиз, яъни тоза маҳсулот маркаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳалол сертификация тизимини қабул қилиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шуни қайт этиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасида ҳалол стандартини қўллаш ихтиёрий асосда олиб борилмоқда.

Маҳсулотларни фермер хўжаликлари экспорт қилувчи корхоналари учун “Ўзстандарт” Агентлиги “ҳалол” стандартларига асосланиб қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиққан ва улар ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқаришда озиқ-овқат хавфсизлигини менежмент тизимини яратишда фойдаланилади:

- сифатга оид зид сиёсат;
- сифатга оид мақсад;
- бошқарув табирлари;
- ҳужжатларни бошқариш тадбирлари;
- ички аудитларни ўтказиш тадбирлари;
- талабга жавоб бермайдиган маҳсулотларни бошқариш тадбирлари;
- тўғриловчи ҳаракатларни ўтказиш тадбирлари;
- фавқулод ҳолатлардаги тадбирлар;
- маҳсулотларни баҳолаш тадбирлари.

Х.К.Каршибоев – к.ф-м.н., зав. кафедры, СамИЭС

ЭЛАСТИЧНОСТЬ СПРОСА ДЛЯ МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация: В статье описан концепция эластичности в экономической теории появилась достаточно поздно, но очень быстро стала одной из фундаментальных. Основным фактором, определяющим перекрестную эластичность различных товаров, являются потребительские свойства различных благ, их способность замещать или дополнять друг друга в потреблении.

Ключевые слова: спрос, объем, эластичность, подсчет, приращения, концепция, доход, анализ, товар, прирост, дуга, безмерная, детерминант, консалтинг, погрешность, ассиметричный, мажор.

Annotatsiya: Ushbu maqolada iqtisodiyot nazariyasidagi elastiklik kontseptsiyasi juda kech bo‘lib chiqdi, ammo juda tezkor bo‘lib qoldi. Turli tovarlar o‘zaro o‘zaro moslashuvchanligini belgilovchi asosiy omil - bu turli xil tovarlar iste'molining xususiyatlari, iste'molda bir-birini o‘zgartirish yoki to‘ldirish qobiliyatlari yoritilgan.

Kalitli so‘zlar: talab, miqyosi, moslashuvchanligi, hisoblash, ortish, kontseptsiya, daromad, tahlil, tovar, ortish, kamon, o‘lchovsiz, determinant, konsalting, xato, assimetrik, asosiy.

Abstract: The article concept of elasticity in economic theory appeared quite late, but very quickly became one of the fundamental. The main factor that determines the cross elasticity of different goods is the consumer properties of various goods, their ability to replace or supplement each other in consumption.

Key words: demand, volume, elasticity, calculation, increments, concept, income, analysis, commodity, increment, arc, immeasurable, determinant, consulting, error, asymmetric, major.

Анализ спроса и предложения, позволил выявить общие направления изменения спроса и предложения под воздействием ценовых и неценовых факторов и сформулировать базовый закон — закон спроса и предложения. Однако часто исследователю бывает недостаточно знать, что рост цены вызывает сокращение объема спроса на товар, нужна более точная количественная оценка, ибо указанное сокращение может быть быстрым или медленным, сильным или слабым [1,2,3,4].

Введение эластичности в экономический анализ имеет огромное значение:

с одной стороны, коэффициент эластичности — это инструмент статистических измерении, в том числе активно используемый в маркетинговых исследованиях;

с другой стороны, концепция эластичности служит важным инструментом экономического анализа, поскольку в науке недостаточно только измерить, необходимо еще и уметь объяснить полученный результат.

Сегодня нет ни одного раздела экономики, где бы не использовалось понятие эластичности: анализ спроса и предложения, теория фирмы, теория экономических циклов, МЭО, экономические ожидания и т.д.

Наиболее общее определение эластичности- отношение относительного приращения функции к относительному приросту независимой переменной.

$$\varepsilon = \frac{x^{\bullet} dy}{y^{\bullet} dx}$$

Для рассматриваемых нами функций спроса и предложения такими независимыми переменными могут быть цены данного или других товаров, уровень доходов, издержек и т.д.

Коэффициент эластичности показывает степень количественного изменения одного фактора (например, объема спроса или предложения) при изменении другого (цены, доходов или издержек) на1%. Эластичность спроса или предложения вычисляется как отношение процентного изменения величины спроса (предложения) к процентному изменению какой-либо детерминанты. Детерминанты - это факторы оказывающие воздействие на спрос или предложение. Различные товары различаются между собой по степени изменения спроса под воздействием того, или иного фактора. Степень реакции спроса на эти товары поддается количественному измерению с помощью коэффициента эластичности спроса [4].

Понятие эластичности спроса раскрывает процесс адаптации рынка к изменению основных факторов (ценой товара, ценой товара аналога, дохода потребителя).

Методы подсчета коэффициента эластичности:

При подсчете коэффициента эластичности используют два основных метода:

Эластичность по дуге (дуговая эластичность) — применяется при измерении эластичности между двумя точками на кривой спроса или предложения и предполагает знание первоначальных и последующих уровней цен и объемов.

$$E_{\text{ф}}^{\text{д}} = \left(\frac{Q_2 - Q_1}{(Q_2 + Q_1)/2}\right) : \left(\frac{P_2 - P_1}{(P_2 + P_1)/2}\right) = \frac{\Delta Q}{\Delta P}$$

P_1 — начальная цена

P_2 — новая цена

Q_1 — первоначальный объем

Q_2 — новый объем

Использование формулы дуговой эластичности дает лишь приблизительное значение эластичности, и погрешность будет тем больше,

чем более выпуклой будет дуга AB. Эластичность в точке (точечная эластичность) — используется в том случае, когда задана функция спроса (предложения) и исходный уровень цены и величины спроса (или предложения). Данная формула характеризует относительное изменение объема спроса (или предложения) при бесконечно малом изменении цены (или какого-либо другого параметра).

$$E = Q'(P) * \frac{P}{Q(P)}$$

где:

$Q'(P)$ — производная функции спроса (или предложения) по цене;

P — рыночная цена;

$Q(P)$ — величина спроса (или предложения) при данной цене

Из определения эластичности и приведенных выше формул мажор вывести основные свойства эластичности:

Эластичность — это безмерная величина, значение которой не зависит от того, в каких единицах мы измеряем объем, цены или какие-либо другие параметры.

Эластичность взаимно обратных функций — взаимно обратные величины:

$$E_p^d = \frac{1}{E_d^p}$$

E_d — эластичность спроса по цене;

E_p — эластичность цены по спросу;

В зависимости от знака при коэффициенте эластичности между рассматриваемыми факторами может иметь место:

Прямая зависимость, когда рост одного из них вызывает увеличение другого и наоборот, например эластичность спроса на товары по потребительскому доходу $E > 0$;

Обратная зависимость, когда рост одного из факторов предполагает убывание другого, например эластичность спроса по ценам $E < 0$;

В зависимости от абсолютной величины коэффициента эластичности различают:

$E = \infty$, или абсолютная эластичность, когда незначительное изменение какого-либо параметра повышает (или понижает) объем на неограниченную величину.

$|E| > 1$, или эластичный спрос (предложение), когда параметр растет более высокими темпами, чем изменяется другой фактор.

$E = 1$, или единичная эластичность, когда рассматриваемый параметр растет теми же темпами, что и воздействующий на него фактор;

$0 < E < 1$, или неэластичный спрос (предложение), когда темпы роста рассматриваемого параметра меньше темпа изменения другого фактора;

$E = 0$, или абсолютная неэластичность, когда изменение какого-либо параметра рыночной конъюнктуры не влияет на величину рассматриваемого фактора;

Эластичность спроса (или предложения) по отношению к любой из детерминант характеризует чувствительность величины спроса (или предложения) к процентному изменению этой детерминанты, при том что другие детерминанты полагаются постоянными.

Математически это означает, что для определения эластичности в точке необходимо нахождение частной производной функции спроса (или предложения) по какой-либо детерминанте.

Список использованной литературы:

1. Основы микроэкономики: Учеб. пособие для вузов / Под ред. И.П. Николаевой. - М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2011.
2. Курс экономической теории. Учебник. Издание 5-е, исправленное дополненное и переработанное издание - Киров: АСА, 2006 г. - 832 с. Под общей редакцией проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А.
3. Макконнелл, К.Р. Экономикс: Принципы, проблемы и политика: Учеб.: Пер. с англ. / Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. - М.: Инфра-М, 2012. - XXXV, 928 С.
4. Экономическая теория: Учебник /Под ред. В.Д. Камаева. - М.: Владос, 2011.

Д.Шолдаров – ТМИ, “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедра мудири, PhD.

Ш.Халилова – ТМИ, “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: Ушбу тезисда ижтимоий соҳани мамлакат иқтисодиётига таъсири, ижтимоий соҳани ривожлантиришда давлат-хусусий шериклигини такомиллаштириш, давлат-хусусий шерикчилигининг мамлакат иқтисодиётидаги ижобий томонлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳолини ижтимоий мухофазасини янада ошириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, халқаро молия институтлари, ижтимоий соҳа, давлат-хусусий шерикчилиги, аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш.

Аннотация: В данной работе рассматриваются вопросы влияния социальной сферы на экономику страны, совершенствование системы партнерства государства и частного бизнеса в социальной сферы, улучшения социального положения населения посредством развитие этого сотрудничество

Ключевые слова: Цифровая экономика, международные финансовые институты, социальная сфера, государственно-частное партнерство, социальная защита.

Abstract: This thesis covers the impact of the social sphere on the country's economy, improving public-private partnership in the development of the social sphere, the positive aspects of public-private partnership in the country's economy, further improving social protection through social sector development.

Keywords: Digital economy, international financial institutions, social sphere, public-private partnership, social protection.

Сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Таълим соҳасини ислоҳ қилиш бугун ҳукуматимиз диққат эътиборида турган долзарб соҳалардан бири, десак муболаға бўлмайди. Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган қонунлар, қарорлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш орқали мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача таълими билан кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш лозим.

Мактабгача таълимда хусусий секторни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, 2020 йилги дастурларга мувофиқ 18 та объект қуриб битказилиши, 129 та бўш иншоот фойдаланишга топширилиши ва 261 та давлат мактабгача таълим ташкилоти таъмирланиши режалаштирилган. Бу эса қўшимча янги 32,7 минг ўринларни яратади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 14 мингдан ортиқ мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. 2019 йилда Мактабгача таълим вазирлиги тизимга болалар қамровини 52 фоизга етказди. 2020 йилда бу кўрсаткич 59,5 фоиз бўлиши кутилмоқда, шунингдек, 85,2 фоиз 6 ёшли болаларни мажбурий 1 йиллик таълим билан қамраб олиш режалаштирилган.

Маълумки, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилмасдан аввал тизимда замонавий дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган. Тараққий этган мамлакатлардаги каби болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган эди. Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори мисолида кўрсак, мазкур концепция мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли вазифаларини қамраб олган бўлиб, жараённинг устуворликлари ва босқичларини белгилаб беради.

Концепция тасдиқлангандан сўнг ўтган бир йилдан ортиқ вақт мобайнида мактабгача таълим тизимида янги Қонун қабул қилинди, янги лойиҳалар, ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонунда мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, эгалигида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланган.

Қайд этилган Концепцияда 2030 йилгача 3-7 ёшдаги болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши кўзда тутилган. Хусусан, 2020 йилда янги мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, бир пайтлар боғча бўлган биноларни қайта Мактабгача таълим вазирлиги ҳисобига қайтариш, мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини жорий этиш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш дастурини давом эттириш мақсадида белгиланган тартибда тузилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун тижорат банкларига қўшимча маблағлар ажратиш лозим эканлиги давр талаби эканлигини айтиб ўтмоқчимиз. 2019 йил 1 декабрга қадар мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишлари 25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун зарур бўлган 182 млрд сўм маблағлар Молия вазирлиги томонидан 2020 йил учун Давлат бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида 2020 йил 1 мартга қадар ажратилади. Бунда, кредитлар 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича берилиши белгилаб қўйилди.

2020 йилда халқаро молия институтларидан ушбу мақсадлар учун жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молиялаштирилади. 2021 йил ва келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар тижорат банклари томонидан мустақил белгиланадиган фоиз ставкаларида

берилади. Халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредитлар, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз керакки, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Келгуси йилларда битимларнинг фақатгина халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлар ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан махсус очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағлар доирасида тузилишини таъминмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хусусий шерикларга берилган кредитлар ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига ажратилган бюджет субсидиялари мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича доимий мониторинги йўлга қўйилди.

Ю.П.Урунбаева – СамИСИ доценти, PhD
М.И.Умурзоқова – СамИСИ, МИ-119 гуруҳ магистранти
М.Абдуллаева – ТДИУ Самарқанд филиали ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги роли асослаб берилган ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эришиш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация: в статье описывается роль сферы услуг в формировании цифровой экономики и предлагаются рекомендации по социально-экономическому развитию страны.

Abstract: The article outlines the role of the service sector in shaping the digital economy and offers recommendations for the country's socio-economic development.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, моддий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, пулли хизматлар, пулсиз хизматлар, рақобат, рақамли иқтисодиёт, инновация, модернизация.

Ключевые слова: национальная экономика, материальное производство, услуги, платные услуги, неоплачиваемые услуги, конкуренция, цифровая экономика, инновации, модернизация.

Keywords: national economy, material production, services, paid services, non-paid services, competition, digital economy, innovation, modernization.

Рақамли иқтисодиёт даврида Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим якуний натижаси бўлиб бормоқда. Республикамизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини ошириш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ва бош мақсади қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб: "Шарқ донишмандлари айтганидек, **"Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"** Хусусан, бу масала 2020 йилга **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"**[1]**,** деб ном берилиши, яъни илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсади кўзланган. Шу сабабли, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси авваламбор аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган.

Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам хизмат кўрсатувчи ҳам истеъмолчи. Аҳолининг турмуш даражаси кишилар ҳаётий фаолиятининг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри ҳисобланади. Ҳар бир кишини қанча миқдордаги ва қандай сифатдаги товар ва хизматларни истеъмол қилиши унинг турмуш даражаси сифатида тавсифланади. [2] Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Шундай экан, чуқур билим, юксак маънавият ва маданият уни яратган инсондан ажралган ҳолда, капитал ва ишчи кучини тўлдириб, хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш)нинг мустақил омилига айланади. Президентимиз Шавкат Мирамонович Мирзиёев таъкидлаганларидек "Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади". [3] Статистик маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, мамлакат "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали бу етарли дегани эмас. Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузаси .-Т.: 2020 йил 25 январ.http://prezident.uz/uz/lists/view/.

[2] Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари // Монография.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси «Фан», 2013. 144 бет.

[3] ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентиШавкатМирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномасидагимаърузаси.-Т.: 2017 йил 22декабр.http://prezident.uz/uz/lists/view/1371.

ресурсларини талаб этсада, ушбу тизимга ўтиш қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришишимиз лозим. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг устувор вазифаларимиздан биридир. Алоқа ва коммуникация соҳаси 2017 йил январь-декабрда алоқа хизматлари ҳажми 7215,7 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2016 йил январь-декабрга таққосланганда (амалдаги нархларда) 26,9 фоизга ўсди. Мобил алоқа хизматлари (интернетни қўшган ҳолда) жами алоқа хизматлари ҳажмида 68,9 фоизни ташкил этди ва 4971,2 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 4405,0 млрд. сўмга тенг бўлди. Алоқа хизматлари таркиби 2016 йил январь-декабрга нисбатан мобил алоқа хизматлари 24,6 фоизга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 24,5 фоизга ўсди. 2018 йил 1 январ ҳолатига мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 22504,5 минг. абонентни, шу жумладан аҳолида 21940,9 минг. абонентни ташкил этди. Аҳолини мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 68 бирликни ташкил этди. 2018 йил 1 январь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 618 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг жами сони эса 445 бирликни ташкил этди.[1]

Давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва халқнинг кундалик ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг (117,3 фоиз) ошишига олиб келди. Бугунги кунда ахборот коммуникацион технологиялар соҳаси мамлакат ЯИМнинг 2,2 фоизини ташкил этади.

Келажакда хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқларида инновацияларга асосланган ҳолда ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий меъзонидир.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча муаммолари марказида туради ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида барча уринишлар пировард натижада шу бош муоммони ечишга қаратилган бўлади. Шу сабабли ижтимоий фаровонлик ва турмуш даражасига оид масалалар қадим замонлардан бери кўплаб иқтисодчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган.

Аҳоли турмуш даражаси кишилар ҳаётий фаолиятининг кўп қирраларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиш меъёри ҳисобланади. Ҳар бир кишини қанча миқдордаги ва қандай сифатдаги товар ва хизматларни истеъмол қилиши унинг турмуш даражаси сифатида тавсифланади. Шунингдек, аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир.

Аҳоли турмуш даражасини ифодалашда бир-бирига яқин ёки чамбарчас боғлиқ бир қатор атамалар мавжуд. Улар жумласига турмуш шароити, турмуш

[1] China’s Digital Economy a Leading Global Force. MGI Discussion Paper, August, 2017

даражаси, турмуш сифати, турмуш тарзи, турмуш фаолияти хавфсизлиги, меҳнат фаолияти сифати, аҳоли фаровонлиги тушунчаларини киритиш мумкин. Юқорида келтирилган турли атамалар бир мазмунни англатгандек бўлса-да, баъзи ҳолларда улар ўртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Биз амалга оширган илмий тадқиқот мақсади нуқтаи назаридан, бу атамалар ичида аҳоли турмуш даражаси тушунчаси муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодчи олимлар орасида аҳоли турмуш даражаси тушунчаси, уни шакллантиришда товарлар ва хизматларнинг роли тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг аксарият кўпчилиги аҳоли турмуш даражасининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория эканлигини эътироф этганлари ҳолда, унинг мазмун-моҳиятини турлича тасвирлайдилар.

Бизнинг назаримизда, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар қандай мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан зиёди айнан хизматлар соҳаси ҳиссасига, тўғри келганлигига, аҳоли истеъмоли учун харажатларда унинг ҳиссаси қарийб 75-80 фоизга етганлигига ва аҳоли турмуш даражасини шакллантиришнинг бош омилига айланганлигига қарамасдан, у “аҳоли турмуш даражаси” тушунчасига берилган таърифларда ўзининг ёрқин ифодасини топмаган. Фикримизнинг исботи сифатида унга берилган бир қатор таърифларни келтирамиз. Русча-ўзбекча луғатда [1] аҳолининг турмуш (фаровонлик) даражаси куйидагича изоҳланган: ”Аҳоли турмуш даражаси – кишилар эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси”[2] деб кўрсатилган. Ушбу изоҳда кишиларнинг умуман эҳтиёжлари ҳақида сўз юритилган. Адабиётларда аҳоли турмуш даражасига берилган таърифларда унга асосан иқтисодий категория сифатида қараш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, айрим тадқиқотчилар “Аҳоли турмуш даражаси уларни ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин” [3] деб таъриф беришган. Шунга яқин таърифни В.И. Гурьев муаллифлигида чоп этилган ўқув қўлланмада[4], А.В.Сиденко, М.В.Матвеевалар муаллифлигида тайёрланган дарсликда ҳам учратиш мумкин. Бир қатор олимлар ушбу таърифга маълум даражада аниқлик киритиб, «Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда турмуш шароитининг яхшиланиш даражасини тавсифлайди» [5], «Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади». [6] Ўз

[1] Русча- ўзбекча луғат. II-том. Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984.-643 бет.
[2] А.Ўлмасов., Н.Тўхлиев. Бозор иқтисодиёти. Қисқа луғат- маълумотнома. Т.:-Қомуслар бош таҳририяти, 1991.-10-б.
[3]Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев Иқтисодиёт назариясиТ-“Молия”-2002. 367б.
[4] «Турмуш даражаси – мураккаб ижтимоий – иқтисодий категория бўлиб, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодалайди» (таржима муаллифники). Гурев В.И. Основы социальной статистики. Учеб.пособие.М.: Финансы и статистика, 1991, 67-б.
[5] Абдуллаев.Ё. Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. Т.: Меҳнат, 1998, 181б.
[6]Акрамов Э.А., Соатов Н.М. Статистика асослари. Дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1989, 385б.

мазмун-моҳияти жиҳатидан ушбу таърифларга ватандош олимларимиздан Б.К.Ғойибназаров томонидан келтирилган назарий қарашлар анча яқин туради: «Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маиший эҳтиёжининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади».[1]

Аҳоли турмуш даражасига берилган таърифлар орасида М.Г.Назаров берган таъриф эътиборга молик: "Аҳоли турмуш даражаси – бу инсонлар ҳаёт фаолиятининг энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади».[2] Ушбу ва юқорида келтирилган бошқа таърифларда турмуш даражасининг кенг қамровли ва бошқа барча кўрсаткичлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқлиги эътироф этилиши билан бир қаторда, унинг нафақат иқтисодий, балки айни бир пайтнинг ўзида, муҳим ижтимоий категория ҳам эканлиги кўрсатилган.

Аҳоли турмуш даражасининг моҳиятини очишда бир гуруҳ олимлар айнан хизматлар билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ равишда ёндашганла.[3] Масалан, Қ.Х.Абдураҳмонов, К.Х.Зокирова, Х.Т.Тохирова муаллифлигида тайёрланган «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» номли ўқув қўлланмасида аҳоли турмуш даражаси тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Турмуш даражаси деганда, аҳолининг моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади». [4] Айниқса В.Н.Салин ҳамда Е.П.Шпаковскаялар томонидан келтирилган фикрлар анча кенг ва бошқа муаллифлар томонидан берилган таърифлардан сезиларли даражада фарқ қилади: «Аҳоли турмуш даражаси – аҳолини шахсий истеъмол қондирилишининг моддий имкониятларини характерлайди. У меҳнат шароити, аҳоли даромадлари ва харажатлари даражаси ва тузилмаси, бўш вақтдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, маданий, санъат ва бошқаларнинг ривожланиш даражаси каби жиҳатларни ўз ичига олади». [5] Яъни, турмуш даражаси аҳолининг нафақат моддий ва маънавий, балки унинг хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш даражасини ҳам ўз ичига олишини эътироф этадиган олимлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Фақат юқорида келтирилган таърифда "номоддий" неъматлар ва "хизматлар" алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Агар "хизматлар" "номоддий" неъматларга кирмайдиган бўлса, унда "номоддий" неъматлар нималардан таркиб топганлиги мавҳум бўлиб қолмоқда[6].

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ва амалга оширилган назарий

---

[1] Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: Фан, 2005, 5-б.

[2] Назаров М.Г. Курс социально – экономической статистики. ЮНИТИ-ДАНА,2005, с.57.

[3] Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова А.Х., Тохирова. Х.Т. Аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон ёзучилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2004.; Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. М.: Экономист, 2005.; Поков Ф.И. Эканомическая теория. Учебник для вузов. СПБ.: Питер, 2006.; Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: Меҳнат, 1995.;Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: Фан, 2005ва бошқалар.

[4] Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Қ.Х., Тохирова Х.Т.Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2009. -74б.

[5] Салин В.Н., Шпаковская У.П. Социально-экономическая статистика. Учебник М.: Юрист, 2001, с.339.

[6] Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография.Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражасига қуйидагича таъриф беришни маъқул деб топдик. Аҳоли турмуш даражаси – кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у аҳолининг моддий ва маънавий неъматлар, турли-туман хизматлар билан таъминланганлик даражаси (истеъмол ҳажми) ҳамда қулай ва хавф-хатарсиз ҳаёт кечириш учун зарур шароитларнинг мавжудлиги билан ўлчанади[1]. Ушбу таърифда биз ушбу категориянинг ўта мураккаб ва кўп қиррали мазмунга эга эканлигини алоҳида таъкидладик. У қандайдир битта баҳолаш мезони, кўрсаткич ва омиллар билан эмас, балки кишилар ҳаётининг турли қирраларини ифодаловчи бир қанча кўрсаткич ва омиллар тизими ҳамда буларнинг ичида турли-туман хизматлар алоҳида ўрин тутиши билан тавсифланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг аҳоли турмуш даражасини шакллантиришдаги ролини баҳолаш мақсадида бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилдик. Яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 33,8 фоиздан (1990 йил) 47,2 фоизгача (2018 йил) ошди, аҳоли истеъмолида эса пуллик хизматларнинг улуши мос равишда 10,2% дан 15,8 фоизгача кўтарилди.[2]

жадвал

Иқтисодиёт тармоқларининг 1991-2018 йилларда ЯИМдаги улуши (фоизларда)[3]

№	Кўрсат-кичлар	ЙИЛЛАР									
		1990	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2018
1.	Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
2.	Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	24,0	24,0	24,0	24,2	24,1	24,0
3.	Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	17,5	17,6	17,5	17,6	17,2	16,1
4.	Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	6,4	6,1	5,9	6,0	6,8	6,7
5.	Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	45,1	44,5	44,9	44,2	51,8	47,2
6.	Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	7,0	7,8	7,7	8,0	8,4	6,0

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар оддийгина кўринсада, хизматлар соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги ва унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеининг тобора мустаҳкамланаётганлиги мамлакат миллий иқтисодиётининг тараққиётнинг қуйироқ босқичидан юқорироқ босқичига, яъни индустриал жамиятдан постиндустриал жамият томон тез ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида хизматлар соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши миллий иқтисодиётда чуқур таркибий

[1] Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография.Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузаси .-Т.: 2020 йил 25 январ.http://prezident.uz/uz/lists/view/.

[3] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ўзгаришлар содир бўлаётганлигини, қолаверса, ушбу соҳага жалб этилаётган моддий, молиявий, меҳнат ресурслари кўламининг кескин кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилаётганлиги фикримизнинг ёркин далилидир[1].

Юқоридагилардан хулосамиз шундан иборатки, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, ушбу соҳада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми ва унинг мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши, соҳада банд бўлган аҳоли сони ва унинг иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидаги улуши, аҳоли истеъмоли таркиби ва унда хизматлар айрим турларининг нисбати каби бир қатор муҳим кўрсаткичлар ёрдамида хизматлар соҳасининг, биринчидан, мамлакат иқтисодий юксалишидаги аҳамиятини баҳолаш имконини берса, иккинчидан, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига баҳо бериш учун асос бўла олади. Мамлакатнинг иқтисодий равнақи аҳоли реал даромадларининг ошишида ўз ифодасини топса, унинг ижтимоий тараққиёти аҳоли истеъмоли таркибида хизматларнинг улуши (Муҳими шундаки, аҳоли даромадлари кўпайиб, харид қилиш (тўлов) қобилияти ошиб борган сайин, пуллик хизматларнинг жами хизматлардаги салмоғи ҳам ошиб боради[2])[3] ва улар алоҳида турларининг нисбати билан белгиланади. Бизнинг назаримизда, жамият ривожланиб, ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар такомиллашиб борган сайин, мамлакатда хизматлар, биринчидан, миқдор жиҳатдан ўсади, иккинчидан, сифат жиҳатдан яхшиланади, учинчидан, турлар бўйича кенгаяди ва тўртинчидан, аҳоли истеъмолидаги нисбати бўйича такомиллашади.

Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оғишмай жуда катта эътибор қаратиб келган ва барча ислоҳотларнинг пировард мақсади сифатида қаратилаётган масалага яна бир марта тўхтатиб, шундай деган: “Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”.[4]Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари бўйича шу йиллар мобайнида аҳолининг ялпи даромадини 2,6 баробар кўпайтириш, харид қобилияти паритети бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 1,5 баробар ошириш прогнозлаштирилган эди. Шу даврнинг ўтган йиллари мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ва аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръатлари мўлжалланган марралар даражасида бўлди. Яқин ва узоқ келажакда (2016-

[1]Ўша жойда.

[2] Бинобарин пуллик ва бепул хизматларнинг жами хизматлар қиймати таркибидаги нисбати, ушбу нисбат билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик, унинг аҳоли турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларига таъсири ва шу каби бир қатор масалалар бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб илмий-назарий муаммолардан саналади.

[3]М.М.Мухаммедов. Хизматлар соҳасининг мамлакат ижтимоий – иқтисодий тараққиётидаги «хизмати» қанча? Сервис журнал №4 2015й.

[4]Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва деверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устивор вазифамиздир. Халқ сўзи, 2015 йил, 16 январ, 3 б.

2020 ва ундан кейинги йилларда) ҳам аҳоли реал даромадларининг тез суръатлар билан ўсишини таъминлаш учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг реал ҳаётда рўёбга чиқаришга, яъни аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил юксалтириб боришга тўсқинлик қиладиган ҳеч қандай асос ёки жиддий сабаблар йўқ, деб хулоса чиқарсак, ўйлаймизки, ушбу хулосани рад этадиган ёки унинг тўғрилигини шубха остига қолдирадиган илмий ғояларни илгари суриш қийин. Шу сабабли хизматлар соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирига алоҳида эътибор қаратдик.

Хизматларнинг ҳиссаси мамлакат иқтисодиётида узлуксиз тарзда ва тез суръатлар билан ошиб борар экан, ушбу соҳанинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини аниқлаш мақсадида уларга таъсир этувчи омилларни моделлаштиришнинг илмий ва методологик асосларини яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Тадқиқот жараёнида ривожланган мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини оширишга маълум хизматлар таъсирини муқобил математик модели яратилиб, уни атрофлича таҳлил қилиш орқали мазкур соҳа жараёнларига ўзгартиришлар киритиб бориш тажрибаси борлигини аниқладик. Айниқса соғлиқни сақлаш, таълим, савдо, суғурта ва бошқа айрим турдаги хизматларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири ва уни кучайтириш соҳасидаги хориж тажрибаси эътиборга молик. Афсуски, рафамли иқтисодиётни шакллантиришда айрим хизмат турларининг, ҳаттоки умуман хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини аниқлаш асосида хизмат соҳасини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўриш масалалари ҳали илмий асосда йўлга қўйилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузаси .-Т.: 2020 йил 25 январ.http://prezident.uz/uz/lists/view/.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиётини ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. - 75 б.
3. А.Ўлмасов., Н.Тўхлиев. Бозор иқтисодиёти. Қисқа луғат- маълумотнома. Т.:-Қомуслар бош таҳририяти, 1991.-10-б.
4. Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев Иқтисодиёт назариясиТ-“Молия”-2002. 367б.
5. Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Қ.Х., Тохирова Х.Т.Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2009. -74б.
6. Салин В.Н., Шпаковская У.П. Социально-экономическая статистика. Учебник М.: Юрист, 2001, с.339.
7. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.
8. Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010.-131 б.
9. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография.Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

А.А.Бектемиров – СамИСИ таянч докторанти

ТАДБИРКОРЛИК РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Аннотация: мазкур маъруза тезислари тадбиркорлик фаолиятида рискларнинг вужудга келиш сабабларини тадқиқ этишга бағишланган. Тадқиқот натижаларига кўра рискларнинг келиб сабаблари маълум маънода тизимга келтирилган ва рискларни бартараф этишда риск менежменти тамойилларини, қоидаларини ва ташкил этиш босқичлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: риск, чеклов, стратегия, мувофиқлик, операцион, молиявий, репутацияли, муқобиллик, бозор коньюктураси, риск менежменти.

Аннотация: Тезисы доклада посвящены изучению причин возникновения рисков в препринимательстве. По результатам исследования в определенном смысле систематизированы причины рисков, указаны принципы, правила и организационные этапы управления рисками при устранении рисков.

Ключевые слова: риск, ограничение, стратегия, соответствие, операционная, финансовая, альтернативность, коньюктура рқнка, риск менеджмент.

Abstrakt: Thesis report posvyashchenы izucheniyu prichin vozniknoveniya risks in preprinimatelstve. According to the results of the investigation in a certain way systematized the risks, specified the principles, rules and organizational stages of risk management in the elimination of risks.

Keywords: risk, ogranichenie, strategy, sootvetstvie, operatsionnaya, finansovaya, alternativnost, conjuncture rqnka, risk management.

Ҳар қандай худуднинг ривожланиш даражаси шу худудда яшаётган аҳолининг ҳаёт фаровонлиги кўрсаткичлари билан боғлиқ, яъни аҳоли фаровонлиги қанчалик оша борса, хизматларнинг янги замонавий-инновацион турларига бўлган бўлган эҳтиёж ҳам орта боради.

Хизматлар истеъмолчиларининг мақсади келишилган муддатларда минимал тўлов билан сифатли хизматларга эришишдан иборат. Бунга эришиш учун хизматларни амалга оширувчи доимо сергак бўлиб, хизматлар бозорини кузатади ва истеъмолчиларнинг зарурий эҳтиёжини қондириш мақсадида маълум чоралар белгилайди. Бу айнан тадбиркорлик чора-тадбирлари ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти эса маълум вақтда ва миқдорда рисклари билан боғлиқ. Уларнинг қачон рўй беришини олдиндан аниқлаш жуда мураккаб. Шундай экан тадбиркор доимо турли рискларга тайёр туриши, уни баҳолай билиши ва уни бошқара олиши зарур. Бунинг учун тадбиркор аввало рисклар ва уларнинг турлари, уларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари тўғрисида тушунча ва маълумотларга эга бўлиши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Корхонанинг мақсади эса турли рисклар билан боғлиқ бўлган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, режалаштирилган хизматлар хажмининг бажарилишини таъминлашдан иборат.

Аввало иқтисодий адабиётларда[1] рисклар ва уларнинг таснифланишига эътибор қаратадиган бўлсак, рисклар бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганилган. Улардан асосий эътиборга лойиқларини кўриб чиқайлик.

Иқтисодчи олима Е.Ю.Дорохинанинг фикрига мавжуд бўлган барча рискларни субъектив ва объектив рисклар гуруҳига ажратиш мумкин[1]. Субъектив рисклар асосан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятида қатнашаётган ходимларнинг уқувсизлиги, ўз ишига компитент эмаслиги оқибатида юз беради. Объектив рисклар эса асосан ташки омиллар (мамлакатдаги иқтисодий аҳвол, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ҳ.к.) оқибатида юзага келади.

И.А.Киселева ва Н.Е.Симоновичлар[2] рискларни стратегик, мувофиқлик, операцион, молиявий, эътиборга лойиқ (репутацияли) рискларга гуруҳлайди ва рискларнинг вужудга келиш сабабларини қуйидагилар билан изоҳлайди:

- стартегия ва тадбиркорлик фаолияти ўртасида изчилликнинг йўқлиги;
- режалаштиришнинг сифатли эмаслиги;
- келажакдаги рисклардан кўра ҳозирги ёки ўтган даврдаги рискларга кўпроқ эътибор қаратиш;
- рискнинг нотўғри тарифи;
- баҳолаш мураккаблиги билан хавфнинг мураккаблиги ўртасидаги келмаслик;
- аниқ бир нуқтаи назарнинг йўқлиги рискни баҳолашда номувофиқликка олиб келади;
- асосий рискларни аниқлашда юқори даражадаги раҳбарият билан номувофиқликлар;
- рискларни баҳолаш меъзонларининг мавжуд эмаслиги;
- таҳлил қилишда ва устуворликни аниқлашда нотўғри усуллардан фойдаланиш;
- рискларни аниқлаш рўйхатидан бошлаб уни минималлаштириш тўғрисида қарор қабул қилингунга бўлган муддатнинг катталиги.

Иқтисодчи олима А.Р.Самохвалова эса рискларнинг келиб чиқишини сабабларини бозор коньюктураси ривожланишининг ноаниқлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг барча омилларида ва ишлаб чиқариш

[1] Альгин А.П. Грани экономического риска. М.: Знание, 1991.; БалабановИ.Т. Риск менежмент. М.: Финансы истатистика, 1996.; Тихомиров Н.П., Тихомирова Т.М. Риск анализ в экономике. М.: Экономика, 2010.; Черешкин Д.С. Управление рисками ибезопасностью. М.: URSS, 2010; Дарохина Е.Ю. Риски проектов: теория и практика управления. Вестник Российского экономического университета им. Г.В.Плеханова. 2009. № 6.; Дарохина Е.Ю. Ресурсы покрытия рисков на предприятии. РИСК: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. 2009. № 3.; Киселева И.А., Трамова А.М. Риски при реализации инновационного проекта в туристической отрасли. Аудит и финансовый анализ. 2012. №2.; Ефремова Н.Е. Системный подход к управлению рисками на предприятиях туризма. Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. 2013. № 5-1; Киселева И.А. Моделирование оценки рисков в процессе принятия банковских решений. Аудит и финансовый анализ. № 1.; Ширяев В.И Финансовые рынки: нейронные сети, хаос и нелинейная динамика. М.: URSS, 2011.; Романова А.Т., Смолякова Е.В. Управление рисками в международных транспортных системах. Учебное пособие. М.: РУТ (МИИТ), 2009.; Фирсова О.А. Управление рисками организаций. “Госуниверситет - УНПК”. Хитрова Е.М. Основы управления рисками. Учебное пособие. И.: БГУ, 2016.

фаолиятининг реал шароитларини ҳисобга олмайдиган асоссиз бошқарув қарорлари ва баъзи ҳолларда қабул қилинган ихтиёрий қарорларида деб билади[3].

О.А.Фирсова рискли ҳолатнинг вужудга келишининг учта шартини кўрсатиб ўтади [4], улар қуйидагилардан иборат:

- ноаниқликнинг мавжудлиги;
- муқобил вариантни танлаш зарурияти;
- танланган муқобилликни баҳолаш имкониятининг мавжудлиги.

Иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш асосида рискларни вужудга келтирадиган шарт-шароитларни, омилларни тизимлаштириш тадбиркорлик субъектлари томонидан турли тадбирларни тузиш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Бунда ҳозирда мавжуд бўлган рискларни бошқариш билан бирга келажакда вужудга келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш зарурати жуда муҳим. Бунинг учун эса риск-менежменти тамойилларини, қоидаларини ва ташкил этиш босқичларини яхши билишни талаб этади. Ўз навбатида бу корхонанинг ҳавф-хатарли вазиятлардан чиқиш стратегиясини тузиш асосини ташкил этади. Стратегияни тузишда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўз капиталингиз ҳажмидан ортиқ бўлган рискка бормаслик.
2. Риск оқибатларини ўйлаш.
3. Кам нарса учун кўп нарсани таваккал қилмаслик.
4. Ижобий қарор фақат шубҳа бўлмагандагина қабул қилинади.
5. Шубҳа мавжуд бўлганда салбий қарорлар қабул қилинади.
6. Ҳар доим фақат битта ечим бор деб ўйламаслик зарур.

Бу қоидаларга амал қилиш тадбиркорлик субъектларини турли ҳавф-хатарлардан сақлаб қолади ва кўп жиҳатдан молиявий йўқотишларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дарохина Е.Ю. Ресурсы покрытия рисков на предприятии. РИСК: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. 2009. № 3. И.А.Киселева, Н.Е.Симонович Оценка рисков в бизнесе: предпринимательские риски //Финансовая аналитика: проблемқ и решения,2017,т.10, вқп.3,стр 244-257.
2. И.А. Киселева и др. / Финансовая аналитика: проблемы и решения, 2017, т. 10, вып. 3, стр. 244-257. http://fin-izdat.ru/journal/fa/
3. А.Р.Самохвалова Упрваление предпринимательскими рисками. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: 2004.
4. О.А. Фирсова Управление рисками организаций. “Госуниверситет - УНПК”. Хитрова Е.М. Основы управления рисками. Учебное пособие. И.: БГУ, 2016.

D.H.Xolmamatov – SamISI dotsent v.b., PhD, Ilmiy rahbar
L.R.Umurzaqov – SamISI, MR-117 guruh talabasi

ULGURJI SAVDODA LOGISTIK SERVISNI JORIY QILISH YO‘LLARI

Annotasiya: maqolada ulgurji savdo faoliyatida logistik servisni loyihalash, joriy etishning o‘ziga xos xususiyatlari, logistik servisni loyihalash bosqichlari keng yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: ulgurji savdo, logistik servis, logistik funksiyalar, logistik operasiyalar, logistik servis tizimi.

Аннотация. В статье подробно рассмотрены особенности проектирования, внедрения логистического сервиса в оптовую торговую деятельность, этапы проектирования логистического сервиса.

Ключевые слова: Оптовая торговля, логистический сервис, логистические функции, логистические операции, система логистического сервиса

Abstract: The article describes in detail the features of the design, implementation of the logistics service in the wholesale trade activities, the stages of the design of the logistics service.

Keywords: Wholesale trade, logistics service, logistics functions, logistics operations, logistics service system

Ulgurji savdo korxona va tashkilotlarida logistik servisni loyihalash va joriy qilishning xususiyatlari o‘ziga xos bo‘lib, bir nechta bosqichni o‘z ichiga oladi.

I. Bosqichda ulgurji savdo uchun logistik servisni yaratishning maqsad va vazifalari aniqlanadi.

Logistik servisni yaratishdan maqsad logistikaning asosiy qoidalarida soha korxonalarida moddiy, axborot, moliyaviy, kadrlar va boshqa oqimlarni tashkil qilish va boshqarishni yo‘lga qo‘yish.

Logistik servisni yaratish maqsadi uning vazifalari bilan uyg‘un bo‘lishi lozim.

II. Bosqichda moddiy, axborot, moliyaviy, kadrlar oqimini boshqarishning mavjud joriy tizimini tahlil qilish talab qilinadi. Bu tahlilni o‘tkazishning bosh masalasi resurslar oqimini boshqarishni takomillashtirishdan iborat. Agar moddiy resurslar oqimini boshqarish samaradorligi oshsagina logistik servis joriy qilinadi. Amaldagi tizimni tahlil qilish quyidagi qismlarga bo‘linadi:

- tarmoq korxonalarida hozirda amal qilayotgan logistik jarayon va operasiyalarni identifikasiyalash va ifodalash;
- mavjud logistik jarayon va operasiyalarning resurs sig‘imini aniqlash;
- logistik funksiyalar, jarayonlar va operasiyalar bo‘yicha xarajatlar to‘g‘risida ma’lumotlarni to‘plash;
- oqim jarayonlarini boshqarishning joriy an’anaviy tizimi samaradorligini baholash.

III. Bosqichda logistik servis iste’molchilari va ularning logistik servis tizimiga qo‘yadigan talablari tahlil qilinadi.

IV. Bosqichda logistik servis tizimning mavjud analoglari o‘rganiladi.

Bundan maqsad xato va kamchiliklarga yo‘l qo‘ymaslik.

V. Bosqichda logistik servis tizimining shakl-shamoyili, qiyofasi shakllantiriladi. Ishlab chiqiladigan logistik servis tizim loyihasida yetkazib berish zanjirining qaysi bo‘g‘ini qanday logistik funksiyani qay sharoitda bajarish va bo‘g‘inlarning majburiyatlari to‘g‘risida qarorlar qabul qilinishi lozim. Ya’ni logistik funksiya va operasiyalar loyihalangan logistik zanjir korxonaga tegishli bo‘g‘inlari tomonidan shartnoma asosida logistik zanjirga kergan bo‘g‘inlar yoki ularning muayyan variantdagi bo‘linmalari tomonidan bajarilishi ko‘rsatilishi lozim.

VI. Bosqichda eng ishonchli, ilg‘or va uzoq muddat hamkorlik qilishni istovchi potensial hamkorlikni tanlash prosedurasi amalga oshiriladi. Potensial hamkorlarni tanlash prosedurasi mahsulot yetkazib beruvchilarni tanlash prosedurasi bilan bir xil (o‘xshash). Prosedura logistik servis tizimni ishlab chiquvchi tashabbus guruhi tomonidan amalga oshiriladi. Bu yerda hamkorlarni tanlash mezonlari korxonaning faoliyat turi va faoliyat ko‘lamiga bog‘liq bo‘ladi. 6-bosqich eng muvaffaqiyatli potensial hamkorlarga logistik zanjir bo‘g‘ini sifatida LST ular, tarkibiga kirganligi to‘g‘risida xabar qilish bilan tugaydi.

VII. Bosqichda. LSTni korxonada joriy qilishning integrasiyalashgan tarkibli kengashi tashkil etiladi. Kengash boshqaruvchisi etib, qoidaga ko‘ra korxona rahbari tasdiqlanadi. Korxona rahbari, kengash raisi korxonada LSTni joriy qilishning tashabbuskori hisoblanadi.

Kengashning tahliliy bo‘limi tarkibiga korxona logisti, marketologi va huquqshunoslari kiritiladi.

Tashqi maslahatchi va ekspertlar sifatida konsalting kompaniyalarining vakllari ishtirok qiladi.

Ushbu bosqichning mohiyati shundan iboratki, ishtirokchilar loyihalanayotgan logistik zanjirning tegishli bo‘g‘inlari holati to‘g‘risida o‘z hisobotlari va baholarini beradilar. Bu bosqichda kelgusi davrda rivojlanishning maqsad va vazifalari aniqlanadi va ifodalanadi. Ushbu maqsad va vazifalarga asosan integrasiyalashgan tuzilmaning har bir ishtirokchisi o‘z logistik tizimining kelgusi holatini belgilaydi.

Logistik servis xizmati ko‘rsatishning ajratib olingan loyihalari bo‘yicha tahlil bo‘limi kerakli axborotlarni to‘playdi.

Ushbu axborotlar asosida logistik zanjirning barcha ishtirokchilari va ulgurji savdo korxonasi uchun integrasiyalashgan logistik tizimning modelini ishlab chiqadi.

Ishlab chiqilgan modellar konsalting kompaniya tomonidan ekspertizadan o‘tkaziladi.

Ekspertizadan o‘tgan LST integrasion kengash tomonidan ko‘rib chiqiladi va tasdiqlanadi. Shu bilan birgalikda integrasiyalashgan logistik servis xizmatni ko‘rsatuvchi barcha ishtirokchilar uchun ishlab chiqilgan talablar va majburiyatlar tizimi tasdiqlanadi.

VIII. Bosqichda. Logistik zanjir har bir ishtirokchisining logistik servis xizmat ko‘rsatish bo‘yicha funksiyalari aniqlanadi va yozma ifodalanadi.

IX. Bosqichda. LSTni loyihalash, ishlab chiqish va joriy qilishning byudjeti, resurs ta’minoti, muddatlari, risklar va personal aniqlanadi. Shuningdek, loyihani joriy qilishning reja jadvali ishlab chiqiladi va tasdiqlanadi. Ulgurji savdo korxonasining rivojlanishida LST loyihasi, ishlab chiqarish va joriy qilish jarayonida logistik xizmat bo‘limi boshqa bo‘limlar bilan birgalikda, loyihaning o‘zgartirilgan byudjeti, reja-jadval, talablar tizimi, tadbirlar va ularni bajarish muddatlarini personal va mo‘ljaliy mehnat sarfini ko‘rsatgan holda tayyorlaydi.

X. Bosqichda. Integrasiyalashgan LST faoliyatining samaradorligi baholanadi. Agarda taklif qilinayotgan LST samarali bo‘lsa, amaliyotga joriy qilish uchun qabul qilinadi. Agarda u samarali bo‘lmasa, 5-bosqichga qaytariladi.

XI. Bosqichda. Logistik zanjirdan har bir ishtirokchisining ILST loyihasini joriy qilish bo‘yicha vazifalari, loyihani amalga oshirish fazalari, amalga oshirishning davomiyligi va davriyligi.

Ulgurji savdo samaradorligini oshirishda logistik servisning sifati muhim o‘rinni egallaydi. Logistik servisning sifatini baholash uchun quyidagi mezonlardan foydalaniladi:

- yetkazib berishning moslashuvchanligi;
- yetkazib berishning ishonchligi;
- buyurtmaning davomiyligi.

Yetkazib berishning moslashuvchanligi mijozning istagiga binoan buyurtmani bajarish vaqtini buzmasdan dastlabki yetkazib berish shartlarini o‘zgartirish bilan tavsiflanadi. Bunga buyurtmaning o‘ziga xosligi, qadoqlash va taralarning turlarini, buyurtmani yetkazish yo‘llari va shakllarini o‘zgartirish imkoniyati bilan ham taqqoslanadi.

Yetkazib berishning ishonchliligi tovar yetkazib beruvchining shartnomada ko‘rsatilgan muddatda buyurtmani bajarish qobiliyatini belgilaydi. Tovar yetkazib beruvchining shartnomada nazarda tutilgan majburiyatlar, kafolatlarni, yetkazib berish shartlarini buzish yetkazib berish ishonchliligiga ta’sir etadigan muhim omil hisoblanadi.

Buyurtmaning davomiyligi buyurtma olingan paytdan boshlab, to iste’molchiga tovarlarni yetkazib berish davri bilan tavsiflanadi. Buyurtmaning davomiyligi buyurtmani rasmiylashtirish vaqti, tayyorlash (agar buyurtma qilingan tovar mavjud bo‘lmasa), qadoqlash, ortish va iste’molchiga yetkazib berishni o‘z ichiga oladi.

«Xaridorlar bozori» sharoitida ulgurji sotuvchi iste’molchining talabiga binoan o‘z faoliyatini tashkil qilishi lozim. Shu bilan birga, iste’molchi talabi tovar taklifi bilan cheklanib qolmaydi. Iste’molchi uchun tovarlarni yetkazib berish jarayonida unga ko‘rsatiladigan xizmatlar tarkibi va sifati ham muhimdir. Bu esa hozirgi raqobat sharoiti, iste’molchilar ehtiyoji tarkibining o‘zgarishidan kelib chiqmoqda.

D.Z. Norqulova – SamISI, “Turizm kafedrasi mudiri, dotsent
Z. Sh. Tohirova– SamISI, IK-620 guruh talabasi

O‘ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLARGA QARATILAYOTGAN E'TIBOR

Annotatsiya:ushbu maqola O‘zbekistondagi xotin-qizlar huquqlarini himoya qilish asosida gender tengligini ta'minlash, ularning jamiyatdagi ijtimoiy faolligini oshirish, maqsadlarini amalga oshirish maqsadida keng jamoatchilik ishlarini olib borish hamda ularni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan oqilona siyosat yuritish rejalari va takliflari haqidadir.

Kalit so‘zlar: xotin-qizlar, huquq, manfaat, islohot, kasb-hunar, ta'lim, Xalqaro Mehnat tashkiloti, qaror, davlat dasturi, milliy mexanizm, tadbirkorlik.

Аннотация: В этой статье обсуждается реализация разумных политических планов по обеспечению гендерного равенства в Узбекистане на основе защиты прав женщин, увеличения их социального участия в жизни общества, проведения общественной работы для достижения своих целей и их поддержки во всех отношениях. **.**

Ключевые слова: женщины, закон, интересы, реформа, профессия, образование, Международная организация труда, решение, государственная программа, национальный механизм, предпринимательство.

Abstract:: This article discusses the plans for a sensible policy aimed at ensuring gender equality in Uzbekistan based on the protection of women's rights, increasing their social participation in society, conducting public work to achieve their goals, and providing them with comprehensive support. suggestions.

Keywords: women, law, interests, reform, profession, education, International Labor Organization, decision, state program, national mechanism, entrepreneurship.

Mamlakatimiz mustaqilligiga hademay 30 yil to‘ladi. Bu davr ichida yurtimizda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar samarasi, eng avvalo, turmushimiz tobora farovonlashayotganida, erishayotgan muvaffaqiyatlarimiz dunyo hamjamiyati tomonidan munosib e’tirof etilayotganida namoyon bo‘lmoqda. Yurtimiz rivojiga jinsi, yoshi, millatidan qat'i nazar o‘z hissasini qo‘shib borayotgan yurtdoshlarimizini ko‘rib quvonsak arziydi. Vatani oldidagi bunday sharafli vazifani ado etayotgan har qanday inson faxrga loyiqdir. Ayniqsa, ular tabiatan ojiz va faqat bo‘ysunish-u itoat etishga mahkum sanalgan ayollar bo‘lsa, ular e'zozga haqlidirlar. Achinarlisi shundaki, minglab ayollarimiz haligacha erksizlik qurboni bo‘lishmoqda. Eski sarqitlar asosida ish ko‘ruvchi omi ota-onalarning qizlaridagi iqtidor va qiziqishiga e'tiborsiz ravishda ularni majburan turmushga berishlari nafaqat farzandining, balki butun yurt kelajagi uchun qilingan xiyonatdir. Bunday holatlarning oldi olinib, xotin-qizlarnining kasb-kori, ta'limiga alohida e'tibor qaratilsa, baxtsiz turmushdan ajrashib, boshini qayga urishni bilmayotgan ilojsiz ayollar soni hozirgidek bo‘lmasmidi... Bunday ko‘ngilsizliklarni oldini olish uchun, xalqimiz va yurtimiz manfaatlari uchun hissa qo‘shishda har kimni javobgar bilib, ayollarning ham jamiyatdagi o‘rni va mavqeiga alohida e'tibor qaratishni jamiyatimiz oldiga maqsad qilib qo‘ysak, nur ustiga a'lo nur bo‘lar edi.

Inson huquq va erkinliklarini, qonuniy manfaatlarini ta’minlashga ustuvor ahamiyat qaratilayotgani natijasida oilaga, ayol zotiga bo‘lgan munosabatimiz o‘zgarib, ularga hurmat-ehtirom ko‘rsatish hayotimizning ma’no-mazmuniga, asosiy maqsadiga aylandi. Davlatimiz rahbari joriy yil mart oyida O‘zbekiston xotin-qizlariga yo‘llagan tabrigida e’tirof etganidek, aynan istiqlol davrida biz ko‘p narsalarni xuddiki qaytadan kashf etgandek bo‘lmoqdamiz. Ayol go‘zal bo‘lsa — olam go‘zal, ayol baxtli bo‘lsa — oila, butun jamiyat baxtli bo‘ladi, degan qarash ong-u shuurimizga chuqur kirib borayotgani va bizning hayotiy falsafamizga aylanayotganini har tomonlama anglab yetayapmiz. Bu qarash asosida shakllanib borayotgan chora-tadbirlar zamirida esa xotin-qizlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash hamda nafaqat ularning farovon kelajagiga, balki butun jamiyat taraqqiyotiga hissa qo‘shish taklif va tamoyillari yotadi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimovning “O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” kitobida keltirilgan dolzarb masalalar qatorida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy huquqlarini, nufuzi va qadr-qimmatini himoya qilishning yetarli kafolati uchun, ularning ijtimoiy ishlab chiqarishda va boshqarishda ishtirok etishiga qulay sharoitlar yaratish lozimligi, onalar va bolalar sog‘lig‘ini, aholining bilim va madaniyat darajasini saqlash har tomonlama ijtimoiy-iqtisodiy va mafkuraviy jihatdan ta’minlanishi kerakligi qayd etilgan. Bundan anglash mumkinki, mustaqillikning dastlabki yilnlaridanoq, xotin-qizlarga g‘amxo‘rlik ko‘rsatish, siyosiy faolligini oshirish, kasbiy, jismoniy, ma’naviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish, qiz bolalarni zamonaviy kasb-hunarlarga yo‘naltirish, ularni sportga keng jalb etish, onalik va bolalikni muhofaza qilish, sog‘lom oilani shakllantirish davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi.

Binobarin, 1991-yilda Islom Karimovning ayollar bilan ishlash tizimini yaratish borasidagi tashabbusi asosida O‘zbekiston Xotin-qizlar qo‘mitasi tashkil etildi. Bugungi kunda u yirik jamoat tashkiloti sifatida ayollarga oid davlat siyosatini aholiga yetkazish, uning davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorligini mustahkamlash, opa-singillarimizning ijtimoiy faolligiga oid yangi g‘oya va tashabbuslarni ilgari surish, mazkur yo‘nalishlarga doir dastur hamda hujjatlarda belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlashda alohida faollik ko‘rsatmoqda.

O‘tgan yillarda ishlab chiqarish, ta’lim, sog‘liqni saqlash, agrar sohalarda fidokorona mehnat qilayotgan o‘n uch nafar ayol “O‘zbekiston Qahramoni” degan oliy unvonga, ko‘plab ayollarimizning davlat mukofotlariga sazovor bo‘lgani, ayniqsa, qizlar uchun Zulfiya nomidagi Davlat mukofotining ta’sis etilgani va hozirgi kungacha yuzlab iqtidor egasi ushbu mukofot bilan taqdirlangani, tom ma’noda, ularga ko‘rsatilayotgan yuksak e’tibor namunasidir. Bugun O‘zbekistonda yashayotgan har bir ayol, chin ma’noda, baxtli. Zero, uning huquq va erkinliklari qonunlar bilan mustahkamlangan va uarning maqsadlari jamiyat maqsadlari darajasiga ko‘tarilib borayapti. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, o‘nlab qonunlar, saksonga yaqin farmon va qarorlar, davlat dasturlari xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, oila va jamiyatdagi mavqeini mustahkamlash, oila, onalik va bolalikni muhofaza qilishda huquqiy asos bo‘lib xizmat qilmoqda.

Shu bilan birga, mamlakatimiz turli konvensiya, bitim, shartnomalarga qo‘shilgan bo‘lsa, ulardan bevosita xotin-qizlar huquqlarini himoya qilish, onalik va bolalikni muhofaza qilishga qaratilgani salmoqlidir. Jumladan, BMTning Xotin-qizlar huquqlari kamsitilishining barcha shakllariga barham berish to‘g‘risidagi konvensiyasi (SYeDAW), Xotin-qizlarning siyosiy huquqlari to‘g‘risidagi, Xalqaro mehnat tashkilotining Onalikni muhofaza qilish to‘g‘risidagi, Mehnat va bandlik sohasida kamsitishlar to‘g‘risidagi konvensiyalar va boshqa bir qator xalqaro hujjatlar milliy qonunchiligimizda o‘z ifodasini topgan va ularning bajarilishi ta’minlanmoqda.

Prezidentimizning “O‘zbekiston Respublikasining davlat va ijtimoiy qurilishida xotin-qizlarning rolini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni ushbu yo‘nalishdagi islohotlarni izchil davom ettirishda yangi bosqichni boshlab berdi. Binobarin, bundan yigirma yil oldin qabul qilingan mazkur hujjatda xotin-qizlarning ahvolini ijro hokimiyati darajasida yaxshilash bo‘yicha milliy mexanizm asoslari yaratildi, ayollarning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy rivojlanishi bo‘yicha davlat dasturlarining amalga oshirilishiga yo‘l ochildi. Bunga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o‘rinbosari yangi lavozimi joriy etilib, uning zimmasiga xotin-qizlarning jamiyat hayotidagi rolini yanada oshirish bilan bog‘liq masalalarni boshqarish yuklandi.

1996-yilda Vazirlar Mahkamasi tomonidan O‘zbekiston Respublikasida xotin-qizlarning ahvolini yaxshilash bo‘yicha konsepsiyaning qabul qilingani, mamlakatda har yili xotin-qizlar va bolalar manfaatlarini rivojlantirish hamda kuchaytirishga bag‘ishlangan davlat dasturlarining hayotga izchil tatbiq etilayotgani, BMT qo‘mitasiga Xotin-qizlar huquqlari kamsitilishining barcha shakllariga barham berish to‘g‘risidagi konvensiyasi ijrosi bo‘yicha Milliy ma’ruza taqdim etilayotgani xotin-qizlarning konstitutsiyaviy huquqlarini ro‘yobga chiqarishga xizmat qilmoqda.

Bugungi kunda mamlakatda olib borilayotgan oqilona siyosat opa-singillarimiz orzularini ro‘yobga chiqarmoqda. Onalarimiz, momolarimiz hikoyalarida sobiq ittifoq davrida ayollarning to‘rt devor ichida hayot kechirganini, mushtipar onalarning zaharli paxta dalalarida bolalarini opichlab “plan” uchun o‘zini ayamaganini, tashvishlanarlisi, bu ular peshonasidagi qismat bo‘lganini ko‘p eshitganmiz. Qancha og‘ir bo‘lmasin, qancha zulm o‘tkazilmasin ayollarimizdagi chidam, sabr-bardosh, fidoyilik, mehnatsevarlik, qisqacha aytganda, bag‘rikenglik ularni bugungi dorilamon kunlarning qahramoniga, vafo va nazokat ramziga aylantirdi. Shukrlar bo‘lsinki, hozirgi davr chin ma'noda xotin-qizlar uchun haqiqiy erkin hayot ramziga aylanib bormoqda. Ularning huquqlari himoya qilinib, osuda hayotlari uchun eng zarur va kerakli shart-sharoitlar yaratilib berilmoqda.

Ijtimoiy tenglikka erishish murakkab va uzoq davom etadigan jarayondir va bu mamlakatning ijtimoiy taraqqiyot darajasiga, iqtisodiy imkoniyatlariga, mafkuraviy dasturlariga, madaniy-ma’naviy salohiyatiga bog‘liq. Xotin-qizlarni hayot va faoliyatning turli sohalariga jalb qilish imkoniyatlarini yaratish, bu yo‘nalishda hozirgi iqtisodiy shart-sharoitga mos keladigan, xotin-qizlarning ijtimoiy maqomini oshirishga qaratilgan uzoq muddatli davlat siyosatini ishlab

chiqish va amalga oshirish ularni jamiyatdagi o‘rnini mustahkamlaydi. Mamlakatimizda buni ro‘yobga chiqarishga katta e’tibor qaratilmoqda. Va bu tasodif emas, chunki O‘zbekistonda xotin-qizlar jamiyatning ko‘p sonli qatlamini tashkil etadi, o‘ziga xos ruhiy va demografik xususiyatlarga, turli funksiyalarga va muayyan ijtimoiy maqomga ega. Xotin-qizlarning ulkan salohiyatidan foydalanish, xotin-qizlar o‘z maqsadlarini to‘liq ro‘yobga chiqarishi uchun imkoniyatlar taqdim etish mamlakatning jadal iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy o‘sishiga hamda rivojlanishiga ko‘maklashadi. Tegishli ko‘nikma va qobiliyatga ega faol xotin-qizlarni rahbar lavozimlariga tayyorlash, ishbilarmon ayollarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, ayniqsa oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish masalalarining muhokama etilishi bu yo‘lda peshqadam yordamchi bo‘ladi. Xotin-qizlarga nisbatan jinoyat ko‘rsatkichlarini kamaytirish choralariga ham alohida e’tibor qaratish ularning jinoyat ko‘chasini tark etib, jamiyatda yana qayta o‘z o‘rinlarini topishlariga ko‘makchi bo‘ladi.

Imkoniyatlari cheklangan xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish haqida so‘z borganda bunday toifadagi ayollar bilan ishlashda psixologik yordam berish va qo‘llab-quvvatlash muhimdir. Bunda ular uchun ijtimoiy shart-sharoitni yaxshilash va ular bandligini ta’minlash imkoniyatlariga e'tibor qaratish ham e'tibordan chetda qolmasligi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. https://m.mfa.uz/uz/press/news/2015/07/4898/
2. https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/xotin-qizlar-maqomini-oshirish-boyicha-muhim-tadbir

Базарова М.С. – Бухоро Мухандислик технология институти, “Менежмент”кафедраси ассистенти
Бобомуродов Қ., Барноев З. – Бухоро Муҳандислик технология институти магистрлари

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. В статье освещены теоретические аспекты и методологические основы повышения уровня жизни населения, приводятся приоритетные направления и основные результаты преобразований, осуществляемых в целях повышения уровня жизни населения. Наряду, в этой статье указаны пути повышения эффективности проводимых в этой сфере мероприятий.

Калит сўзлар: Аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, аҳоли даромадлари, ишлаб чиқариш ёндашуви, турмуш даражаси кўрсаткичлари, аҳоли истеъмоли, аҳоли турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари. Аҳоли турмуш даражасини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Аннотация. В статье освещены теоретические аспекты и методологические основы повышения уровня жизни населения, приводятся приоритетные направления и основные результаты преобразований, осуществляемых в целях повышения уровня

жизни населения. Наряду, в этой статье указаны пути повышения эффективности проводимых в этой сфере мероприятий.

Ключевые слова: Повышение уровня жизни населения - основная цель проводимых в нашей стране экономических реформ.

Аннотация. In the given article considered theoretical aspects and methodological basis of increasing living standards of population, assumed priority directions and main results of transformations, which are happening with purpose of increasing living standards of population. Also, in this article it is given ways of increasing efficiency of actions in this sphere.

Keywords: Improving the living standards of the population is the main goal of the ongoing economic reforms in our country.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзияев таъкидлаганларидек: «Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур», мамлакатимизда аҳоли даромадларини кўпайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини ошириш, уй-жой билан таъминлаш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирларнинг натижаси бугунги кунда одамларнинг ҳаёт даражаси ижобий томонга ўзгариши орқали намоён бўлмоқда. Шунга қарамай, бу борада мамлакатимиздаги имкониятлар бунданда кўпроқ, мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиш учун аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ масалаларни назарий ва услубий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва бу бўйича илмий асосланган таклифларни бериш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражаси деганда, одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, уларнинг истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади.

Турмуш даражаси: – тор маънода аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари қондирилганлиги, истеъмолнинг даромад ва харажатлар билан таъминланишини; – кенг маънода инсонни ривожланиши даражасини (соғлик, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари) ва унинг яшаш шарт-шароитларини (атрофмуҳит, хавфсизлик маслалари) англатади. Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжи қондирилиши ва ижтимоий турмуш шароити яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Одатда аҳоли турмуш даражаси қуйидагича таснифланади: – тўкин-сочинлик (инсон баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти); – меъёрли даража (инсон жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини такрор ҳосил қилишини таминловчи илмий асосланган оқилона истеъмол даражаси); – камбағаллик (иш кучини такрор ҳосил қилишда моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти); – қашшоқлик (моддий неъматлардан биологик

мезонлар асосида минимал даражада фойдаланиш). Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражаси инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилади. В.Н.Салин, Е.П. Шпаковскаялар “Аҳоли турмуш даражаси бу инсон фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади”, – деб кўрсатади. Аҳоли турмуш даражасига моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражаси сифатида қарашлар бор. Бу таъриф кўпроқ турмуш даражасининг статистикасини тавсифлайди, ҳолбуки турмуш даражаси кўплаб омиллар таъсирида ўзгариб турувчи динамик жараёндир. Бир томондан, турмуш даражаси мунтазам ўзгариб турувчи турли неъматларга эҳтиёжларнинг таркиби ва миқдори билан белгиланади, иккинчи томондан, бозордаги товарлар ва хизматлар, аҳоли даромадлари, ходимлар иш ҳақларининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда эҳтиёжларни қондириш имконияти билан чекланиб қолади. Қ. Х. Абдураҳмонов “турмуш даражаси” тушунчасининг мазмунини истеъмол соҳаси билан чеклайдиган муаллифлар нуқтаи назарини тўғри деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарур моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиш даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади Х.С. Мухитдинов аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқлигини ўрганади ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг таъсирини ёритиб беради .Бизнинг фикримизча, аҳоли турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у инсонлар ҳаётининг ишлаб чиқариш ва истеъмол билан боғлиқ муносабатларини ўз ичига олади.

Аҳолининг турмуш даражасини ўрганишга турли ёндашувлар бўлиши лозим ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишни ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шу нуқта назардан корхоналар фаолиятини ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида қараймиз. “Турмуш даражаси”га берилган иқтисодий адабиётлардаги таърифлар ишлаб чиқариш, истеъмол, даромадлар, турмуш қиймати, истеъмол меъёрлари ва мезонлари каби турли бошланғич тушунчаларни таъкидлаб кўрсатади ёки комплекс равишда уларнинг кўп жиҳатли хусусиятларини ўрганади. Биз турмуш даражасини оширишнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёндашувларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. “Ишлаб чиқариш” ёндашувида аҳолининг турмуш даражаси ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби ва самарадорлиги даражасига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасида тескари алоқа мавжуд. Бу аввало, аҳоли турмуш даражаси меҳнат ресурсларининг сифат хусусиятлари ва иш билан банд аҳолининг меҳнат самарадорлиги билан боғлиқлиги ҳамда аҳолининг истеъмол имконияти ўсиши билан юқори меҳнат унумдорлигидан манфаатдорлик ошиши орқали намоён бўлади. Аҳоли турмуш даражаси давлат олиб

бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самарадорлигини ифодалаб берувчи бош мезон бўлиб, унинг ошиб бориши ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этади. Турмуш даражаси инсон (аҳоли) ҳаёти ва фаолиятининг қандайдир бир томони ҳақида тасаввур берувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжларини, истеъмол даражаси ва таркибини, уй-жой, мулк, маданиймаиший буюмлар билан таъминланганлик ва бошқа кўплаб жиҳатларни уйғун бирликда ўрганиш зарур. Аҳоли турмуш даражаси "турмуш сифати" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг боғлиқлиги турли илмий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан етарли даражада ёритиб берилган. Турмуш сифати - шахснинг, унинг фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг жамиятдаги турмуш шароитлари ва табиат муҳити билан уйғун муносабатларини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий қадриятлари мажмуидир. Бизнинг фикримизча, турмуш даражаси аҳоли турмушининг моддий томонларини ифодаласа, турмуш сифати аҳоли турмушининг маданий ва маиший жиҳатларини билдиради ва турмуш сифати инсонлар ҳаётининг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Аҳоли турмуш даражаси аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат орқали белгиланади. Аҳолининг даромадлари унинг харажатларига нисбатан қанча кўп бўлса аҳоли турмуш даражасини ошириш имкониятлари шунчалик юқори бўлади. Аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий омиллар макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда рўй бериши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиши ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш кўрсаткичларининг ривожланишида. муҳим ўринни ягона шахсдан, оила, уй хўжалигига ўтиш эгаллади. Бу миллий ҳисоблар тизими услубиётининг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, илк бор макроиқтисодий тузилмада аҳоли тўлақонли субъект сифатида ўз ўрнини топди. Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда аҳолининг даромадлари, имкониятлари, истеъмоли ва эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини объектив талқин этиш муаммоси долзарб саналди. Бу муаммо назарий ва услубий жиҳатдан ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиётини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилинган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш аҳолининг даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан корхоналарда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, маҳсулот турларини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари

таъминоти даражасига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини ошириш зарур. Аҳолининг турмуш даражаси ва даромадлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг самарадорлиги, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси, миллий хусусиятлари, сиёсий ҳокимият ва бошқалар билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Абдурахмонов К Х., Xftumoe А. А. Меҳнат бозори ва ахолини иш билан таъминлаш муаммолари. Т.: РИА ТФ, 2010. - 72 б.
2. Абдурахманов (Х. Инсон тараккиёти. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2013 йил. - 476 б.
3.Абдурахмонов К Х. ва бошкалар.Меҳнат иктисодиёти. Дарслик. - Т.: «Fan va texnologiya», 2019.

Н.У. Аминова– Ташкентский Финансовый Институт, преподаватель кафедры "Оценочное дело и инвестиции"

МЕХАНИЗМ УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ СРЕДОЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: Мақолада инновацион мухит хамда унинг хусусиятлари, тизимли бошқарув механизмига бўлган эхтиёж, шунингдек, рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион мухитни бошқариш механизмини шакллантиришга доир илмий ва амалий тавсиялар мухокама қилинган.

Калит сўзлар: Инновацион мухит, рақамли иқтисодиёт, тизимли бошқарув механизми, трансформация.

Аннотация: В статье рассматривается инновационная среда и ее особенности, необходимость в системном механизме управления, а также даны общие и практические рекомендации по формированию механизма управления инновационной средой в цифровой экономике.

Ключевые слова: Инновационная среда, цифровая экономика, структурный механизм управления, трансформация.

Abstract: The article discusses the innovation environment and its features, the need for a system management mechanism, as well as general and practical recommendations for the formation of a mechanism for managing the innovation environment in the digital economy.

Key words: Innovation environment, digital economy, structural management mechanism, transformation.

Одним из ключевых факторов инновационного развития является наличие благоприятной среды и инновационного климата, стимулирующих создание инноваций, обеспечивающих превращение идей и разработок в рыночные продукты, внедрение этих продуктов в важнейшие отрасли экономики и социальную сферу.

Инновационная среда, обеспечивающая модернизацию различных элементов социально-экономических систем, нуждается в трансформации в соответствии с потребностями цифровой экономики. По данным BCG, доля цифровой экономики в ВВП в мире составляет 5,5 %, в ЕАЭС - около 2,8 %. [1]

По оценкам Всемирного экономического форума, цифровизация несет огромный потенциал для бизнеса и общества в течение следующего десятилетия и может принести дополнительно более 30 трлн. долл. США доходов для мировой экономики до 2025 года.

Признавая эволюционный характер развития экономики и неизбежность цифровизации, следует отметить, что в настоящее время отсутствует комплексный целостный подход, использование которого позволило бы обеспечить цифровую трансформацию всей инновационной экосистемы, а также инновационной среды как важнейшего условия достижения глобальной конкурентоспособности на высокотехнологичных рынках. Это обусловливает необходимость и актуальность научных изысканий в области адаптивных теоретикометодических рекомендаций, позволяющих на практике осуществить процесс управления инновационной средой национальной экономики, регионов, отраслей и предприятий как социально-экономических систем.

Инновационная среда — это сочетание внутренних и внешних факторов и рамочных условий; континуум, образованный системно-синергетическим влиянием на процессы, протекающие в экономических системах, а также на процессы социального и иного порядка, способные повлиять на достижение целей развития экономических систем и их поведение в отношении заинтересованных сторон в условиях цифровой экономики.

Благоприятная инновационная среда — это среда, качество которой обеспечивает устойчивое динамичное развитие экономических систем.

Инновационную среду в условиях цифровой экономики можно представить в следующей последовательности:

- *ценности* (отношение к науке и технологиям, к предпринимательству, институциональное доверие, культура) - условия для развития;
- *институты* (эффективность государственного управления, защита прав собственности, в том числе интеллектуальной, уровень коррупции, простота создания предприятий, налогообложение, снижение барьеров экспорта) - базовые условия развития;
- *зрелость рынков и отраслей* (доступность капитала, структура экономики) - условия для коммерциализации;
- *инфраструктура* (транспорт и энергетика, телекоммуникации) - условия для деятельности;
- *технологии* (патенты, венчурные фонды, стартапы);

[1] Арчакова С.Ю. Рекомендации по формированию стратегий транс- формации инновационной среды в условиях цифровой экономики / С.Ю. Арча- кова // Стратегические приоритеты эффективного экономического развития: материалы междунар. науч.-практ. конф. Воронеж: ФГБОУ ВО «ВГТУ», 2018.

❖ *человеческий капитал* (качество образования, качество науки, компетенции, знания) - условия для появления исследований, а также надстройки ресурсов, результатов и эффектов от инновационной деятельности.



Рис 1. Инновационная среда в условиях цифровой экономики[1]

Механизм управления инновационной средой в условиях цифровой экономики сформирован с позиций системного подхода. Под *системой управления инновационной средой* в работе понимается совокупность:

- сбалансированных четырех типов субъектов управления: бизнеса (как драйвера), государства (как заказчика), общества (как потребителя результатов) и мировых альянсов (как партнеров);
- объекта управления - процесса развития, трансформации и перерождения инновационной среды в условиях цифровизации;
- механизма управления инновационной средой как наиболее активной части системы, обеспечивающей воздействие на факторы, от состояния которых зависит результат процесса развития инновационной среды.

Безальтернативными глобальными трендами в механизме управления инновационной средой выступают следующие: повсеместная цифровизация всех социальных, экономических, научно-технологических процессов развития; изменение природной среды; демографические и социальные трансформации; переход к новой модели экономического роста; трансформация геополитической ситуации и систем глобального управления; формирование новой парадигмы научно-технологического развития и пр.
Целевая подсистема механизма включает одновременное достижение четырех главных целей управления инновационной средой:

[1] Подготовлено автором на основе проанализированных данных.

❖ повышение уровня и качества жизни, выражающееся в увеличении ожидаемой продолжительности жизни при рождении, улучшении места страны в рейтинге стран по значению Индекса человеческого развития, Индекса экологической эффективности;

❖ рост экономической эффективности через повышение производительности труда, энергоэффективности производства;

❖ рост конкурентоспособности, выражающийся в повышении места страны в рейтинге стран по значению Глобального инновационного индекса, Индекса глобальной конкурентоспособности, индекса «Doing Business», росте доли страны в мировом экспорте высокотехнологичных товаров;

❖ повышение безопасности через оценку места Узбекистана в рейтинге стран по значению Глобального индекса продовольственной безопасности и кибербезопасности.

На основании приведенных выше данных можно сделать следующие выводы. Основой стратегии управления инновационной средой является формирование саморегулируемых сетевых структур, поддерживаемых различными сообществами, являющимися пространствами сборки образа будущего в цифровой экономике.

Трансформация инновационной среды в условиях цифровой экономики должна осуществляться с помощью специализированного механизма. В качестве субъектов управления в механизме трансформации инновационной среды представлены различные государственные, транснациональные, региональные, корпоративные управленческие институты развития.

С.З. Джалолова– СамДУ, “Тармоклар иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган ва шунга мос бўлган раҳбатлантириш тизимини ташкил қилиш лозимлиги тавсия қилинган.

Калит сўзлар: иш ҳақи, меҳнат ҳақи, рағбатлантириш, иш натижаси, вақтбай иш ҳақи, ишбай иш ҳақи.

Аннотация: В статье рассматривается ряд особенностей системы оплаты труда в сфере услуг и рекомендуется создание соответствующей системы мотивации.

Ключевые слова: заработная плата, оплата труда, поощрение, результат работы, по временная заработная плата, рабочая заработная плата.

Abstract: The article considers a number of specific features of the remuneration system in the service sector and recommends the establishment of an appropriate incentive system.

Key words: salary, wage, motivation, result of job, part-time salary, working salary.

Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш масалаларини ўрганишда биринчи навбатда хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари: корхона мақсадлари, сотилаётган товар ва кўрсатилаётган хизматлар хусусиятлари махсулот бозорининг ўзига хос хусусиятлари, корхонанинг фаолият олиб бориш даври ва маълум ҳудуднинг миллий анъаналарини эътиборга олиш лозим.

Бизнинг тадқиқотимиз объекти бўлган савдо корхоналарида кўпгина холларда ушбу ҳолатлар эътиборга олинмасдан ходимларни рағбатлантиришнинг оддий усули: сотув ҳажми ва меҳнат ҳақи ўртасида бевосита боғлиқликни таъминлаш орқали ташкил этилади. Таъкидлаш лозимки, савдо ходимларини қисқа даврдаги сотувлар учун эмас, балки узоқ муддатли фойда олиш учун рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир[1].

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодчи олимлар томонидан меҳнатни мотивациялаштиришда икки гуруҳ белгилаб кўрсатилган:

- меҳнатнинг мазмунлилиги;
- меҳнат ҳақи.

Бозор иқтисодиётигача бўлган даврда савдо соҳаси энг кам иш ҳақини ташкил этувчи соҳа эди. Умуман ҳалқ хўжалиги бўйича мотивацион механизмда асосий ўринни иш ҳақи ташкил этган бўлса, савдо соҳасида эса иш ҳақи даражасининг паст бўлганлиги сабабли мотивацион механизм сифатида ноёб товарларга эга бўлиш, иш ҳақидан бир неча баробар юқори бўлган яширин даромадларга эга бўлиш имконияти мавжудлиги ҳисобланар эди. Шу сабабли савдо соҳасида юқори малака, ўз-ўзини намоён қилиш ва меҳнатнинг фойдалилиги каби қадриятлардан ташкил топувчи “қизиқарли меҳнат” мотивацион асоси кенг тарқалмади. Меҳнатни мотивациялашда профессионаллик даражаси талаб этилмас эди. Кам меҳнат сарфи билан максимал меҳнат ҳақи олиш хохиши мавжуд эди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси меҳнат пассивлиги билан ажралиб турарди.

Савдо соҳаси ходимларини мотивациялаш тизими юқори натижаларга эришиш истагини билдириши ва қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- иш ҳақининг ошиши имкониятлари юқори бўлши лозим;
- мукофотлаш ва рағбатлантириш усуллари оддий ва тушунарли бўлиши;
- мукофотлаш ходимнинг қобилиятлари ва қўшимча ҳаракатларига боғлиқ равишда тайинланиши;
- ходимлар ташқи муҳит таъсиридан сақланиши.

Моддий рағбатлантириш умумий иш ҳақига қўшимча сифатида намоён бўлади. Қўшимча иш ҳақи олиш қуйидагилар билан аниқланади: биринчидан, меҳнат унумдорлиги нормаси, иккинчидан, тўлиқ иш ҳақи даври учун белгиланадиган мукофотлар улуши[2].

---

[1] Скоун Т. Управленческий учет / Пер С англ. Под. Ред. Н.Д Эриашвили. М. Аудит, ЮНИТИ, 1997

[2] Меҳнат унумдорлиги учун мукофот энг камида кунлик иш ҳақининг 25%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Шу асосда, белгиланган меъёрда 100%лик ва ортиқча иш бажарган ишчи ва хизматчилар 25%лик устамага эга бўлишлари. Мукофотлаш ходимнинг малакаси ва имкониятларига ҳам боғлиқ ҳолда амалган оширилиши лозим.

Иқтисодиётда рағбатлантирувчи мукофотларни белгилашнинг икки усули ажратилади. Биринчи усулда рағбатлантириш миқдорида маълум чегара белгиланади. Иккинчи усул тарафдорлари рағбатлантиришларга умуман чеклов қўйилмаслигини таъкидлашади, уларнинг фикрича чекловлар савдо хизматини кўрсатиш сифатини ҳам чекланишига олиб келиши мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида якка ходимга йўналтирилган мукофотлаш тизими жамоавий мукофотлашга кўра устунликка эгадир. Мукофотга лойиқ топилган ходим мукофот айнан унинг меҳнати самараси эканлигини ва ҳеч кимга боғлиқ эмаслигини англаб етади. Ушбу усул кичик савдо корхоналарида муҳим аҳамият касб этади.

Моддий рағбатлантиришнинг энг кўп тарқалган тизимлари меҳнат унумдорлигининг ошиши билан боғлиқдир. Корхона раҳбарияти кунлик бажариш нормасини белгилайди. Нормалар пул, вақт, ишлаб чиқариш миқдори кўринишида бўлиши мумкин. Савдо соҳасида нормаларни белгилаш ўзига хос мураккабликка эгадир ва ҳар бир савдо дўкони сотув ҳажми ва пул тушуми бўйича ўз нормаларига эгадир.

Савдо соҳасида жамоали мукофотлаш тизими ҳам қўлланилиб келинмоқда. Жамоали мукофотлаш тизими маълум корхонанинг, бир хил ёки бир-бирига алоқадор фаолият билан шуғулланувчи бир гуруҳ ходимларига таалуқлидир. Масалан, бир гуруҳ ходимлар сотувда бир хил вазифани бажаришади, шу сабабли уларнинг ҳар бирини назорат қилиш хожати йўқ. Умумий иш ҳажми маълумдир ва жамоа ўз аъзолари ўртасида ишни тақсимлайди. Ушбу тизимнинг асосий мақсади жамоа аъзоларининг бирлашишига ва умумий натижага эришишга имкон бериш ва жамоа аъзолари ўртасида мукофотни тақсимлашга имкон беришдир.

Иш ҳақининг аналитик тизимларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тизимнинг хусусияти иш бажарувчиларнинг малакаси, меҳнат сарфи ва шароитлари ва бошқаларга боғлиқ ҳолда табақаланган ҳолда иш ҳақи даражасини белгилашдир.

Моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам мавжуддир. Айрим ташкилотларда совғалар кўринишидаги рағбатлантириш усули кенг тарқалган. Ишчи ва ходимлар эришилган ютуқларига кўра қимматбаҳо совғалар ва сайёҳлик путёвкаси ва бошқалар билан тақдирланади. Тақдирлаш жараёни иш ўринларида, оммавий йиғинларда ва тадбирларда амалга оширилади. Ушбу ҳолат ютуқларни тан олиниши ва барча ходимлар ўртасида тарғиб қилинишига олиб келади.

Савдо корхоналарида икки асосий кўринишда, моддий-натурал кўринишдаги мукофотлаш ва касб даражасининг ошишида бўлиши мумкин. Ўз ўрнида моддий-натурал мукофотлаш тизимини икки кўринишда, биринчиси иш ҳақи ва иккинчиси – ижтимоий, натурал ва пуллик хизматлар кўринишида ажратиш мумкин.

Сотувлар хажмини оширишга қаратилган моддий рағбатлантиришнинг иқтисодий қиймати юқорилигига қарамай охирги йилларда улардан

фойдаланиш миқдори пасайиб бормоқда. Бу ҳолат қуйидагилар сабабли рўй бермоқда:

- ишлаб чиқариш харажатлари миқдорида моддий, қўшимча харажатлар улуши ортиб бориши ва маълум даражада меҳнат ҳаққи харажатлари пасайишининг рўй бериши;
- корхона раҳбарлари узоқ муддатда ушбу тизимларни қўллаш қобилиятига эга эмаслиги;
- меҳнатни нормалашнинг аниқлилик даражаси номаълумлиги.

Ушбу тизимлардан фойланмасликнинг сабаби сифатида – сотув ҳажмининг ошиши, харидорлар билан мулоқот вақти қисқартирилиши ва харидлар сони камайишига олиб келиши мумкин деб кўрсатилади. Товарни тезроқ сотиш ҳохиши харидларни пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, шу сабабли, биз кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишни рағбатлантириш тизимини таклиф этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ушбу тизим мавжуд тизимларга қўшимча равишда ва уларни тўлдириб туриши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, моддий рағбатлантириш механизмлари сифат кўрсаткичларига кўра меҳнат унумдорлигини рағбатлантириш тизимига ўхшашдир. Маълумки, сифат кўрсаткичларини оширишнинг моддий рағбатлантириш тизими савдо соҳасига хосдир. Аммо ушбу сифат кўрсаткичини ўлчаш мураккабдир. Савдо соҳасида умумбелгиланган меҳнатнинг сифат кўрсаткичлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у ҳақиқатда кўрсатилган қўшимча эътибор, хушмуомалалик, озодалик, самимият, сотувдаги товар ҳақида тўлиқ маълумотлилик, мижозга танлашга кўмак орқали намоён бўлади.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш шаклидан фойдаланиш имкони йўқ бўлганда вақтбай ҳақ тўлаш шакли жорий этилади. Ҳақиқатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар икки шаклини чегаралашнинг асосий белгиси меҳнат унумдорлигини миқдорий ўлчаш имкониятидир. У табиий шаклдаги махсулот хажмининг иш вақти сарфларига нисбати сифатида белгиланади. Ишбай ҳақ тўлаш асосида худди шундай имкониятлар мавжуддир. Вақтбай ҳақ тўлашда энг яхши деганда, натижалар ва ҳаражатларнинг қиймат ўлчагичлари бўлган меҳнат самарадорлигига баҳо бериш ҳақи тўлашдагина ran бориши мумкин.Ишбай ҳақ тўлаш чоғида махсулот ишлаб чиқариш нормаси асосий меҳнат нормаси бўлади. У ҳам қонун билан белгиланган иш вақтининг давомийлигига қараб хисобланади. Бундай нормани бажарганлик учун ходим тариф ставкаси миқдорида ҳақ олади. Тариф ставкаси бажарилмаганида ёки ошириб бажарилганида ходимга ёзилган ҳақ тегишли суръатда ундан паст ёки юқори бўлади.

Меҳнатга ишбай ҳамда вақтбай ҳақ тўлаш тизмларида асосий меҳнат нормаси билан бирга кўпинча бир ёки бир неча қўшимча меҳнат нормаларидан ҳам фойдаланилади. Бу меҳнат нормаларини тўла ва ошириб бажарганлик учун жорий мукофотлар ёзилади. Узининг иқтисодий мазмунига кўра бундай мукофотлар асосий меҳнат нормасига қўшимча тарзда белгиланган ҳақ тўлаш нормаларидан иборат бўлади.Иктисодий мохият нуқтаи назаридан қараганда иш ҳақи тўлашнинг ишбай ва вақтбай шакллари ўртасида катта фарк йўқ: уларнинг ҳар иккиси ҳам меҳнат бозори томонидан белгиланган ишчи кучининг бахосига ҳамда қонун билан белгиланган иш вақтининг давомийлигига асосланади. Ҳақ тўлашнинг икки шаклида меҳнат

натижаси ҳам, иш вақти ҳам хисобга олинади.

Иш ҳақини ташкил этишнинг бозор моделида иш берувчи билан ёлланма ходим ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш назарда тутилади. Иш берувчи корхона ишининг ижобнй натижаларидан, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан моддий манфаатдор бўлади. У техникавий сиёсатни белгилайди, бозор конъюнктурасини ўрганади, нимани ва канча хажмда ишлаб чиқариш, кандай бахода ва кимга сотиш кераклигини белгилайди. Ёлланма ходим эса ўз меҳнатининг натижалари учунгина жавоб беради, умуман корхона фаолиятининг натижаларидан қатъи назар, бу меҳнат учун унга ҳақ тўлашлари шарт. Шу тарзда иш ҳақини ташкил этишнинг бозор моделида ходимнинг ўз меҳнат натижаларидан шахсий манфаатдорлиги биринчн ўринда туради.

Ходимнинг моддий манфаатдорлигига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан караганда, ҳақ тўлаш тизимлари оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий тизимлар ходимга ҳақ тўлашнн фақат унинг меҳнати натижаларини ҳисобга олишнинг асосий кўрсаткичи билангина боғлайди: ишбай тизимлар - фақат тайёрланган махсулот хажми билан, вақтбай тизимлар - ишланган вакт микдори билангина боғлайди.

Мураккаб тизимлар меҳнатга ҳақ тўлашни бир неча кўрсаткичларга боғлиқ қилиб қўяди. Шулардан бири асосий, бошқалари эса қўшимча кўрсаткичлардир. Қўшимча кўрсаткичлар сони ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш борасида мавжуд захиралардан фойдаланишга таъсир кўрсатиш нмкониятларига боғлиқ. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг объектив шарт-шароитлари билан бир қаторда ходимларнинг субъектив фазилатлари ҳам хисобга олиниши мумкин.

Савдо соҳасидаги меҳнат ҳақи даражаси бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра ушбу соҳада меҳнат ҳақи даражасида катта фарқ белгиланмайди. Маълумки, даромадлар даражаси қанчалик тенглаштирилса иш ҳақининг рағбатлантирувчи таъсири пасайишига олиб келади. Шу сабабли иш ҳақининг рағбатлантирувчи вазифаси муҳим ҳисобланади.

Савдо соҳасида ишчи кучига талаб ва таклиф қонуни таъсир кўрсатади. Меҳнат бозори турли категориядаги ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг табақаланишини олиб келади.

Савдо соҳасида меҳнат бозори қуйидаги хусусиятларга эгадир:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши;
- савдо соҳасига бошқа мутахассисларнинг ҳам кириб келиши натижасида махсус билимларга эга бўлмаган ходимларнинг савдо соҳасида банд бўлиши;
- ушбу соҳада бошқа соҳаларга нисбатан юқори даромад олиш имконияти мавжудлиги соҳага қизиқишни ошириб бориши;
- соҳада ёш кадрларга эҳтиёжнинг юқорилиги ва ушбу кадрларни рағбатлантиришга эҳтиёжнинг мавжудлиги.

Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга экан. Шу туфайли ушбу соҳани ривожлантириш учун юқоридаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда раҳбатлантириш тизимини ташкил қилишга тўғри келади.

Ж.О.Шарипов – докторант Бухарский инженерно-технологический института
М.Ш.Ҳомидов – студент Бухарский инженерно-технологический института

ИССЛЕДОВАНИЕ МНОГОСЛОЙНЫХ ПОКРЫТИЙ ДЛЯ ДИСКОВЫХ ФРЕЗ

Аннотация. В статье рассмотрены особенности структуры приповерхностного слоя быстрорежущей стали Р6М5, модифицированной легированием поверхности низкоэнергетическим сильноточным электронным пучком, многослойное нанесения покрытия и ее влияние на износостойкость инструмента при сухой резке труднообрабатываемого хромовый сплав. Существенное снижение интенсивности износа быстрорежущей стали при комбинированной обработке происходит за счет смещения зоны износа и уменьшения радиуса округления режущей кромки из-за изменения условий взаимодействия с обрабатываемым материалом.

Ключевой слова: фреза, нанесения покрытия, ион-азотирование, ион-легирование.

Аннотация. Мақолада сиртни паст энергияли юқори токли электрон нурлари, кўп қатламли қоплама билан қотишма билан ўзгартирилган тез кесар Р6М5 пўлатининг сиртга яқин қатлами тузилишининг хусусиятлари ва унинг асбобнинг мойлаш совутиш муҳитисиз ишлов берилганда кўп қатламли қопламанинг таьсири муҳокама қилинади машинада ишлов берилиши қийин бўлган хром қотишмасини қуруқ ҳолда кесиш. Комплекс ишлов бериш жараёнида тез кесар пўлатнинг ейилиш тезлигининг сезиларли даражада пасайиши, қоплама зонасининг силжиши ва қайта ишланган материал билан ўзаро таьсир қилиш шароитлари ўзгариши туфайли ўтмаслашиш радиусининг пасайиши туфайли юзага келади.

Калит сўзлар: фреза, қоплама қоплаш, ионли-азотлаш, ионли-легирлаш.

Abstract. The article discusses the features of the structure of the near-surface layer of high-speed steel R6M5, modified by alloying the surface with a low-energy high-current electron beam, multilayer coating and its effect on the wear resistance of a tool during dry cutting of a hard-to-machine chrome alloy. A significant decrease in the wear rate of high-speed steel during combined processing occurs due to the displacement of the wear zone and a decrease in the radius of rounding of the cutting edge due to changes in the conditions of interaction with the material being processed.

Keyword: cutter, coating, ion-nitriding, ion-alloying.

В статье исследованы структурные параметры и механические свойства износостойких покрытий для режущего инструмента, работающего в стесненных условиях резания, показано влияние покрытий на контактные характеристики процесса нарезания материалов и отрезки заготовок. Предложены машиностроения многослойных покрытий и оценена работоспособность отрезных фрез с разработанными покрытиями.

Повышение работоспособности режущего инструмента является актуальной задачей на современном этапе развития лезвийной механической обработки. Одним из эффективных путей повышения работоспособности режущего инструмента является нанесение на его рабочие поверхности износостойких покрытий. Данные исследования

показали высокую эффективность износостойких покрытий на операциях точения и фрезерования. Эффективность покрытий на таких операциях как нарезания материалов и отрезки заготовок ниже, так как данные процессы характеризуются более высокими температурами при резании, возникающими от близко расположенных тепловых источников, затрудненным теплоотводом из зоны резания, большими контактными силовыми нагрузками при одновременно работающих двух и более режущих кромках.

В связи с этим были проведены исследования по разработке многослойных покрытий для дисковых отрезных фрез.

Исследовали однослойные одно и многоэлементные покрытия TiN, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N + Азотирование+ легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование толщиной 4 мкм, которые наносили на многогранные неперетачиваемые твердосплавные фирмы «PLATIT» (Швецария) из быстрорежущих сплава. Работоспособность отрезных фрез оценивали по периоду стойкости. При нарезании материалов использовали полный факторный эксперимент, в результате которого получали зависимости типа:

Результаты исследований структурных параметров и механических свойств однослойных покрытий различного состава представлены. Многоэлементные покрытия имеют высокий уровень остаточных сжимающих напряжений, по сравнению с покрытием TiN, что способствует повышению времени работы инструмента до образования в покрытиях трещин. Изменение периода кристаллической решетки *a* и повышение значения полуширины рентгеновской линии в при переходе от одноэлементного покрытия TiN многоэлементным (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N + азотирование + легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование свидетельствует об увеличении степени микродеформации кристаллической решетки данных материалов покрытий, и как следствие увеличение микротвердости покрытия.

Легирование одноэлементного покрытия TiN существенно изменяет его механические свойства. Покрытия (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N + Азотирование+ легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование обладают более высокой микротвердостью, по отношению к покрытию TiN. В свою очередь покрытие TiN обладает меньшим коэффициентом отслоения K_o по отношению к покрытиям (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N + Азотирование+ легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование, что свидетельствует о его более высокой прочности сцепления с инструментальной основой. Критический коэффициент интенсивности напряжений K_{1C}увеличивается при переходе от одноэлементного покрытия TiN к многоэлементным (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N +

Азотирование+ легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование, что свидетельствует об увеличении сопротивляемости материала покрытия хрупкому разрушению. Повышение модуля Юнга E у покрытий (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N + Азотирование+ легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование по сравнению с покрытием TiN способствует повышению энергии связей между атомами и, следовательно, прочности материала покрытий.

Для выявления требований к покрытиям, предназначенных для работы в стесненных условиях исследовали влияние покрытий на контактные процессы, тепловое состояние инструментов и интенсивность износа режущего инструмента. Результаты исследований влияния износостойких покрытий на контактные характеристики процесса резания при нарезании материалов и отрезки представлены.

Исследованиями установлено, что наилучшее тепловое состояние и минимальная интенсивность изнашивания режущего инструмента, как при нарезании материалов, так и при отрезке обеспечивают многоэлементные покрытия.

Результаты проведенных исследований показали, что для нарезания материалов и отрезки заготовок характерны такие же закономерности влияния покрытий на контактные процессы, тепловое состояние и интенсивность изнашивания инструмента, какие имеют место при обычном продольном точении. Поэтому, при разработке конструкторы многослойных покрытий использовали принцип формирования таких покрытий для условий непрерывного резания.

На основании данного принципа были разработаны двухслойные покрытия следующей архитектуры: TiN, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N+ азотирование, (TiCr)N-(TiAl)N-(CrAlSi)N (Natcro^3), (TiAl)N + Азотирование+ легирование (NbHf), (TiAl)N + азотирование.

Проведенные исследования работоспособности режущего инструмента при нарезании материалов и отрезке заготовок подтвердили эффективность разработанных покрытий.

Список использованной литературы:

1. Табаков В. П. Формирование износостойких ионно-плазменных покрытий режущего инструмента. - М.:Машиностроение, 2008. - 311 с.

2. Верещака А.С., Григорьев С.Н., Табаков В.П. Методологические принципы создания функциональных покрытий для режущего инструмента// Упрочняющие технологии и покрытия. - 2013. - №2. - С. 18 - 32.

3. Tabakov V.P. 2012. The Influence of Machining Condition Forming Multilayer Coatings for Cutting Tools// Key Engineering Materials, pp. 80-85.

4. Табаков В.П., Сагитов Д.И. Применение износостойких покрытий при резьбонарезании// Вестник МГТУ «СТАНКИН» - М.:МГТУ «СТАНКИН», №1, том 2 (19), 2012. - С. 15 - 19.

5. Табаков В.П., Сагитов Д.И. Разработка многослойных износостойких покрытий для токарных резьбовых фрезов // Ежемесячный научнотехнический и производственный журнал «Упрочняющие технологии и покрытия». - М.: Машиностроение, Упрочняющие технологии и покрытия, №5, 2013. - С. 42 - 47.

Б.И.Адизов – Бухоро давлат университети таянч докторанти

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ БАНДЛИК МОНИТОРИНГИ АМАЛИЁТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси шароитида таълим муассасалари битирувчилари бандлигини мониторинг қилиш ва бошқаришда давлат бошқарув органлари маълумотлар базаларидан самарали фойдаланиш, бандлик мониторингини ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, уни ташкил этишнинг босқичлари, шунингдек, бандлик мониторингини ташкил этиш ва амалга оширишнинг Ўзбекистон, Россия тажрибалари таҳлиллари асосида таққослама маълумотлар келтирилган. Олий таълим битирувчилари бандлик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишда самарали алтернатив модел таклиф этилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақобатбардош, меҳнат бозори, бандлик мониторинги, бандлик монитринги, рақамли мониторинг.

Аннотация: В данном статье рассмотрен эффективное использование баз данных государственных органов при мониторинге и управлении занятости выпускников учебных заведений в Республике Узбекистан, цели и задачи мониторинга трудоустройства, а также этапы его организаций, анализ узбекского и российского опыта организации и осуществления мониторинга трудоустройства. Предложена эффективная альтернативная модель для изучения и анализа трудоустройства выпускников вузов.

Ключевые слова: цифровая экономика, конкурентоспособность, рынок труда,инновация, мониторинг занятости, цифровой мониторинг .

Abstract: In this article discussed discussed the effective use of databases of government agencies in monitoring and managing the employment of graduates of educational institutions in the Republic of Uzbekistan, the goals and objectives of monitoring employment, as well as the stages of its organization, an analysis of the Uzbek and Russian experience in organizing and monitoring employment. An effective alternative model is proposed for studying and analyzing the employment of university graduates.

Keywords: digital economy, competitiveness, labor market, innovation, employment monitoring, digital monitoring

Инновацион ривожланиш шароитида жамият тараққиётида инсон фаолиятининг турли соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш алоҳида ўрин тутади. Бозор иқтисодиёти қонунлари - ўқув дастурларини тайёрлашдан бошлаб то маълум бир соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаб етиштиргунига қадар, яъни, умуман бутун таълим тизими учун ўзининг талабларини белгилаб беради. Ижтимоий тизимни бошқариш учун кадрлар тайёрлашда алоҳида эътибор бериш ва катта масъулиятни ҳис қилиш керак, чунки келгусида давлатнинг халқаро миқёсида равнақ топиши ва ривожланишига бевосита боғлиқдир. Бундай шароитда меҳнат бозорининг талабларига йўналтирилган ўқув жараёнини ва турли таълим хизматларини кўрсатишни бошқариш янги,

замонавий жамият ривожидаги долзарб вазифалардан биридир. Давлат ва жамият, шунингдек, ижтимоий соҳа бошқарувида ҳам бозор талабларини реал ўрганиб, яъни, маркетингли бошқарув тамойилларига асосланган ҳолда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва амалга ошириш мумкин. Ривожланган бозор шароитида маркетинг товар ва хизматларнинг сифат ва рақобатбардошлик масаласини самарали ҳал килувчи воситага айланади.

Республикада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида меҳнат бозорини шакллантаришда мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлик жараёнининг давлат томонидан бошқаруви алохида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўзрисида”ги 967-сонли қарори ижросини таъминлаш оорқали олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, уларга бюджетдан ташкари маблагларни жалб қилишда купроқ имкониятлар яратиш, олий таълимдаги ислохотлар самарадорлигини ва таълим сифатини янада ошириш, профессор-ўкитувчилар ва талабаларга замонавий шарт-шароитлар яратиш каби йўналишларида ислоҳотларнинг кейинги босқичига ўтиш жараёни бошланди .

Таълим сифатини ошириш ва кадрлар бандлигини таъминлашда биринчи даражали, долзарб масала бу кадрлар тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик эканлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олий таълимнинг асосий мақсади рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва рақобатбардош хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборатдир. Аммо, ҳозирги кунда олий таълимни ташкил этишнинг энг яхши тизимини белгилаб олиш учун сифатни бошқаришнинг амалиётда синовдан ўтган усулларини қўллаш жараёни долзарб бўлиб қолмоқда.

Битирувчилар рақобатбардошлиги кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида албатта битирувчиларининг ишга жойлашиш даражаси ва меҳнат фаолиятидаги муваффақияти билан ўлчаниши табиий ҳолдир.

Аммо, ҳар ўқув йилида минг-минглаб битираётган умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини мониторинг қилувчи инновацион ягона электрон платформаси мавжуд эмас. Ваҳоланки, ёшлар бандлиги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон тажрибасидаги секторлар орқали бошқарув механизминининг янада самарали фаолият кўрсатиши, ҳудудлар, маҳаллалар кесимида ишларни ташкил этиш, ишсиз ёшлар билан манзилли ишлаш, уларни ишга жойлаштириш йўналишидаги ислоҳотларни амалга оширишда бу муаммолар яққол кўриниб қолмоқда. Янги ахборот-коммуникация технологияларсиз, инновацион лойиҳаларсиз анъанавий тарзда ишлайдиган механизмлар билан ўз олдимизга белгилаб қўйилган мақсадимизга эришиб бўлмайди.

Масалан, Бухоро давлат университетида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Бухоро вилоятидаги олий таълим муассасалари 2018/2019 ўқув йили битирувчиларининг бандлик мониторингини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоби амалга оширилган бўлиб, бунда жами харажатлар 160105.3 минг сўмни ташкил этганлиги аниқланди. Бу ўз-ўзидан қўшимча йўл харажатлари ва қўшимча вакт сарфи билан боғлиқ моддий харажатлардан ташкил топган. Лекин, бир ўқув йилида шунча маблағ сарфлансада, битирувчиларнинг бандлик ҳолатини ўрганиш натижалари жуда ҳам қониқарсиздир, бунга бир қатор омиллар таъсир этади:

- жараёндаги субъектив ҳолатларнинг мавжудлиги;
- Олий таълим муассасалари рейтинг кўрсатгичларида салмоқли улушни битирувчиларнинг бандлиги индикаторига белгиланганлиги сабабли, олий таълим муассасалари ҳам мазкур рақамларни имконияти борича мазкур рақамларни ошириб кўрсатишга ҳаракат қилиши табиий;
- Давлат бошқарув органлари ва бандлик бўйича тегишли масъул томонларнинг таълим муассасаларидан қайта ва қайта битирувчилар бандлиги бўйича маълумотларнинг сўралиши ва ҳ.з..

Жумладан, Росссия Федерациясида ОТМлар битирувчилари бандлик ҳолатини мониторинг қилиш тажрибасига назар ташлаймиз.

Россия Федерациясида фаолият кўрсатувчи барча олий таълим муассасалари битирувчиларини бандлик ҳолатини мониторинг қилиш марказлашган ҳолда автоматлаштирилган тизим асосида амалга оширилади. Бунда, битирувчиларнинг бандлик ҳолати кўрсаткичлари 2 та алоҳида-алоҳида манбалардан олинган маълумотларни қайта ишлаш йўли билан аниқланади. Булар қуйидагилар:

1. Россия Федерациясининг пенсия жамғармаси маълумотлари.
2. Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг федерал реестри (ФРДО).

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг федерал реестри – бу барча таълим муассасалари (жумладан, олий таълим муассасалари ҳам) томонидан битирувчиларга берилган таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (диплом, сертификат) маълумотларини, уларни берилган вақтидан бошлаб 60 кун ичида таълим муассасаси томонидан киритилиши лозим бўлган ягона электрон реестр ҳисобланади

Бу жараёнлар Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг ташаббуси билан “Битирувчиларни бандлигини мониторинг қилиш” интернет-порталида ёритилиб борилади ва мониторинг натижаларини ҳам кузатиб бориш имконияти мавжуд. Портал маълумотлар базаси нафақат Россия Федерацияси, ҳудудлар (вилоятлар) ва олий таълим муассасалари, таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча статистик маълумотларни олишга, балки битирувчиларнинг Россия федерацияси ичидаги миграциясини ҳам баҳолашга имконият яратади.

Россия тажрибаси- битирувчилар бандлик мониторингини кам харажат билан қисқа муддатларда ва йил давомида бир неча маротаба ўтказиш имкониятини берсада, аммо айрим битирувчилар (жумладан, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш ва шунга ўхшаш органларда ишлаётган, декрет таътилида, муддатли ҳарбий хизматда бўлган, хорижда ишлаётган ёки ўқишини давом эттираётган битирувчилар) бўйича маълумот олишнинг имконияти яратилмаган . Чунки, маълумотлар битирувчи томонидан пенсия жамғармасига қилинадиган ажратмалар асосида аниқланади. Юқоридаги категориядаги битирувчилар томонидан эса ажратмалар ҳисобланмайди ва пенсия фондига кўчирилмайди. Ваҳоланки, мазкур гуруҳга кирадиган битирувчиларни ишсизлар категориясига киритиб ҳам бўлмайди.

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида бундан анъанавий, натижадорлиги паст ва самарасиз амалиётдан воз кечиб, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, маҳаллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси миқёсида дастлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида, кейинчалик нодавлат-нотижорат шаклда **“Рақамли бандлик мониторинги”** марказини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Рақамли мониторинг маркази фаолияти махсус платформа орқали давлат бошқарув органлари маълумотлар базаларини интеграцияси асосида амалга оширилиб, платформа таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг такомиллашган инновацион механизмини яратиш ҳамда уларнинг бандлик мониторингини юритиш имкониятини яратади. Ракамли мониторинг маркази

- Олий таълим муассасалари (ОТМ), касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, академик лицейлар ва умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва рақамли бандлик мониторингини амалга ошириш;
- Таълим муассасалари, битирувчилар, иш берувчилар ва тегишли давлат органлари ҳамкорлигини ягона платформага бирлаштириш;
- Ишга жойлаша олмаган таълим муассасалари битирувчиларини ўқув марказлар, Моно-марказлар, IT ўқитиш марказлари, Ўқув курслари, Тадбиркорлик курслари, бизнес-акселераторга жалб этиш механизмини яратиш каби вазифаларни амалга ошириш ҳамда бандлик бўйича таълим муассасалари нуфуз кўрсаткичини холис баҳолаб, рейтингни шакллантиради.

Шунингдек, марказ фаолияти ўз ичига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб ҳунар таълими муассасалари ва техникумлар битирувчилари контингентини ҳам қамраб олади. Яъни, мазкур битирувчиларнинг кейинги босқичлардаги таълимда ўқишни давом эттираётганлиги, меҳнат фаолияти билан бандлиги ҳолати мониторинг қилиниб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим маълумотлар манбаси сифатида хизмат қилади.

Хулоса. Давлат структурасидаги вазирлик, қўмита,идора ва тегишли марказлар томонидан хизмат фаолиятида фойдаланилаётган турли даражадаги маълумотлар базалари, платформаларнинг такомиллашиб бориши билан, биринчидан, мазкур маълумотлар базалари (платформалар)

маълумотларидан фойдаланган ҳолда бандлик мониторингини сифатли ўтказиш имкониятини берса, иккинчидан битирувчининг фақатгина бандлик ҳолатини аниқлашдан ташқари яна бир қатор турли таҳлиллар учун фойдали бўлган индикаторлар бўйича ҳам ўрганиш ва таҳлилларни олиб боришга имкониятлар яратади.

Рақамли бандлик мониторинг амалиётининг самарадорлигини қуйидаги мезонлар билан ўлчанади:

- Мониторингнинг давомийлиги ва узвийлиги таъминланади;
- Мониторингни амалга оширишдаги моддий харажатларнинг тежалиши;
- Мониторинг давомида қўшимча ишчи кучининг жалб этилмаслиги;
- Маълумотларни тўплаш, ўрганиш ва таҳлил қилишда вақт сарфининг тежалиши;
- Бандлик мониторинги натижасида олинадиган маълумотларнинг ишончлилиги таъминланади;
- Битирувчи меҳнат фаолиятини 3 йил давомида реал мониторинг қилиб бориш имконияти яратилади.

Битирувчиларнинг ишга жойлашуви ҳолати, уларнинг хизмат пиллапояларидаги муваффақияти ҳамда айни пайтда қайси статусда (иш билан банд, бола тарбиясида, ҳарбий хизматда, хорижга чиқиб кетганлиги, ногиронлиги ёки ишсизлиги ва ҳоказо) эканлигини тезкорлик билан аниқлаш ва ишончли маълумотлар асосида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш имкониятини яратади ҳамда меҳнат бозорига кириб бораётган ёш мутахассисларнинг янги иш ўринларига мослашуви ва меҳнат фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

О.Б.Муйдинов – ТДИУ Самарқанд филиали ассистенти

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада камбағаллик моҳияти, унинг келиб чиқиш сабаблари, камабағалликни мезонларини аниқлаш, шунингдек пандемия шароитида мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар. Камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, камбағаллик мезони, пандемия, камбағаллик чегараси.

Аннотация. В статье описывается сущность бедности, ее причины, определение критериев бедности, а также способы снижения бедности в нашей стране в условиях пандемии.

Ключевые слова. Бедность, сокращение бедности, критерий бедности, пандемия, черта бедности.

Abstract. The article describes the essence of poverty, its causes, definition of poverty criteria, as well as ways to reduce poverty in our country in the context of a pandemic.

Keywords. Poverty, poverty reduction, poverty criterion, pandemic, poverty line.

2019 йилнинг охирида Хитойда бошланган юқумли вирус касаллиги тез орада бутун дунёни қамраб олди ва у эпидемия шаклидан пандемия шаклига ўтди. Унга халқаро COVID-19 деган ном берилди. Аввалига ҳеч ким жиддий эътибор бермаган бу касаллик ҳатто ривожланган давлатларнинг ҳам иқтисодиётига жиддий таъсир ўтказди.

Жаҳон банки ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, дунё бўйлаб пандемия билан боғлиқ иш жойларининг йўқолиши аллақачон қашшоқ ва заиф одамларга қаттиқ зарба берди. Шу билан бирга бу пандемия миллионлаб "янги камбағаллар" ни яратиш орқали глобал қашшоқлик ҳолатини қисман ўзгартирди. Жаҳон банки ҳисоботига киритилган дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, янги камбағаллар айрим шаҳарда яшовчилар, яхшироқ маълумотга эга бўлган ва қишлоқ хўжалигида ишловчилар бўлиб, COVID-19 га қадар ўта қашшоқликда яшаганларга қараганда камроқни ташкил этмоқда. Ушбу натижалар ҳаёт сифатини ошириш ва камбағалликни қисқартириш сиёсатини олиб бориш учун муҳимдир. Бу баъзи бир мамлакатлар инқирозни бартараф этиш, аҳолининг энг заиф қатламини ҳимоя қилиш ва барқарор тикланишга кўмаклашиш учун қандай қилиб тезкор, мослашувчан сиёсат олиб боришини намойиш этади.[1]

Муҳтарам Президентимиз 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам янги йилда иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлиши таъкидлаб ўтдилар. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилиши ва шуларни инобатга олиб, 2021 йилда кенг қамровли ишларни амалга оширилиши режалаштирилди.[2]

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлайди.

Профессор М.Муҳаммедов фикрича “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истаса-да, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси эса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир”[3], деб таъкидлайди.

Профессор М.Пардаев фикрича “Камбағаллик тоифасига кирадиган аҳолини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси ишсизлар, тегишли малакаси бор, аммо ўзларига муносиб иш топа олмаётган аҳоли. Иккинчи тоифага, иш билан банд, аммо олган ойлик маоши оиласини камбағаллик чегарасидан

[1] Жаҳон банки маълумотномаси. Poverty and shared prosperity 2020: Reversals of fortune. https://www.worldbank.org/en/publication/poverty-and-shared-prosperity

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрдаги мурожаатномаси.

[3] Муҳаммедов М. (2020) 1,9 АҚШ долларидан кам маблағга кун кечираётганлар //“Zarafshon” газетаси. 2020 йил 23 июнь. 68 сон. 2-бет.

чиқиб кетишига етарли бўлмайдиган шахсллар. Учинчиси, ишлаш имконияти йўқ (ногиронлиги бор, меҳнатга қобилиятсиз, боқувчиси йўқ болалар ва қариялар) аҳоли қатлами."[1] Бизнинг фикримизча кўпроқ иккинчи ёндашув камбағаллик тушунчасини кенгроқ қамраб олади. Чунки ҳозирги вақтда паст даражали иш ҳақи олиб, оиласини етарли даражада таъминлай олмаётган аҳоли қатлами ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан 2015 йилдаги 115 та мамлакатда ўтказилган тадқиқотлар натижасида таклиф этилган услубиётга кўра, барча мамлакатлар учун 2011 йилдаги нархларда харид қобилияти паритети бўйича қашшоқлик чегараси 1,9, камбағаллик чегарасини эса мамлакатлар аҳолиси даромадларининг паст, ўрта ва юқори даражаларидан келиб чиқиб 1,9; 3,2; 5,5 ва 21,7 АҚШ доллари этиб белгилаш тавсия этилган.

Камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади. Камбағаллик, умуман олганда, нисбий тушунчадир. Баъзилар хорижнинг энг нуфузли масканларида дам олмагани учун ўзини камбағал санаса, бошқа бировнинг бошида бошпанаси ва еярга таоми йўқлиги учун камбағал дейилади.

Тан олинган қарашларга кўра, камбағаллик уч даража билан белгиланади: мутлақ кабағаллик, нисбий камбағаллик ва субъектив камбағаллик. Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнигина қондиришлари мумкин. Ўта камбағаллик чегараси маҳсулотларни харид қилиш имконияти бўйича кунига 1 доллар миқдорида белгиланади, камбағаллик чегараси эса кунига 1,9 доллар миқдорида белгиланади. Евроиттифоқда нисбий камбағал, деб мамлакатдаги ўртача маошнинг 60 фоизидан кам даромад оладиган инсонларга айтилади. Камбағалликни субъектив баҳолаш инсонлар ўзларининг моддий таъминотларига ўзлари баҳо беришларидир. Мухтасар қилиб айтганда, камбағаллик муайян мақбул турмуш даражасини таъмин эта олмаслик, маълум бир шахс ёки оила зарурий эҳтиёжларининг имкониятлардан ошиб кетишидир.

Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган (киши бошига йилига ўртача 1533 АҚШ доллари). Киши бошига кунига 3,2 доллар камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичидир. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичидир.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд киши – кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак камбағалликни қисқартириш нафақат

[1] Пардаев М.Қ., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Рисола. Самарқанд, 2020

иқтисодий омилларга, балки инсоннинг ички руҳий дунёқарашига ҳам боғлиқ бўлиб, агар инсон ўз дунёқарашини ўзгартирмаса ҳеч бир ислоҳот инсонни камбағалликдан олиб чиқа олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сон. 26.03.2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрдаги мурожаатномаси.

3. Жаҳон банки маълумотномаси. Poverty and shared prosperity 2020: Reversals of fortune. https://www.worldbank.org/en/publication/poverty-and-shared-prosperity

4. Пардаев М.Қ., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Рисола. Самарқанд, 2020.

5. Муҳаммедов М. (2020) 1,9 АҚШ долларидан кам маблағга кун кечираётганлар //“Zarafshon” газетаси. 2020 йил 23 июнь. 68 сон. 2-бет.

G.F. Mamatqulova– SamDU 1- bosqich magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA’MINLASH

Annotatsiya: Maqolada “Raqamli iqtisodiyot sharoitida xotin-qizlar bandligini ta’minlash” va ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotda yoshlar tashabbuskorligi masalalari o‘rganilib, muammolar yuzasidan xulosa va takliflar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, oilaviy tadbirkorlik, investitsiya, ayollar bandligi, turmush farovonlik, ishsizlik muammolari.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы «Занятость женщин в цифровой экономике» и молодежных инициатив в социально-экономическом развитии, даются выводы и рекомендации по данной проблеме.

Ключевые слова: цифровая экономика, семейный бизнес, инвестиции, занятость женщин, уровень жизни, проблемы безработицы.

Abstract: The article examines the issues of “Employment of women in the digital economy” and youth initiatives in socio-economic development, provides conclusions and recommendations on the problems.

Keywords: digital economy, family business, investment, women`s employment, well-being, unemployment problems.

Respublikada raqamli iqtisodiyotni shakllantirish va shu asaosda aholi turmush darajasini oshirish ijtimoiy – iqtisodiy hayotda muhim ustuvor vazifa bo‘lib kelmoqda. Shu sababli mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning pirovard natijasi avvalambor aholining turmush darajasini oshirishga qaratilgan. Prezidentimiz tomonidan 2020-yil “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb nomlanishi O‘zbekistonda raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy soha rivojlanishiga xizmat qilishi, odamlarning turmush sharoitini yaxshilanishiga, korrupsiyani yo‘qotishga,

mahsulot, xizmatlar sifatini oshirishga, ortiqcha xarajatlarni kamaytirishga xizmat qilishini ko‘rsatib berdi. Har bir yangi sohada bo‘lgani kabi raqamli iqtisodiyot sharoitida ham bir qator muammolar dolzarbligicha qolmoqda. Eng asosiylaridan biri bo‘lgan malakali kadrlar yetishmasligi va aholini ish bilan ta’minlash masalasi bo‘yicha turli islohotlar va qonunlar qabul qilinmoqda.

Hozirgi paytda vazirlik va idoralarda har bir rahbarning raqamlashtirish yo‘nalishidagi o‘rinbosarlari lavozimlari joriy qilinmoqda. Ushbu lavozimlarga esa yuqori malakali, chuqur bilimga ega bo‘lgan kadrlarga ehtiyoj juda katta bo‘lib hisoblanadi.

Mamlakatimizni barqaror va ildam rivojlantirishning eng muhim shartlaridan biri bu zamonaviy bilim va ko‘nikmalarga ega, mamlakatning munosib kelajagi uchun javobgarlikni o‘z zimmasiga ola biladigan, barkamol maqsadga intiluvchan va serg‘ayrat yoshlarni tarbiyalash bo‘lib hisoblanadi. Prezidentimiz tomonidan 2021- yil mamlakatimizda “Yoshlarni q’llab quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” deb nomlanishi albatta yoshlarga berilayotgan yuksak e’tibordan dalolatdir. Ayniqsa, yoshlar o‘rtasida bandlikni ta’minlash va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash masalasi davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Yoshlar tadbirkorligi va bandligini ta’minlash uchun 100 million dollar ajratish to‘g‘risida qaror qabul qilindi. Bundan tashqari, yoshlarning biznes loyihalarini kreditlash hamda ularni kasb-hunarga o‘qitish uchun 1 trillion so‘m va 50 million dollar ajratilishi[1] rejalashtirildi.

2020- yilda xotin – qizlarni ijtimoiy qo‘llab- quvvatlash, ularga yetarlicha shart – sharoit yaratib berish va bandligini ta’minlash masalalarida uch marotaba videoselektr shaklida yig‘ilish o‘tkazib tegishli mutasaddi idoralarga topshiriq va ko‘rsatmalar berildi. 2020 – yil 8 - oktabr kuni ham Prezidentimiz jamiyatda yoshlarning va ayollarning rolini oshirish hamda bandligini ta’minlash chora – tadbirlari muhokamasi yuzasidan yana bir bor videoselektr yig‘ilishi bo‘lib o‘tdi. Mazkur yig‘ilishda prezidentimiz yoshlar hamda xotin- qizlar masalalari bilan bevosita shug‘ullanuvchi idoralar ishlarini tanqid qilib, xotin- qizlar masalalari bo‘yicha yangi ish o‘rinlari joriy etilishi ta’kidlandi. Ushbu yig‘ilishda prezidentimiz tomonidan berilgan topshiriq va tavsiyalar yoshlar, xotin- qizlarni ijtimoiy qo‘llab – quvvatlash, ularning bandligini ta’minlashga xizmat qiladigan muammolarning yechimini hamda ushbu sohadagi amalga oshirilishi lozim bo‘lgan vazifalar belgilab berildi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Xotin – qizlar bandligini ta’minlash uchun qator chora – tadbirlar amalga oshirilishi lozim.

Birinchidan, hukumatimiz tomonidan ajratilgan mablag‘lar maqsadli va tegishli yo‘nalishlarga sarflanishi kerak.

Ikkinchidan, ishsiz ayollar sonini aniqlash uchun uyma – uy yurib , ularning xoxish – istaklarini, ishlash imkoniyatlari, qobiliyatlari va qaysi kasbga yaroqliligini aniqlash kerak.

---

[1] *O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “ Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo’shimcha chora-tadbirlari to’g’risida”gi № PQ 4862 Qarori. 13.10.2020 yil.*

Uchinchidan, ishsiz ayollarni kasbga yo‘naltirish, ularning muammolarini o‘rganib’ ularni hal qilish.

To‘rtinchidan, og‘ir turmush sharoitidagi xotin – qizlarning bandligini ta’minlash, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha dasturlarni ishlab chiqib ular amalgda joriy qilinishi kerak.

Beshinchidan, xotin – qizlarimizni tadbirkorlikka jalb qilib, ularga imtiyozli kreditlar olishlariga ko‘maklashish kerak

Oltinchidan, ayrim joylarda maktabgacha ta’lim muassasalarining yo‘qligi, bor bo‘lgan taqdirda ham “yagona darcha” tomonidan yuritilayotgan navbatda turish muddatining uzoqligi yosh onalarning ishlashlari uchun muammolardan biri bo‘lib hisoblanadi. Ushbu muammolarni hal qilish uchun maktabgacha bo‘lgan ta’lim muassasalarini ko‘paytirish kerak.

Yuqorida keltirilgan fikrlarimizdan shunday xulosa qilishimiz mumkinki, raqamli iqtisodiyot sharoitida xotin – qizlar o‘zlari qiziqgan kasblarni egallash uchun turli xil o‘quv kurslarini tashkil etish, bilim, ko‘nikma va malakalarini oshirish, zamonaviy texnologiyalar bilan tadbirkorlik faoliyatini yuritishlari uchun ko‘maklashish lozim. Ushbu ishlarni mahallalarda boshlash kerak. Mahalladagi bo‘sh turgan yerlarda invistitsiyalarni jalb qilib buyurtma asosida turli yo‘nalishlardagi korxonalarni ishga tushirib xotin- qizlarni ish bilan ta’minlash kerak. Yuqoridagilar mamlakatimiz iqtisodiyotiga aholi turmush darajasiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “ Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi № PQ 4862 Qarori. 13.10.2020 yil.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 29.12.2020 yil.
3. www.lex.uz

Б.С.Акбаров – НамМТИ “Маркетинг” кафедраси магистранти

МИНТАҚАДА АҲОЛИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СОНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТЛАШ

Аннотация: Тезисда Наманган вилоятининг Косонсой тумани ахоли ва меҳнат ресурслари сони ўзгариши прогноз қилинган прогноз асосида кейинги 10 йилликда Косонсой туманида меҳнат ресурслари ва ахоли сони таққосланади, шу математик моделлаштириш усули орқали қанча ишлаб чиқариш корхоналари, қайта ишлаш корхоналари ва саноат зоналари қуриш ва ахолини иш билан таминлаш, камбағалликни қискартириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Прогнозлаш, реегрессия тенгламаси, параболик курсаткичли модел, логистик модел, энг кичик квадратлар усули,тенгламалар системаси.

Аннотация: В Тезисах сравнивается численность трудовых ресурсов и населения Косонсойского района на ближайшие 10 лет на основе прогноза изменения численности населения и трудовых ресурсов Косонсойского района Наманганской области. , вопросы сокращения бедности.

Ключевые слова: Прогнозирование, уравнение регрессии, модель параболической экспоненты, логистическая модель, метод наименьших квадратов, система уравнений.

Abstract: The theses compare the number of labor resources and the population of the Kosonsoy region for the next 10 years based on the forecast of changes in the population and labor resources of the Kosonsoy region of the Namangan region. , issues of poverty reduction

Keywords: Forecasting, regression equation, parabolic exponent model, logistic model, least squares method, system of equations.

Косонсой туманида ахоли ва меҳнат ресурсларининг юкори суръатларда ўсишини хисобга олган холда математик моделлаштириш ва башоратлаш мухим масалалар сирасига киради. Бугунги кунда, демографик статистикада ахоли ва меҳнат ресурслари сонининг хозирги хамда келажакдаги башоратларини аниклашнинг бирканча математик моделлари мавжуд. Буларга ахоли ва меҳнат ресурслари сони усишининг математик моделлаштиришда параболик курсаткичли, логистик ва энг кичик квадратлар усулларидан фойдаланиш кенг таркалган. Бу моделлар келажакни белгилашда математик функцияларга асосланади.

АКШ астрономи Т.Притчетти 1891 йилда ахоли сонининг усишини 3-тартибли параболадан фойдаланган холда 1790-1880 йиллардаги ахоли сонининг усишини айтиб беришга муавффак булган ва бу маълумотларни хакикий курсаткичлар билан таккослаганда, хар бир йил натижалари деярли мос келган (55 минг киши). АКШ ахолиси ва ахоли сонининг ўсишининг ана шу тартибда давом этиши тахминига асосланганди, аммо бироз вакт утиши билан хисобланган маълумотлар ва хакикий курсаткичлар ўртасида фарк купайиб борган. Шундан айтиш мумкинки 3-тартибли парабола ўтмишдаги ахоли сонининг ўзгаришини аниклаш учун ярокли, лекин келажакдаги ахоли сонининг ўзгаришини аниклаш учун унчалик макбул эмас экан.

Косонсой тумани ахоли сонининг усишини математик моделлаштириш-да демографик статистика ва математик статистиканинг энг кичик квадратлар усулини куллаб, вактга нисбатан функция килиб олинади. Бу холатда, ахоли сонининг усишини аниклашда математик моделни куйидаги куринишда излаймиз:

$$y = a \cdot e^{k(x-2008)}$$

бу ерда α ва k - номаълум параметрлар. Бу формуладаги k параметрни ахолининг табиий усиш коэффициенти дейилади.

Параметрларни уларнинг бахоси билан алмаштириб, куйидаги регрессия тенгламасини ёзамиз:

$$y(x) = a \cdot e^{k(x-2008)} \qquad (1)$$

бу ифодаги коэффицентларни энг кичик квадратлар ёрдамида топилади. (1) тенгламанинг хар икки томонини логарифмласак, куйидаги регрессия тенгламаси хосил булади.

$$\ln y(x) = \ln a + k(x - 2008). \qquad (2)$$

(2) тенгламадаги *lna* ва *k* коэффицентлар берилган y_i қийматлар билан уларга мос нукталардан $y(x_i)$ функция қийматларининг орасидаги айирмалар квадратларининг йигиндисини минимумга айлантириш оркали топилади, *a* ва *k* параметрларини шундай танлаймизки, куйидаги йигинди энг кичик қиймат кабул килсин:

$$\varphi(a,k) = \sum_{i=1}^{n} [\ln y_i - \ln a - \kappa(x_i - 2008)]^2 \qquad (3)$$

бу ерда $\varphi(a,k)$ - функция *a* ва *k* боглик икки узгарувчили функция.

Бунинг учун *a* ва *k* параметрлар куйидаги шартни каноатлантириши керак:

$$\frac{\partial\varphi(a,k)}{\partial a} = 0; \qquad \frac{\partial\varphi(a,k)}{\partial a} = 0 \qquad (4)$$

шарт асосида куйидаги тенгламалар тизимини тузамиз.

$$\begin{cases} 2\sum_{i=1}^{n} [\ln y_i - \ln a - k(x_i - 2008)] \cdot (-1/a) = 0 \\ 2\sum_{i=1}^{n} [\ln y_i - \ln a - k(x_i - 2008)] \cdot (-(x_i - 2008)) = 0, \end{cases}$$

бу ерда

$$\begin{cases} n\ln a + k\sum_{i=1}^{n} (x_i - 2008) = \sum_{i=1}^{n} \ln y_i \\ \ln a\sum_{i=1}^{n} (x_i - 2008) + k\sum_{i=1}^{n} (x_i - 2008)^2 = \sum_{i=1}^{n} \ln y_i \cdot (x_i - 2008). \end{cases}$$

Косонсой туманида ахолиси сони ўсишининг регрессия тенгламасини тузиш учун зарур булган маълумотлар

Жадвал 1

Косонсой тумани буйича ахоли сони

№	x	y	x-2008	(x-2008)	lny	lny(x-2008)
1	**2008**	157,8	0	0	5.06132	0
2	**2009**	161,3	1	1	5.08326	5,08326
3	**2010**	164,9	2	4	5.10533	10,21066
4	**2011**	177,8	3	9	5.18065	15,54195
5	**2012**	180,8	4	16	5.19739	20,78956
6	**2013**	184,7	5	25	5.21873	26,09365
7	**2014**	188,4	6	36	5.23856	31,43136
8	**2015**	192,1	7	49	5.25801	36,80607
9	**2016**	195,9	8	64	5.27760	42,2208
10	**2017**	199,7	9	81	5.29681	47,67129
11	**2018**	203,9	10	100	5.31762	53,1762
			55	**385**	**57.23528**	**289,0248**

Жадвал талаба томонидан статистик маьлумотлар асосида тайёрланган.

Юкорида келтирилган формуладан фойдаланган холда тенгламалар системасини тузиб оламиз. Бунга мисол килиб Косонсой туманини олсак:

$$\begin{cases} 11\ln a + 55k = 57.23528 \\ 55\ln a + 385k = 289.0248 \end{cases}$$

бу тенгламалар системасини ечиб, *a* ва *k* коэффицентларини топамиз:

k=0.02589, a=159.76915

У холда тенглама куйидаги куринишда булади:

$$y(x) = 159.76915 \cdot e^{0.02589(x-2008)}$$

Косонсой туманини ахоли сони усишининг регрессия тенгламаси.

$$y(x) = 159.76915 \cdot e^{0.02589(x-2008)}$$

Косонсой туманини меҳнат ресурсининг усишини математик моделлаштиришда демографик статистика ва математик статистиканинг энг кичик квадратлар усулини куллаб, вактга нисбатан функция килиб олинади. Бу холатда, меҳнат ресурсининг усишини аниклашда математик моделни куйидаги куринишда излаймиз:

$$y = a \cdot e^{k(x-2008)}$$

бу ерда α ва *k* - номаълум параметрлар. Бу формуладаги *k* параметрни меҳнат ресурсининг табиий усиш коэффиценти дейилади.

Параметрларни уларнинг бахоси билан алмаштириб, куйидаги регрессия тенгламасини ёзамиз:

$$y(x) = a \cdot e^{k(x-2008)} \qquad (1)$$

бу ифодаги коэффицентларни энг кичик квадратлар ёрдамида топилади. (1) тенгламанинг хар икки томонини логарифмласак, куйидаги регрессия тенгламаси хосил булади.

$$\ln y(x) = \ln a = k(x - 2008). \qquad (2)$$

(2) тенгламадаги *lna* ва *k* коэффицентлар берилган y_i кийматлар билан уларга мос нукталардан $y(x_i)$ функция кийматларининг орасидаги айирмалар квадратларининг йигиндисини минимумга айлантириш оркали топилади, *a* ва *k* параметрларини шундай танлаймизки, куйидаги йигинди энг кичик киймат кабул килсин:

$$\varphi(a,k) = \sum_{i=1}^{n} [\ln y_i - \ln a - (x_i - 2008)]^2 \qquad (3)$$

бу ерда $\varphi(a,k)$ - функция *a* ва *k* боглик икки узгарувчили функция.

Бунинг учун *a* ва *k* параметрлар куйидаги шартни каноатлантириши керак:

$$\frac{\partial \varphi(a,k)}{\partial a} = 0; \qquad \frac{\partial \varphi(a,k)}{\partial a} = 0 \qquad (4)$$

шарт асосида куйидаги тенгламалар тизимини тузамиз.

$$\begin{cases} 2\sum_{i=1}^{n}[\ln y_i - \ln a - k(x_i - 2008)]\cdot(-1/a) = 0 \\ 2\sum_{i=1}^{n}[\ln y_i - \ln a - k(x_i - 2008)]\cdot(-(x_i - 2008)) = 0, \end{cases}$$

бу ерда

$$\begin{cases} n\ln a + k\sum_{i=1}^{n}(x_i - 2008) = \sum_{i=1}^{n}\ln y_i \\ \ln a\sum_{i=1}^{n}(x_i - 2008) + k\sum_{i=1}^{n}(x_i - 2008)^2 = \sum_{i=1}^{n}\ln y_i \cdot (x_i - 2008). \end{cases}$$

Косонсой туманида меҳнат ресурси усишининг регрессия тенгламасини тузиш учун зарур булган маълумотлар

Жадвал 2

Косонсой тумани буйича

№	x_i	y_i	x_i -2008	$(x_i$ -2008$)^2$	lny_i	lny_i $(x_i$ -2008)
1	**2008**	88,0	0	0	4,47733	0
2	**2009**	90,4	1	1	4,50424	4,50424
3	**2010**	92,2	2	4	4,52396	9,04792
4	**2011**	100,7	3	9	4,61214	13,83642
5	**2012**	102,4	4	16	4,62888	18,51552
6	**2013**	104,6	5	25	4,65014	23,2507
7	**2014**	104	6	36	4,64439	27,86634
8	**2015**	104,6	7	49	4,65014	32,55098
9	**2016**	106	8	64	4,66343	37,30744
10	**2017**	113	9	81	4,72738	42,54642
11	**2018**	120.4	10	100	4,79081	47,9081
		637,8	**55**	**385**	**50,87284**	**257,3341**

Жадвал талаба томонидан статистик маьлумотлар асосида тайёрланган

Юкорида келтирилган формуладан фойдаланган холда тенгламалар системасини тузиб оламиз. Бунга мисол килиб Косонсой туманини олсак:

$$\begin{cases} 11\ln a + 55k = 50{,}87284 \\ 55\ln a + 385k = 257{,}3341 \end{cases}$$

бу тенгламалар системасини ечиб, *a* ва *k* коэффицентларини топамиз:

k=0.026999, a=89.10362

У холда тенглама куйидаги куринишда булади:

$$y(x) = 89.10362 \cdot e^{0.02699(x-2008)}$$

Косонсой туманида меҳнат ресурси усишининг регрессия тенгламаси

$$y(x) = 89.10362 \cdot e^{0.02699(x-2008)}$$

Юқоридаги формуладан фойдаланиб косонсой туманининг ахоли сони ўсишини регрессия тенгламасидан 2030-йилга ахоли сони хисоблаб топамиз. Бунинг учун (х) га 2030 йилни қиритамиз.

$$y(x) = 159.76915 \cdot e^{0.02589(x-2008)}$$

Демак, 2030йилда ахоли сони 247.3 минг кишини ташкил қилади. Энди меҳнат ресурсини ўсишини регрессия тенгламасидан топамиз.

$$y(x) = 89.10362 \cdot e^{0.02699(x-2008)}$$

Демак, 2030-йилда меҳнат ресурси 143.8 минг кишини ташкил қилади.

Шу муносабат билан Косонсой туманининг кишлок хўжалиги сохасида Президентимиз куни-кеча имзолаган қарорларида Косонсой, Янгиқўрғон Чортоқ туманларини мева-сабзавотлар кооперативларига айлантириш тўғрисидаги фикрлари жудаям амалий ахамиятга эга. Янги иш уринларини яратиш, фермерлар ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш уларга илмий маслахатлар бериш уларни, янги хосилдор қишлоқ хўжалиги уруғлари билан таминлаш, чет элдан импорт қилиш ўта мухим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

M.T.Ochilova – Samarqand Davlat Universiteti magistranti

O‘ZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHNING RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDAGI MUAMMOLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning raqamli iqtisodiyot sharoitidagi muammolari, va ularning yechimlari ko‘rib chiqilgan.

Kalitso`zlar:kichik biznes, xususiytadbirkorlik, raqamli iqtisodiyot, global iqtisodiyot, raqamlashtirish, kichik korxonalar.

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане в условиях цифровой экономики и пути их решения.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, цифровая экономика, глобальная экономика, цифровизация, малый бизнес.

Abstract: This article discusses the problems of small business and private entrepreneurship development in Uzbekistan in the digital economy, and their solutions.

Keywords: small business, private entrepreneurship, digital economy, global economy, digitalization, small businesses.

Iqtisodiy va texnologik taraqqiyotning yangi bosqichi sifatida namoyon bo‘layotgan raqamli iqtisodiyot insoniyat hayotini shiddat bilan o‘zgartirib,keng imkoniyatlar yaratish bilan birga, xalqaro raqobatmaydonining yanada keskinlashuv davrini boshlab berdi.

Raqamli iqtisodiyot ikki xil turli tushunchalarni ifodalash uchun ishlatiladi. Birinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanib, u ijodiy mehnat va axborot ne’matlarining ustuvor o‘rni bilan tavsiflanadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu o‘ziga xos tushuncha bo‘lib,

uning o‘rganish obyekti axborotlashgan jamiyat hisoblanadi.[1] Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan global iqtisodiyot sharoitida raqamli iqtisodiyot o‘z rivojlanishining boshlang‘ich davrida bo‘lib, zamonamizning raqamli axborot bosqichiga o‘tishi atiga bir necha o‘n yilni tashkil etadi. Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot – bu jarayonlarni tahlil qilish natijalaridan foydalanish va katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash asosida turli xildagi ishlab chiqarishlar, texnologiyalar, asbob-uskunalar, tovar va xizmatlarni saqlash, sotish va yetkazib berish samaradorligini jiddiy ravishda oshirishga imkon beradigan, raqamli ko‘rinishdagi ma’lumotlar asosiy ishlab chiqarish omili hisoblangan faoliyatdir.

Raqamli iqtisodiyot hozirgi mavjud sohalarning yarmidan ko‘prog‘ida beqiyos o‘zgarishlar keltirib chiqarishi ta’kidlanmoqda. Jumladan, Jahon banki ekspertlari fikricha, tezkor internetdan foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko‘payishi milliy iqtisodiyotlar yalpi hajmini har yili o‘rtacha 0,4-1,4 foizga oshirish imkonini beradi.

Raqamlashtirishning ahamiyati va ta’sirini qanchalik ortib borayotganligini baholash uchun so‘nggi o‘n yillikdagi bir nechta yirik texnologik kompaniyalar va raqamli platformalarning jahon bozoridagi kapitallarining ulushini ko‘rish kifoya. Xususan, BMTning savdo va rivojlanish konferensiyasi ma’lumotlarida qayd etilganidek, bu ko‘rsatkich 2009 yilda 16 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2018 yilning oxiriga kelib 56 foizga yetgan.

Dunyo hamjamiyatida ro‘y berayotgan bunday jadal o‘zgarishlar va raqobatning keskinlashuvi jarayonida innovatsiyalar va raqamli texnologiyalarni keng joriy etmasdan turib, yaqin va uzoq kelajakda mamlakatimiz iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish, uning raqobatdoshligini ta’minlay olmasligimiz ayni haqiqat bo‘lib, bu esa, o‘z navbatida, ilmiy va amaliy harakatlarni kuchaytirishni talab etadi.[2]

Mamlakatimizda kichik biznesning rivojlanishida qurilish va pardozlash materiallari, asbob - uskunalar, mashinasozlik ehtiyot qismlari va uskunalari, elektrotexnika, kimyo, farmatsevtika mahsulotlari, iste'mol tovarlarining ko‘plab turlarini ishlab chiqarish va boshqalar yuqori potensial ega sohalar hisoblanadi.

Kichik biznesning mamlakat iqtisodiyotiga qo‘shadigan hissasini oshirilishini, kichik sanoat zonalarining yaratilishi, investitsion muhit va raqobat muhitini yaxshilanishi, kichik biznes bilan davlat-xususiy sherikchiligi doirasida davlat xaridlari hajmini kengaytirilishi, yirik va kichik korxonalar o‘rtasida o‘zaro manfaatli hamkorlikni mustahkamlanishi, innovatsiya jarayonlariga tadbirkorlik subyektlarini jalb qilish orqali ko‘rishimiz mumkin.[3]

Shuni ham ta'kidlash joizki, yetarli eksport salohiyatiga ega bo‘lgan, biroq ayni paytda yanada rivojlanish uchun yetarli darajada kapitalga ega bo‘lmagan muvaffaqiyatli va istiqbolli kichik korxonalarni moliyaviy qo‘llab quvvatlash katta ahamiyatga ega.

Ushbu chora-tadbirlarlarni samarali kichik biznes sohasida ko‘proq ish o‘rnini

[1] Berkinov B.B., Aynaqulov M.A. Kichik tadbirkorlik korxonalarining yirik korxonalar bilan ishlab chiqarish kooperastiyasi. – Jizzax, 2004.

[2] Bekmurodov A.Sh., Sattorov S., To`raev J., Soliev K., Ro`ziev S. O`zbekiston iqtisodiyotni liberallashtirish yillarida. Kichik biznes va tadbirkorlik rivoji – davr talabi. 3-qism. –T.: TDIU, 2005.

[3] Samadov A.N. «Kichik biznesni boshqarish» fanidan ma`ruzalar matni. –T.: TDIU, 2005.

yaratishga, jahon bozoriga kirish imkoniyatlarini oshirishga yordam berib, mamka-latni eksport salohiyatini oshirishga, aholi daromadlarini oshishga imkon yaratadi.

Raqamli iqtisodiyot sharoiti pandemiya davrida o‘zining yaqqol qiyofasini ko‘rsatdi. Pandemiya davrida raqamli iqtisodiyotdan foydalanish orqali ba’zi ovaragarchiliklar barham topdi, va aholiga yengilliklar yaratdi. Lekin raqamli iqtisodiyot chekka hududlarda ma’lum mummolarni ham keltirib chiqardi. Bular:

- Respublikamizning chekka hududlarida internet xizmatlarining yaxshi yo‘lga qo‘yilmaganligi;
- Chekka hududlarda raqamli iqtisodiyot sharoitiga javob beradigan kadrlarning yetarli emasligi;
- Internet tarmog‘ining yetarli darajada himoyalanilmaganligi, yoshlarning ongiga salbiy ta’sir etishi;
- Aholi keksa yosh qatlamining bu sharoitga moslashuvining qiyinchiliklari va boshqa muammolardir.

Shuni alohida ta’kidlash joizki, hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot hayotimizning eng muhim bo‘iniga aylanib bormoqda. Shu munosabat bilan, davlatimiz raxbari bu borada jahon tajribasidan kelib chiqib, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni ustuvor vazifa sifatida belgiladi. Buning sababi O‘zbekiston iqtisodiyotining yuqori sur’atlarda o‘sishini ta’minlash bilan birga, aholi ilmini, qarashlarini zamon bilan hamnafas qilish, qolaversa, mamlakatimizning xalqaro maydonda integratsiyasini tezlashtirish va natijada O‘zbekistonni demokratik, iqtisodiy jihatdan taraqqiy etgan davlatlar qatoriga qo‘shishdan iboratdir.

Bu harakatlarning barchasi faqatgina buyuk iqtisodiy sakrashlar orqali xalqning turmush darajasini oshirish, aholi farovonligiga erishishni ta’minlash maqsadida qilinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Berkinov B.B., Aynaqulov M.A. Kichik tadbirkorlik korxonalarining yirik korxonalar bilan ishlab chiqarish kooperastiyasi. – Jizzax, 2004.
2. Bekmurodov A.Sh., Sattorov S., To`raev J., Soliev K., Ro`ziev S. O`zbekiston iqtisodiyotni liberallashtirish yillarida. Kichik biznes va tadbirkorlik rivoji – davr talabi. 3-qism. –T.: TDIU, 2005.
3. Qosimova M.S., Xodiyev B.Y., Samadov A.N., Muxitdinova U.S. Kichik biznesni boshqarish. O`quv qo`llanma. –T.: O`qituvchi, 2003.
4. Qosimova M.S., Ergashxo`jayeva Sh.J. Marketing. O`quv qo`llanma. –T.: TDIU, 2004.
5. Samadov A.N. «Kichik biznesni boshqarish» fanidan ma`ruzalar matni. –T.: TDIU, 2005.
6. Yusupov M.A., Ergashxo`jaeva Sh.J. «Tadbirkorlik asoslari» fanidan ma`ruzalar matni. –T.: TDIU, 2005.
7. O`zbekiston Respublikasining «Tadbirkorlik va tadbirkorlik faoliyatierkinligining kafolatlari to`g`risida» gi Qonuni. 2000 yil 25 may.
8. O`zbekiston Respublikasining «O`zbekiston Respublikasida korxonalar to`g`risida»gi Qonuni. 1991 yil 15 fevralda qabul qilingan, 1993 yil 7 mayda va 1994 yil 23 sentyabrda o`zgartirish va qo`shimchalar kiritilgan.
9. O`zbekiston Respublikasining «O`zbekiston Respublikasida mulkchilik to`g`risida» gi Qonuni. 1990 yil 31 oktyabrda qabul qilingan , 1993 yil 7 martda va 1994 yil 23 sentyabrda o`zgartirish va qo`shimchalar kiritilgan.
10. O`zbekiston Respublikasining «Kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishni rag`batlantirish to`g`risida»gi Qonuni. 1995 yil 21 dekabr.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

T.Doschanov – UrDU professori,
B.Sh. Ro‘zmetov– UrDU o‘qituvchisi

TURIZMNI RIVOJLANTIRSHDA MUZEYLAR FAOLIYATIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLASH MASALALARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada, turizm sohasini ajralmas qismi bo‘lgan muzeylar faoliyatiga raqamlashtirish va IT- texnologiyalarni joriy qilish, madaniy meros va muzeylar fondidan “virtual muzey” loyihalarini yaratish imkoniyatlari o‘rganilgan. Amalga oshirilgan tahlil natijalariga ko‘ra, mintaqa turizmini rivojlantirishda tarixiy muzeylar faoliyatiga axborot texnologiyalarini jalb qilishning ustivor yo`nalishlar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: turizm, sayyoh, virtual muzey, eksponat, raqamli texnologiyalar, madaniy meros, raqamlashtirish.

Аннотация: В статье исследуются возможности оцифровки и внедрения IT-технологий в деятельность музеев, которые являются неотъемлемой частью туристической индустрии, создание «виртуальных музейных» проектов из культурного наследия и музейного фонда. В результате проведенного анализа разработаны приоритетные направления внедрения информационных технологий в деятельность исторических музеев, что имеет целью развитие туризма в регионе.

Ключевые слова: туризм, турист, виртуальный музей, экспонат, цифровые технологии, культурное наследие, оцифровка.

Abstract: In this paper learned the possibilities of digitization and introduction of IT technologies in activities of museums, which are an integral part of tourism industry, creation of “virtual museum” projects from cultural heritage and museum fund. According to the results of analysis, priorities of development of tourism in region has developed for the involvement of information technology in the activities of historical museums.

Keywords: tourism, tourist, virtual museum, exhibit, digital technology, cultural heritage, digitization.

Dunyodagi mavjud pandemiya holati yaqin vaqtlar ichida saqlanib turadi va jahon hamjamiyatining prognozlaridan kelib chiqib, 2021-2022 yillar ham turizm sohasi uchun sinovli davr bo‘lishi kutilmoqda. Ushbu vaziyatda dunyoning rivojlanayotgan davlatlari, jumladan, O‘zbekiston ham dunyo bo‘ylab turizm sohasidagi “turg‘unlik”dan foydalanib, o‘zlarining turizm infratuzilmalarini talab

darajasida yaxshilash va rivojlantirish imkoniyatiga ega. “Koronavirus pandemiyasi tufayli yuz bergan global inqiroz natijasida mamlakatimiz turizmi eng jiddiy zarar ko‘rgan sohalardan biri bo‘ldi. 2020-yilda jami 1 mln 504 ming turist tashrif buyurdi. Bunda ularga 261 million AQSH dollari miqdorida turizm xizmati ko‘rsatildi[1].

Hozirgi pandemiya turizm sanoatiga raqamlashtirish va IT- texnologiyalarni joriy qilish naqadar muhimligini yana bir bor tasdiqladi. Shubhasiz, O‘zbekistonda ham bu yo‘nalishda faol ishlar olib borilmoqda. Masalan, sayyohlar, tadbirkorlar va yosh startaperlar uchun alohida yo‘nalishlar bo‘yicha online.tourism.uz sayti yaratildi. Shuningdek, pandemiya sabab o‘z sayohatini 2021 yilga qoldirishga to‘g‘ri kelgan bo‘lajak mehmonlar uchun Online Uzbekistan va Uzbekistan 360 resurslarida virtual sayohatlarni tashkil qilindi[2].

Ayniqsa, turizm sohasida tarixiy-madaniy resurslarni o‘zida jamlagan muzeylar faoliyatiga raqamlashtirish va IT- texnologiyalarni joriy qilish, bugungi kunda eng dolzarb masalalardan hisoblanadi. Muzey va ularning eksponotlarini virtual olamini yaratish orqali, hozirgi pandemiya sharoitida muzey mehmonlari uchun “Virtual muzey” loyihalarini yaratish maqsadga muofiq. Virtual muzey-haqiqatda mavjud bo‘lgan muzey va uning saytlari yoki haqidagi elektron axborot vositalari orqali olish mumkin bo‘lgan ma’lumotlar. Virtual muzeylar elektron axborot vositalari tomonidan taqdim etiladigan interaktiv xususiyatlardan foydalanish bilan tavsiflanadi va foydalanuvchi uchun uch o‘lchamli zallar orqali “harakat qilishi” va har qanday ma’lumot, tasvirlarni olishi mumkin. Muhim jihatlardan yana biri saytga tashrif buyuruvchilar bilan doimiy qayta aloqa ta’minlanadi. Muzeylar faoliyatiga raqamli texnologiyalar o‘tgan asrning 90-yillarida kirib kelgan va o‘sha paytdan beri o‘z rivojlanishlarini faol ravishda davom ettirmoqdalar. Onlayn muzeylar odatiy muzeylarga nisbatan bir qancha afzalliklarga ega. Virtual muzey dam olish kunlari, ta'til kunlari tunu kun ishlaydi va siz undan mutlaqo bepul foydalanishingiz mumkin. Chiptalar uchun navbatlar yo‘q va tashrif vaqti cheklanmagan. Virtual muzeydagi ko‘rgazmalar bir necha yil davom etishi mumkin va eksponatlar asl holatini saqlab qoladi va hech qanday sharoitda yomonlashmaydi.

Hududlarning madaniy merosini va muzeylar fondidan “virtual muzey” loyihalarini yaratish imkoniyatlari sifatida quyidagilarni qayd etish mumkin:

- Real dunyoda mavjud bo‘lmagan virtual muzey zallarini yaratish imkoniyati;
- Bir tur doirasida turli mamlakatlarda joylashgan har xil eksponatlarni birlashtiruvchi virtual 3D turlar yaratish imkoniyati;
- Turli eksponatlarni birlashtiruvchi virtual ekskursiyalar orqali xalqlarning tarixiy va madaniy merosi bilan chuqur tanishish imkoniyati;
- Tarixiy va madaniy markazlar, yodgorliklar, hududlarning virtual sayohatlarini yaratish imkoniyatini yaratadi.

Virtual muzeylar, "moddiy" muzeylar singari, madaniy merosni saqlaydi, faqat u elektron raqamli shaklda. Raqamlashtirish ba'zan eksponatning asl

[1] https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1541
[2] https://uzbektourism.uz/uz/newnews/all

nusxasini koʻrish uchun yagona imkoniyatga aylanadi va ba'zi qadimiy va eskirgan narsalar har doim tashqi ta'sirlardan himoyalangan omborlarda saqlanadi va nusxalari tashrif buyuruvchilar uchun namoyish etiladi. Raqamlashtirish yana bir muhim maqsadga - tabiiy ofatlar, urushlar, terroristik hujumlar natijasida buzilgan yoki butunlay yoʻqolgan madaniy merosni tiklash va tiklashga xizmat qiladi. Bu nafaqat alohida ob'ektlarga, balki butun binolarga, parklar ansambllariga va boshqa katta toifadagi madaniy va tarixiy yodgorliklarga ham tegishli hisoblanadi.

Har qanday virtual muzey yaxshi sifatli tarkibni (raqamlashtirish, foto va videofilmlar), koʻrgazmalar tarkibini (ma'lumot va tarixiy ma'lumotnomalar, audio qoʻllanmalar mavjudligi) ta'minlashi, keng ommaga va interfeys, navigatsiya qulayligiga e'tibor berishi va kerakli ma'lumotlarni qidirishi kerak. Ushbu komponentlarning barchasi fotosuratlar toʻplami boʻlgan oddiy saytni virtual muzeyga aylantiradi. Virtual muzeylar mamlakatimizda hali toʻliq shakllanmagan va juda katta imkoniyatlarga ega[1].

Hech qanday shubha yoʻqki, har qanday tarixiy asarlar yoki badiiy asarlar sizning koʻzingiz bilan yaxshi koʻriladi. Ammo har doim ham va har kim ham dunyo boʻylab koʻp sayohat qilish imkoniyatiga ega emas. Yaxshiyamki, bugungi kunda, zamonaviy raqamli asrda, oʻz uyingizdan chiqmasdan dunyodagi eng mashhur muzeylarga tashrif buyurish mumkin va quyidagi yoʻnalishlarda hal qilanadigan masalalarni yechish talab qilinadi:

- ✓ muzeylar infratuzilmasini xalqaro standartlarga muvofiq takomillashtirish orqali koʻrsatiladigan xizmatlarning interaktivligini oshirish, shu jumladan, “smart”-texnologiyalarni joriy etish;
- ✓ aholi, eng avvalo, yosh avlod uchun moʻljallangan, internet tarmogʻidan foydalangan holda, muzeylarning faoliyatiga innovatsion axborot texnologiyalari keng joriy etish va muzey eksponatlarining raqamli shakllarini yaratish orqali muzey eksponatlarini koʻrish imkonini beradigan infratuzilmani yaratish;
- ✓ koʻrsatiladigan xizmatlar sifatini oshirish uchun muzeylarning maʼmuriy tuzilmasini takomillashtirish;
- ✓ xodimlarni, shu jumladan, xorijiy mutaxassislarni eng yaxshi jahon amaliyotlariga muvofiq muzeylarning rahbar lavozimlariga ochiq tanlov asosida jalb qilish amaliyotini joriy etish;
- ✓ mamlakatimizning madaniy-tarixiy merosini ommalashtirish va tanitish maqsadida muzeylarning ijtimoiy makonga toʻliq integratsiyalashuvini taʼminlash;
- ✓ muzeylarda imkoniyatlari cheklangan shaxslar, keksa yoshdagi tashrif buyuruvchilar, maktabgacha yoshdagi bolalar va ularga hamrohlik qilayotgan shaxslarga xizmat koʻrsatish va qulaylik yaratishning inklyuziv uslublaridan keng foydalanish;
- ✓ muzeylarda grantlar ajratish orqali mahalliy va xorijiy tadqiqotchilarni jalb qilgan holda akademik tadqiqotlarni rivojlantirish.

[1] https://moscsp.ru/uz/virtualnye-tury-po-luchshim-muzeyam-virtualnye-ekskursii-po-mirovym-muzeyam.html

Hozirgi kunda Google Arts & Culture qidiruv tizimi orqali 100 dan ortiq global muzeylar va madaniy saytlar uchun virtual sayohat xizmatlarini ishga tushirgan[1]. Virtual muzey loyihalarini yaratish borasida mamlakatimizda ham bir qator ishlar olib borilmoqda. Ayniqsa, bu loyihalarni muzeylar va muzey-qoriqxonalarda, xususan, Xiva «Ichan-Qal'a» davlat muzey qo`riqxonasi faoliyatiga raqamli texnologiyalarini jalb qilish imkoniyatlarini ko'rib chiqish, hamda, muzeylar va ularning tarmoqlariga faoliyatiga axborot texnologiyalarni qo'llash orqali, muzey-qo'riqxona faoliyatini yanada rivojlantirishga olib keladi.

Mintaqa turizmini rivojlantirishda tarixiy muzeylar faoliyatiga faoliyatiga axborot texnologiyalarini jalb qilishning ustivor yo`nalishlar quyidagilar[2]:

- Internet global tarmog'ida Xorazmning tarixiy muzeylarini faoliyatini aks ettiruvchi yangi veb-saytlarni yaratish va mavjudlarini rivojlantirish bo`yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- Xorazmning diqqatga sazovor bo`lgan joylarining 3D fotoobrazlarini, chiptalar va boshqa hizmatlar uchun "Visa", "Master card" va boshqa kartalar orqali on-layn to`lovlarini amalga oshirish imkoniyatlarini yaratish;
- Hududning tarixiy muzeylarini rivojlantirish bo'yicha yetakchi xorijiy hamkor mamlakatlarning xuddi shunday muzeylari bilan hamkorlikni o`rnatish, shuningdek maxsus xalqaro veb-saytlarga ulangan holda, global Internet tarmog'i ma'lumotlar bazasini joriy qilish masalasini ko`rib chiqish;
- IOS va Android platformalari uchun turizm sohasidagi mobil ilovalarni yaratish (tarixiy muzeylar, diqqatga sazovor bo`lgan joylar, mehmonxonalar, turistik marshrutlar, turoperatorlar, to`g'risidagi ma'lumotlarga ega bo`lgan ilova);
- Hududning tarixiy muzeylari (Xiva "Ichan-Qal'a" Davlat muzey qo'riqxonasi muzeylari va boshq.) to`g'risida batafsil ma'lumotlarga ega bo`lgan info-kioskalar uchun dasturlashtirilgan kompleksni ishlab chiqish;
- Google Arts & Culture va Google Earth da joylashtirish uchun mintaqning tarixiy-madaniy obidalari, hamda ular tarkibidagi tarixiy muzeylar va ularning eksponatlarini 3D modelini yaratish;

Yuqorida keltirilgan yo'nalishlar bo'yicha muzeylar faoliyatiga raqamli texnologiyalarini jalb qilinsa, muzeylar va ularning tarmoqlarida xorijiy hamda ichki sayyohlarning tashrifi ko'payishiga, bu esa o'z navbatida hududlarning turistik salohiyati oshishiga va iqtisodiy samaradorlikka olib keladi.

[1] https://blog.google/outreach-initiatives/arts-culture/visit-100-cultural-sites-search/

[2] Doschanov T., Ro'zmetov B.Sh., Matniyozov M." Mintaqaning turizm salohiyatini oshirishda madaniy-tarixiy muzeylar faoliyatiga axborot texnologiyalarini jalb qilish masalalari" «Mintaqa iqtisodi: innovatsion texnologiyalar, investitsiyalar va ekologiya» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Urganch 2017 yil.

А.А.Худояров – Ўзбекистон халқаро ислом академияси“Ислои иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми”кафедраси доценти, и.ф.н.

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада зиёрат туризми ривожланишининг назарий-методологик асослари кўриб чиқилган бўлиб унда сохани ривожлантиришда кластерли сиёсат ва интеграциялашган маркетинг концепцияси илгари сурилган. Натижада халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан зиёрат туризми соҳасида алоқалар ўрнатиши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристлар хавфсизлигини таъминлашни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий механизм тавсия этилган.

Калит сўзлар; кластер, зиёрат туризми**,** диверсификация, тадбиркорлик, стандарт, хамкорлик, тажриба, хуқуқий асослар, хавфсизлик, хуқуқий-иқтисодий база.

Аннотация: в статье рассматриваются теоретические и методологические основы развития паломнического туризма, что способствует продвижению концепции кластерной политики и интеграционного маркетинга в развитии отрасли. Связи с международными организациями и зарубежными странами в области туризма, увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг.

Ключевые слова: кластер**,** поломнеческий туризм, диверсификация, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая система.

Abstract: This article discusses the theoretical and methodological foundations of the development of pilgrimage tourism, which promotes the concept of cluster policy and integrated marketing in the development of the industry. One of the important factors in the development of tourism in our country is peace, stability, mutual understanding and solidarity.

Keywords: cluster, tourist, tourism, diversification, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic system.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан ҳамда кўплаб дунёга таниқли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ўз навбатида халқаро туризм бозорларидаги ўзимизга хос ўрнимиз ва нуфузимизни кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида Республикамиз Президентининг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилди. Форум доирасида Малайзия муфтийси Перлис Моҳд Асри бин Зайнул Абидин Ўзбекистоннинг фахрий зиёрат туризм элчиси этиб белгиланди. Бу ўз навбатида миллатларни, халқларни, динларни ўзаро хамжихатликга, иноқлик ва бағрикенгликка чақиради. Соханинг ривожланишида мамлакатимизда олиб

борилаётган ислохатлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Таҳлилларига кўра зиёрат туризмининг жахон иқтисодиётидаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий ахамияти тадқиқ этилган бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тавсифловчи назарий ѐндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Таъкидлаш жойизки 2019 йил 5-январда 2019-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси, ҳамда 2019-йил 18 июл куни “Туризм тўғрисида” ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари бағишланган йиғилишда “Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта” – деб таъкидлаган эди. Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида зиёрат туризмининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жойижки, Республикада зиёратгоҳлар турли идоралар тасарруфида бўлганлиги сабабли бугунги кунга қадар тегишли ягона реестр таркибига киритилмаган. Мамлакатимиз қонунчилигида “зиёратгоҳ”лар деган атама йўқ. Зиёратгоҳлар “диққатга сазавор жойлар" деган атама билан белгиланган ва улар муайян ҳуқуқий ва идоравий бошқарув асосларига эга эмас. Натижада, республикада зиёратгоҳларни ягона идоравий бошқаруви тизими ва реестри шакллантирилмай қолган. Мазкур илмий иш тадқиқоти натижасида сохани ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш орқали масаланинг ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилди. Бу, ўз навбатида, юртимизда зиёрат туризмининг самарали ривожланишига хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, тизимлар назарияси ва тизимли ѐндашувларни тадқиқ этиш асосида зиёрат туризми ривожланишининг ўзига хос тизимли хусусиятлари белгиланган ҳамда зиёрат туризмининг тизимли ѐндашув асосидаги такомиллаштирилган ташкилий-иқтисодий механизм таклиф этилиб, унинг асосий таркибий қисми сифатида интеграциялашган маркетинг концепцияси хамда зиёрат туристик кластерни шакллантириш таклифи назарий-методологик жиҳатдан асосланган ва уни шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилган. “Туризм” “Зиёрат туризми”, “Диний туризм” атамасига берилган илмий таърифлар унинг моҳиятини ёритишда: “Туризм” “Зиёрат туризми” “Диний туризм” атамасини талқин этишда “талаб” нуқтаи назаридан ҳамда “таклиф” нуқтаи назаридан ёндашилганлиги белгиланди. Бу борада Халқаро туризм Академияси вице-президенти М.Б.Биржаковнинг фикрига кўра, “Туризм бу: биринчидан, туризмнинг аниқ мақсадлари асосида туристлар томонидан амалга ошириладиган саёҳатларнинг ўзига хос оммабоп шакли, яъни туристнинг фаолияти шакли; иккинчидан, ушбу саёҳатларни

ташкиллаштириш ва амалга ошириш бўйича туристик фаолиятдир. Туристик фаолият эса туризм индустрияси ва унга алоқадор тармоқ корхоналари томонидан амалга оширилади” [М.Биржаков. 4.]деб таъкидлаб ўтилган.

Тахлил натижалари “зиёрат туризми” тушунчасини талаб ва таклифнинг уйғун бирлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш уни тармоқлараро мажмуа тузилмаси негизида шакилланадиган очиқ ижтимоий-иқтисодий тизим сифатидаги характерини тўлиқ изоҳлаб беради. Жахон туризмида мусулмонларнинг дунё бўйлаб турли мақсадларда, зиёрат қилиш, диний ибодатларни адо этиш (хаж ва умра), ризқ излаш ва бошқа сабаблари билан саёхат қилишлари сайёхлик сохасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига туртки бўлди. Бу борада, соха мутахасислари мусулмонларнинг диний талабларидан чекланмаган холда турли сабаб билан саёхат қилишларини барча учун бирдай бўлишини таъминлашда қандай номланиши устида фикр билдирилган. Турли атамалар тавсия этилди: зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, халол туризм ва хаказо.

Мутахасислар томонидан юқорида келтирилган тегишли атамалар мақсадни тўла қамраб олмаслиги билан муоммоли жихатлари намоён эди. Мисол учун оладиган бўлсак зиёрат туризми дейилганда аксарият мусулмонлар фақат хаж ва умра зиёратларини назарда тутадилар, ислом туризми ва диний туризм эса шопинг, саёхат, дам олишни каби жихатларни қамраб олмайди, мусулмонлар томонидан амалга ошириладиган барча саёхат хам тўлалигича шаръий бўлмаслиги мумкин ва хаказо. Халқаро туризмда мусулмонлар учун қулай саёхат фақат диний мақсадлар билан, диний сабабларни ёки мусулмон мамлакатларни саёхат қилиш назарда тутилмайди. Балки у саёхатларнинг диний амаллари ва талабларини тарк этмаган холда (халол мехмонхоналар, халол курортлар, халол ресторанлар ва халол саёхат каби) саёхат қилишга қулай бўлган мухитни билдиради.

Зиёрат туризми кўпчилик тадқиқотчилар томонидан диний туризмнинг бир тури сифатида қаралади. Хусусан, А.В.Бабкин, М.Б.Биржаков, Т.Т.Христовлар диний туризмнинг иккита асосий турини: зиёрат туризми ва ўрганишга оид экскурцион йўналишдаги диний туризмни ажратиб кўрсатади. А.В. Бабкиннинг фикрича, диний туризм муқаддас жойлар, диний марказларга бораётган туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолият тури ҳисобланади. Зиёрат туризми эса, бирон бир динга эътиқод қилувчи кишиларнинг тавоф қилиш мақсадида муқаддас жойларга бориши деб қаралади.

Л.В. Байлагасов ва М.И. Гоппалар зиёрат туризмига кенгроқ тушунча сифатида қарашади. Уларнинг фикрича, зиёрат туризми нафақат дин билан боғлиқ, балки машҳур кишилар қабри ёки уй музейини бориб кўриш, уларни хотирлашни ҳам ўз ичига олади. [Л.Байгагасов.6] Айрим олимлар диний ва зиёрат туризмини айнанлаштиради. Масалан, М.А. Винокуровнинг таъкидлашича, диний туризм (зиёрат туризми) муҳим диний маросимларда иштирок этиш учун сафарга чиқиш, диний ёдгорликлар ёки бошқа динлар тарихи ва маданияти билан танишиш мақсадидаги турлар, шунингдек,

мутахассисларнинг дин масалалари билан боғлиқ илмий сафарларини кўзда тутади. [М. Винакуров.7] К.А.Мазин “турист” ва “зиёратчи”, “туризм” ва “зиёрат” тушунчаларини айнанлаштириш нотўғри деб ҳисоблайди. Зиёратни туризм сифатида қарашга умуман қўшилмайди.[К.Мазин.8.] Лекин туризм фаолият тури сифатида зиёрат тушунчаси ва унинг моҳиятидан фарқ қилмайди.

Ўзбекситон Республикасининг туризм тўғрисидаги Қонунида тур муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат деб таърифланган. Ушбу таърифга асосан зиёрат туризмини ҳам тур дейиш мумкин. Бизнинг фикримизча, зиёрат туризми муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, улуғ аждодларимизга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ўтмишдаги ҳаёти ва яратган маданий-маърифий ҳамда тарихий мероси билан танишиш, уларни хотирлаш, шунингдек, диний маросимларда қатнашиш мақсадида амалга ошириладиган сафарларни ўз ичига олади.

Диний туризм ва зиёрат туризми бир-бирига жуда яқин тушунчалар бўлсада, бизнинг фикримизча, улар орасида айрим фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Диний туризм бевосита дин билан боғлиқ одатлар, тадбирлар, маросимларга қатнашиш, сиғиниш, тавоф қилиш, турли амалларни бажариш ёки уларни ўрганиш мақсадида амалга оширилса, зиёрат туризми умуман дин билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қабрини нафақат ислом динига эътиқод қилувчилар, балки бошқа динга мансуб ватандошларимиз ҳамда хорижликлар ёки умуман ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ҳам зиёрат қилишади.

Диний туризм – ҳаёт мазмунини англаш, қилган гуноҳларидан кечирим сўраш, руҳий хотиржамлик, ўтган қариндош-уруғлар ҳаққига дуо қилиш, диний эътиқодни намойиш этиш, миннатдорчилик билдириш, айрим руҳий ва жисмоний хасталиклардан холи бўлишни назарда тутади. Диний туризмда кишиларнинг диний эътиқодига қараб имкон қадар қадамжоларга саёҳат қилиш зарур бўлса, зиёрат туризмида бундай саёҳат ихтиёрий ҳисобланади.

Таъкидлаш жойизки, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантиришда ислом динининг ўрни беқиёс. Ўзбекистон - ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк уламолар камол топган ва ижод қилган табаррук замин. Зиёрат инсонларнинг муқаддас жойларга ўз жони ва танини, руҳиятини соғайтириш, яқинларини дуо қилиш ва ўз иймон-эътиқодига содиқликни намоён этиш мақсадида сажда қилиш, сиғинишга интилишидир. Зиёрат туризми диний туризмнинг бир тури бўлиб, турли дин намояндаларининг ўз динидаги муқаддас жойларга зиёрат мақсадларини амалга ошириш учун сафар қилишни назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016-йил 2 декабрдага ”Ўзбекистон Республикасининг туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чор-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326 сонли фармонларида

олдимизга қўйилган тегишли вазифалар асосида зиёрат туризмини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-иқтисодий услуби сифатида зиёрат туризм кластерни хамда интеграциялашган маркетинг концепциясини шакллантириш таклифи назарий-услубий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда унинг таркибий тузилмаси ишлаб чиқилган. Халқаро миқёсидаги мавжуд назарий, амалий ва услубий ёндашувларни тадқиқ этган ҳолда Ўзбекистонда зиёрат туризми кластерини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди.(1-расм) Биринчи босқич зиёрат туризми кластерини шакллантиришнинг ғоявий моделини ўз ичига олса, иккинчи босқич уни шакллантиришнинг лойиҳавий моделини яратади. Натижада кластерли ёндашув асосида зиёрат туризмини ривожлантириш концепцияси шакилланади. Зиёрат туризми кластери ўзига хос инновацион тизим бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг самарали ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш, фан, тълим, кадрлар тайёрлаш тизими ва бизнес ўртасида ҳамкорликни кучайтириш учун асос бўлади.



1-расм. Зиёрат туристик кластерининг тузилмавий модели[1].

Ўзбекистонда зиёрат туризми кластерларини ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад юртимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурс ва инновация салоҳиятидан фойдаланган ҳолда сифатли рақобатбардош тур маҳсулотларимизни жахон бозорларига олиб чиқишдан иборат. Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари борасидаги тадқиқот натижаларига кўра бугунги кунда сайёҳлик индустрияси иқтисодиёти давлатнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий алоқалар ва муносабатлар субъекти, айнан бу муносабатларни тартибга солиб турувчи бўғин сифатида намоён бўлмоқда (2-расм).

Натижада сайёҳлик индустриясининг ривожланиши, аввало, бугунги кунда ташқи муҳитни замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган даражада тартибга солиб туриш тизимининг такомиллашувини белгилаб беради. Зиёрат туризмининг мураккаблиги, уни тартибга солиб турувчи тизимнинг кўпқирралигини изоҳлаб, мазкур тизимни шакллантириш ва такомиллаш-

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Ўзбекистонда зиёрат туризми ресурсларининг ягона реестрини шакиллантириш механизми.[1]

тиришда тизимлар ва бошқарув назариясини инобатга олишни белгилайди.



3-расм. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий-ижтимоий механизми.[2]

Зиёрат туризми бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизими мураккаб полииерархик тузилмавий кўринишда бўлиб, вертикал ва горизонтал тузилмалар йиғиндиларидан иборат. Мазкур тизим фаолиятининг моҳиятини англашда тузилманинг вертикал ва горизонтал кесимлари манзилли ўрганиб чиқилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида зиёрат туризми соҳасини тартибга солиш тизими маълум даражани ўзида мужассам этган ташкилий тузилмалардан таркиб топган. Таҳлилларга кўра зиёрат туризми бозорининг ривожланишини давлат томонидан тартибга

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

солишнинг стратегик мақсади миллий туризм маҳсулотларининг сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган рақобатбардош туризм комплексини вужудга келтириш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий такомиллашувига қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. [1] 2.“Ўзбекистон Республикасини туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” PF-5611, 05.01.2019y.
3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонига илова.
4. Биржаков М. Б. Введение в туризм: изд. 9-е, перераб. и доп.СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. - 576 с.
5. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме.Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 367 с.

Бабкин А.В. Специальные виды туризма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с

6. Байлагасов Л.В., Гоппа М.И. О классификации паломнического туризма // Международный научный журнал «Символ науки», - 2016, - №10. - 192-194 с
7. Винокуров М.А. Что такое туризм? // Известия Иркутской государственной экономической академии. – 2004. – № 3. – С. 19-24.
8. Мазин К.А. Паломничество и религиозный туризм: сравнение сквозь призму тысячелетий // Современные проблемы сервиса и туризма. – 2009. – № 4. – С. 8-24.
10. hhtps://uzbektourism.uz/uz/newsnews/
11. http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018
12. https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=992

Д.К.Усманова – к.э.н, доцент СамГУ
И.Ф.Умиров – магистрант СамГУ

ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ НА МЕЖДУНАРОДНОЙ АРЕНЕ СОВРЕМЕННЫМИ МЕТОДАМИ

Аннотация: В данной статье рассмотрена сущность конкурентоспособности экономики и индустрии туризма. Автор так же дал оценку преимуществ одной из туристских дестинаций -Самаркандской области. Предложены пути продвижения турпродукта как на внутреннем, так и международном рынках.

Ключевые слова: Конкурентоспособность, интеграция, туристическое агентство, структура туристического продукта, инновации, глобализация, мировая экономика;

Annotatsiya: Ushbu maqola iqtisodiyot va turizm sohasining raqobatbardoshligining mohiyatini ko‘rib chiqadi. Muallif, shuningdek, sayyohlik

yo‘nalishlaridan biri - Samarqand viloyatining afzalliklariga baho berdi. Ichki va xalqaro bozorlarda turistik mahsulotni ilgari surish usullari taklif qilingan.

Kalit so‘zlar: Raqobatbardoshlik, integratsiya, sayohat agentligi, sayyohlik mahsulot tuzilishi, innovatsiya, globallashuv, jahon iqtisodiyoti;

Abstract: This article examines the essence of the competitiveness of the economy and the tourism industry. The author also assessed the advantages of one of the tourist destinations - the Samarkand region. The ways of promoting the tourist product both in the domestic and international markets are proposed.

Keywords: Competitiveness, integration, travel agency, tourism product structure, innovation, globalization, world economy;

Процессы глобализации современного мирового хозяйства во все большей степени предопределяют развитие национальной экономики. В соответствии с ними равноправная интеграция страны в мировую экономику возможна лишь при условии ее конкурентоспособности.

В современных условиях конкурентоспособность страны является показателем состояниея и перспектив развития хозяственной системы, определяет характер её участие в международном разделение труда, выступает гарантом экономической безопастности и в общем виде представляет собой способность страны в условиях свободной конкуренции производить товары и услуги, удовлетваряющие требованием мирового рынка, реализация которых увеличивает благосостояние населения.

В настоящее время конкурентоспособность Узбекистана оценивается международными рейтинговыми агентствами на достаточно низком уровне. Конкурентоспособность страны обуславливает определенный уровень конкурентоспособности туристических компаний и оказываемых ими услуг. При этом конкурентоспособность национальной экономики , определяется с одной стороны способностью экономических институтов формировать благоприятные условия с другой – вожможностью фирм и отраслей воспользоваться этими условиями для создания и развития устойчивых конкурентных преимуществ. Основными составляющими конкурентоспособность индустрии туризма являются: качество оказываемых услуг, эффективность использования ресурсов туристскими организациями, положение страны в системе мирохозяйственных связей.

Среди наиболее значимых тенденции развития конкуренции конца XX- начало XXI века необходимо отметить : перевод от ценовых к неценовых факторам конкуренции : изменение в структуре потребительского спроса (переход от массовых стандартных туристких продуктов к индивидуализированному спросу) ; значительная сигментация рынков;ориентация на инновационное развитие. В результате,в современной экономике превалируют «интенсивные» факторы международной конкурентоспособности – знания, человеческий капитал, информации технологии, гибкое производство,новые формы управление.

Формирование конкурентных преимуществ национальной индустрии туризма на практике находит свое выражение в разработке и реализации

стратегии конкурентоспособности, представляющая собой совокупность правил и механизмов, направленных на достижение поддержание соответствующего уровня конкурентоспособности. Если данная стратегия своевременно реагирует на возникающие технологическое и структурные изменения в мире, то такая экономика способна претендовать на успех в международной конкуренции.

Рассмотрим туристический продукт Самаркандского региона на предмет замысла. Все имеющиеся в регионы туры имеют экскурсионно-позновательный характер, что соответствует главной цели туристов, желающих посетить Узбекистан и ещё несколько лет назад,возможно,они полностью удовлетворяли желании туристов. Но результат опроса в настоящее время показывает,что наравне с познавательным интересом, 56.2% туристов хотят одновременно иметь возможность отдыха и разного рода развличения. Все туры, имеющиеся в регионе одно, двух, максимум трёх дневнего пребывания, что не соответствует желанию 24,4% потенциальных туристов.

Подводя итог,мы видим необходимость в разработке отсутствует к существующему туристическому продукту с целью обеспечения его конкурентоспособность и соответствие запросам современных туристов, где ключевыми принципами работы в данном направлении станет целевая ориентация на туристический спрос.

Наличие в Самарканде конкурентоспособной туристической продукции,не подкреплённой активными действиями по её продвижению,не может дать положительного результата.Анализ туристического предложения в регионе показал,что каждый объект туристической индустрии в достаточной степени пользуется всеми имеющимися каналами рекламы.Туристический сегмент активно развивается в интернете. Сейчас почти каждый курорт,отель,туристические компании имеют собственный сайт и продвигает через интернет свои услуги.Деятельность туристической компании невозможно без таких объектов туристической индустрии,как объекты размешение,питания,транспорт и другие,т.е. они являются неотълемой частью продукта,реализуемого турфирмой.

Подытожив выше сказанное,предлагаем туристическим компаниям,для продвижение регионального туристического продукта,воспользоваться сайтами объектов туриндустрии,на основе договоров о взаимовыгодных условиях.Для туристических компаний это будет новый,с минимальными затратами,канал рекламы,для объектов индустрии туризма,возможность привлечения дополнительных потрибителей.

D.Z. Norqulova – SamISI, “Turizm kafedrasi mudiri, dotsent
F.Sh. Malikova – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti magistranti

O`ZBEKISTONDAGI TUR FIRMALAR FAOLIYATIDAGI YUZAGA KELUVCHI MUAMMOLARNING TAHLILI VA YECHIMLARI

Annotatsiya: maqolada O`zbekistondagi tur firmalar faoliyati, ularda yuzaga keladigan muammolar, bartaraf qilish usullari va istiqbolli tavsiyalar, tur firmalar kadrlarinining vazifalarini konkretlashtirish, firma hisob-kitob ishlarini avtomatlashtirish, daromadlarni yil davomida ushlab turish, quyi mavsumiylik davrida qo`shimcha faoliyatlar bilan shug`ullanish va yangi daromad manbalarini o`rganish kabi g`oya va tavsiyalar bildirib o`tilgan.

Kalit so`zlar: tur firmalar, rentabellik, mavsumiylik, daromad manbalari.

Аннотация: В статье рассматривается деятельность турфирм в Узбекистане, их проблемы, решения и рекомендации на будущее, уточнение задач персонала турфирм, автоматизация бухгалтерского учета компаний, круглогодичное удержание доходов, дополнительные виды деятельности в низкий сезон и изучение новых источников дохода.

Ключевые слова: туристический фирми, прибыльность, сезонность, источники дохода.

Abstract: The article deals with the activities of tour companies in Uzbekistan, their problems, solutions and future recommendations, specification of the tasks of the staff of tour companies, automation of company accounting, year-round income retention, additional activities during the low season and the study of new sources of income.

Keywords: tour companies, profitability, seasonality, sources of income.

Jahon iqtisodiyoti shiddat bilan o`sib borayotgan bugungi davrda har bir davlat o`zining bor salohiyatini ishga solib moliyaviy yutuqlarga erishishni maqsad qiladi. Mamlakatimiz O`zbekistonda ham iqtisodiy tizimda yuksak islohotlar va dasturlar ishlab chiqilib, amaliyotga tatbiq qilinmoqda, hamda sanoatning ko`pgina tarmoqlarida yirik samaradorlikka erishilmoqda. Quyida tahlil qilinadigan mavzu ham O`zbekistondagi iqtisodiyotning ajralmas daromad manbalaridan biri bo`lgan turizm sohasi bo`lib, tur firmalar faoliyatiga doir muammolar va ularning yechimlari bo`yicha bir qancha g`oyalarni taqdim etadi. Ushbu mavzu bo`yicha Safarov B, Ruziyev Sh. va Gulmuratov I. kabi olimlar izlanishlar olib borgan. Ammo ular asosan statistik ma`lumotlarga tayangan holda tur firmalar uchun prognozlar yaratishga va O`zbekistonda tur firmalar faoliyatini kengaytirishga qaratilgan. Mazkur ilmiy maqolada esa tur firmalarning faoliyatida yil davomida rentabellikni oshirishning omillari va usullari, daromad uchun mavzumning ahamiyati va yil mobaynida muvozanatni ushlab turish usullari, tur firma faoliya-tida paydo bo`ladigan moliyaviy muammolarni bartaraf etish yo`llari, kadrlarning xarajatlarini nazorat qilish va xarajatlarda umumiy boshqaruvni qo`lga olish, hamda yangi daromad manbalarini yaratish imkoniyatlari masalalari ko`rib chiqiladi.

XXI asr iqtisodiyotini turizm sohasisiz tasavvur qilib bo`lmaydi, chunki turizm ushbu asrning eng yirik foyda keltiradigan tarmog`iga aylanib ulgurdi. O`zbekistonda ham turizm sohasini takomillashtirish uchun Prezidentimiz tomonidan farmonlar va qarorlar qabul qilinmoqda. Jumladan, 2019-yil 5-yanvarda

qabul qilingan 2019-2025- yillarda O`zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish Konsepsiyasi tasdiqlandi. “Turizm uchun bosqichma-bosqich hamma sharoitlarni yaratyapmiz, investorlarga, ishbilarmonlarga keng imkoniyatlar beryapmiz,”[1] – dedi Shavkat Mirziyoyev. Albatta, qabul qilinayotgan qarorlar va ajratilayotgan sarmoyalar o`z natijasini bermasdan qolmayapti. Birgina turistik infratuzilmani xalqaro me`yorlarga muvofiq rivojlantirish, turoperator va boshqa turizm subyektlari sonini 860 dan 1676 donagacha, turar joylar bilan ta`minlash muassasalari sonini ko`paytirish ham sohada katta burilish yasaydi.

Turizm sohasini yana rivojlanishi uchun turizm klasteridagi barcha tashkilotlar birgalikda harakat qilishi lozim. Ammo tur firmalar aksariyat miqdorlarda turistlarni jalb qiluvchi muassasa bo`lganligi tufayli, ulardagi vazifalar ancha ko`proqdir. Vazifalarni mukammal tarzda bajaruvchi kadrlar esa O`zbekiston hududida juda zarur. Tajribasizlik va uquvsizlik ko`pgina turistik firmalar faoliyatida yuz beryapti va ular bir necha yillik faoliyatdan so`ng yopilib yoki to`xtatilib qolyapti. “Turistik xizmatlarning ko`payishi turistlar talabini to`laroq qondirib turizmdan keladigan daromadni oshirishga xizmat qiladi. Hozirda turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti hajmi yuqori darajada emas”(Safarov B)[2].

Yuqoridagilardan shunday xulosaga kelish mumkinki, yangi qonunlar va yangi imkoniyatlarning hammasi ham tur firma faoliyatini tubdan yaxshilanishiga turki bo`la olmaydi. Ularni tajribaviy jihatdan puxta qilish, turistlarni to`rt mavsumda ham jalb qiladigan yangi xizmatlarni yaratish va firma daromadini qay tarzda oshirish bo`yicha strategiyalarga ehtiyoj yuqoriroq. Quyidagi g`oya va fikrlar ham amaliyotda sinab ko`rilsa, tur firmalar faoliyati ancha yaxshilanishi mumkin.

Birinchidan, yil davomida rentabellikni oshirish. Mavsumiylik turizm sanoatining tabiati, ba`zi tur firmalar uchun mavsumiylik yengib bo`lmas qiyinchilikdek namoyon bo`ladi. Ehtiyotkorlik bilan rejalashtirish, puxta strategiya va moslashuvchan jarayonlarni o`rnatish sayyohlik firma biznesiga past mavsum davomida ham rentabellikni saqlashga yordam beradi. Mavsumdan tashqari xarajatlarni boshqarish va minimallashtirish yo`llarini o`ylab topish deganda reklama va marketing sohasini sekinlashtirish, ichki turizmdagi xizmatlarga e`tibor qaratish lozim. Unchalik muhim bo`lmagan xizmatlarni o`chirib qo`yish ham maqsadga muvofiqdir.

Ikkinchidan, eng yuqori mavsumda daromadni oshirish kam daromadli oylarni ham qoplaydi. Yuqori mavsumda sotish uchun qulayroq imkoniyatlarni yaratish, yo`naltirish dasturini yaratish yoki narxlarning turli darajalarini joriy etish mavjud mijozlarning rentabelligini oshirishga yordam beradi va yangi xaridorlarni sotib olishga undaydi.

Uchinchidan, sayyohlik firmasida yuzaga kelgan muammolarni vaqtida barataraf etish ham juda muhimdir. Biznes jarayoniga jiddiy qarash va to`siqlarni vaqtida aniqlash pul qayerda yo`qotilayotganligini ko`rsatib beradi. Har bir mijoz

[1] Shavkat Mirziyoyev: «2019-yil turizm rivojida tub burilish yili bo‘ladi» https://www.xabar.uz/uz/iqtisodiyot/shavkat-mirziyoyev-2019-yil-turizm

[2] Safarov B. Turistik xizmatlar bozori istiqbolini aniqlashning innovatsion usullari// Iqtisodiyot va ta`lim jurnali. Toshkent sh., 2017-yil. 47-bet.

(turist) qayerdan kelayotganini va nimaga tashlab ketayotganligining sabablarini aniqlash ham muhimdir. Agar bu narxlarning balandligi bilan bog`liq bo`lsa, narxlarni tushirish kerak, va bu oxirida mijozlarning ko`payishi va yo`qotishlarning qoplanishi bilan yechim topadi. Darz ketishlar paydo bo`lishi mumkin bo`lgan yana bir yo`nalish – ichki jarayonlar. Ehtimol, ma`lum bir tur firmadagi operatorlar bir necha soat davomida kotirovkalarni yaratish, Word-da marshrutlarni tayyorlash yoki xatolar uchun Excel-ni qo`lda ikki marta tekshirib ko`rishlari mumkin. Bular unchalik aniq bo`lolmaydi, chunki ular yil oxiridagi moliyaviy hisobotda aniq ko`rinmaydi, ammo tezkor hisob-kitob ushbu tadbirlarning aslida qanchaga tushishini ko`rsatadi. Yaxshi turoperator dasturlaridan foydalanish bu vaziyatda foydaliroqdir, chunki ular har kunlik yoki har oylik xarajat va daromadlarni aniq ko`rsatib turadi, hamda yil oxirida tur firmani nima kutib turganini oldindan bilishga imkoniyat yaratadi.

To`rtinchidan, kadrlar xarajatlarini boshqarish eng katta to`siqlardan birini bartaraf etish bilan barobardir. Ko`pgina korxonalar uchun duch keladigan eng katta xarajat - bu kadrlar. 2016- yilgi ATTA statistikasi (Adventure Travel Trade Association) shuni ko`rsatadiki, o`rtacha sayyohlik firmalari o`zlarining daromadlarini kamida 28 % kadrlar xarajatlari uchun sarflaydilar.[1] Bu boshqa har qanday biznes xarajatlaridan ko`proqdir. Hujjatlarni yaratishni avtomatlashtirish va turoperator dasturlari yordamida vazifalarni soddalashtirish yuqorida aytib o`tilgan to`siqlarni kamaytiradi va oxir-oqibat xodimlar xarajatlarini minimallashtiradi. Korxona jamoasining vaqtini ko`proq istiqbolga ega va mijozni qo`llab-quvvatlashga yo`naltirish afzalroq.

Beshinchidan, yangi daromad manbalarini izlab topish va biznes darajasiga olib chiqish firmaning kengayishiga ham xizmat qiladi. Sayyohlikdagi eng yuqori mavsum, aslida, yangi biznes imkoniyatlarining kaliti bo`lishi mumkin. Yangi daromad manbalarini o`rganish – bu butun yil davomida yanada barqaror pul oqimini yaratishning ajoyib usuli. Masalan, yangi maqsadli bozorlarda tur firma o`zining biror qimmatbaho uskunasini ijaraga berishi yoki sayohatchilarga yoqadigan yangicha interaktiv tadbirlar tashkil etish ham shular jumlasiga kiradi. Davomiy tartibda sayohat qiluvchi guruhlar (masalan, korporativ kabi) uchun tashkil etilgan tadbirlar ayniqsa katta natija beradi.

Xulosa o`rnida shuni ta`kidlash mumkinki, turizm korxonalari faoliyati juda keng miqyosdagi sa`y-harakatlarni, tadbirlarni o`z ichiga oladi. Chunki ular sayohatning tashkil etuvchilaridir. Ularning ish tartibini kengaytirish va boyitish butun turizm sanoatini rivojlantirish bilan barobardir. Kadrlar vazifalarini soddalashtirish esa ularni faqat hujjatlar yaratish bilan band qilib qo`ymaydi, va ular ham yangi innovatsion g`oyalar, loyihalar va tadbirlarustida ishlashiga imkoniyat yaratadi. O`zbekistondagi tur operatorlar ehtimol, ko`plab global miqyosdagi tur operatorlarning daromadlariga erisha olmas, ammo bunga yaqin yillar ichida kadrlar sifatini oshirish, firma faoliyatini avtomatlashtirish va qo`shimcha sarmoyalar jalb etish orqali erishishlari mumkin.

[1] Isadjanov A. Tourism development in Uzbekistan: current trends and national priorities. // The light of Islam. Tashkent. 2020. P9.

М.М.Нарзиев – докторант Бухарский государственный университети

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ СОЗДАНИЯ ГОСТИНИЧНЫХ КЛАСТЕРОВ И ПРИМЕНЕНИЕ ИХ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В научных и бизнес кругах в последние годы всё чаще обсуждаются развитие гостиничного бизнеса на основании кластерного подхода. Этот подход способствует комплексному развитию отрасли, усиливает конкуренцию, инновационную деятельность, клиентского опыта и имиджа страны в международный туристический рынок.

Ключевые слова: гостиничный кластер, инновация, кооперация, государственно-частное партнерства.

Аннотация: Сўнгги йилларда меҳмонхона бизнесини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш илмий ва ишбилармон доираларда тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда. Ушбу ёндашув, тармоқнинг комплекс ривожланишига ёрдам беради, рақобат, инновация, харидорларнинг тажрибаси ва халқаро туризм бозорида мамлакат нуфузини оширади.

Калит сўзлар: меҳмонхона кластери, инновация, ҳамкорлик, давлат-хусусий шериклик.

Abstract: In recent years, the development of the hotel business on the basis of the cluster approach has been increasingly discussed in scientific and business circles. This approach promotes the integrated development of the industry, enhances competition, innovation, customer experience and the country's image in the international tourist market.

Keywords: hotel cluster, cooperation, public-private partnerships.

В современных условиях глобализации, развитие сферы гостеприимство и гостиничного бизнеса находится под влиянием внешних и внутренних изменений, которые заставляют предприятия гостиничного хозяйства искать новые стратегии, инструменты и методы управления, основанные на системных и комплексных подходах. Для развития гостиничного хозяйства Узбекистана, процессы совмещения и интеграция гостиничных предприятий, формирование новых режимов и структур управления становятся актуально.

Развития гостиничного бизнеса на основании кластерного подхода показал свою эффективность в развитых странах мира. Кластерный подход развития подразумевает в определенной территорию концентрация нескольких фирм работающих в одной сферы деятельности.

Понятие кластера и его теоретического обозначения в своих научных трудах представил профессор Гарвардского университета Майкл Портер.

В своей книге «Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран» [1] Портер описывает кластер как группу географически взаимосвязанных компаний и связанных организаций, которые работают вместе в определенной области и дополняют друг друга. Географический

[1] А. Маршалл. «Принципы экономической науки», 1890, Англия.

размер кластера может расширяться от одного города к другому или даже к ряду соседних государств. Кластер можно рассматривать как систему взаимосвязанных фирм и организаций, которые вместе образуют систему ценностей.

Хорватия - страна, где широко используется кластерный подход, и успешный пример в развитии гостиничной индустрии. Здесь членами кластера являются Министерство национального туризма, гостиничные комплексы, туроператоры, рестораны, концессии, транспортные организации, сувенирные магазины, музеи и университеты. Созданы кластерные рабочие группы по маркетингу и брендингу, жилищной организации, человеческим ресурсам, инфраструктуре, законодательству и нормативно-правовой базе.

Профессор Российского государственного экономического университета имени Плеханова С.В. Валеева в своем исследовании приводит различные популярные модели кластерообразования (таблица 1)[1].

Таблица-1.

Модели формирования и управления кластером

Модели формирования и управления кластером		
	Модели	**Особенности модели**
1.	Североамериканская модель	Стимулирование инновационных кластеров, поддержка грантов, создание агентства кластерного развития. Требуется участие малого бизнеса.
2.	Западноевропейская модель	Ведущая роль будет отведена образовательным и научным учреждениям. Основная форма поддержки - финансирование НИОКР, формирование инфраструктуры инновационного развития.
3.	Скандиновские модели	Государство работает как заказчик. Основная форма поддержки - финансирование научно-технического сотрудничества, инвестиционных проектов.
4.	Индийская модель	Кластеры финансируются за счет иностранных инвестиций.
5.	Китайская модель	Инициаторами выступают государства и регионы. Формирование кластеров будет вращаться вокруг крупных промышленных и высокотехнологичных организаций. Инновации максимально интегрированы.
6.	Японская модель	Акцент будет сделан на крупный бизнес, работающий по долгосрочному контракту с малым бизнесом.

Развитые страны создают кластеры в разных секторах экономики и успешно ими управляют, а также создают единый кластерный веб-сайт по всей стране, через который можно получить последние новости, связанные с отраслью кластера, взаимный обмен информацией, экспертную помощь соискателям кластеров и другую актуальную информацию.

Анализ этих веб-сайтов показывает, что, согласно теории кластеров М. Портера (повышение конкурентоспособности региона), территория штата/региона делится на группы в зависимости от развития конкретного

[1] С.В. Валеева. “Развитие концепции кластерного подхода в туризме”, Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова, Москва, 2016.

производственного сектора или сектора услуг в этом регионе, и это называется кластерной картой.

Изучая международный опыт, в Республике Узбекистан планируются создать гостиничные кластеры. В частности, Бухарская область является одним из лидеров в сфере туризма. 2020 год объявлен годом «Бухара – столица исламской культуры» [1] и проводиться множество онлайн конференций и семинаров по религиозной тематике. Не смотря на пандемию, в городе активно строится новые гостиницы, хостелы, рестораны и другие объекты сферы туризма. Повышается квалификация сотрудников сферы услуг, состоялось церемония открытия тематического центра «Bukhara Desert Oasis & Spa»[2], на побережье Тудакуля открылся новый пляжный курорт «Silk Road Family Resort»[3] и другие.

В результате крупномасштабных реформ и привлечение инвесторов в сфере туризма Узбекистана, средства размещения Бухарской области интенсивно расширяется и в настоящие время в области общее число средств размещения составляет 365, а мест у них 8573[4].

Вышеизложенный международный опыт показывает что, формирование гостиничных кластеров осуществляется в несколько этапов, к которым относятся следующие:

1. Определить спрос на новую услугу: Анализируется, где находится гостиница, какой сегмент рынка она обслуживает, какие дополнительные услуги и новые туристические маршруты можно создать в низкий туристический сезон с учетом спроса. Отель может быть расположен на набережной, в деловом или историческом центре города, так что он может обслуживать пляжников или бизнесменов на пляже;

2. Определить участников кластера: Определите участников кластера и договоритесь о взаимодействиях между ними. Например, если у гостиницы нет собственного комфортабельного и удобного туристического транспорта, она может работать как с транспортной компанией на кластерной основе, так и с другими туристическими организациями.

3. Создание нового турпродукта и его маркетинг. Формирование нового домашнего продукта и его маркетинг. После того, как гостиница сформировала новую услугу с участниками кластера, она должна проинформировать об этом иностранных и отечественных туристов. Через Интернет, газеты, телевидение, выставки и другие маркетинговые инструменты.

4. Продажа и продвижение нового турпродукта: Стимулы к продаже новых продуктов, основанные на принципе «дефект», процесс бронирования нового продукта для иностранных и местных гостей, период от прибытия до

[1] Национальное информационное агентство Узбекистана: https://uza.uz/ru/society/bukhara-stolitsa-islamskoy-kultury-18-02-2020

[2] Официальный веб-сайт Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма: https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=1328

[3] Официальный веб-сайт Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма: https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=1305

[4] Составлено автором на основании статистических данных с официального веб-сайта Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма.

отъезда и организованного возвращения домой, теплые воспоминания и возвращение гостей. Достижение цепочки создания стоимости.

5. Послепродажный мониторинг нового турпродукта: Мониторинг новинок. При этом посетители могут собрать свои положительные и отрицательные отзывы о продукте с помощью анкеты, электронной почты или телефона, и на следующих этапах устранить эти недостатки.

6. Расширить кластер за счет увеличения туристического потенциала региона: Увеличить туристический потенциал территории кластера, привлечь иностранных и отечественных инвесторов, пригласить других новых участников с целью расширения кластера на основе государственно-частного партнерства.

Будет успешным, если гостиничный кластер будет организован в соответствии с вышеуказанными 6 шагами. Это в свою очередь, будет обеспечить крупных налоговых поступлений в бюджет региона, способствовать развитию, занятости и других смежных сфер, где расположен гостиничный кластер, обогатит экономику региона и прославит его.

G.R.Tursunova – SamISI, «Turizm» kafedrasi katta o‘qituvchisi

DUNYODAGI NOODATIY VA ENG G‘AROYIB - «GIRAFFE MANOR» MEHMONXONASI

Annotasiya: Ushbu maqolada dunyodagi noodatiy va eng g‘aroyib mehmonxonalaridan biri «Giraffe Manor» mehmonxonasi, uning o‘ziga xos xizmat ko‘rsatish uslibi, odamlarning tabiat bilan uzviy aloqadorligi hamda xorijiy turistlarni jalb qilishi imkoniyati haqidagi ma’lumotlar yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: dunyoning noodatiy va g‘aroyib mehmonxonasi, «Giraffe Manor» mehmonxonasi, Rotshild jirafalari, Nayrobi qo‘riqxonasi.

Аннотация: В статье рассказывается об отеле Giraffe Manor Hotel, одном из самых необычных и причудливых отелей в мире, его уникальном стиле обслуживания, его тесной связи с природой и возможности привлечения иностранных туристов.

Ключевые слова: самый необычный и причудливый отели мира, отель Giraffe Manor, жирафы Ротшильда, заповедник Найроби.

Abstract: The article tells about the Giraffe Manor Hotel, one of the most unusual hotels in the world, its unique style of service, its close connection with nature and its potential to attract foreign tourists.

Keywords: most unusual and unique hotels in the world, Giraffe Manor, Rothschild giraffes, Nairobi nature reserve.

Bugungi kunda an’anaviy mehmonxonalardan charchagan sayyohlar tanlashi uchun juda ko‘p imkoniyatlarga ega. Turistlarni tunab qolishlari uchun mehmonxonaga jalb qilishni istagan turli mehmonxonalar yaratuvchilarning tasavvurlari bejiz emas. Uzoq vaqt davomida eng g‘ayrioddiy joylar va

sharoitlardagi joylashtirish vositalari hayratlanarli joy emas, faqatgina yashash imkoniyatlari, ular joylashgan mamlakatlarga qiziqish uyg‘onishi va g‘ayrioddiy tuyg‘ularni boshidan kechirishlari mumkin.

Quyida dunyodagi eng o‘ziga xos joylashtirish vositalarining nomlari va ular joylashgan mamlakatlar haqida ma’lumotlar keltirilgan:

1-jadval

Dunyodagi eng o‘ziga xos joylashtirish vositalari

	Joylashtirish vositalari nomlari	**Joylashgan mamlakatlar**
1.	Qadimiy qal’alar, monastirlar, soborlar	Fransiya, Italiya, Ispaniya, Ruminiya, Germaniya, Avstriya, Chexiya, Vengriya, Shveysariya, Buyuk Britaniya, Gollandiya va Partugaliya
2.	Sobiq qamoqxonalar	Germaniya, Yaponiya, AQSH, Italiya, Argentina, Shvesiya, Latviya, Rossiya, Buyuk Britaniya, Hindiston va Sloviniya
3.	Yer osti bunkerlarida	Germaniya, Finlandiya, Shveysariya, Xitoy, AQSH va Vengriya
4.	Muzey tomida	Fransiya
5.	Diogenes uy shaklidagi bochkalarda	Germaniya va Gollandiya
6.	Butunlay muzdan qilingan qorli uylar va binolar	Shvesiya, Finlandiya, Kanada, Yangi Zillandiya, Shveysariya, Avstriya, Norvegiya, Ruminiya va Andorra
7.	Hind vigvamlari	AQSH, Kanada, Boliviya, Venesuella va Kosta - Rika
8.	G‘orlarda	Avstraliya, Ispaniya, Turkiya, AQSH, Hindston va Xitoy
9.	Ichi bo‘sh va daraxtli uylarda	Germaniya, Kosta - Rika, Keniya, Briziliya, AQSH, Yamayka, Xitoy, Hindiston, Turkiya, Belgiya va Shvesiya
10.	Suv ostida	AQSH, Shvesiya, BAA, Moldiv orollarida faoliyat olib borilmoqda. Fidji, Turkiya, Xitoyda qurilish ishlari olib borilmoqda.
11.	Tosh va tuzli uylarda	Baliviya
12.	Qal’alarida, shamol tegirmonlarida va mayoqlarda	Fransiya, Ispaniya, Partugaliya, AQSH, Norvegiya, Braziliya, Germaniya, Buyuk Britaniya va Gollandiya
13.	Xojatxonada	Janubiy Koreya
14.	Shimoliy qutb doirasidan tashqarida va muzda muzlagan shounerlarda	Norvegiya
15.	Vertalyotlarda	Shvesiya va AQSH
16.	Poye’zdlarda	Buyuk Britaniya, AQSH, Xitoy, Rossiya, JAR, Hindiston, Fransiya, Turkiya, Chili, Kanada, Peru, Avstraliya va Shveysariya

Yuqorida keltirilgan jadvaldan joylashtirish vositalarining ayrim turlarini tahlil qilish natijasida ular haqida qiziqarli ma’lumotlarni topdik. Tahlil natijasida shu narsa ma’lum bo‘ldiki, dunyoda juda ko‘p mehmonxonalar va joylashtirish vositalari o‘zining antiqa uslubi va shakl – shamoyiliga egaligi bilan turistlar orasida mashhur. Shuning uchun turistlarni eng ko‘p o‘ziga jalb qilishi bilan ular o‘z reytingiga va o‘rniga ega bo‘lmoqda. Reytingni tuzishda turistlar orasida dam olish maskanlarining mashhurligi, shuningdek, u yerdagi mehmonlarning sharhlari hisobga olingan.

Shulardan biri va eng mashxuri «Giraffe Manor» mehmonxonasi deb nomlanadi. Afrikaning Safari to‘plamidagi binolardan biri Keniya poytaxti Nayrobidan 20 km uzoqlikda joylashgan zamonaviy yovvoyi tabiat qo‘riqxonasining bir qismi bo‘lib, huddi ertaklardagi qasrga o‘xshaydi. Bu uy o‘tgan asrning 30 - yillarida Devid Dunkan tomonidan Shotlandiyaning ovchilik lodji uslubida qurilgan. Buning sababi, 1932 - yilda deyarli 6000 fut balandlikda qurilgan nafis mulk ostida yuqolib ketish xavfi bo‘lgan Rotshild jirafalari podasi bo‘lgan. 1974 - yilda uni er - xotin Lesli - Melvilllar uni sotib olib, u yerda yo‘qolish arafasida turgan Rotshild jirafalarini qutqarish markazini tashkil qildilar.



1-rasm. «Giraffe Manor» mehmonxonasi ko‘rinishi

Keyinchalik bu yerda otel ham ochildi. Otelda mehmonlar uchun 12 xona ajratilgan bo‘lib, ular qadimgi rusumda jihozlangan. Ushbu mehmonxonaning asosiy diqqatga sazovor tomoni bu – jirafalar jamiyatida kun o‘tkazish imkoniyatidir. U yerda yashaydigan jirafalar juda ajoyib. Ular har tong odamlar bilan muloqot qilish uchun keladilar, mehmonlarning nasibalarini ehtiyotkorlik bilan olish uchun uzun bo‘yinlarini mehmonxonaning katta derazalariga

yopishtirishni yaxshi koʻradilar. Har bir mehmonning xonasiga jirafa taomlari mavjud, shunda mehmonlar ularni toʻgʻri ovqatlantirlari kerak boʻladi. Giraffe Manorda mehmondoʻst xodimlar har bir mehmonga jirafani qanday ovqatlantirishni oʻrgatadilar. Shuning uchun hayvonlar oʻzlarini mutlaqo erkin his qiladilar, ularni silash, ovqatlantirish va ular bilan birga suratga tushish mumkin.

Ziyoratgoh 150 gektar maydonda tabiiy oʻrmonni oʻz ichiga oladi va siz ushbu xududdan ajoyib yovvoyi tabiat va tropik qushlarni koʻrishingiz mumkin. U yerda yetim fil va buzoqlarni saqlaydigan markaz ham bor. Ularni koʻtarib yovvoyi tabiatga qoʻyib yuborishingiz mumkin. Ajablanarli Nayrobiga ekskursiyalar mehmonxonadan olib boriladi. Shuningdek, taniqli Blihenga bagʻishlangan muzey ham mavjud. Ngong tepaliklarida «masai» qabilasining vatani boʻylab sayohatlarga borishingiz va «masai» afsonasida u yerda vafot etgan qadimgi dev haqidagi hikoyalarni eshitishingiz mumkin.

Ushbu mehmonxonaning 1 kishi uchun 1 kechalik narxi – 490 yevro turadi[1].

Ш.Р. Жуманиязова – УрДУ ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТУРИЗМ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мазкур мақолада рақамли технологиялардан фойдаланишнинг туризм бозори ривожланишига таъсири ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, туризм, туристик хизматлар, онлайн брон қилиш, мобил иловалар.

Аннотация. В статье анализируется влияние использования цифровых технологий на развитие туристического рынка и возможности его эффективного использования.

Ключевые слова: цифровые технологии, туризм, туристические услуги, онлайн-бронирование, мобильные приложения.

Abstract. This article analyzes the impact of the use of digital technologies on the development of the tourism market and opportunities for its effective use.

Keywords: digital technology, tourism, tourist services, online booking, mobile applications.

Жаҳон иқтисодиёти глобал пандемия шароитида тармоқларнинг ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, мобиллашуви, барча соҳаларга сунъий интелектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. БМТ томонидан келтирилган маълумотларга кўра, 2022 йилга келиб, дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарийб чорак қисми рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолиши прогноз қилинаётган ҳозирги шароитда, бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш энг тўғри стратегик йўналиш ҳисобланади.

[1] https://www.biletik.aero/handbook/blog/oteli/samye-udivitelnye-i-neobychnye-otelo-mira/

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёев бу борада тўхталиб, “…замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир”[1]деб таъкидлаган эди.

Халқаро майдонда туризм дунё иқтисодиётининг энг сердаромад тармоқларидан биридир. Туризмнинг муваффақиятли ривожланиши транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхоналар ва ресторанларга хизмат кўрсатиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби иқтисодий фаолиятнинг муҳим соҳаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Туризм хизмат кўрсатишнинг етакчи соҳаси бўлиб, мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инновацион шакллари ва технологияларини талаб қилади.

Сайёҳлик саноати рақамли технологиялардан фойдаланишнинг етакчи тармоқлари бўлиб, бутун дунё бўйлаб юқори кўрсатгичларда ўзгаришда давом этмоқда.

Туризм соҳасига турли хил технологияларни доимий равишда жорий этиш билан бирга турли тенденциялар пайдо бўлади, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

• туризм соҳасининг глобаллашув даражасини ошириш;

• янги тарқатиш каналларининг пайдо бўлиши;

• туристик хизматлар етказиб берувчиси ва истеъмолчиларининг яқинлашиш вақтини қисқартириш;

• сайёҳлик ташкилотлари учун Интернетга киришни очиш имкониятлари;

• турли хил мобил иловалар ёрдамида фаолиятни такомиллаштириш.

Шунингдек, туризмдаги рақамли технологияларга қуйидагилар киради:

- туристик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ барча давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш;

- туризм бозори иштирокчиларига барча ўрнатилган ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини таъминлаш;

- туризм соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тадбиркорлар ва мутахасислар ҳамжамияти билан ўзаро муносабатларни яхшилаш учун рақамли ечимлардан фойдаланиш.

Бугунги кунда чат ботлари маслаҳатчи билан жонли алоқани алмаштириши мумкин, чунки улар фойдаланувчиларнинг турли хил саволларига жавоб беришга қодир, масалан, Kayak - чатбот саёҳатчиларга авиачипта сотиб олишдан бошлаб фойдаланувчининг мавжуд бюджетини ҳисобга олган ҳолда ва диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиш бўйича тавсиялар беради.[2]

Шу билан бирга, мобил қурилмалардан, шунингдек, мобил иловалардан фойдаланиш сайёҳлик компаниялари ишини анча соддалаштиради, чунки

[1] Ш.М.Мирзиёев-Мамлакатимизни 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2019 йилга мўлжаллаган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, Тошкент:Ўзбекистон,2019й. 14 январ

[2] Першина Э. С., Дараган С. В. Индустрия туризма в цифровую эпоху//Индустрия туризма: возможности, приоритеты, проблемы и перспективы, 2016, том 9, №2, С.98- 107

мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги шахсийлаштириш ташкилотларга мижозга керакли маълумотларни тўплаш имконини беради: уларнинг яшаш жойи, харажатлар таркиби, уларнинг афзалликлари ва қизиқишлари, шунингдек турли хил маркетинг тадқиқотларини ўтказишга имкон берадиган ва шу билан тақдим этилаётган хизматлар сифатини оширадиган бошқа маълумотлар.

Шунингдек, туризм бозорида замонавий бронлаштириш тизимларидан фойдаланган ҳолда туристик маҳсулотнинг тез ва сифатли шаклланишини таъминлаш, меҳмонхоналар, шериклар, мижозлар учун замонавий маълумотлар базаларини яратиш ва юритиш, туристик корхоналар учун зарур ҳужжатлар базасини шакллантириш, таъминлаш электрон ҳужжат айланиши ва глобал бронлаштириш тизимлари, Amadeus, Galileo, Saber, Worldspan каби саёҳатлар учун брон тизимлари ёки индивидуал сайёҳлик хизматлари, туроператорлар ва туристик агентликлар учун автоматлаштириш дастурлари, меҳмонхоналар мажмуаларини бошқаришни автоматлаштириш дастурларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Рақамлаштириш натижасида туризм соҳасидаги ўзгаришлар

1. **Бурилишлар**	- катта маълумотлар бошқарувни яхшилайди; - амалдаги операторларнинг ишини тўхтатиш ва анъанавий бизнес моделларини қайта кўриб чиқиш ; - иқтисодиётнинг ўсиши ва талаб бўйича бизнес юритиш; - янги қиймат яратиш имкониятлари; - глобал қиймат занжирларининг пайдо бўлиши.
2. **Янги манзил кўринишлари**	- рақамлаштириш ташриф буюрувчилар тажрибаларини ушбу ҳудудга мослаштиришга имкон беради, янги ташриф буюрувчиларга мослаштирилган йўналишлар пайдо бўлади.
3. **Янги бизнес моделлари**	- онлайн платформалар ва воситачилар ахборот брокери вазифасини бажарадилар (масалан, Expedia, TripAdvisor ва бошқалар) анъанавий равишда сайёҳлик ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган кўплаб хизматларни таклиф қилишади; - рақамли платформалар (масалан, Airbnb, Uber) турар жой маҳсулотларини кенгайтирмоқда, мақсадни белгилаш, мувофиқлаштириш ва ташриф буюрувчиларнинг тажрибасини енгиллаштириш учун.
4. Истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзгарувчан роллари	-ташриф буюрувчилар ўз тажрибаларини фаол равишда оширадиган ва ундан самарали фойдалана биладиган тажрибали истеъмолчига айланишади. Улар турли хил ролларни бажарадилар, шу жумладан, брон қилиш, (ўзи) раҳбарлик қилиш, мақсадли маркетинг.
5. Туристик ташкилотлар учун янги роллар	-мақсадли маркетинг, маҳсулот ишлаб чиқариш ва туристик ташкилотларнинг анъанавий роллари ўзгаради. Ушбу ташкилотлар мақсадларни ривожлантириш, инновациялар ва маркетингга бевосита ва камроқ таъсир кўрсатадиган қулайлик ва салоҳиятни ошириш ролларини шакллантириб борадилар.

Фикримизча, туристик бозорини ривожлантиришда АКТ билан боғлиқ бўлган қуйидаги ишларни амалга ошириш энг муҳим вазифалардан саналади:

- ахборот-тарғибот компаниясини ўтказиш ва турли ОАВда Ўзбекистон туризми ҳақида ижтимоий рекламаларни тарқатиш;
- фото ва видеоматериаллар банкини яратиш;
- интернет тармоғида мамлакатимизнинг туристик имкониятлари ҳақидаги марказлаштирилган ва алоҳида ахборот ресурслари ҳамда туристлар, туроператорлар ва туризм соҳасининг инвесторлари учун ахборот порталлари сонини ошириш;
- ташқи ва ички туризмни ривожлантиришни ахборот орқали қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш учун мамлакатимиз ва чет элдаги туристлар учун ахборот марказлари тармоғини яратиш;
- туристларни ўзига жалб этиш марказларида ахборот пунктлари тармоғини яратиш.

Б.З. Зокирова–ҚарМИИ магистранти

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация : Мақолада эколоргик туризмни ривожлантириш орқали туризмда самарадорликга эришиш ва Қашқадарё вилоятининг экотуризмини ривожлантириш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: экотуризм, экотуристик макон, туристик бозор, экологик хавфсизлик

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы достижения эффективности в туризме за счет развития экологического туризма и развития экотуризма в Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: экотуризм, экотуристическое пространство, туристический рынок, экологическая безопасность.

Abstract: The article describes the issues of achieving efficiency in tourism through the development of ecological tourism and the development of ecotourism in Kashkadarya region.

Keywords: ecotourism, ecotourism space, tourist market, ecological security

Туризм индустрияси кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Замонамизда туризм оқими, XX асрдан фарқли, нафақат ривожланган мамлакатлардан ривожланганларига, балки ривожланаётган мамлакатларга томон ҳам юз ўгирмоқда. Бу ўринда туристик бозорнинг деярли ярмини қамраб олган Осиё-Тинч океан минтақалари, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари етакчилик қилмоқда.

Ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси асосан табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Шулардан экологик туризм кишиларнинг тирик организмлар жумладан, инсонлар яшайдиган муҳитга саёҳат қилишларидир, яъни кенг маънода экотуризм – шахсларнинг доимий яшаш жойларидан дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда атроф табиатга ёки муайян табиий объектларга экологик мақсадлардаги саёҳатлари тушунилади. экологиянинг мақсади – организмлар яшайдиган муҳитни, уларнинг бехатар яшаши ва эволюцион тарзда ривожланишини сақлаб қолиш, яъни экологик хавфсизликни таъминлаш.

Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишларда оқилона фойдаланиш, уни қайта тиклаш ва муҳофаза қилишдир. Экологик вазиятни инобатга олиб, туризм соҳасини ривожлантиришнинг консептуал йўналишларини ишлаб чиқишнинг зарурати, биринчи галда, Орол ва орол бўйи минтақасига Қашқадарё вилояти ҳудуди экологик инқирозли экотуристик ҳудуд бўлганлиги, бу ерда экологик туризм билан бирга туризмнинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантириш лозимлигидан келиб чиқади. Вилоятда амалга оширилаётган экотуристик маршрутлар бир пайтнинг ўзида Оролнинг қуриган, унинг таъсирида бўлган Орол атрофи ҳудудларини қамраб олиши билан бирга тарихий обидаларга уюштирилган туристларни экотуризмга ҳам жалб қилишни тақозо қилади.

Маълумки, фан техника саноатининг жадал суъратларда ривожланиб бориши экологик муоммолар турларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Табиий ресурслардан ўринсиз фойдаланиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиб бориши биз яшаётган, нафас олаётган муҳитни тобора бетоблик гирдобига бошламоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамият олдига қарши курашдек мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Ушбу вазифаларни бажаришда экологик туризм соҳасининг аҳамияти беқиёсдир. Экологик туризм ўтган асрнинг охирларида жаҳон сайёҳлик индустриясига аста-секин кира бошлади ва бугунги кунга келиб жадал суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодий соҳалардан бирига айланди. Экологик туризм нафақат инсонларнинг дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш балки, экологик муомолларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳанинг ривожланиши ҳар бир мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Экотуризм маҳаллий меҳнат ресурсларини қўшимча ва янги иш ўринлари билан таъминлашга, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва табиат муҳофазасидаги жойларга инвестиция киритишга хизмат қилади. Шунингдек, экотуризм объектлари маҳаллий аҳолининг ижтимоий иқисодий даражаларини ўстиради, табиатни муҳофаза қилувчи маҳаллий бошқарувни ва халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантиради.

Ўзбекистон Республикаси экологик туризмни ривожлантириш учун қулай имкониятларга эга. Авваламбор, мамлакатимиз қулай географик ўринда жойлашганлиги, иқлимининг хилма-хиллиги, табиий ландшафтларининг турли туманлиги, рекрацион ресурсларга бойлиги, ноёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эгалиги ҳамда муҳофаза этиладиган ҳудудларни мавжудлиги экологик туризмнинг истиқболли соҳа эканлигини билдиради.

Мамлакатимизда экотуризм барқарорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ишлар доирасида табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, атроф-муҳитга инсон хўжалик фаолиятининг салбий таъсирини камайтириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва ишлаб чиқариш жараёнига соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қашқадарё вилоятида экотуризм салоҳияти юқоридир. Қашқадарё вилояти Қашқадарё ва Хисор экотуристик раёнида жойлашган бўлиб, асосан чўл, дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан иборат. Бу вилоятда бир пайтнинг ўзида чексиз сахоларни ҳам, баланд қорли тоғлар, водий ва воҳалар, суви мўл дарёларни ҳам учратишимиз мумкин. Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Муборак чўлларининг эндемик ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, кўчма барханли қумлари экотуристларни ўзига жалб қилиши мумкин. Адир ва дашт минтақасида ёз ва баҳор ойлари қизиқарли экотурлар ташкил этиш балки, қишлоқ туризмини, агротуризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Қашқадарё вилоятининг шарқий ва жанубий-шарқий қисми тоғли ҳудудларидан иборат бўлиб, ушбу минтақада шифобахш тоғ оромгоҳларини ташкил қилиш мумкин.

Тоғ минтақасининг ҳайвонот дунёсининг турли-туманлиги, ўсимликлар оламининг ранг-баранглиги эса экосафари маршрутларини ташкил этиш учун жуда қулайдир. Баланд тоғ минтақасининг доимий қор ва музликларидан тоғ-чанғи спорт туризмини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек Қашқадарё вилоятида экотуризмни тарихий ва диний туризм билан биргаликда олиб бориш учун тарихий обидалар ва қадамжолар етарлидир. Вилоятдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган объектлар, табиат қўриқхоналари ва буюртма масканлари экологик туризмни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса туризмнинг барча турларини ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлайди.

Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида туристларни ноёб тарихий-маданий ва меъморий мерос объектлари билан кенг таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, манзилли туризм хизматларини кўрсатиш учун туризм инфратузилмасини ривожлантириш, вилоятнинг турли маданий-кўнгилочар тадбирлар ўтказиш марказига айлантириш орқали ҳудудга туристлар оқимини янада кўпайтириш ҳамда уларнинг ҳудудда бўлиш давомийлигини узайтириш, шунингдек, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи маҳаллий аҳоли сонини кўпайтириш мақсадида чора-тадбирлар белгиланган[1].

[1] Qashqadaryo viloyatining turizm salohiyatidan samarali foydalanish chora-tadbirlari to’g’risidagi 198-sonli Qarori

Ушбу қарорда айниқса, экологик туризм соҳасига катта эътибор берилган. Ғилон ва Кўл қишлоқларида этнотуризм, Варганза ва Ҳазрати Башир қишоқларида агротуризм, Татар, Зармаст ва Вари қишлоқларида экстремал туризм, Сарчашма ва Сувтушар қишлоқларида экологик туризм, Китоб кенглик станцияси ҳудудида астрономик туризм ва “Фестиваллар шаҳри” бренди остида МИСЭ туризм йўналишларини ўтказиш белгиланган.

Қашқадарё вилоятида ушбу қарор юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ғилон, Кўл, Варганза, Ҳазрати Башир, Татар, Зармаст, Вари, Сарчашма, Сувтушар қишлоқларига ва Китоб кенглик станциясига олиб борувчи ёллар қайтадан таъмирланди ва хорижий туристларга қулайлик яратиш мақсадида ўзбек ва инглиз тилларида ёъл кўрсаткичлари ўрнатилди
- Ҳар бир қишлоқда оилавий меҳмон уйлари ва маҳаллий таомномага мувофиқ аъло даражада тайёрланадиган умумий овқатланиш нуқталари ташкил қилинди
- -Сақланиб қолган анъанавий чорвачилик , полизчилик ва боғдорчилик билан шуғулланувчи намунавий маҳаллий аҳоли вакиллари хонадонлари, полиз майдонлари ва боғлар туристларни қабул қилиш учун тайёрланди
- Маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ёълга қўйилди
- Табиий ва тарихий объектлар ҳақида рисола, буклетлар ва ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли хил кўрсатувлар берилди
- Жорий йилнинг 28-сентябрь куни Китоб туманининг “Варганза” қишлоқида биринчи халқаро анор фестивали бўлиб ўтди ва Варганза қишлоғи-Ўзбекистоннинг биринчи агротуризм қишлоқи этиб белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда экологик туризм самарадорлигини ошириш нафақат давлат иқтисодиётини ривожлантиришга балки экологик муаммоларнинг бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этади.

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

А.А.Худояров – Ўзбекистон халқаро ислом академияси“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми”кафедраси доценти, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОН “ZIYARAH TOURISM” БРЕНДИНИ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ БОЗОРЛАРИГА ОЛИБ ЧИҚИШДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон “Ziyarah tourism” брендини халқаро туризм бозорларига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг концепциясини жорий этишнинг самарадорлигини ошириш орқали халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар; маркетинг концепцияси, кластер, зиёрат туризми**,** диверсификация, тадбиркорлик, стандарт, хамкорлик, тажриба, хуқуқий асослар, хавфсизлик, хуқуқий-иқтисодий база.

Аннотация: В данной статье рассматривается развитие отношений с международными организациями и зарубежными странами за счет повышения эффективности внедрения концепции интеграционного маркетинга в продвижении узбекского бренда « Ziyarah tourism » на международных туристических рынках. В результате увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг, а также рассмотрены организационные и экономические аспекты регулирования туризма кластерным методом управления.

Ключевые слова: концепция маркетинга, кластер, зиярат туризм, диверсификация, предпринимательство, стандарт, сотрудничество, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая база.

Abstract: This article examines the development of relations with international organizations and foreign countries by increasing the efficiency of the implementation of the concept of integration marketing in promoting the Uzbek brand "Ziyarah tourism" in international tourism markets. As a result, the flow of tourists to our country increases, creates all conditions for tourists, improves the quality and culture of services, and also considers the organizational and economic aspects of tourism regulation by the cluster management method.

Keywords: marketing concept, cluster, ziyarat tourism, diversification, entrepreneurship, standard, cooperation, experience, legal base, security, legal and economic base.

Халқаро сайёҳлик бозорларида маркетинг фаолияти миллий сайёҳлик корхона ва ташкилотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошликни эгаллашга қаратилган самарали фаолиятининг асосий механизми сифатида намоён бўлади. Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида “Ziyarah tourism” бренди асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг коцепциясининг ишлаб чиқилиши соханинг ривожланишига хизмат қилади. “Биламизки, қадимда турли минтақаларнинг ўзаро иқтисодий-маданий, диний, ижтимоий муносабатларида зиёрат туризмининг ўрни ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятига эга бўлган. Бу ўз навбатида ҳудудлар ўртасида иқтисодий муносабатларни хамда давлатлар ўртасида ахборот ва маълумотларнинг алмашувини таъминлашга хизмат қилган. Шу билан бир қаторда маданий қадриятларнинг ривожланишида асосий восита вазифасини бажарган. Қитъалар ва давтатларнинг интеграциялашуви натижасида цивилизацияларо мулоқот учун қулай шарт-шароитлар вужудга келган ва ривожланиб борган. Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан, ҳамда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Мухаммад Мусо Хоразми, Абу Наср Форобий, Ахмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Абу Исо ат-Термизий, Мирзо Улугғек, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб дунёга таниқли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ўз навбатида халқаро туризм бозорларидаги ўзимизга хос ўрнимиз ва нуфузимизни кўрсатади.

Тахлиллар натижаларига кўра миллий зиёрат туризми брендини жахон сайёхлик бозорларига олиб чиқиш борасидаги масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Натижада, “Ziyarah tourism” брендини яратиш ва унинг асосий тамоилларини ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистоннинг бой маданий ва маънавий мероси, меморий ва тасвирий санъати, тарихий обидаларини халқаро туристик бозорларга олиб чиқишни фаоллаштириш талаб этилади.

Бугунги кунда “Ziyarah tourism” бренди шакиллантириш орқали зиёрат туризми, диний-маърифий, таълим ва маданият сохаларида халқларнинг, динларнинг, миллатларнинг хамжихатлиги ва ўзаро бағрикенглигини таъминлашга хизхмат қилади. Шу билан бир қаторда иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция сохаларинда қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш хамда илмий тадқиқот марказларининг хамкорлигини таъминлайди.

Жахон иқтисдиётида шиддат билан ўсиб бораётган рақобат шароитида “Ziyarah tourism” брендини яратиш ва интеграциялашган маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш орқали халқаро бозорларда имеджимизни оширишга, улушимизни кенгайтиришга хизмат қилади. Халқаро туризм индустрияси бозорларида амалга оширилаётган маркетинг фаолиятига оид тадбирлар туризми маркетинги хусусиятлари доирасида амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш

учун соханинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва тадқиқотлар олиб бориш натижасида “Ziyarah tourism” брендини яратиш ва уни халқаро туризм бозорларига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг концепциясини амалга ошириш модели ишлаб чиқилди.(1-расм.)



1-расм.“Ziyarah tourism” брендини шакиллантиришда интеграциялашган маркетинг концепциясини жорий этиш модели[1].

Мазкур моделдаги стратегик мақсад миллий ва халқаро туристик асоциациялар даражасида амалга ошириш устивор масалалардан бири этиб белгиланган. Натижада зиёрат туризмида макро, мезо ва микро даражаларида амалга ошириладиган интеграциялашган маркетинг концепцияси сайёҳлик корхона ва ташкилотларнинг имкониятларини сайёҳлик маҳсулоти истеъмолчилари талабларига мослаштиришга йўналтирилган маркетинг тадбирлари йиғиндисида ўз аксини топади. Мақсадга эришишда истеъмолчилар талабларини қондирувчи сайёҳлик маҳсулотларини тақдим этиш ва реализация қилиш истиқболда истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ҳамда бозорда рақобатбардошлик муҳитини мустаҳкамлаш учун туристик корхона ва ташкилотлар томонидан иқтисодий фойданинг ортишига қаратилган. Биз томондан илгари сурилаётган интеграциялашган маркетинг концепцияси мамлакатнинг жозибадор имижини яратиш орқали “Ziyarah tourism” брендини халқаро туризм маҳсулоти истемолчиларига ижобий фикрларни шакллантириш, хорижий хамкор туоператорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишга йўналтирилган маркетинг тадбирларини жорий этишга қаратилган.

Илмий иш таҳлиллари бўйича, туризмда интеграциялашган маркетинг концепциясини ўзаро бир нечта даражада амалга ошириш зиёрат туризми бозорида ижобий самарага эришишнинг асосий муҳим

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

шартларидан бири хисобланади. Туризм индустриясида инновациялар бевосита ахборотлар ва ахборот технологиялари билан боғлиқ. Жаҳон иқтисодиётида ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар туризм соҳасини инновацион ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Туризм индустриясида замонавий сайёҳлик бизнеси бугунги кунда змонавий ахборотлар логистикаси тизимларини амалиётга фаол татбиқ этиш билан ривожланиш, ўсиш кўрсаткичларини намоён қилмоқда. Юртимизда туризм маҳсулотларининг хорижий истеъмолчилари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра, туризм бозорининг потенциал ташқи истемолчилари мамлакатимиз туризм олами ва салоҳияти тўғрисидаги керакли маълумотларни топишда асосан туризм агентлиги ва бюролари ҳамда дўстларининг маслаҳатлари ёрдамида қабул қилмокда.

Туризм индустриясининг ривожланишида мазкур ҳолат, ўз навбатида, зиёрат туризми бозорида аналитик-ахборотлар тизимини такомиллаштириш талабини келтириб чиқаради.

Миллий туризм бозорларида маркетинг ахборот тизими унумли ва самарали стратегик маркетинг қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумот ва ахборотларни жамлаш, таҳлил қилиш, тартибга солиш, баҳолаш ва тегишли каналлар орқали тарқатиш учун доимий, мунтазам ҳаракатдаги ресурс ва усуллар комплексидан иборат. Мунтазам ҳаракатдаги ресурс ва усуллар комплексининг маркетинг ахборот тизими тузилмасини тўртта асосий бўғинга ажратиб кўрсатиш мумкин. Яъни: ички ахборотлар тизими; маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизим; бозор ҳолати бўйича маркетинг кузатуви тизими; марказий махсус маркетинг тадқиқотлари тизими.

Халқаро туризм бозорларида “Ziyarah tourism” брендини мустахкамлашда сайёхлик корхона ва ташкилотларда маркетинг ахборот тизими фаолияти соҳа бўйича тегишли бошқарув қарорлари учун талаб этилган жиҳат ва ҳажмдаги ТРДҚ таркибидаги ахборот ва маълумотлар комплексини яратиш мақсадида тегишли ресурс ва технологиялар жамланишига йўналтирилган комплекс ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, маркетинг ахборот тизими концепциясида акс этади. (2-расм)

Зиёрат туризми бозорларида маркетинг услуб ва тамойиллари бўйича марказлаштирилган, тизимлаштирилган маълумот ва ахборотлардан жами халқаро ва миллий ташкилот ва корхоналарни ахборотлаштириш муҳитини ташкил этиб, барча мавжуд бўлимлар томонидан иш самарадорлиги ҳамда бошқарув мақсадларида қарор қабул қилишда фойдаланилиши мумкин.

Маркетинг ахборот тизими туризм бозорларида иштирок этувчи барча туристик корхоналар, шу билан бирга, алоҳида ташкилотда барча бўлимларни боғловчи марказий механизмга айланиши, улар ўртасида унумли, самарали ахборот ҳаракатини йўлга қўйиши ҳамда олинаётган ахборот ва маълумотларнинг очиқлиги, тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтидалигини таъминлайди. Зиёрат туризми бозорларида маркетинг ахборот тизимининг натижавий маҳсулоти ахборот ва маълумотлар базаси



2-расм.ЎзТРДҚ таркибида марказлаштирилган зиёрат туризми ахборот базасининг таркибий тузилмаси[1].

ёки тегишли маркетинг ҳисоботлари кўринишидаги корхона ва ташкилотнинг микромуҳити, макромуҳити ва ички муҳити ҳолатини кўрсатиб берувчи маълумотлар йиғиндиси ҳисобланади" Зиёрат туризми бозорларида маълумот ва ахборотлар тизими доирасида ахборотлар ҳаракатини нафақат вертикал, балки горизонтал ҳолдаги, яъни алоҳида битта бошқарув тузилмаси бўлимлари ўртасида ёки бошқармалараро тизимли алоқаларга оид ҳаракатлари кузатилади. Зиёрат туризми бозорларида иштирокчилар ўртасида ахборот айирбошлаш бўйича муносабатларнинг самарали амалга ошиши халқаро туроператорлар ва туристик ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ташкил этишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидан бири ҳисобланади. Зиёрат туризми бозорларида ахборот ҳаракатлари ҳамда уларнинг тизимли оқимлари натижаси ҳисобланган марказий ахборот ва маълумотлар базасининг тузилмавий тавсифларини тадқиқ этиш, уларни шакллантириш, истиқболда улардан фойдаланиш унумдорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш қўмитаси негизида сайёҳлик корхона ва ташкилотларини марказлашган ягона ахборот тизимига бирлаштирувчи, марказий ахборот ва маълумотлар базасини яратиш асосида республика сайёҳлик веб-порталини янада мукаммал кўринишда такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур масаланинг ечими юртимизда зиёрат туризми соҳасининг самарали ривожланишини таъминловчи имкониятларни намоён этади. Шу билан бир қаторда "Ziyarah tourism" элкктрон платформаси негизида вертуал объектларнинг реал маконда акс эттириш QR-code технологиясини такомиллаштириш орқали маҳсулотларини диверсификация қилиш, уларниг инновацион турлари бўйича ахборотлар тизимининг асосий негизи сифатида

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

виртуал сайёҳлик филиаллар офислари яратилган ва интерфаол сайёҳлик ахборотлар тизими таклиф этилган.

Хулоса сифатида, “Ziyarah tourism” брендини халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришда интеграциялашган маркетинг концепциясини кенг жорий этиш орқали самарадорликни ошириш;

зиёрат туризми электрон платформасини яратиш ва унинг тизимида ахборотлар логистик технологияларини такомиллаштириш.;

зиёрат сайёхлик ресурсларининг ягона реесторини шакиллантириш хамда идоравий бошқарув тизимини яратиш;

“Ziyarah tourism” брендини халқаро туризм маҳсулоти истемолчиларида ижобий фикрларни шакллантириш мақсодида тегишли инфратузилмаларни ривожлантириш;

зиёрат туризмини қўллаб-қувватлашда хуқуқий-иқтисодий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш.

. **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й. [1]
2. “Ўзбекистон Республикасини туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” PF-5611, 05.01.2019y.
3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонига илова.
4. Асланова Д.Х., Алимова М.Т. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластерни шакплантириш имкониятлари «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. Тошкент, 2016. №4.
5. Мазин К.А. Паломничество и религиозный туризм: сравнение сквозь призму тысячелетий // Современные проблемы сервиса и туризма. – 2009. – № 4. – С. 8-24.
6. Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010.238 б.
7. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме.Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 367 с.
8. Эргашходжаева Ш.Д. Маркетингни бошқариш.Дарслик.-Т.:ТДИУ,2007.-338б.
9. Худояров А.А. Туризм ва меҳмонхона индустрияси асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complers Print, 2020.
10. Худояров А.А. Абдурасулов Б. Зиёрат туризмида логистика. Ўқув қўлланма. – Т.: MUMTOZ SOZ, 2019.
11. hhtps://uzbektourism.uz/uz/newsnews/
12. http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018

Sh.A. Musayeva– associate Professor, c.e.s., SamIES,
M.A. Sattarov– master student of the SamIES

THE ROLE OF MARKETING IN IMPROVING THE SYSTEM OF AGRICULTURAL PRODUCTION

Аннотация. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалик соҳасида, жумладан мева-сабзавотларни ишлаб чиқаришда маркетинг хизматларини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Қишлоқ хўжалик махсулотлари экспортёрлари фаолиятида маркетинг ҳусусиятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалик, инвестиция, маркетинг, маркетинг хизмати.

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам развития маркетинговых услуг в сельском хозяйстве, в частности производстве плодоовощной продукции. Показаны особенности маркетинга в деятельности экспортёров сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: сельское хозяйство, инвестиция, маркетинг, служба маркетинга.

Abstract. This article is devoted to the development of marketing services in agriculture, in particular to the production of fruits and vegetables. The features of marketing in the activities of exporters of agricultural products are shown.

Keywords: agriculture, investments, marketing, service of marketing.

Today, comprehensive measures aimed at expanding production, storage, processing and export of fruits and vegetables are being implemented in the country. For the implementation of projects for the intensive development of fruit and vegetables, the area under crops has been significantly expanded, additional capacity for storage and processing of fruits and vegetables has been launched, financial resources, including funds from international financial institutions are being actively attracted. For example, in January-December 2019, 8% of investments worth 189924.3 billion soums were directed to the agricultural sector. As a result, the volume of agricultural production this year amounted to 215.7 trillion soums or 102.7% compared to 2018, including agricultural products - 108.3 trillion soums (103.7%), livestock products - 107.4 trillion soums. .soum (101.7%). [1] It should be borne in mind that the export of cotton fiber in agricultural production is declining and the cultivation of agricultural products is diversifying.
With the abolition of cotton monopoly, the main areas are divided into horticulture, viticulture, fruit and vegetable growing and viticulture. At the same time, new agricultural products are being imported to our country, but they are highly valued in the world market. The following table shows the dynamics of agricultural production in the Republic of Uzbekistan. (Table 1)

From the data in the table it can be concluded that the volume of agricultural production in the country is growing. We observe an increase in the physical volume of almost all types of crops. Despite the fact that the year will be difficult for the nine months of 2020, the volume of production is growing.

Table 1

Information on the cultivation of agricultural products in Uzbekistan in 2018-2020 [1]

т/р	Name of agricultural product	Production capacity, thousand tons			
		2018	2019	Growth, %	2020-year January-September
1	Cereals	6375,4	7187,4	112,7	6667,1
2	Potatoes	2750,1	2950,9	107,3	2432,1
3	Vegetables	9635,1	9945,4	103,2	7630,4
4	Melons	1904,9	1922,2	100,9	1399,1
5	Fruits and berries	2589,7	2739,6	105,8	2067,7
6	Grapes	1564,5	1595,2	101,9	1275,3
	TOTAL	**24820**	**26341**	**106,1**	**21472**

It should be noted that the agricultural sector plays a significant role in the implementation of the strategy to increase the export potential of the country. We can see from the table below that the share of agricultural products in the country's exports is growing. (Table 2)

Table 2

Information on the export of agricultural products in Uzbekistan [1]

т/р	Name of agricultural product	Export volume, mln. USD			
		2018	2019	Growth, %	2020 year January-September
1	Fruits and berries	357,7	406,8	113,7	230,3
2	Vegetables	318,9	542,4	170,1	157,5
3	Grapes	238,5	328,3	137,6	118,4
4	Melons	6,5	13,1	201,5	32,0
5	Peanuts	22,9	14,4	62,3	82,8
6	Nuts	-	-		26,8
7	Dried fruits	-	-		49,1
	TOTAL	**944,5**	**1305**	**138,2**	**696,9**

The table shows that in recent years, not only the volume of exports of agricultural products, but also the range of products has increased. Last year, the volume of exports increased by 38.5% compared to 2018 and amounted to 1305 million US dollars. In 2019, exports of fruits and berries increased by 13.7%, vegetables - by 70.1%, grapes - by 37.6%, melons - by 101.5%. At the same time, export opportunities in agriculture are not used enough. For example, in January-September 2020, out of 2067.7 thousand tons of fruits produced, 256.8 thousand tons, or only 12.4% were exported. Exports of vegetables accounted for 6.3% of the volume grown, grapes - 8.7%, melons - 7.2%.

The issue of strengthening reforms in the agro-industrial complex remains relevant for our country. PQ-4239 of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 14, 2019 "On measures to develop agricultural cooperation in the field of fruit and vegetables" and December 11, 2019 "On additional measures to further develop the fruit and vegetable industry, create a value chain in the industry "On measures" Resolution PQ-4549 aims to encourage the creation of a value chain in the fruit and vegetable sector, to ensure the sustainability of production and export of quality fruits and vegetables, expand the financial capacity of producers, as well as increase the competitiveness of production. [2, 3]

At the same time, the high level of competition in foreign fruit and vegetable markets requires the rapid introduction of modern techniques of agricultural technology and management of production and supply processes. [4]

The application of advanced technologies of crop production, the introduction of modern methods of processing and storage of products in the sustainable development of fruit and vegetable growing will help to prevent food shortages today. It is known that grown fruits and vegetables go through a series of technological processes until they reach the consumer in the form of finished products.

Not only to prevent the extinction of fruits and vegetables, but also to expand the area under cultivation and increase the gross yield, which imposes great tasks on specialists in this field. To do this, first of all, great attention should be paid to the selection of cultivars and agro-technical processing processes. As fruits and vegetables ripen, it is best to harvest them in a timely manner and deliver them to the next steps in a timely manner. Increasing the range of agricultural exports is also a promising direction. Examples of this are the export of nuts, walnuts, dried fruits and dates.

International experience shows that achieving competitiveness and access to world markets, primarily through the gradual reform of the economy, deepening structural transformation and diversification, ensuring the rapid development of new high-tech enterprises and industries, modernization of existing facilities and effective use of marketing technologies can be done.

Entering foreign markets with agricultural products requires great preparation, full implementation of marketing activities, extensive use of export infrastructure. It is especially important to create a marketing strategy to capture foreign markets. Today we are witnessing the low level of attention paid to the

marketing activities of exporting farms. For example, the bulk of exports of agricultural products fall on Kazakhstan and the Russian Federation, as it is possible to enter many attractive foreign markets.

After reviewing their concept and approaches, it can be concluded that they do not have a clearly developed strategy of interaction with manufacturers to bring their products to the end consumer.

If we look at the problems in the field of marketing, we can see the urgency of in-depth study of foreign markets, the introduction of products to the market, the careful consideration of the system of its distribution. In many cases, the organization of marketing activities is limited to the purchase, storage, transportation, but the distribution of the product, ie its sale, is not given much attention. It is known that the distribution of manufactured fruits and vegetables and the purchase of raw materials is a key factor in the development of the industry, and these factors should be at the heart of the marketing strategy of the enterprise.

The above-mentioned decrees of the President instructed to "approve the procedure for providing subsidies to exporters of fruit and vegetable products to cover 50% of the costs associated with marketing research in foreign markets of fruits and vegetables produced by members of agricultural associations." [2]

We can see the place of marketing in the export of agricultural products from the characteristics of these products. First of all, the rapid deterioration of products determines their short shelf life. In addition, the brand appearance of the product requires great attention to packaging to meet the standard of this market. If we add the consideration of sanitary requirements, we can see how important marketing is in the export of fruits and vegetables abroad. In the organization of marketing of fruit and vegetable products in countries with developed market economies, it can be seen that producers quickly and accurately study changes in consumer demand and take appropriate measures. Therefore, for the successful marketing of agricultural enterprises, the leaders of the enterprise must clearly define the tasks, make decisions based on accurate information about their current material and financial condition. In general, farmers themselves need to plan and implement marketing measures without relying on export infrastructure.

In our opinion, the current state of marketing of fruit and vegetable products should force the heads of agricultural enterprises to find answers to the following questions in order to assess their position in the domestic and foreign markets and, ultimately, to determine the strategy of organizing marketing work:

what changes are taking place in foreign markets, how competitive forces are affecting;

how the enterprise is operating, i.e. whether or not to analyze the current state of the enterprise;

why the exported agricultural products occupy the lower price segment of the selling market;

what needs to be done to improve product quality and export potential in order to increase profits;

whether a business plan is developed for each output and whether that plan is

nalyzed in the product delivery chain.

In most enterprises in the network, marketing tasks are assigned to certain external structures, which is absolutely wrong. External infrastructure entities should not only do marketing work, but also help farmers increase their export potential. It is necessary to develop views on the concept of marketing in agriculture as a business philosophy that requires the support of all workers and employees of the industry.

References:

1. Official site of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. www.stat.uz

2. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 14, 2019 No PP-4239 "On measures to develop agricultural cooperation in the field of fruit and vegetables."

3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 11, 2019 No PP-4549 "On additional measures for further development of the fruit and vegetable and viticulture sector, the creation of a value chain in the industry."

4. James S. Johnson, Donald F. Wood, Daniel L. Wardlow, Paul R. Murphy- ml. "Modern logistics". Uchebnoe posobie. - M .: “Williams”, 2015.

Б.Ш.Хусанов – СамИСИ, “Молия” кафедраси доценти, и.ф.н.
С.Н.Баратов – Самарқанд шаҳар ҳокимлиги молия бўлими ходими

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КАПИТАЛ БОЗОРИДАН РЕСУРСЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада, маҳаллий бошқарув органлари томонидан капитал бозоридан ресурслар жалб этиш йўналишлари, уларда хориж тажрибаларини ҳамда янги инновацияларни жорий этиш орқали тизим самарадорлигини янада оширишга алоҳида тўҳталиб ўтилади.

Калит сўзлар: Маҳаллий бошқарув органлари, капитал бозори, маҳаллий қимматли қоғозлар, маҳаллий бюджет, маҳаллий солиқлар, трансфертлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются способы привлечения ресурсов с рынка капитала органами местного управления для дальнейшего повышения эффективности системы за счет внедрения зарубежного опыта и новых инноваций.

Ключевые слова: местное орган управление, рынок капитала, местные ценные бумаги, местный бюджет, местные налоги, трансферты.

Abstract:: This article discusses ways of attracting resources from the capital market by local governments to further improve the efficiency of the system through the introduction of foreign experience and new innovations.

Key words: local government, capital market, local securities, local budget, local taxes, transfers.

Республикамиз молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўналишларидан бири маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетларни бошқариш баросидаги ваколатларини кенгайтириш ҳамда уларни маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги

масъулиятини оширишдан иборатдир. Қабул қилинган ва бугунги кунда самарали амалга оширилиб келинаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларимизда бу борада алоҳида қайд этилган.

Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий–иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали ҳудудларга хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби устувор вазифалар белгиланган [1]. Мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикада қўллаш муҳим масала ҳисобланади. Бундан ташқари ҳозириги кунда маҳаллий бошқарув органларининг олдида турган энг катта масала сифатида ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишда энг аввало инфратузилмани ривожлантирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетлар мамлакат молия тизимини муҳим бир қисми сифатида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини функция ва вазифаларини амалга ошришдаги пул муносабатларини ифодалайди.

Хорижий адабиётларда маҳаллий бюджетга қарз жалб этиш борасида турли хил ёндашувлар мавжуд жумладан, Давлат қарзлари ёки маҳаллий қарзлар заём ҳамда бевосита кредитлар шаклида амалга оширилади. Давлат ва маҳаллий ички қарзлар тегишли бюджетлар тақчиликларини молиялаштириш, шунингдек қарз мажбуриятларини қоплаш учун амалга оширилади [2].

Маълумки, давлат молияси тизимининг долзарб муаммоларидан бири сифатида, маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш умумиқтисодий ва молиявий омилларга боғлиқ бўлиб, аксарият иқтисодчилар молиявий омиллар сифатида даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш тизимини эътироф этиб ўтадилар. Хусусан, А.Хайриддиновнинг фикрича, ҳар бир маҳаллий маъмурий ҳудуддаги солиқ тизими томонидан ундирилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари бўйича солиқ суммаларининг маълум бир қисмини бевосита маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрларига бириктирилган даромадлар кўринишида қатъий ҳиссада ва доимий асосда қолдирилиши олдиндан белгиланиб қўйилиши лозим. Бунда асосий урғу даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлашнинг асосий комбинацион вариантларидан бири бўлган меъёрий ажратмалар тизимини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Шунингдек, муаллиф бозор иқтисодиётининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашда, уларнинг бириктирилган даромадларига устуворлик бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [3].

Маҳаллий бошқарув, тегишли ҳудуддаги аҳоли эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий бошқарув органларининг ўз функцияларини бажаришдаги барқарорлик хоссалари йиғиндисини англатади. Маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг аниқ функцияни бажариш учун сарфланган маблағлардан келадиган самарадорлик орқали баҳоланади. Бунга эса, бюджет хизматларини кўрсатишга сарфландиган маблағларни иқтисод қилиш ёки кўрсатиладиган бюджет хизматлари спектрини кенгайтириш ҳисобига эришиш мумкин. Маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини мақсади ва самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш, унинг икки томонлама табиатидан келиб чиқади.

Ҳудудларда маҳаллий бошқарув органларининг самарали фаолияти учун қўшимча молиявий манба талаб этилади.

Ҳудуднинг бюджет ресурсларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: *ўз ресурслари; жалб этилган ресурслар.*

Ўз бюджет ресурсларига ҳудуд бюджетига тўғридан-тўғри келиб тушувчи солиқларни, солиқсиз даромадларни ва юқори бюджетдан олинадиган молиявий ёрдамни киритиш мумкин. Жалб этилган ресурслар ва кредитлар ҳамда бошқа қарз маблағлардан иборат. Бу манба мамлакатимизда нисбатан кам қўлланади. Қарз маблағлари кўринишидаги жалб этиладиган маблағлар қимматли қоғозлар кўринишида бўлади. Қимматли қоғозлар чиқарилиши бўйича олиб бориладиган муниципал кредитларининг умумий таснифи (1-расм).



1-расм Қимматли қоғозлар чиқарилиши бўйича олиб бориладиган муниципал кредитларининг умумий таснифи.

Маҳаллий бюджетга жалб этилган қарзларни бошқариш ҳудуд иқтисодий ўсишининг суръатлари ва сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳудудий бюджет сиёсатининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда маҳаллий қарзларини бошқаришда аниқ бир концепцияга эга бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу концепцияда муниципиал қарзларини бошқариш ҳамда пул-кредит сиёсати ва валюта сиёсати ўртасидаги алоқаларни (боғлиқликларни), давлат қарзларининг давлат молия тизимидаги ўрнини, ташқи ва ички давлат қарзларининг бир-бирлари билан боғлиқлигини аниқлаш жуда муҳимдир.

Ҳудудий даромад сиёсатини мотивацияси юзасидан олиб борилган илмий изланишлар натижаларини умумлаштирган ҳолда, ҳудудларни даромад сиёсатини мотивацияси маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва даромадлар базасини кенгайтиришда маҳаллий ҳокимият органларининг манфаатдорлигини оширишга олиб келади. Шунингдек, самарали даромадлар сиёсатини ишлаб чиқишда, ҳудудлар солиқ потенциалини объектив баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Самарали даромад сиёсатини ишлаб чиқишда ҳудудлар кесимида солиқ потенциалини объектив баҳолаш. Бу ўз навбатида, ҳудудларни даромадлар бўйича асосли прогнозларини ишлаб чиқиш ва бюджетлараро тартибга солишдаги тақсимланадиган солиқлар ва бериладиган трансфетлар миқдорини оптималлаштириш имкониятини беради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

2. Шогенов А. А. Методические аспекты расчета налогового потенциала региона. Региональная экономика и управление: электронный научный журнал // Номер журнала: №4 (28), 2011.

3. Хайриддинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2011. - 23 б.

J.K. Musayeva– Bux MTI, Menejment kafedrasi katta o‘qituvchisi,
S.Sh. Xodjiyeva– Bux MTI, “Menejment” kafedrasi assistenti
D.J. Murodova– Buxoro muhandislik-texnologiya instituti magistranti

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA MARKETINGNING XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishining o‘ziga xos xususiyatlari, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga berilayotgan e’tibor hamda marketingning xususiyatlari tahlil qilinadi. O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha muammolar va ularning yechimlari atroflicha ko‘rib chiqildi, raqamli pullar, elektron pullar va virtual pullar ommalashayotgan bir paytda naqd pullarning muomalasini ko‘paytirish erkinlashtirish xususiyatlari, respublikamiz iqtisodiyotining turli sohalarida raqamli texnologiyaning global ahamiyatga ega bo‘lgan taklif qilingan va fikrlar bildirilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, innovatsion axborot texnologiyalari, elektron biznes, kommunikatsiya, globallashuv, raqamli pullar, intellektual tizim, yashirin iqtisodiyot, raqamli to‘lov, elektron pullar, tijoriy maydoni.

Аннотация: В статье анализируются особенности развития цифровой экономики в нашей стране, уделяемое внимание развитию цифровой экономики и особенности маркетинга. Подробно рассмотрены проблемы развития цифровой экономики в Узбекистане, пути их решения, особенности внедрения электронных и виртуальных дене. Предложены и высказаны мнения по внедрению цифровой технологии в различных сферах экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, инновационные технологии, информационные технологии, электронный бизнес, коммуникация, глобализация, электронные деньги, интеллектуальная система, теневая экономика, цифровые платежи, коммерческое пространство.

Abstract: The article analyzes the features of the development of the digital economy in our country, the focus on the development of the digital economy and the specifics of marketing. The problems of the development of the digital economy in Uzbekistan, the ways of their solution, the peculiarities of the introduction of electronic and virtual money are considered in detail. The opinions on the introduction of digital technology in various spheres of the economy were proposed and expressed.

Key words: digital economy, innovative technologies, information technologies, e-business, communication, globalization, electronic money, intelligent system, shadow economy, digital payments, commercial space.

Bugun jadallik bilan kechayotgan raqamlashuv jarayoni “yangi iqtisodiyot”ni vujudga keltirdi. Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida mamlakatimizda tadbirkorlik va iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etada. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasida raqamli iqtisodiyotning bugungi iqtisodiy ijtimoiy hayotdagi ahamiyatini ta`kidlab o`tdi: **“**Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilashni nazarda tutadigan Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasini takomillashtirishimiz kerak.

Bugungi kunda Ulkan ma`lumotlar tahlil (Big data analytics) qilinmoqda Eksperimentlar o‘tkazilmoqda, Sun`iy intelekt (Artificial inteligence) rivojlanmoqda, Innovatsiya sohasi jarayonlarni, marketing va biznesni tobora kengroq qamrab olmoqda.

Hozirgi davrda ishlab chiqaruvchilarga biznesda samarali marketing kampaniyalari uyushtirish, minimal xarajat qilib, maksimal foyda olish, tovar va xizmatlarni muvaffaqiyatli sotishning optimal usullarini taqdim etish muhimdir. Bizga ma’lumki, raqamli iqtisodiyot alohida faoliyat turini emas, balki ishbilarmonlik, sanoat ob’ektlari, xizmatlarda axborot texnologiyalaridan faol foydalanishni anglatadi. Iqtisodiyotda moddiy buyumlar asosiy resurs hisoblansa, raqamli iqtisodiyotda bu qayta ishlanadigan hamda uzatiladigan axborot, ma’lumotdir.

Raqamli iqtisodiyot raqamli texnologiyalarga asoslangan, elektron biznes, elektron tijorat bilan bog‘langan, raqamli tovar va xizmatlar ishlab chiqarayotgan va taqdim etayotgan iqtisodiy faoliyatdir. Bunda iqtisodiy xizmat va tovarlar uchun

hisob-kitoblar elektron pul orqali amalga oshiriladi. Raqamli iqtisodiyot konsepsiyasi atomdan bitga, ya’ni kimyoviy eng kichik zarradan elektron birlikka o‘tishga asoslanadi.

Raqamli iqtisodiyot yirik sanoat ob’ektlari ish samaradorligini oshirish, ishlab chiqarishda o‘sish, faoliyat shaffofligini ta’minlash, marketing takomilla-shadi, mahsulot tannarxini kamaytirish imkonini beradi, YAIM 30 foizga oshadi

Mrketing qamrovida iste’molchi, xaridor va mijozlarga sifatli xizmat ko‘rsatish, qulaylik yaratish davr talabidir. Bu vaqtingiz tig‘iz paytida Internet orqali tushlikka buyurtma berish, mobil ilova orqali taksi chaqirish, uzoqdagi yaqiningizga pul jo‘natishdan ko‘ra kengroq imkoniyatlar bo‘lib, transchegaraviy biznes hamkorlik, elektron tijoriy maydon, masofaviy ofis kabilarni ham qamrab oladi.

Butun dunyoda raqamli pullar, elektron pullar va virtual pullar ommalashayotgan bir paytda naqd pullarning muomalasini ko‘paytirish erkinlashtirish uchun - bir qadam oldinga, raqamli iqtisodiyot uchun - ikki qadam orqaga yurish sanaladi. Jahonda kriptovalyutalar savdosini birjalarga joriy qilish boshlanayotgan bir paytda bizda doimiy elektr bilan ta'minlangan hududlarimiz yetishmaydi. Bizdagi monetar siyosatning o‘zicha, fiskal siyosatning o‘zicha va tashqi iqtisodiy faoliyatning o‘zicha harakat qilishi natijasida umumiy biznes uchun yaratiladigan sharoitlarda omixta yechim bo‘ladigan qulay sharoitlar va adolatli o‘yin qoidalarini ishlab chiqilishida ancha muammolar yuzaga kelgani. Bu esa o‘z navbatida rasmiy faoliyatdan ko‘ra norasmiy faoliyat yuritishga zamin yaralishini ta'minlamoqda.

Shuningdek, aholi va tadbirkorlik sub’ektlarining davlat organlari bilan kontaktsiz aloqa shakllarini yanada rivojlantirish maqsadida Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining yangi versiyasi, Bosh vazirning tadbirkorlar murojaatlarini ko‘rib chiqish virtual qabulxonasi “business.gov.uz” portali ishga tushirilgani raqamli iqtisodiyot rivoji yo‘ldagi muhim qadamlardir.

Me’yoriy-huquqiy hujjatlar loyihalarini barcha manfaatdor vazirliklar, idoralar, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga ko‘rib chiqish, elektron raqamli imzodan foydalangan holda kelishish uchun, shu jumladan bir vaqtning o‘zida keng jamoatchilik va mutaxassislar muhokamasini o‘tkazish va tezkor jo‘natish uchun vaqtni va mehnat resurslarini sezilarli darajada tejash maqsadida yagona elektron tizimi “project.gov.uz” joriy etilgani ham quvonarli.

“ERGO Research & Advisory” konsalting xizmati tahlilchilarining izlanishlariga ko‘ra, AKTni iqtisodiyot sohalariga keng joriy etishdagi asosiy muammo telekommunikatsiya infrastrukturasi va aloqaning yaxshi emasligidir. AKT sohasiga investitsiya kam kiritilishi natijasida tayanch aloqa stansiyalari zichligi past holatda bo‘lgan. Bu internet, mobil xizmatlarning yaxshi ishlamasligini keltirib chiqaradi, natijada raqamli iqtisodiy o‘sishni kamaytiradi, raqamli uzilishlarni keltirib chiqaradi. Quvonarlisi, joriy yilda bu boradagi ko‘rsatkich sezilarli darajada oshdi.

O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi axborot xizmati bergan ma’lumotlarga ko‘ra,

telekommunikatsiya infratuzilmasini rivojlantirish yo‘nalishida bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Internet tarmog‘iga ulanishning umumiy o‘tkazuvchanlik qobiliyati 1200 Gbit/s.ni tashkil etib, kommutatsiya markazi orqali 750 Gbit/s tezlikda Internet tarmog‘iga chiqish imkoniyati yaratildi va tarmoqning yuklanish darajasi 76,6 foizni tashkil etmoqda. 2020 yilning 1 yanvaridan operator va provayderlarga Internet xizmatlari uchun tarif o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 34 foizga arzonlashtirilib, 1 Mbit/s uchun 56,0 ming so‘mni tashkil etdi. Internet xizmatidan foydalanuvchilar soni 22 mln.dan ortdi, shundan mobil Internet foydalanuvchilari soni 19 mln.ni tashkil etdi. Respublika bo‘yicha 237 ta ob’ektda magistral telekommunikatsiya tarmoqlari kengaytirilib, telekommunikatsiya uskunalari modernizatsiya qilinib, magistral telekommunikatsiya tarmoqlari o‘tkazuvchanlik qobiliyati viloyatlararo darajada 200 Gbit/s.ga, tumanlararo darajada esa 40 Gbit/s.ga etkazildi. Ijobiy natijalar bor, biroq bu etarli degani emas.

Zero, raqamli iqtisodiyot aql bovar qilmas katta hajmda raqamli ma’lumotlarni to‘plashda davom etmoqda. 2022 yilda global IP trafik hajmi 150 700 Gbit/s(solishtirish uchun 2017 yil 45 000 Gbit/s) chiqishi kutilayotgani davrdan ortda qolmaslikka chaqiradi.

Aholining barcha qismida ham raqamli malakaning yetarli emasligi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo‘ldagi yana bir to‘siq bo‘lib kelgan. Shuningdek, raqamli tovar aylanmasi ham past hisoblandi. Bu borada texnologiya olamida ko‘pchilikka ma’lum bo‘lgan «Microsoft» korporatsiyasi asoschisi Bill Geytsning bir fikrini eslash o‘rinli: “Tez orada yer sharida faqat ikki tur kompaniyalar mavjud bo‘ladi. Birinchisi, internet orqali biznes qiluvchi va ikkinchisi, biznesdan chiqqan kompaniyalar”. Marketingda tadbirkorlar mana shu jihatni inobatga olgan holda, dunyoga mashhur biznes iste’molchi uchun, biznes biznes uchun, iste’molchi iste’molchi uchun tamoyillari asosida o‘z faoliyatini tashkil etishi maqsadga muvofiq.

Click, Payme, M-bank, Upay, Oson va boshqa onlayn to‘lovlarga imkon beruvchi to‘lov tizimlari mavjud bo‘lishiga qaramay mobil to‘lovlar, internet, kommunal to‘lovlar uchun onlayn to‘lovlarni amalga oshirish, markening tadqiqotlari o‘tkazish ko‘r satkichi yuqori emas. 2018 yilda 56 foiz hisob egalari raqamli to‘lovni amalga oshirgan. Solishtirish uchun bu ko‘rsatkich Buyuk Britaniyada 96 foizga teng. E’tiborlisi, terminal orqali to‘lovlar soni oshib bormoqda.

Yutuqlar bilan birga muammolar mavjud, qilinadigan ishlar ko‘p, Prezident SH.Mirziyov ta’kidlaganidek, “Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko‘p mablag‘ va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo‘lmasin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz?! Ertaga juda kech bo‘ladi. SHu bois, raqamli iqtisodiyotga faol o‘tish – kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo‘ladi”.

Raqamli iqtisodiyotga o‘tishda avvalo o‘zimizda takomillashtirilgan uzluksiz sifatli xizmat ko‘rsatadigan infrastruktura, marketing kanallari, axborot texnologiyalari va malakali kadrlar, sifatli davlat xizmatlari va to‘g‘ri faoliyat yuritadigan monetar, fiskal va tashqi iqtisodiyot tarmoqlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yilishini ta'minlash talab etiladi. Kelajakda yaqin yillarda aynan shu

sohalarda ijobiy o‘zgarishlar bo‘ladi deb umid qilaman.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2020 yil 29 декабрdagi Oliy Majlisga Muroja‟atnomasi.
2. Постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан от 31 августа 2018 года.
3. Гулямов С.С. va boshqalar.Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 396 bet.
4. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Ракамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истикболлари. –Т: “Фан ва технология” nashriyoti, 2018, 172 бет.
5. ЛапидусЛ.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с. 6. https://ru.wikipedia.org/wiki/- Vikipediadagi sahifa
6 Musayeva J. K. Raqamli iqtisodiyot kelajak ravnaqi garovi sifatida -
Рақамли иқтисодиёт: Янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлар орқали ривожлантиришнинг янги босқичи” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция материаллари- Тошкент: Тадқиқот, 2020.

И.М. Камолиддинов– Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчи
М.Ш. Ахмедов– Наманган муҳандислик - технология институти катта ўқитувчи

ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: мақолада инновацион маркетингни Ўзбекистонда ривожланишдаги муаммолар, уларнинг ечимлари, истиқболдаги йўналишлари акс эттирилган.

Калит сўзлар: инновация, маркетинг, рақобат, бошқарув, саноат, бозор, иқтисод, фойда.

Аннотация: в статье рассмотрени проблемы развития инновационного маркетинга, их решения и основная направления развития в перспективе.

Ключавое слова: инновация, маркетинг, конкуренция, управления, промишления, рынок, экономика, прибыль.

Abstract: In the article outlines the issues of innovative marketing development in Uzbekistan, their solutions and perspectives.

Keywoods: innovation, marketing, competition, management, industry, market, economy, profit.

Ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини сезиларли даражада

ўзгартиришни, улар фаолиятини бозор талабларига мослаштиришни талаб қилмоқда.

Бизга маълумки, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда замонавий рақобатбардош саноатни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу боис ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини рақобат шароитида самарали ривожланишини таъминловчи инновацион фаолиятни амалга оширишни тақазо этмоқда.

Шунингдек, инновацион фаолият бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг илғор шакли бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти илмий-техника тараққиётини ривожланиши учун реал имкониятлар яратади.

Инновация - бу маҳсулотлар, технологиялар, корхона ва бошқариш шаклларининг янги турларини ўйлаб чиқиш орқали амалиётга тадбиқ қилишга қаратилган фаолият тури ҳисобланади.

Инновациялар атамасига турли олимлар томонидан берилган таърифларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак:

Шумпетер Й. *“Инновация* – тадбиркорлик руҳи билан мотивацияланган ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши (янги комбинациялар). Мақсад – янги товар турлари, янги ишлаб чиқариш усуллари, янги хомашё манбалари жорий қилиш ва фойдаланиш, янги бозорлар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шаклларини ўзлаштириш (монополизация мақсадида қайта ташкил қилиш)”, - деб таърифлаган бўлса, А.Б. Титов “*Инновация* (янгилик киритиш) – муайян ижтимоий эҳтиёжларни қониқтирадиган ва бир қатор (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, экологик) самаралар берадиган, тамомила янги ёки модификация қилинган восита (янгилик) яратиш ва ўзлаштириш (жорий қилиш) якуний натижаси”-деб таъриф берган.

Республикамизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлган инновацияларга ҳозирги кунда устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисга мурожаатномасида бу хусусда , “Инновация-бу келажак дегани”[1]-деб таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ва уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш ҳамда унинг фаоллигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда инновацион фаолиятнинг тубдан фарқ қилувчи томони, бу ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжларига эмас, балки истеъмолчилар эҳтиёжларига йўналтирилганлик ҳисобланади.

Инновацияларнинг асосий функциялари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

[1]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига мурожаатномаси.. -Т.:Ҳалқ сузи, 2017. - 6-сони.

1) инновациялар меҳнат фаолияти интеллектуаллашувига хизмат қилиб, унинг илмий сиғимини оширган ҳолда инсон салоҳияти ютуқлари, илмий-техник натижаларни ҳаётга татбиқ этиш канали ҳисобланади;

2) инновациялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар доираси кенгайтирилади, уларнинг сифати яхшиланади, бу эса жамият эҳтиёжлари ва уларнинг қониққанлик даражаси ўсишига хизмат қилади;

3) инновациялар янги ишлаб чиқариш кучларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, маҳсулот ва хизматларни камроқ меҳнат, энергия ва материаллар сарфи билан ишлаб чиқариш имконини беради;

4) у ёки бу соҳада инновациялар рақобати такрор ишлаб чиқариш структурасини ўзгарган эҳтиёжлар структураси ва ташқи муҳит структурасига мувофиқ ҳолга келтиришга ёрдам беради.

Фикримизча, корхоналарни инновацион ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришиш имконини беради:

- янги ёки такомиллаштирилган технологиялар, маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, материаллар ва ҳ.к. жорий қилиш ҳисобига маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш;
- зарурий инновацион инфратузилма (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, кичик инновацион-технологик корхоналар ва б.), инновацион фаолият субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари яратиш ва ривожлантириш;
- инновацион фаолият қатнашчиларининг муносабатларини тартибга соладиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий асослар шакллантириш;
- инновацион соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимлари яратиш;
- инновацион фаолият қатнашчиларини ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва инновацион лойиҳаларни бошқариш тизимлари яратиш;
- корхоналар инновацион фаоллигини оширишни таъминлайдиган, самарали фаолият кўрсатадиган, бозорга йўналтирилган инновацион тизим яратиш;
- янгиликлар киритиш асосида ишлаб чиқаришда жадал таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

Замонавий иқтисодиётда инновацияга катта эътибор қаратилаётган экан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг инновация соҳасидаги фаоллигига уларнинг рақобатбардошлиги бозордаги имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бу эса, чекланган ресурслардан оптимал фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини қисқартиришга олиб келиш билан бирга бозорда ўз улушини оширишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инновацион маркетингни мақсади, истеъмолчиларга янги-инновацион товар ва хизматлар таклиф қилиш билан бирга Ўзбекистондаги корхоналарни иқтисодий самарадорлигини оширишдир.

У.Х. Холбоев – СамИСИ ассистенти,
М. Абдуллаева – ТДИУ Самарқанд филиали ўқитувчиси

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТЛАРИДА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада корхоналарда самарали бошқаришни ташкил этиш аввало корхона рахбари ва менежерининг тўғри стратегия ишлаб чиқишига боғлиқ жараёнлар бу йўлда стратегик режалаштириш келажакда корхоналарнинг иқтисодиётда яшаб қолишини таъминлаши мумкинлиги тавсия этилган.

Калит сўзлар: бошқариш мақсадлари, бошқарув қарори

Аннотация: В статье предполагается, что организация эффективного управления на предприятиях - это прежде всего процесс, связанный с разработкой правильной стратегии руководителем и менеджером предприятия, стратегическое планирование таким образом может обеспечить выживание предприятий в экономике в будущем.

Ключевые слова: цели управления, управленческое решение

Abstract: The article suggests that the organization of effective management in enterprises is primarily a process related to the development of the right strategy by the head and manager of the enterprise, strategic planning in this way can ensure the survival of enterprises in the economy in the future.

Key words: management objectives, management decision

Корхонани бошқаришда самарадорликка эришиш учун, аввало, бошқарувнинг мақсадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усулларини аниқ белгилаб олиш зарур. Шу билан бир пайтда бошқарув мақсадлари тушунарли бўлишдан ташқари, улар барча бажарувчилар томонидан амалга оширилишига ҳам эътибор бериш лозим. Тўғри қўйилган мақсад корхона раҳбарининг, шунингдек, бутун жамоа ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини ифодалайди. Бундай натижага мақсад корхонанинг жорий ва истиқболдаги ривожланиши бўйича вазифалар мажмуасининг бир бўлагига айланган ҳолда эришиш мумкин. Бундай ёндашув, ишлаб чиқариш мақсадининг ишлаб чиқаришни бошқариш билан мослашувини таъминловчи энг қисқа йўлга олиб келади. Бундай мослашув эса, бошқарувнинг ҳам тизим сифатида, ҳам алоҳида фаолият тури сифатида мақсадга мувофиқлигидан дарак беради.

Деярли ҳар бир корхонанинг мақсад ва вазифалари бугунги кунда “Корхоналар тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган ва шу қонун асосида тартибга солиб турилади. Юқори сифатли ва рақботбардош маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, инқирозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бошқарувнинг барча вазифалари ушбу мақсад амалга ошишига хизмат қилиши лозим. Бошқарувнинг самарадорлигига кўп жиҳатдан корхона олдига қўйилган мақсадлар ва бажарилувчи вазифаларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида эришилади.

Корхонани **бошқаришнинг мақсадларини** қуйидаги турларга бўлиб таснифлашимиз мумкин:

* амалга ошириш муддатига кўра - жорий ва истиқболли;

* аҳамият даражасига кўра - асосий (стратегик) ва иккинчи даражали (тактик);
* бошқарув объектига муносабатига кўра - хусусий ва умумий;
* натижага эришиш даражасига кўра - якуний ва оралиқ ёки босқичли.

Бошқарув жараёнида жорий мақсадларни истиқболдаги мақсадларга, хусусий мақсадларни умумий мақсадларга, оралиқ мақсадларни якуний мақсадларга мос келиши ва бўйсинишини таъминлаш зарур. Асосий мақсадларни амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Корхона ёки унга тенглаштирилган хўжалик субъектларини бошқариш фаолияти тўлалигича шу вазифаларни бажаришга қаратилиши лозим. Асосий мақсадни иккинчи даражали вазифалардан ажрата олиш қобилияти, замонавий менеджерларнинг энг муҳим профессионал кўрсаткичларидан биридир.

Бошқарув жараёни асосан даврий (циклик) характерга эга бўлади. У мақсад ва вазифаларни белгилаш билан бошланиб, уларни бажариш, яъни муайян бир натижаларга эришиш билан тугалланади. Натижалар тўғрисида (мақсадга эришиш даражаси) олинган ахборотлар асосида янги вазифалар белгиланади ва бошқарув цикли қайтадан бошланади. Бундай цикларнинг сони бир нечта бўлиб, улар биринчи ўринда бошқарув объектининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Амалиётда турли хил сабабларга кўра, ишлаб чиқариш белгиланган параметрлардан четга оғиши, бошқарув эса қўйилган мақсадга эришмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда оператив тартибга солиш йўли билан четга оғишлар олиб ташланади ва ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий тарзда фаолият юритиши таъминланади. Умуман олганда, бошқарув циклини - мақсад ва вазифаларни белгилашдан то натижаларга эришишгача қуйидаги чизма шаклида кўрсатиш мумкин (1-расм)



1-чизма. Бошқарув цикли

Корхонани бошқаришнинг самарадорлиги, мақсадларни шакллантириш ва амалга оширишга қанчалик кам вақт сарфланса, шунчалик юқори бўлади. Бунга корхона раҳбари (менеджери) ва бошқарув функцияларини бажаришга

масъул бўлган бошқа шахсларнинг тажрибаси ва малакасидан ташқари, бошқарув амалиёти ва иш тартибига сарфланувчи вақтнинг қисқартирилиши, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишни оқилона ташкил қилиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасини қўллаш ҳисобига эришилади.

Ижобий натижага эришишга қаратилган қарорни тўғри қабул қилиш учун бу қарорни қабул қилиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан кўра билиш, ривожланиш истиқболларининг турли вариантларига тўғри баҳо бериш зарур. Бу эса корхонани бошқаришнинг асосий стратегик вазифаларини белгилаб беради. Улар қаторига нафақат максимал даромад олишни, балки ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ва модернизациялаштириш, истеъмолчилар талабига жавоб берувчи замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фаолият йўналишларини бугунги кун ва келажакдаги истиқболларини эътиборга олиб белгилаш ҳам киритилади. Санаб ўтилганларнинг охиргиси ўз навбатида ижодий ёндашувни ва бошқарув қарорларининг янги йўналишларини излашни талаб қилади.

Бошқарув қарори - бошқарув фаолияти технологиясидаги муҳим бўғиндир. Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш кўп жиҳатдан қарорларнинг тўғри қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Бошқарув қарори бир томондан асосан корхонанинг раҳбарлари томонидан амалга оширилувчи мантиқий-фикрий фаолият бўлса, иккинчи томондан, эмоционал-психологик хатти-ҳаракатдир. У инсоннинг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида тўплаган тажрибаси, билими ва фикрлаш доирасининг чуқурлигига боғлиқ бўлади.

Бошқарув қарорлари қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

* *компетентлик ва масъулият бўйича* - якка тарзда ёки коллегиал (*жамоа*) бошқарув қарорлари;
* *мазмуни бўйича* - илмий-техник, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий бошқарув қарорлари;
* *характери бўйича* - оператив-тақсимловчи, хўжалик-рахбарлик ва меъёрий бошқарув қарорлари;
* *таъсир кўрсатиш даражаси бўйича* - бир ва кўп даражали бошқарув қарорлари;
* *таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича* - ички ва ташқи;
* *таъсир кўрсатиш миқёси бўйича* - хусусий ва умумий (мажмуавий);
* *таъсир кўрсатиш даври бўйича* - бир марталик ва кўп марталик.

Бошқарув қарорлари амалга ошириш имкониятлари , ўз вақтида амалга ошириш, аниқлик, қонунийлик ва шу каби талабларга жавоб бериши лозим. Бажариш жараёнида энг кам ўзгартириш ва тузатишларга учрайдиган қарор энг яхши қарор ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда кўплаб корхоналарнинг раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнида тўғри қарор қабул қилиш учун етарли билим ва тажрибаларга эга.

Р.А. Аллаёров – СамИСИ таянч докторанти

ҲУДУД РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ҲУДУДИЙ МАРКЕТИНГНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳудуд рақобатбардошлигини таъминлашда ҳудуд маркетинг тушунчаси асосида бошқаришнинг усул ва шакллари ишлаб чиқилган бўлиб, ҳудудлар ўртасидаги рақобат кураши жараёнларига этибор қаратилган, шунингдек ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, ривожланиш йўналишларининг устувор йўналишларини белгилаш ва ҳудудни ривожлантириш, сақлаш бўйича чора-тадбирлар, ривожланиш омиллари, ҳудуднинг барқарор рақобатбардош устунликлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: ҳуддий маркетинг, стратегик маркетинг, стратегия, товар, ресурс, рақобат, сегмент, жозибадорлик, бозор, туризм, маҳсулот.

Аннотация: В данной статье разрабатываются методы и формы управления на основе концепции маркетинга в регионе для обеспечения конкурентоспособности региона, акцентируется внимание на процессах конкуренции между регионами, а также на приоритетах социально-экономического развития региона. факторы развития, устойчивые конкурентные преимущества региона.

Ключевые слова: региональный маркетинг, стратегический маркетинг, стратегия, бренд, ресурс, конкуренция, сегмент, привлекательность, рынок, туризм, продукт, оказание услуг

Abstract: This article develops methods and forms of management based on the concept of marketing in the region to ensure the competitiveness of the region, focuses on the processes of competition between regions, as well as the priorities of socio-economic development of the region. activities, development factors, sustainable competitive advantages of the region.

Keywords: regional marketing, strategic marketing, strategy, brand, resource, competition, segment, attractiveness, market, tourism, product, service.

Ҳозирги вақтда минтақанинг ҳудудий бойликларидан, маҳсулотларидан, хизматларидан оқилона фойдаланиш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш бутун минтақанинг, бутун ҳудудий ишлаб чиқарувчиларнинг фаровонлигини таъминлашга имкон беради.

Стратегик маркетинг доимий равишда ўзгариб турадиган ташқи муҳит шароитида ҳудудда жойлашган объектларни ва ҳудуддаги жараёнларни ривожлантириш учун шароит яратиш ҳамда мақсадли фаолиятни ўз ичига олади. Стратегик маркетинг бугунги кунда ва келажакда ҳудуднинг "омон қолиши" ни таъминлаш, жозибадорлигини оширш ва келажакда ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлашдир.

Бу ҳудуд маркетинг нуқтаи назаридан қаралганда муҳим вазифадир.

Ҳудудий маркетинг деганда ҳудуднинг қиёфасини сақлаб қолиш, яхшилаш ёки ўзгартириш мақсадида ҳудуднинг ички ва ташқи субъектларига қаратилган маълум бир ҳудудда ва ундан ташқарида олиб бориладиган маркетинг фаолияти тушунилиши мумкин

Ҳудудий маркетингни амалга ошириш жараёнида рақобатбардош стратегия ва рақобат тактикасини фарқлаш муҳимдир.

Ҳудудда бошқарув усуллари ва шаклларини танлашни белгилайдиган асосий шартлардан бири бу ҳудудлар ўртасида рақобатдош муносабатларни шакллантиришдир. Истеъмолчиларнинг эътиборини ҳудудий маҳсулотга жалб қилиш учун ҳудудлар ўртасидаги рақобат, ҳудудларнинг ўзаро рақобати, бу ўз ифодасини ҳудуддаги инсон, молиявий, моддий ва бошқа инновацион ресурслар оқимининг кўпайишида акс этади. Ҳудуднинг рақобатбардошлиги истеъмолчи учун муҳим бўлган маълум рақобатбардош устунликлар (ресурслар, товарлар, ижтимоий хусусиятлар ва бошқалар) мавжудлиги орқали ифодаланиши мумкин.

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, у қуйидаги йўналишларда ривожланиш йўналишларининг устувор йўналишларини белгилаши керак: ҳудудни ривожлантириш ва сақлаш бўйича чора-тадбирлар; ривожланиш омиллари; ҳудуднинг барқарор рақобатбардош устунликлари имконияти.

Анъанага кўра истеъмолчилар ва аҳолини жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ёки минтақавий маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган тўртта катта стратегиялар гуруҳи мавжуд. Ушбу стратегияларни одатий деб аташ мумкин: имиджли маркетинг, жозибадорлик, инфратузилма маркетинги ва аҳоли маркетинги, кадрлар.

Бозор сегментларининг жозибадорлиги ва ҳудуднинг объектив равишда мавжуд бўлган рақобатбардош устунликларини таҳлил қилиш ҳудудий маркетингнинг қуйидаги асосий стратегияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга имкон беради, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини такомиллаштиришни таъминлайди: портфел стратегияси, ўсиш стратегияси ва рақобатбардош стратегия.

Ҳудудий маркетингдаги портфел стратегияси, бугунги кунда ва келажакда ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун маҳсулотни ҳудудий ривожланиши (ҳудудий фаолият орқали амалга оширилади) деган маънони англатади.

"Портфел" матрицаси - бу иқтисодий фаолиятни танлаш асосида корхонанинг мавжуд ресурсларини бошқариш модели. Компанияда мавжуд бўлган ресурслар компания амалга оширадиган барча фаолият турлари бўйича самарали равишда тақсимланиши керак. Аммо ҳар бир иш ўз ҳаёт циклининг турли босқичларида ҳар хил рентабеллик даражаларини ўз ичига олади, натижада компанияни шакллантиришнинг энг яхши модели бу шундай иш портфелини тузишдир, бу иш турларини ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири ўз ҳаёт циклининг турли босқичларида жойлашган.

"Портфел" стратегияси сизга фаолиятнинг устувор усулларини топишга, ўсиш нуқталарини аниқлашга, имкон қадар юқори даромад олиш учун ресурсларни жамлашга, келажак учун иқтисодий муваффақиятга асос яратишга имкон беради. Бундан ташқари, ҳудудни жойлаштириш учун моддий асос

шаклланади, чунки ҳудуддаги фаолиятнинг айрим турларини ривожлантириш ҳудуднинг "қиёфасини" аниқлайди ва ҳудуднинг қиёфасини шакллантиради.

Ҳудудий маркетингдаги ўсиш стратегияси қатъий кириб бориш стратегиясини танлаш, ҳудудий маҳсулот маълумотларини шакллантириш, бозорни шакллантириш (янги мижозлар) ёки ишларни диверсификация қилиш орқали ўсиш имкониятларини акс эттиради. Тегишли стратегияни танлаш эски ва янги бозорларга, эскисини шакллантиришга ва маҳсулотнинг янги ҳудудий мулкини яратишга қаратилган кейинги аниқ воқеаларни назарда тутади.

Келинг, бозорни ривожлантириш стратегияси мавжуд маҳсулотни янги бозорларга чиқаришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, янги бозорларни қуйидагича тушуниш мумкин:

- ушбу ҳудудий бозорда янги сегментлар (янги истеъмолчилар), масалан, ҳудудий ресурсларига (ички инвесторлар) талаб қилинадиган кичик бизнес субъектлари сонининг кенгайиши;

- ҳудудий маҳсулотни харидорлари ва истеъмолчилари географиясини кенгайтириш орқали амалга оширилиши мумкин бўлган янги географик бозорлар, масалан, ушбу ҳудудда ўз корхоналарининг филиалларини, таркибий бўлинмаларини яратишга ёки янги корхона (ташқи инвесторлар) очишга тайёр бўлган норезидент фирмаларни жалб қилиш шаклида.

Ҳудудий маҳсулотнинг хусусиятларини ривожлантириш стратегияси янги ҳудудий маҳсулотларни модернизация қилиш ёки ривожлантиришга асосланган. Бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- ҳудудий маҳсулотда илгари бўлмаган хусусиятларнинг пайдо бўлиши, масалан, туристик маҳсулотлар самарадолигини оширишда рақамли техналогияларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланган холда туристик махсулотларни яхшиланиши ва янги сифатда таклиф қилиниши мумкин;

- ҳудудий маҳсулотнинг бир қатор ижтимоий аҳамиятли хусусиятларининг ўсиши, масалан, экологик ва санитария хавфсизлигининг ошиши, яшаш ва техник хизмат кўрсатиш хавфсизлигининг ошиши туристлар оқимининг ортишига олиб келиши мумкин;

- табиий, маданий, рекреацион ресурсларнинг янги турлари бўйича таклифлар, масалан, ҳудудда туристик кластер механизми асосида туристик ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланди;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган давлат хизматларининг янги турлари (жамоат моллари) бўйича таклифлар, масалан, кадрларни қайта тайёрлаш харажатларининг бир қисми вилоят бюджети томонидан қопланади.

Диверсификация - бу асосий рақобатчилар фонида ўта заиф позицияда ёки маълум бир ҳудудда амалга ошириладиган асосий фаолиятдаги жиддий иқтисодий таназзул туфайли танланиши мумкин бўлган стратегия. Диверсификация илгари мавжуд бўлган ҳудудий маҳсулотни (фаолият турлари) қўшишни ҳам, ҳудуд учун принципиал равишда янги ҳудудий маҳсулотни (фаолият турларини) излашни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ҳудудларни диверсификация қилиш - бу муваффақиятга эришиш эҳтимоли паст ва энг юқори нархга эга бўлган ҳолда амалга ошириш жуда қийин стратегия.

Ҳозирги кунда кўпгина минтақалар экстенсив ривожланиш учун ресурсларни тугатган, бу хом ашё, моддий, кадрлар ва молиявий ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқ. Бундай шароитда интенсив ўсиш омилларига эътибор қаратиш лозим, бунда ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш минтақани самарали ривожлантиришнинг асосий омилига айланади. Бошқа томондан, ҳудудда фаолиятнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш ёки ҳудуд ресурсларининг янги истеъмолчиларини жалб қилиш зарур.

Ҳудудий маркетингдаги рақобат стратегияси ҳудуд учун энг жозибали ва амалга ошириладиган стратегияни танлашга имкон беради: дифференциация стратегияси, харажатлар устунлиги стратегияси, концентрация (ихтисослашув) стратегияси.

Шундай қилиб, маркетинг стратегиясини қўллаш ҳудудга миллий ва бошқа ташқи буюртмалар, инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини оширишга имкон беради, бу эса ҳудуднинг ҳам, уни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам рақобатбардошлигини оширади.

Ш.А. Бахронов– СамИСИ ассистенти,
У.Х. Холбоев– СамИСИ ассистенти

БОШҚАРУВ ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

Аннотация: Мақолада бошқарув жараёни инсоннинг хусусан персоналнинг иқтисодиётдагидаги ўрни, меҳнати тақсимотида қатнашиши, кооперация ва муомала зарурати, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларда аҳамияти даражаси очиб берилган.

Калит сўзлар: Бошқарув тизими, бевосита бошқарув, бошқарув муносабатлари.

Аннотация: В статье описывается процесс управления, роль человека в экономике, в частности, участие персонала в разделении труда, необходимость сотрудничества и лечения, уровень значимости в экономических, социальных и политических отношениях.

Ключевые слова: система управления, прямое управление, управленческие отношения.

Abstract: The article describes the management process, especially the role of personnel in the economy, participation in the division of labor, the need for cooperation and treatment, the level of importance in economic, social and political relations.

Keywords: Management system, direct management, management relations.

Бошқарувсиз табиатни ўзгартириш, меҳнат қуроллари ва предметларини ягона ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиришга йўналтирилган фаолият юритишнинг иложи йўқ. Бошқача қилиб айтганда,

бошқарув ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга қўйиб, юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солади ҳамда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўлларини топишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бошқарувнинг моҳияти ва объектив заруриятини янада осонроқ ва тезроқ тушуниш учун адабиётда машҳур бўлган мисол - оркестр ва дирижерга мурожаат қилиш лозим. Оркестр ва дирижернинг ўзаро алоқасини илғаб олиш учун мусиқий қобилият талаб қилинмайди.

Концерт томошаларида бўлган ҳар бир киши дирижернинг саҳнада пайдо бўлиш чоғини кўрган, албатта. Оркестр томон ўгирилгач, дирижер таёқчасини кўтаради ва мусиқачилар мусиқа чалишни бошлайдилар. Шунга ўхшаш ҳолат бошқарувда ҳам рўй беради - йўлга қўйилган ташкилотчилик тизими бошқарув командалари асосида ишлайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда ***бошқарув*** - ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, мотивация ва тартибга солиш усулидир. Моддий бойликлар ва неъматлар ҳамда уларга тенглаштирилган қадриятларни тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш ҳам бошқарувни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда, иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар даврида бошқарув усуллари, тамойиллари ва техникасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бошқарув алоҳида тизим сифатида тобора кўпроқ тажриба алмашиш соҳаси, реклама, ишлаб чиқариш вазифаларини тезкор ҳал қилиш воситаси бўлиб бормоқда. Бунга эса бошқарувни профессионаллаштириш, бизнес ва тадбиркорлик мактаблари ҳамда маслаҳат марказларининг очилиши сабаб бўлмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик тизими борган сари хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларига асосланган бошқарув тизимига ўрнини бўшатиб бермоқда.

Бошқарувга ёндашишдаги замонавий усулларнинг муҳим аҳамияти инсон омилини фаоллаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорликни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратишда намоён бўлади. Маълумки, ўз корхонаси ёки цехида, ўз иш ёки хизмат жойининг “хўжайини” бўлмай туриб иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини талаб қилиб бўлмайди. Инсоният ҳаётида шу нарса исботлаб берилганки, моддий тўкин-сочинлик ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, уни меҳнат фаолияти ва оқилона бошқарув ёрдамида юзага келтириш мумин. Бу ҳолатни аниқ тушуниш ва унга тўғри баҳо бериш замонавий менеджментни бошқарув тўғрисидаги фан сифатида қабул қилишни асослаб беради.

Меҳнат тақсимоти ва унинг ижтимоий тавсифини кучайтиришда бошқарувни, мустақил фаолият шаклида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундан корхоналар ва халқ хўжалиги миқёсида махсус бошқарув тизимларининг вужудга келиши ва фаолият юритишига объектив зарурият

келиб чиқади. Бундай тизим ўзининг горизонтал ва вертикал алоқалари билан бирга фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, шунингдек, сиёсий кайфиятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзгаришлар таъсири остида доимий ҳаракатда ва янгиланишда бўлади. Шу сабабли, бошқарувни баҳолаш ва таҳлил қилиш жараёнида, биз халқ хўжалиги ривожланишининг ҳар бир тарихий босқичида шаклланувчи бошқарув тизимини ўрганамиз.

Бошқарув тизими деганда нимани тушуниш лозим? Агар жамиятнинг бутун иқтисодий тизимини оладиган бўлсак, унинг таркибига кирувчи кўплаб кичик тизимларни - тармоқлар, корхоналар, бирлашмалар ва ҳоказоларни кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирини икки жиҳатидан: мустақил фаолият юритиш нуқтаи назаридан ёки бутун бирликнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, корхона (фирма) мустақил бошқарув тизими ёки тармоқнинг (ишлаб чиқаришнинг) бўлинмаси, бўғини сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунга боғлиқ бўлган ҳолда бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, унинг вазифалари ва функциялари шакллантирилади.

Амалиётда шу нарса исбот қилинганки, бошқарувнинг жуда ҳам йирик ташкилий структураси бозор иқтисодиётида мақсадга мувофиқ бўлмайди. У кутилган натижаларни бермасликдан ташқари, бошқарув қарорларини бажаришда муаммоларнинг юзага келишига, бошқарувнинг якуний мақсадини оралиқ вазифалар билан алмашиб кетиш хавфи кучайишига олиб келади.

Ўзаро алоқада ва маълум жиҳатдан бир-бирига бўйсинувчи бўлган бошқарув **объектлари** ва **субъектлари** фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида бошқарувнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Бу алоқани қуйидаги тарзда чизма ёрдамида кўрсатиш мумкин:



1-чизма. Бошқарув объекти ва субъектининг ўзаро алоқаси

Корхонада бошқарувнинг таъсири **бошқарув объектига** йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишаб чиқариш ускуналарини эксплуатация қилиш, турли миқёсдаги меҳнат кооперацияси ва ҳоказолар **бошқарув объекти** бўлиши мумкин. **Бошқарув субъекти** эса қоидага кўра, **корхона раҳбари** ёки бошқарув объектларини мақсадли равишда бошқаришни амалга оширувчи **хизмат раҳбарларидир**. Агар юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, оркестр, бу – бошқарув объекти, дирижер эса, бошқарув субъектидир.

Бошқарув объектлари ва субъектлари доимо ўзаро алоқада бўлиб, бунда асосий ўрин бошқарув объектига, яъни бошқарувчи тизимга ажратилади.

Бошқарув объектининг мазмуни, унда юз бераётган ўзгаришлар бошқарув субъекти вазифалари ва ҳаракатларини белгилаб беради. Бу эса бошқарув шакллари ва усулларини мукаммаллаштиришда акс этади. Албатта, бу бошқарув субъектларининг пассивлигини англатмайди, аксинча, бошқарув тизимининг бўлимлари шу бошқарув тизимининг энг фаол қисмини ташкил этади ва тавсифлайди. Айнан бошқарув субъекти ишлаб чиқариш ресурслари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш сиёсатини белгилайди, ишлаб чиқариш воситаларининг ишчи кучи билан бирлашувига кўмаклашади. Яъни корхонанинг ***нима, қачон, қаерда, кимга ишлаб чиқариш*** билан боғлиқ бўлган сиёсати, биринчи ўринда бошқарув субъекти томонидан ҳал қилинади. Шу сабабли, бошқарув объектлари ва субъектлари орасидаги алоқа, жумладан, уларнинг ички ташкил қилиниши қанчалик мустаҳкам бўлса, бир хил шароитларда ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бошқарув фаолияти - бошқарувчи шахс ёки орган томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйруқ, тавсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Бошқарув амаллари ишлаб чиқариш жараёнининг якунланиши учун моддий шарт-шароит вазифасини бажаради. Айтиш мумкинки, бошқарув амаллари бошқарув фаолияти ва натижалари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятнинг ушбу тури аҳамияти, айнан бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида корхонанинг жорий ва истиқболдаги сиёсати шаклланишида намоён бўлади. Шу жиҳатдан кадрларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, уларнинг малакаси, ўзларига юклатилган вазифаларни тўғри тушунишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги бошқарувчилар учун яхши муҳандис, технолог, конструктор бўлишнинг ўзигина камлик қилиб, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, бизнес-стратегия, маркетинг, хўжалик ҳуқуқи ва шу кабиларни билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фақат ушбу билимлар мажмуасига ва бой меҳнат тажрибасига эга бўлган тақдирдагина бошқарувчилар бозор иқтисодёти вазифаларини муваффақиятли равишда бажаришлари мумкин.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бошқарув фаолияти бошқарув аппарати (органи) тушунчасига қараганда кенг талқин қилинади. Бошқарув фаолияти таркибига жамоатчилик ташкилотларидаги фаолият, иш жойларида ижодий ташаббускорликнинг юзага келиши ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг таклиф ва маслаҳатларини ҳам киритиш мумкин. Бу эса бошқарув фаолиятини, **бевосита бошқарув** (корхона бошқарув аппаратининг фаолияти) ва **ўзини-ўзи бошқариш** (бошқарув фаолиятининг жамоатчилик шакли) турларига ажратилган ҳолда таснифлаш имконини яратади. Фаолиятнинг иккала тури ҳам амалда

биргаликда юритилиб, уларнинг ўзаро алоқалари ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорилигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришнинг, жумладан, бошқарув фолиятининг ўзининг самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқаришнинг аллоҳида элементлари ва бўғинлари ўртасида юзага келувчи **бошқарув муносабатлари** муҳим ўрин эгаллайди. Бу ерда бошқарув органи (субъекти) ёки бошқарувчи шахс томонидан бошқарилув органига нисбатан таъсир кўрсатишнинг ўзигина кам-лик қилади. Бошқарилаётган объектдан бошқарув объектига жавоб тариқа-сида тескари алоқа ҳам бўлиши зарур. Агар бунда тескари алоқа бўлмаса ёки бошқарув органи томонидан қабул қилинмаса, бошқарилаётган объект назо-рат остидан чиқиши ҳамда бошқарилмайдиган объектга айланиши мумкин.

Бу вазифа амалда бошқарувнинг ҳар бир элементи ёки бўғини томонидан маълум бир вазифани бажаришни кўзда тутувчи бир-бирига бўйсинувчанлик тизими ёрдамида бажарилади. Яъни гап корхона директори, бош муҳандиси ва бошқалардан, то цех бошлиқлари ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бошлиқларигача - корхонанинг бошқарувчилари ёки махсус хизматларига юклатилувчи функционал вазифалар ҳақида бормоқда. Муносабатларнинг бундай кўринишдаги бир-бирига бўйсинувчанлиги бошқарув тизимининг самарали тарзда фаолият юритиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Шу тариқа, **бошқарув тизими** ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга қисқа муддатда ва ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда яқинлашиш даражасини корхонани бошқариш самарадорлигининг бевосита мезони сифатида кўрсатиш мумкин. Бугунги бозор муносабатлари шароитида бошқарув тизими биринчи ўринда корхонанинг барқарорлигини таъминлаши, хўжалик таваккалчилигини камайтириши, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга кўмаклашиши зарур. Шунингдек, у ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасига қизиқиш даражаси ортишига, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва йўқотишларга йўл қўймасликка ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Н.С.Тошназарова – СамИСИ магистранти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада ишлаб чиқариш корхоналарида менежментнинг кетма–кетлиги ва бошқарув қарорлари қабул қилиш босқичлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш соҳаси, менежмент, қарорлар қабул қилиш

Аннотация: В этой статье исследуется последовательность менеджмента и этапы принятия управленческих решений на производственных предприятий.

Ключевые слово: сфера производства , менеджмент, принятия решений

Abstract: This article examines the sequence of management and the stages of making management decisions at manufacturing enterprises.

Keyword: sphere of production, management, decision making

Ташкилотнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш – бу ҳар қандай компаниянинг стратегик мақсади ҳисобланади. Корхоналарда бошқарув тизими самарали ташкил этилса маҳсулот сифати ошади, рақаботбардошлик ошади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи камайтириш имкониятлари юзага келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” вазифасининг қўйилиши ҳам бошқарувни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган асарида **“Биринчи – ислоҳатларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражаси, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш”** [1] деб қайд этдилар. Бундан кўриниб турибдики, корпоратив бошқарувда ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатлар ва таннарх, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу масалалар бошқарувнинг асосий объектлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

[1] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак., 2017 йил 14 январь.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, -26 б.

24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 мартдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорларда бошқарув тизимини халқаро стандартлар даражасига кўтариш масасали ўз ўрнини топган

Бошқарув қарорларининг сифати кўп жиҳатдан менежерларни ўз вақтида, сифатли, объектив ва тезкор ахборотлар билан таъмин этиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида ушбу соҳа мутахассислари олдига янгича вазифалар қўймоқда. Шу боис, улар бошқарув ҳисоби масалаларини мутахассисликка оид бевосита фан сифатида мукаммал билишлари талаб этилади.

Бизнингча, менежментнинг қуйидаги умумэътироф этилган тўртта ўзаро боғлиқ кетма-кетлигини таъкидлаш лозим:

1. Ташкилотнинг энг умумий ва махсус мақсадларини белгилаш;
2. Мақсадларга эришиш учун режалар ишлаб чиқиш (бюджетлар);
3. Ҳаракат (амалга ошириш);
4. Бажарилишларни баҳолаш.

Ташкилотнинг умумий ва махсус мақсадлари менежерлар томонидан белгилангандан сўнг, мақсадларга эришиш учун режалар ишлаб чиқилади. Бизнес режалари у ёки бу турдаги товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш (бажариш, кўрсатиш) учун талаб этиладиган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжлар, ишлаб чиқариш, сотиш ва кутилаётган молиявий натижаларни акс эттирувчи бюджет лойиҳаларини ўз ичига олади. Ушбу лойиҳалар тузилаётганида бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланилади ва бухгалтер-менежерлар иштироки талаб қилинади. Лекин, молиявий ахборотларни мужассамлантирувчи кўпгина лойиҳалар, жумладан, пул оқимлари бюджети, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси, бухгалтерия баланси лойиҳалари бевосита бухгалтер-менежерлар томонидан тузилади.

Замонавий менежмент тизимида **Қарорлар қабул қилиш** жараёнини бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин[1]:

1. Масалалар (муаммолар)ни ёритиш;
2. Муқобил вариантларини идентификациялаш;
3. Зарур ахборотларни тўплаш;
4. Қарорлар қабул қилиш

Биринчи босқич масалани ўрганишдан бошланади. Тўғри қарор қабул қилиш учун масала (муаммо) атрофлича ўрганилиши лозим. Қабул қилинаётган қарорларнинг сифати кўп жиҳатдан муаммонинг ўрганилганлик

[1] Ушбу қисми и.ф.д., проф. в.б. С.Н. Ташназаров билан ҳамкорликда ёзилган.

даражасига боғлиқ. Масалан, компания ишлаб чиқаришда маҳсулотга ишлов беришда иссиқлик буғидан фойдаланиш харажатларни камайтириш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Ушбу масалани ҳал қилишнинг мумкинлиги ва технологик аҳамияти, маҳсулот сифатига таъсири ёритилиши талаб этилади.

Иккинчи босқичда ҳаракатларнинг муқобил вариантлари ишлаб чиқилади. Чунки, битта муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли мавжуд бўлмайди. Масалани бир қанча йўллар билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун ушбу масалани ҳал қилишнинг барча муқобил вариантлари тўпланилади. Бошқа компанияларнинг айнан шу масалани ҳал қилишда тўплаган тажрибалари ўрганилади, ҳар бир вариантнинг ижобий ва салбий тарафлари ўрганилиб чиқилади. Корхона битта вариантда тўхтаб қолмаслик керак.

Учинчи босқичда қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборотларни тўплаш амалга оширилади. Маълумотлар асосий қисми компаниянинг бошқарув бухгалтерия ҳисобидан олиниши мумкин. Лекин, асосли қарорлар қабул қилиш кўплаб ички ва ташқи омилларни ҳисобга олишни талаб этади. Ички омиллар компаниянинг ўзида мавжуд бўлган ахборотлар билан чегараланади. Ташқи омилларга ташқи бозорни ўрганиш, рақобатдаги корхоналарнинг ҳолатини ўрганиш, инфляция даражаси, валюта курсларининг ўзгариши, хом-ашё ва валюта биржаларидаги маълумотлар, ҳудуд бўйича статистик маълумотларни киритиш мумкин. Ички ва ташқи маълумотлар таҳлил қилиниши талаб этилади. Таҳлил сифатли ўтказилиши лозим. Таҳлил натижалари асосида хулосалар қилинади ва бошқарувга муқобил вариантлардан бирини танлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун тақдим этилади.

Тўртинчи босқичда қарорлар қабул қилинади. Бунинг учун барча муқобил вариантлар натижалари солиштирилади ва ташкилотнинг талабларига энг мақбул жавоб берадиган вариант танланади. Масалан, қарорни қабул қилишдан мақсад маҳсулотларни сотишдан келиб тушадиган соф пул оқимини ошириш бўладиган бўлса, у ҳолда барча вариантларда маҳсулотларни сотишдан келиб тушадиган соф пул оқимлари солиштирилиб кўрилади. Энг кўп пул оқимини таъминлайдиган вариант танланади. Албатта бунда бошқа сифат омилларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, менежментни такомиллаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда менежментнинг мақсадини амалга оширшда кетма-кетликка риоя қилиш ва менежмент қарорларни босқичларга ажратилди. Ушбу кетма-кетлик ва босқичларга риоя қилиш ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Дж.Р. Зайналов– д.э.н., профессор, СамИЭС
Ш. Нурбоев– магистрант СамИЭС

ДИНАМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОГО КАПИТАЛА

Аннотация. Статья посвящена иллюстрации динамических показателей эффективности инвестиционного капитала. Представлены модели оценки инвестиций, а также показаны их составляющие и назначение, методика использования.

Ключевые слова: инвестиции, показатели оценки эффективности инвестиций, отдача инвестиционного капитала, рентабельность инвестиций.

Аннотация. Мақола инвестиция капитали самарадорлигининг динамик кўрсаткичларини ёритишга бағишланган. Инвестицияларни баҳолаш моделлари, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари, мақсади ва фойдаланиш усули кўрсатилган.

Калит сўзлари: инвестициялар, инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, инвестиция капиталининг рентабеллиги, инвестицияларнинг рентабеллиги.

Abstract. The article is devoted to the illustration of dynamic indicators of the efficiency of investment capital. The models for evaluating investments are presented, as well as their components and purpose, method of use are shown.

Key words: investments, indicators for assessing the effectiveness of investments, return on investment capital, return on investment.

Предлагаемый нами динамический показатель эффективности позволяет судить об экономической эффективности инвестиционного капитала объекта на протяжении периодов ввода в действие, освоения и последующей эксплуатации, как в целом, так и по любым отдельным периодам. Статистический показатель рентабельности инвестиций позволяет судить об экономической эффективности таковых, преобразованных в действующие производственные активы, т.е. фонды, и не позволяет правильно судить об эффективности той части инвестиционного капитала, которая еще не преобразована в таковые. Многие отечественные исследователи при осуществлении расчетов выдвигают отдачу инвестиционного капитала при помощи показателя лага на то или другое количество лет, что весьма условно. При использовании же предлагаемого

критерия оценки эффективности инвестиционного капитала не требуется знания показателя производственного лага, ввода в действие инвестиционного капитала, ибо таковой лаг между осуществлением инвестиции и получением эффекта учитывается автоматически.

В США уже более 50 лет назад наиболее популярным и часто используемым методом анализа инвестиций, характеризующихся неравномерным денежным потоком, стал метод определения величины процентной ставки прибыли[1]. Причем, величину процентной ставки стали применять в качестве показателя эффективности инвестиционного капитала при оценке альтернативных вариантов инвестиций. При этом следует отметить, что предлагаемый динамический показатель прибыльности инвестиционных вложений имеет общие черты с этим показателем. И в одном, и в другом случаях показатель эффективности инвестиционного капитала рассчитывается как средняя годовая величина для принятого продолжительного расчетного периода времени.

Величина времени связывания действующих производственных фондов в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода определяется по формуле:

$$ТДПК = \frac{ВДПК}{\max ДПК}, \qquad (1)$$

где: *ТДПК* – время связывания действующих производственных капиталов в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода (лет); $\max ДПК$ – максимальная величина действующих производственных капиталов на протяжении расчетного периода (сум); *ВДПК* - величина связывания действующих производственных капиталов в процессе воспроизводства фондов на протяжении расчетного периода (сум-лет).

В большинстве отраслей экономики после окончания инвестиций на строительство предприятия величина введенных в действие после инвестиций производственных фондов равна величине осуществленных инвестиций, т.е. капитальных вложений. В горнодобывающей отрасли промышленности она осуществляется и в период эксплуатации, поэтому в таких отраслях $\max ДПК < N_{max}$. Для сопоставимости величин времени связывания инвестиционным капиталом и действующих производственных фондов в процессе воспроизводства принимаем, что $\max ДПК = N_{max}$.

Определение *ВДПК* производится следующим образом. В первом году расчетного периода в процессе воспроизводства связывается $ДПК_1$ х 1 год действующих производственных фондов, во втором – $ДПК_2$ х 1 год, … , в t-м – $ДПК_t$ х 1 год; где $ДПК_1$, $ДПК_2$, … , $ДПК_t$ – действующие производственные капиталы в 1-м, 2-м, … , t-м годах расчетного периода Т лет (сум). Причем, t – целое число.

[1] Новый метод анализа денежного потока: прогнозирование прибыльности инвестиций (New Tool Ror Cash-Flow Analysis; The Investment Profit-Prophet). (Перевод №93247/1 с английского языка статьи Парка и Джексона (W.R.Park and D.E.Jackson), помещенный в журнале «Chemical Engineering», 1968, т. 75, № 1, с. 108-110.(Переводчик: Богданов Э.С.- М., 1971, с. 1-9).

Суммируя приведенные выражения, получим модель третьего уровня:

$$ВДПК = \sum_{t=1}^{T} ДПК_t , \qquad (2)$$

Из формул (1) и (2) следует, что производственные капиталы, совершающие движение в процессе воспроизводства, формируют величину и время связывания таковых в указанном процессе. Этот вывод является основой для минимизации или максимизации рассматриваемых показателей.

Формула критерия оценки прибыльности производственных активов на протяжении расчетного периода имеет вид модели четвертого уровня:

$$\overline{K}_{оэф} ПР^{акт}_{проек} = \sum_{t=1}^{T} (Ц_t - C_t) / П_{роиз.} А_{кт} , \quad (3)$$

где: $\overline{K}_{оэф} ПР^{акт}_{проек}$ - средний коэффициент прибыльности производственных активов ($П_{роиз.} А_{кт}$) на протяжении расчетного периода – Т $\left(\frac{1}{год}\right)$; $Ц_1$, $Ц_2$, …, $Ц_t$ и C_1, C_2, … , C_t - соответственно, продукция в оптово-отпускных ценах предприятия (без НДС).

Из формул (1), (2) и (3) следует, что наряду с минимизацией производственных активов прибыльность таковых может быть повышена за счет их досрочного ввода в действие и, следовательно, увеличения величины и времени их связывания в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода, а также увеличения суммарных размеров выпуска продукции и прибыли.

Установим математическую зависимость между величинами времени связывания инвестиционных средств и производственных фондов в процессе воспроизводства. В связи с тем, что инвестиционные вложения и производственные активы предприятия представляют собой одни и те же затраты, то при величине $ДПК_{max}$, равной или принятой равной N_{max}, ТДПК может быть вычтено из $T_{инв.К}$:

$$ТПОДПК = T_{инв.К} - ТДПК , \qquad (4)$$

где: ТПОДПК – время связывания инвестиционных вложений в процессе преобразования таковых в действующие производственные капиталы (в процессе ввода в действие) на протяжении расчетного периода (лет).

Подставляя в формулу (4) значения $T_{инв.К}$ и ТДПК, получим модель пятого уровня:

$$ТПОДПК = \frac{ВС_{инв}}{N_{max}} , \qquad (5)$$

где: $ВС_{инв}$ - величина связывания инвестиционных вложений в процессе ввода в действие предприятия на протяжении расчетного периода (сум-лет).

Из формул (2), (3) и (4) следует, что при досрочном вводе производственных активов в действие очередями в период ввода в действие предприятия имеет место увеличение ТДПК и уменьшение ТПОДПК. Но при

увеличении времени связывания производственных активов в процессе воспроизводства размер прибыльности таковых снижается. Для того, чтобы величина среднего коэффициента прибыльности производственных фондов при этом осталась такой же или возросла, рост прибыли за счет выпуска дополнительной продукции должен компенсировать увеличение ТПОПДК. При неизменной же величине $T_{инв.К}$ и росте прибыли размер среднего коэффициента прибыльности инвестиционных вложений увеличивается. Таким образом, прибыльность инвестиционных вложений и производственных фондов предприятия может быть повышена (при определенных условиях) также за счет ускорения преобразования денежных и материальных ресурсов в действующие средства производства, то есть за счет уменьшения величины и времени связывания инвестирования средств в процессе эффективного использования объекта и модернизации последнего.

При использовании же статических показателей при перераспределении инвестиционных средств по годам в сторону более позднего начала их осуществления или при досрочном вводе производственных фондов в действие очередями, их величина после экономического освоения проектных технико-экономических показателей не изменяется.

При определении экономического эффекта, образующегося при сокращении величины и времени связывания инвестиций в процессе модернизации или реконструкции предприятия, прежде всего, следует установить продолжительность расчетного периода – Т.

Продолжительность расчетного периода должна равняться суммарному времени продолжительности периода становления или реконструкции действующего предприятия, нормативных сроков освоения проектных мощностей и окупаемости инвестиционных мощностей вложений. Дальнейшее увеличение продолжительности расчетного периода представляется нам невозможным, так как экономический расчет при этом «… теряет оперативную ценность и экономическую надежность, поскольку за длительный период велика вероятность изменений подавляющего числа хозяйственных показателей, балансовых соотношений и общественных потребностей»[1].

При перераспределении инвестиционного капитала по годам полной модернизации или реконструкции в сторону более позднего начала их осуществления возможен только экономический эффект, получаемый за счет уменьшения величины и времени связывания инвестиционных вложений в процессах ввода в действие предприятий после модернизации (или реконструкции) и воспроизводства предприятия на протяжении расчетного периода ($ВС_{инв}$, ТПОДПК, $В_{инв}$, $Т_{инв.К}$). При досрочном вводе в действие производственных фондов будут уменьшаться величина и время связывания инвестиционного капитала в процессе ввода в действие предприятия на протяжении расчетного периода эффект, образующийся за счет выпуска дополнительной продукции и увеличения при этом прибыли. В обоих случаях

[1] Красовский В.П. Интенсификация экономики и факторов времени // Вопросы экономики, № 5, 1982. - С. 8.

присутствует увеличение величины среднего коэффициента прибыльности инвестиционного капитала на протяжении расчетного периода ($Э_{ппс}$).

Годовой экономический эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания вложений средств в процессе полного ввода в действие предприятия, равен:

$$Э^{г}_{фф} = \left(\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} Д - \overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} П\right) \mathrm{N}max\,, \qquad (6)$$

где: $Э^{г}_{фф}$ - годовой эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания средств инвестиционных вложений в процессе модернизации (реконструкции предприятий; $\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} Д$; $\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} П$ - средние коэффициенты прибыльности инвестиционных вложений на протяжении расчетного периода (Pt), соответственно, до (Д) и после (П) сокращения величины и времени связывания таковых в процессе модернизации или реконструкции предприятия $\left(\frac{1}{\text{год}}\right)$.

Годовой экономический эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания 1 сума инвестиционных вложений средств в процессе модернизации и реконструкции предприятия (цена времени), равен:

$$Г_{эфф} = \left(\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} Д - \overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} П\right) \text{x1 сум}\,, \qquad (7)$$

где: $Г_{эфф}$ - годовой эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания 1 сума инвестиционных вложений средств в модернизацию или реконструкцию предприятия (цена времени) $\left(\frac{\text{сум}}{\text{год}}\right)$.

Как видно из формулы (7), цена времени находится в прямой математической зависимости от разницы уровней фактических величин средних коэффициентов прибыльности инвестиционных вложений средств на протяжении расчетного периода, а не от величины нормативного коэффициента эффективности или приведения разновременных затрат, как это имеет место на практике.

Таким образом, фактические величины средних коэффициентов прибыльности инвестиционных вложений средств на протяжении расчетного периода выступают необходимым орудием стоимостной оценки последствий изменения времени оборота в процессе модернизации или реконструкции предприятий. Предлагаемый метод расчета годового экономического эффекта, образующегося при сокращении величины и времени связывания вложенных средств в процессе ввода в действие предприятия, позволяет установить математическую зависимость соизмерения времени со стоимостными показателями, то есть по-новому установить цену времени. Цена времени, как правило, будет различна для каждого варианта инвестиционного проекта - нового или реконструкции действующего предприятия.

Годовой эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания инновационных вложений средств в процессе полного ввода в действие предприятия ($Э_{фф.г}$), будет иметь место на протяжении времени связывания таковых в процессе воспроизводства на протяжении расчетного

периода (год) после сокращения величины и времени связывания инвестиционных вложений в процессе полного ввода в действие предприятия ($T_{инв.к.д}$). Умножая $Э_{фф.г}$ на $T_{инв.к.д}$, получим величину экономического эффекта, образующегося при сокращении величины и времени связывания вложений средств в процессе полного ввода в действие предприятия:

$$Э_{фф.} = \left(\overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} Д - \overline{К}_{оэф} ПР^{pt}_{инв} П\right) \text{x } N_{max}\ T_{инвКД}\ , \qquad (8)$$

где: $Э_{фф.}$ - эффект, образующийся при сокращении величины и времени связывания вложений инвестиционных средств в процессе ввода в действие предприятия (сум); $T_{инвКД}$ - время связывания инвестиционных вложений средств в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода после сокращения величины и времени связывания таковых в процессе полного ввода в действие предприятия (лет).

Р.М.Мусаев – СамИСИ доценти
Ж. Хайитов – СамДУ магистранти

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Аннотация: Мақолада иқтисодий тараққиётга элтувчи омиллардан саналган инвестициялар, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни, афзалликлари ҳамда иқтисодий тараққиётга таъсири хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларидан фойдаланилган ҳолда тахлил қилинган.

Калит сўзлар: Иқтисодий тараққиёт, инвестициялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, чет эл инвестициялари, хорижий капитал, инвестор, инвестицион муҳит, иқтисодий нисбат, мувозанатлик.

Аннотация: В статье основное внимание уделяется роли инвестиций в экономическом росте в Республике Узбекистан и в благосостоянии населения. Осуществляется анализ ключевых показателей экономического роста, влияния инвестиций на экономический рост и доходы населения, вклад инвестиций в экономическое развитие.

Ключевые слова: Экономическая развитие, инвестиции, прямые инвестиции,зарубежные инвестиции, иностранный капитал, инвестор, инвестиционный климат, экономическая баланс, равновесие

Abstract: The article focuses on the role of investment in achieving economic growth in the Republic of Uzbekistan and the welfare of the population. There is also a practical analysis of key indicators of economic growth, the level of investment attitude to economic growth and income of the population, characterizing the welfare of the population and their contribution to economic development.

Keywords: economic development, investment, direct investment, foreign investment, foreign capital, investor, investment climate, economic balance, equilibrium

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит ва ҳуқуқий база яратилган. Чет эллик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган.

Булар – чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекинвест” Миллий экспорт-импорт суғурта компанияси ва лизинг компаниялари ташкил этилган бўлиб, унинг муассислари Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Malay Bank Berxard» (Малайзия) ва бизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир.

Республикада чет эл инвестицияларини ишончли суғурта билан ҳимоялаш таъминланмоқда. Суғурталашнинг таянч ставкалари халқаро амалиётда қабул қилинганидан анча паст. Ўзбекистонга инвестиция киритган чет эллик сармоядорлар суғурта ҳодисаси юз берса, атиги 30 кун ўтганидан кейин талаб билан мурожаат қилишлари мумкин. Холбуки, жаҳон амалиётида бу муддат 180 кун қилиб белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожатномасида ҳам қуйидаги фикрларни таклиф этилган. “Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида харакатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган “Интернет портали” очишни таклиф этаман [1]. Бундай таклифлар хорижий инвесторларни ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунига кўра чет эл инвестициялари давлат ҳуқуқий ҳимояси билан таъминланиб, уларнинг ҳуқуқий шароити бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шароитидан кам бўлмаслиги, шунингдек чет эллик инвесторлар инвестициясининг ҳажми, тури, йўналишини, бу инвестицияларни амалга оширишда юридик, жисмоний шахслар жалб этишни мустақил белгилаши ва бошқа шу каби ҳуқуқлари таъкидлангандир. Бу Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ҳимоя қилинишига кафолат беради. Энг асосийси, республика аҳолисининг хусусий мулкчиликка бўлган муносабати ўзгариб бормоқда, бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизда хусусий мулкка асосланган корхона ва фирмаларнинг эркин фаолиятига ижобий таъсир қилади. Агар республикада хорижий капитални қўйишнинг айрим шароитларини бошқа давлатлар шароити билан таққосласак мамлакатда тобора такомиллашиб бораётган инвестицион муҳитни қиёсий баҳолаш мумкин бўлади. Қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики,Ўзбекистонда айрим шароитлар кўпгина бошқа давлатлар шароити билан деярли ўхшаш. Масалан, солиқ ставкаси энг паст ставкада. Ойлик маоши эса миллий валютамизнинг АҚШ валютасига нисбатан айирбошлаш курси пастлиги, ҳозирча валютани конвертациялаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли бошқа давлатлардаги

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси, - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б.

бу кўрсаткичдан пастдир.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва айрим мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капитални қўйиш шароитларининг қиёсий тавсифи[1]

Давлатлар	Хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхона устав фондида хорижий инвес-тиция иштирокининг чегараси	Солиқдан бутунлай ёки қисман озод қилиш муддати (йил)	Иш ҳафтасининг давомийлиги (соатда)
Ўзбекистон	30%дан кам бўлмаган	2-7	48
Россия	Чегараланмаган	2	47-49
Хитой	25%дан кам бўлмаган	2-5	48-50
Сингапур	Чегараланмаган	5-10	48
Жанубий Корея	50%дан кам бўлмаган	5	47-49
Малайзия	70%дан кам бўлмаган	2-5	50-60
Таиланд	49%дан кам бўлмаган	3-8	45-50
Индонезия	Чегараланмаган	2-6	47-51

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳити йилдан-йилга такомиллашиб бораётган бўлсада, лекин ҳозирча республика иқтисодиётига йирик ҳажмдаги инвестициялар аста-секинлик билан кириб келмоқда.

Бунга:

- Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги;
- телекоммуникация алоқаларининг суст ривожланганлиги;
- иқтисодиётда миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси пастлиги;
- айрим қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги камчиликлар мавжудлиги ва хусусан, фойдали қазилмалар бўйича махсус қонунларнинг қабул қилинмаганлиги;
- кредит тизимидаги мавжуд камчиликлар ва қимматли қоғозлар бозорининг эндигина шаклланиб келаётганлиги ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар фақатгина тадбиркорликнинг миллий тартиботига нисбатан жорий этилганлиги, унинг жаҳон амалиётига тўла маънода мувофиқлаштирилмаганлиги кабилар сабаб бўлмоқда дейиш мумкин.

Демак, бугунги кунда республика иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига янада интеграциялаш зарур. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат олиб бориш лозим. Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш зарурдир.

[1] Манба:Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

Т.Досчанов – УрДУ, “Иқтисодиёт кафедраси профессори, и.ф.д.
Б.Олланазаров – УрДУ, “Туризм ва меҳмонхона хўжалигини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
Ж.Атаев – Урганч шаҳар 2-сон касб-ҳунар мактаби, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари,
Ш.Қўчқоров – УрДУ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада инновацион фаолиятга инвестиция киритиш жараёнида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатлари, давлат-хусусий шерикчилиги ва ДХШ механизмидан самарали фойдаланган ҳолда инновацион фаолиятни инвестициялаш имкониятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, инновацион фаолиятни инвестициялаш, давлат-хусусий шерикчилиги, ДХШ механизми, миллий инновацион тизим, инвестицион ресурслар.

Аннотация: в статье рассматривается взаимоотношения государства и бизнеса в процессе инвестирования в инновационную деятельность, государственно-частное партнерства и возможности инвестировать инновационную деятельность с эффективным использованием механизма ГЧП.

Ключевые слова: инновационная экономика, инвестирования инновационной деятельности, государственно-частное партнерства, механизмы ГЧП, национальная инновационная система, инвестиционные ресурсы.

Abstract: in this paper looked through the relationship between the state and business in the process of investing innovative activities, public-private partnerships and opportunities for investing innovative activities with the effective use of PPP mechanism.

Keywords: innovative economy, investment in innovative activities, public-private partnerships, PPP mechanisms, national innovation system, investment resources.

Бугунги кунда диверсикациялашган юқори технологияли иқтисодиётни модернизация қилиш ва ривожлантириш учун инновацион фаолиятни фаоллаштириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Инновацион ривожлантиришнинг барча манбаларидан тўлақонли ва самарали фойдаланиш зарурлиги шароитида, инновацион тараққиёт ва миллий инновацион тизимнинг самарали фаолият қилишининг муҳим жиҳати компанияларнинг янги инновацион стратегиялари бўлиши мумкин бўлганлиги каби, инновацион жараёнларни давлат томонидан бошқариш самарадорлигини ошириш ҳам бўлиши мумкин.

Инновацион иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичидаги муҳим масалаларидан бири – технологик секторга инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Ҳозирги шароитда инновацион фаолиятни инвестициялашни янги шаклларини ривожлантириш ва таркибий ўзгартириш учун катта миқёсдаги узоқ муддатли инвестицион ресурсларни сафарбар қилишнинг самарали механизмларини излаб топиш жуда муҳим бўлиб қолмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан инвестициялар ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусуан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишнинг муҳим вазифаларини белгилаб бергани ҳолда иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилиши тўртинчи муҳим вазифа сифатида келтириб ўтдилар[1].

Инновацион соҳага хусусий бизнесни жалб қилиш ва инвестор билан биргаликда давлат томонидан дастлабки таваккалчиликларни бўлишиш усулларидан бири бу давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ҳисобланади. ДХШ концепцияси миллий иқтисодиётда тобора кўпроқ қўлланилмоқда ва ушбу муаммога эътиборнинг кучайиши инновацион фаолиятга инвестиция киритиш жараёнида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатлари масалалари ва истиқболларини таҳлил қилишни талаб қилади.

Мазкур таҳлилни амалга ошириш жараёнида давлат ва хусусий бизнеснинг айнан инновациялар ҳамда концептуал даражада ДХШ институтидан самарали фойдаланиш асосида инновацион фаолиятни инвестициялаш соҳасидаги муҳим ўзаро муносабатларни тадқиқ қилиш зарурати юзага келмоқда.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва ДХШ механизмларидан самарали фойдаланиш борасида қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлат ва хусусий бизнес орасидаги шерикчилик муносабатлари стратегиясини ишлаб чиқиш, инновацион соҳада ДХШ концепциясини аниқ белгилаш, ДХШ лойиҳаларининг самарадорлиги ва молиявий-иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ҳамда ҳаётийлигини баҳоловчи мезонларни аниқлаш муҳим масалалар сифатида қаралмоқда.

Инновацион фаолиятга инвестиция киритиш жараёни миллий инновацион тизимда инновацион жараёнлар оқимига воситачилик қиладиган баъзи воситалардан фойдаланганда кўплаб ташкилий-иқтисодий элементлар, инвестицион институтлар ва ресурслар тўпламининг ўзаро таъсири тизими сифатида қаралади. *Инновацион фаолиятни инвестициялаш* – инновацион тизим институтлари ўртасидаги инвестиция ресурсларини тўплаш, тақсимлаш ва узатишнинг мураккаб кўп омилли, мослашувчан, синергетик тизими ҳисобланади.

Инновацион фаолиятга институционал ва функционал жиҳатдан инвестиция киритиш мақсадга мувофиқ. Инновацион фаолият инвесторлари институционал тузилманинг муҳим бўғинлари: хусусий компаниялар, банклар, институционал инвесторлар: молия кредит институтлари, инвестицион ва инфратузилмавий фондлар, суғурта компаниялари, нодавлат пенсия жамғармалари, молиявий компаниялар, инновацион фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар, инновацион фаолиятни

[1] https://president.uz/uz/lists/view/4057

тартибга солувчи давлат органлари, венчур инвесторлари ҳамда инвесторларнинг профессионал бирлашмалари ҳисобланади.

Функционал жиҳатдан инновацион фаолиятни инвестициялаш тизими, ўзига хослиги инвестициялаш объектининг инновацион фаолият ҳусусиятлари билан белгиланадиган, инновацион фаолиятни инвестициялашнинг манбалари, усуллари ва шаклларининг органик бирлигидан шаклланади. Шу нуқтаи назардан инвестицияларнинг таснифини қуйидаги кўринишда келтириб ўтамиз.

Инновацион фаолият ҳусусиятларини эътиборга олган ҳолда инвестицияларнинг таснифланиши[1]

Мезонлари	*Таснифи*
Мулк турлари бўйича	*Давлат маблағлари, хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари*
Мулкий муносабатлар жиҳатидан	*Ўз маблағлари, заем маблағлари, жалб қилинган маблағлар*
Мулкдорлар даражалари бўйича	*Давлат даражасидаги, давлат субъектлари даражасидаги, хўжалик юритувчи субъектлар даражасидаги*
Инвестициялаш усуллари бўйича	*Бевосита, билвосита, қарз юзасидан, лойиҳавий, комбинациялашган*
Манбалари бўйича	*Фойда, амортизацион ажратмалар, келгуси давр ҳаражатлари, келгуси тўлов ҳаражатлари*
Инвестициялаш шакли бўйича	*Инвестицион, лойиҳавий, акционерлик, венчур, банк маблағлари, заем маблағлари, облигация маблағлари, лизинг, форфейтинг, инвестицион фондлар маблағлари, аралаш ва гибрид маблағлар*

Инновацион фаолиятни инвестициялаш тизими давлат сиёсатини реализация қилишнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Унинг самарали амал қилиши учун инновацион фаолият тизимида “давлат - илм-фан - хусусий бизнес” ўзаро чамбарчас боғланган муносабатларининг моделини шакллантириш зарур. Ушбу моделга мувофиқ илм-фан – ғоя, хусусий бизнес ресурслар таъминоти, давлат эса меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириши, ҳамда уларнинг ўзаро таъсири инновацион фаолият тизимининг асосий элементларини ифода қилиши лозим.

Инновацион фаолиятни инвестициялаш жараёнларини ривожлантиришнинг реал механизмларидан бири инновацион фаолият соҳасидаги ДХШ механизмларидир. Ҳорижий мамлакатлар тажрибаси инновацион ривожланишнинг муҳим лойиҳалари ва дастурларини реализация қилишда ДХШ механизми асосида инновацион фаолиятни инвестициялашда фойдаланиш самарали эканлигига яққол мисол ҳисобланади.

Инновацион лойиҳалар ва дастурларни, умуман инновацион фаолиятни инвестициялаш жараёнининг ҳозирги ҳолати қуйидаги омиллар билан характерланади[2]:

[1] Илмий тадқиқот натижалари асосида муаллифлар ишланмаси

[2] Фирсова А.А. Теория и методология инвестирования инновационной деятельности на основе

- миллий инновацион тизимнинг номутаносибликлари;
- давлат сектори улушининг юқорилиги ҳамда унинг инвестициялаш имкониятларининг торайиши;
- инвестициялаш механизмлари самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги;
- инвестициялаш институтларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- зарур инновацион инфратузилма ривожининг пастлиги;
- инновацияларни қўллаб-қувватлаш институтлари ўртасида ўзаро алоқаларнинг яхши ривожланмаганлиги;
- хусусий капитални инновацияларга йўналтириш учун рағбатлантирувчи имтиёзларнинг етишмаслиги ҳамда таваккалчилик хатарларининг юқорилиги;
- инвестициялаш эҳтиёжлари ва имкониятларининг номутаносиблиги;
- инновацион фаолият соҳасида инвестицияларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги;
- венчур капитал қўйилмаларининг етишмаслиги;
- инновацияларни реализация қилиш учун инвестицион манбаларнинг етарли эмаслиги;
- мавжуд инвестициялаш инструментлари самарадорлигининг етарли эмаслиги (яъни, йирик инновацион лойиҳа ва дастурларни реализация қилиш учун етарли даражада инвестицион ресурсларни жамлашга имкон бермаслиги).

Бозор муҳитининг ноқулайлиги сабабли инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун инновацион жараёнларни амалга оширишга давлат аралашуви зарурати юзага келмоқда.

Айнан ДХШ механизмидан самарали фойдаланиш орқали: инновацион фаолиятни реализация қилишдаги юқори рискларни камайтириш, йирик инновацион лойиҳалар ривожига хусусий инвесторлар рағбатларини шакллантириш, кичик бизнес субъектларининг чекланган маблағларини мақсадли тўпланиши ва инновацион тадбиркорлик йўналишидаги муҳим лойиҳаларни реализация қилиш учун рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, инновацион фаолиятнинг турли сегментлари ҳисобланган илм-фан ва бизнес ўртасида инновацион фаолият ривожи учун муҳим бўлган манфаатли келишувни таъминлаш имконини беради.

ДХШ механизми - инновацион лойиҳаларни реализация қилишда хусусий инвесторларнинг инвестицион ресурсларини манфаатли даражада жалб қила олиши, инновацион лойиҳаларни реализация қилишдаги таваккалчилик хатарларини пасайтира олиши, илмий тадқиқотларни ҳамда уларнинг самарали натижаларини молиялаштириш ва тижоратлаштиришга имкон яратиши, инновацион лойиҳаларнинг реализация қилиш борасидаги тендерларни ўтказишда соғлом рақобат муҳитини яратиши мумкин.

государственно-частного партнерства. Автореф. дисс. ... док. эк. наук. Саратов – 2012.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инновацион фаолиятни самарали реализация қилинишида ДХШ механизми тенг ҳуқуқли, юридик жиҳатдан мустаҳкамланган, давлат ва хусусий бизнес маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадидаги сарф-ҳаражатлар, натижалар ва таваккалчиликларни ўзаро тақсимлаш орқали, салоҳиятли хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий менежмент усулларини қўллаган ҳолда амалга ошириладиган инновацион лойиҳаларни муваффақиятли биргаликда инвестициялашнинг самарали институти ҳисобланади. ДХШ механизми инновацион фаолиятни инвестициялаш самарадорлигини ошириб, инновацион сиёсатни реализация қилишда давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтиради.

Д.Шолдаров – ТМИ, “Бюджет ҳиксоби ва ғазначилик иши” кафедра мудири, PhD,
Қ.Жўраев – ТМИ магистранти

БЮДЖЕТ ТИЗИМИДА НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация: Ушбу тезисда бюджет назоратини турли даражадаги бюджетларда амалга оширилиши, бюджет ижроси жараёнида назорат ва тафтишнинг субьектлари, бюджет ижроси жараёнида назоратнинг мақсади ва вазифалари ёритилган.

Калит сўзлар: бюджет тизими, бюджет назорати, дастлабки назорат, жорий назорат, сўнги назорат.

Аннотация: В данной дипломной работе освещена реализация бюджетного контроля в бюджетах различных уровней, субъекты контроля и ревизии в процессе исполнения бюджета, цели и задачи контроля в процессе исполнения бюджета.

Ключевые слова: бюджетная система, Бюджетный контроль, предварительный контроль, текущий контроль, последний контроль.

Abstract: this thesis covers the implementation of budgetary control in budgets of various levels, the subjects of control and inspection in the process of budget execution, the purpose and objectives of control in the process of budget execution.

Keywords: budget system, Budget Control, preliminary control, current control, last Control.

Турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодалайдиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуига бюджет тизими тушунилади. Бюджет тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Шу маънода, бюджет тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир. Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига (қурилишига),

давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига бевосита боғлиқ.

Ушбу бюджетлар ижроси жараёни хақида ахборотлар бюджет ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш орқали шакллантирилади. Бунда, белгиланган бюджет таснифи бўйича бюджет даромадлари шакллантирилади ва харажатлар амалга оширилади. Бюджет ҳисобини алоҳида хусусиятларидан бири – бюджет ижросини тўғри ташкил етиш, молия бюджет интизомига риоя қилиш ва назорат функсиясини амалга оширилишидир.

Назорат функсияси орқали бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, мулкларни сақланиши ва тайинланиши бўйича сарфланиши тизими йўлга қўйилади.

Бюджет ҳисобида ҳам юқорида қайд етилганидек, назоратнинг уч тури қўлланилади:

дастлабки назорат;

жорий назорат;

кейинги назорат.

Дастлабки назорат – сметаларни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида амалга оширилади. Унда бюджет интизомига риоя қилиниши, шунингдек, қонунчилик талаблари бузилиши олди олинади.

Жорий назорат – бюджет ижроси жараёнида амалга оширилиб, содир бўлган муомалаларни қонунийлиги, пул маблағларини оқилона сарфланиши, мулкий қийматликлар бўйича ҳисоб маълумотларини хақиқий ҳолатга мослиги, ҳисоблашувлар ҳолати ва бошқалар назорати амалга оширилади.

Кейинги назорат – умумлаштириш босқичи учун зарур бўлиб, ҳисоб ва ҳисобот ахборотларини қонунийлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Бюджет ижроси жараёнида назорат ва тафтишнинг объектлари молия органи, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотлари ҳисобланиб, назорат борасида улар қуйидагиларга бўлинади:

бюджет даромадлари ва харажатлари;

бюджет пул маблағлари, бюджет ссудалари;

ҳисоблашувлар бўйича маблағлар, айланма касса маблағлари;

бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари;

молиявий ва номолиявий активлар;

мажбуриятлар ва молиявий натижалар.

Давлат бюджети ижросини назорат қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилган бўлиб, назоратнинг асосий субъекти ҳисобланади.

Бюджет ижроси жараёнида назорат ва тафтишнинг субъектлари бўлиб:

Ҳисоб палатаси;

Молия вазирлиги;

Давлат Солиқ қўмитаси;

Мустақил аудиторлик фирмалари (шартнома асосида).

Бюджет ижроси жараёнида назоратнинг мақсади – бюджет ижросини амалга ошириш ва натижаларини шакллантиришни хаққонийлигини аниқлаш

ва таҳлилий ахборотларни шакллантиришдан иборат бўлиб қуйидаги вазфиларни ўз ичига олади:

Бюджет даромадлари ва харажатларининг режалаштирилиши ҳамда унинг маълумотлари хаққонийлигини аниқлаш;

Бюджет ижроси жараёнида муомалаларни тўлиқ ва тўғри хужжатлаштирилишини аниқлаш;

Давлат мақсадли жамғармалари бюджети даромадлари ва харажтларини режалаштириш ҳамда уни маълумотларини хаққонийлигини аниқлаш

Бюджет ижроси жараёнида бухгалтерия ҳисоб ҳисобварақларини юритилиш ҳолати ва ҳарактини тўғрилигини аниқлаш;

Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини амалга оширилиши ва натижаларни шакллантирилиши тўғрилигини текшириш;

Мулкий қийматликлар ва мажбуриятларнинг ҳолати ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантирилишини текшириш;

Бюджет ижросига оид бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тўғри умумлаштирилиши ва ҳисобтларни хаққонийлигини текшириш;

Текширув натижаларини умумлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари юқоридаги вазифларни амалга ошириш чоғида давлат бюджетининг ижросини назорат қилади ва қуйидагиларга еътибор қаратади:

Бюджетлар ижроси якунларини кўриб чиқади;

Бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармалари органларидан ахборотлар олади;

Бюджет ташкилотларидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олади;

Қонун хужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;

Бюджет маблағларини олувчиларнинг молиявий хўжалик фаолиятини аудитдан ўтказади.

Келтирилган вазифаларни бажарилиши умумий мақсад, яъни бюджет ижроси жараёни устидан назоратни таъминлаб беради. Текшириш тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади. Текширишларни ўтказишда қуйидагиларга еътибор қаратиш зарур:

смета-молия ҳужжатларини, бунда бюджет маблағларидан қонунчиликка ва бюджет маблағларининг тежамли йўналтирилишига қатъий риоя етилишига еришган ҳолда, чуқур таҳлил қилишни ва ҳар томонлама ўрганишни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимларида харажатлар сметасини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ўз вақтида ташкилотларга етказиш бўйича ишларни тўғри ташкиллаштиришга еришиш;

даромадларнинг тўлиқ ҳисоби, пул маблағларининг ўтувчи қолдиқлари, бу маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг тузилишининг қонунийлиги ва режалаштиришнинг асосланганлигини еътиборга олиш;

сметани режалаштиришда аниқланган камчиликларни бартараф етишда тезкор ҳолда чора-тадбирларни қўллаш, смета харажатлари бўйича аниқланган ортиқча ажратилган маблағлар суммасини бу ҳақда ташкилот раҳбарига хабар берган ҳолда ўз вақтида бюджетдан молиялаштириш миқдорини қисқартириш.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, ҳокимиятнинг бошқармалари ва бўлимларида сметани режалаштириш ҳолатини текшириш натижалари бўйича зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, тегишли ҳокимиятларга ахборот берилиши, қоида бузилишларни йўқотиш бўйича таклифлар берилиши ва аниқланган ортиқча ажратилган маблағлар суммасини харажатлар сметаси бўйича тайинлаш камайтирилиши мумкин.

Ташкилотларнинг смета харажатларининг тўғри тузилиши, тасдиқланиши ва ўз вақтида етказилиши бўйича текшириш натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида мунтазам умумлаштиради ва кўриб чиқилади ҳамда ушбу ишларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади.

Г.Касимова – ТМИ, «Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши» кафедраси доценти, и.ф.н., илмий рахбар
Д.Абдужалилова – ТМИ магистранти

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИ ИЖРОСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Анотация: Тезисда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазна ижросини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш, бюджет тизимидаги автоматлаштирилган дастурий мажмуалардан фойдаланиш масалалари ўрганилган. Автоматлаштирилган дастурий мажмуаларни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, давлат бюджети, ғазначиликнинг ахборот тизими, дастурий таъминот, давлат хариди, бюджет тизими жараёни, давлат молиясини бошқариш, шахсий ғазна ҳисоб рақамлари, камерал назорат, электрон рақамли имзо, бюджет жараёнида комплекс автоматлаштирилган тизим.

Аннотация: В тезисе изучены использование цифровых технологий при осуществлении казначейского исполнения государственного бюджета Республики Узбекистан, исследованы использования автоматизированных программных

комплексов в бюджетной системе. Сделаны выводы и предложения по совершенствованию автоматизированных программных комплексов.

Ключевые слова: Государственный бюджет, информационная система казначейства, программного обеспечения, государственная закупка, экономическая политика, социальная политика, социальная сфера, социальная защита, государственные целевые фонды, финансовый контроль, информационно-коммуникационная система,

Abstract: The thesis examines the use of digital technologies in the implementation of treasury execution of the state budget of the Republic of Uzbekistan, the use of automated software systems in the budget system is investigated. Conclusions and suggestions for improving automated software systems are made.

Keywords: The state budget, the treasury information system, software, government procurement, economic policy, social policy, social sphere, social protection, government trust funds, financial control, information and communication system.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Улар бошқарувни осонлаштиради, одамлар хаётини соддалаштиради ва хизматлар сифатини яхшилайди. Сўнги йилларда давлатимизда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бормоқда. Бюджет ташкилотлари бюджет ижроси жараёнида, хусусий секторларда жисмоний ҳамда юридик шахсларга хизмат курсатишда электрон ҳужжатлар алмашинуви, электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832 Қарорининг қабул қилиниши рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва замонавий инфратузилмани қўллашда муҳим дастур ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Шундай экан, аввалам бор, рақамли иқтисодиётнинг ўзига таъриф берадиган бўлсак, “рақамли иқтисодиёт-бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир”. Буни интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодалаш мумкин. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.“Рақамли иқтисодиёт” терминини биринчи бўлиб 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте амалиётга киритди. Ҳозирда бу янгиликни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий белгилари бу - юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги, корпоратив тармоқлар.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига асосан бюджет тизими бюджетларининг автоматлаштирилаган электрон интеграциялашувини кўриб чиқадиган бўлсак, давлат молиясини бошқариш ахборот тизими **«ДМБАТ»** тегишли бюджетларнинг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштирилди. Бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган ахборот тизими **«UzASBO» ДМ** - бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа, давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали электрон давлат харидлари ҳисоб китоб клиринг палатаси, электрон дўкон, shop.uzex.uz., xarid.uz, milliydokon.uzex.uz, e-auksion.uz, "ijro.gov.uz" интизомнинг ягона идорапараро электрон тизимидан фойдаланиш – электрон хужжатлар айланиши, электрон рақамли имзо каби автоматлаштирилган ахборот тизимларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган бу каби автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳозирги кундаги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитига ўтишни тезлаштирибгина қолмай, шу соха мутахасисларининг вазифаларини енгиллаштриш ва қатор қулайликларга хам олиб келмокда. Айниқса, давлат бюджети ижроси жараёнида автоматлаштирилган тизимлар молиявий назоратни янада кучайтиришга хизмат килади. Бундан ташкари, рақамли иқтисодиёт мамлакатимиздаги коррупция, мафаатлар тўқнашуви ва “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилишида ҳам катта хисса қўшади.

Ҳозирда бюджет тизими бюджетларида рақамли технологияларни қўллаган ҳолда барча ҳисоб-китоб ишлари тўлик автоматлаштирилган давлат молиясини бошқариш ахборот тизими “ДМБАТ” дастурий мажмуаси воситасида бюджет маблағларнинг сарфланиши, бюджет маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфланиши, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг жамланма харажатлар сметалари ва жамланма штатлар жадвалларининг тўғри тузилганлиги, ташкилотларнинг биринчи даражали харажатларини, яъни иш ҳақи, ижтимоий нафақа, стипендия тўловлари учун маблағларни ўз вақтида ўтказиб берилиши, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан пенсия ва ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинланиши ва тўланиши, бюджет қонунчилигининг бузилиши ҳолатлари аниклаш, худудий молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет қонунчилигига риоя этилишини ўрганиш, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа жамғармалар, шунингдек Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармалар маблағларининг сарфланиши, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари юзасидан тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларини, молиялаштирилган маблағларни ва бажарилган ишлар юзасидан тузилган бирламчи бухгалтерия

ҳужжатларни таҳлил қилиш юзасидан масофадан туриб камерал назоратни олиб боради. Бу эса рақамли иқтисодиёт шароитида бюджет тизими бюджетлари ижросини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиб ахборотлар, маълумотлар ва ҳисоботларни электрон шаклларда йиғиб давлат молияси ҳақидаги ахборотларни шаффофлигини таъминлаш, самарадорлик ва натижадорликка боскичма-боскич эришишга қаратилган фискал сиёсатга ўтиш учун стратегик ёндошиш ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга олиб келади.

Бюджет тизими ҳисоб-китобларини юритишни автоматлаштирилган тизими “UzASBO” дастурий мажмуалари воситасида бюджет тизими мутахассислари барча бюджет ҳисоби операцияларини электрон тарзда юритадилар ва электрон рақамли имзо орқали худудий Ғазначилик бўлинмаларига юборадилар. “UzASBO” иш хаки - дастурий мажмуасида бюджет тизими бюджетларининг иш хаки, стипендия ҳисоб китоби олиб борилади. Бунда иш ҳаки ва стипендияга тегишли бўлган барча операциялар тўлиқ киритилиб хар бир счетларга белгиланган харажатлар моддалари бириктириб чиқилади. Натижада ҳисобланган иш хақи ва стипендияларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлар бўйича сўровномалар шакллантирилиб электрон рақамли имзо орқали худудий Ғазначилик бўлимларига юборилади ва у ерда инсон ресурслари аралашмаган ҳолда сунъий интелект оркали жўнатилган ахборотлар текширилади ва киритилган маълумотлар бир-бирига мос келган тақдирда автомат тарзда тасдиқланади.

“UzASBO” баланс - дастурий мажмуасида бюджет тизими бюджетларининг барча бошланғич ҳисоб китоб операциялари, мемориал ордер рақамлари, ҳисобот шакллари ва баланс шакллантирилади, ҳудди юқоридаги каби инсон омили иштирокисиз текширилиб тасдиқланади.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий ресурслари бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборотлар ва маълумотлар тизимидир. Бюджет тизими бюджетларида рақамли технологияларни қўллашда юқоридаги каби автоматлаштирилган дастурий мажмуаларни янада такомиллаштириш зарур.

Ютуқлар билан бирга муаммолар мавжуд, қилинадиган ишлар кўп, Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв таъкидлаганидек, “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”[1].

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт ақл бовар қилмас катта ҳажмда рақамли маълумотларни, ахборотларни тўплашда давом этар экан бу ўз-ўзидан рақамли малакани ҳам оширишни талаб этади. Айниқса бюджет тизими бюджетларининг мутахасиссларини ахборот технология билимларини оширишни талаб этади.

[1] Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси 24.01.2020 йил.

Ҳозирги кундаги бюджет ташкилотларида бу дастурий мажмуаларни бюджет тизими бюджетларида қўллашда қатор муаммолар учраб турибди. Масалан “UzASBO” баланс - дастурий мажмуасида тўлов контракт – шартномаларини рўйхатга олиш китобида шартноманинг предмети кўринмайди, тўлов контракт ҳисоби бўлимида 3 томонлама юридик ташкилотлар билан тузилган шартномаларда ҳар бир талаба кесимида тўлов -контракт суммаси ҳисобланади. Юридик шахсдан шартномага асосан пул тўланганда эса шартноманинг умумий суммаси бир йула тушади. Бу эса тушган суммани талабалар кесимида даромадга олишда муаммо келтириб чиқаради.

Ўрни келганда яна бир нечта долзарб муаммони айтиб ўтмоқчимиз. Электрон ҳисобот бўлимида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар тўғрисидаги маълумот шакли автомат тарзда тўлдирилмай қўлда тўлдиришга тўғри келади, бюджетдан ташқари счётлар, тўлов -контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисоботида ҳам даромадларнинг жами фақат автомат тарзда тўлдирилиб шаклланиш манбалари кесимида қўлда тўлдирилиб чиқилади. Номолиявий активлар ҳисоботида ҳам автомат тарзда тўлдирилмайдиган қаторлари бор бу каби камчиликлар эса ўз навбатида бюджет ҳисобини юритишда камчиликларга ва хатога йул қўйилишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларидаги “UzASBO” баланс - дастурий мажмуасига киритилган бошланғич маълумотлар асосида автоматлаштирилган шаклда киритилиши мақсадга мувофик бўлади.

С.С. Алиева– к.э.н., доцент, СамИЭС
Ш.Ж. Расулов– докторант СамИЭС

МОДЕЛЬ ОЦЕНКИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ВЛОЖЕНИЙ НА ПРОИЗВОДСТВЕ

Аннотация. Статья посвящена характеристике новых моделей оценки инвестиций, уровню их объективности к демонстрации эффективности реализуемых инвестиционных процессов. Показаны статические и динамические показатели оценки инвестиций в моделях.

Ключевые слова: модель оценки, экономическая эффективность, инвестиции, показатели оценки.

Аннотация. Мақола инвестицияларни баҳолашнинг янги моделлари хусусиятларига, амалга оширилаётган инвестиция жараёнлари самарадорлигини намойиш этиш объективлиги даражасига бағишланган. Келтириб утилган моделларда инвестицияларни баҳолашнинг статик ва динамик кўрсаткичлари ёритилган.

Калит сўзлари: баҳолаш модели, иқтисодий самарадорлик, инвестициялар, баҳолаш кўрсаткичлари.

Abstract. The article is devoted to the characteristics of new investment assessment models, the level of their objectivity towards demonstrating the effectiveness of the investment processes being implemented. Shown are static and dynamic indicators of investment assessment in models.

Key words: assessment model, economic efficiency, investments, assessment indicators.

В настоящее время существуют две новые методики оценки экономической эффективности инвестиций. Первое обусловлено учетом только приведенных затрат посредством использования формулы сложного процентирования. Второе – учетом влияния фактора времени на другие показатели экономической эффективности инвестиций, и на показатели экономической эффективности инвестиций, и на показатели рентабельности производственных фондов и фондоотдачи предприятия не производится.

Некоторыми авторами делались попытки обосновать степень влияния фактора на показатель инвестиции и рентабельности инвестиций методом сложного процентирования. Но никто из этих авторов не дал ответа на вопрос: каково экономическое содержание формулы рентабельности после приведения разновременных притоков инвестиций к конкретному моменту времени?

В соответствии с действующей методикой в расчетах общей (абсолютной) эффективности инвестиций по объектам и отдельным мероприятиям принимается показатель рентабельности как отношение прибыли к инвестиционным вложениям капитала.

Методы расчета эффективности можно разделить на статические и динамические. Первые позволяют судить об экономической эффективности за единицу времени, вторые – за период времени, охватывающий ряд таких единиц. Таким образом, используемые в настоящее время показатели прибыльности инвестиционного вложения капитала и производственных фондов, а также фондоотдачи, являются статическими.

Продолжительность расчетного периода у динамических показателей определяется в каждом конкретном случае в зависимости от целей, преследуемых при оценке эффективности, и может равняться периоду достижения проектных показателей, сроку окупаемости инвестиций, времени ввода в действие объекта и др. При определении эффективности инвестиций на протяжении ряда лет статический показатель прибыльности дает правильные результаты при постоянной величине годовых технико-экономических показателей.

На предприятиях, где величины годовой прибыли изменяются во времени, при установлении величины среднегодовой рентабельности инвестиций на протяжении расчетного периода времени (равного t лет) величина средней годовой прибыли принимается равной отношению суммарных годовых величин как таковой к количеству лет расчетного периода времени. В этом случае прибыльность инвестиций, измеряемая на протяжении расчетного периода времени (t лет), будет представлять собой отношение суммарной величины годовых прибылей к произведению величины инвестиций на величину расчетного периода.

Поясним это положение на примере. Пусть сумма вложенного инвестиционного капитала в новое предприятие составила 10 млрд. сум, прибыль в первый и второй годы его эксплуатации – соответственно, 1,5

млрд. и 2,0 млрд. сум. Величина средней годовой прибыли составляет: $\frac{(1{,}5 \text{ млрд. сум. } 1 \text{ год} + 2 \text{ млрд. сум. } 1 \text{ год}) \times 1\text{год}}{10 \text{ млрд. сум.} \times 2 \text{ года}} = 0{,}175 \ 1/\text{год}.$

Таким же образом величина времени вводится в знаменатель формулы прибыльности производственных активов.

Наличие величины времени в знаменателе формул прибыльности инвестиций и производственных активов обусловлено тем, что время неотделимо от движения. Движение инвестиционного капитала и производственных фондов как условие процесса воспроизводства проявляется в движении стоимости овеществленного прошлого труда в сфере воспроизводства. В самом деле инвестиционный капитал участвует как в сфере производства, так и в сфере обращения. Производственные активы, т.е. фонды, включены в те же процессы, кроме процесса преобразования денежных и материальных средств в действующие средства производства. Таким образом, величина времени в знаменателях формул рентабельности инвестиционного капитала и производственных активов предприятия – это время связывания таковых в процессе воспроизводства.

Назовем произведение величин инвестиционного капитала или производственных активов на время их связывания в процессе воспроизводства величиной связывания таковых в указанном процессе. Следовательно, критерии среднего коэффициента рентабельности инвестиций и производственных активов предприятий на протяжении расчетного периода t (динамические показатели) представляют собой отношение суммарной величины годовых прибылей к величине связывания таковых в процессе воспроизводства. Это определение и является экономическим содержанием динамических показателей прибыльности инвестиционного капитала.

При единовременных затратах всей суммы инвестиционного капитала, вложенного, напр., в строящийся объект, в начале ввода в действие и при вводе в действие фондов в его конце время связывания инвестиционного капитала в процессе ввода в действие равно календарному. На практике же финансирование инвестиций и обеспечение материальными средствами растянуты во времени, а производственные активы чаще всего вводятся в действие поочередно.

При этом величина времени связывания инвестиций в процессах ввода в действие и воспроизводства меньше календарной.

Величина времени связывания инвестиций в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода определяется по формуле:

$$T_{инв.к} = \frac{B_{инв.к}}{\mathrm{N_{max}}}, \qquad (1)$$

где: $T_{инв.к}$ - время связывания инвестиционного капитала в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода (лет); N_{max} - максимальная величина нарастающих итогов инвестиционного капитала, включая преобразованные в действующие производственные фонды, на протяжении расчетного периода (сум); $B_{инв.к}$ - величина связывания

инвестиций в процессе воспроизводства на протяжении расчетного периода (сум-лет).

Величина нарастающих итогов инвестиций в формуле (1) принимается максимальной. Это делается для того, чтобы $T_{инв.к}$ было в любом случае меньше или равнялось продолжительности расчетного периода.

Определение **В** производится следующим образом. В первом году расчетного периода в процессе воспроизводства связывается N_1 х 1 год инвестиционного капитала, во втором – N_2 х 1 год, …., t-м – N_t х 1 год, где N_1, N_2, … , N_t - нарастающие итоги инвестиционного капитала, включая преобразованные в действующие производственные фонды, в 1-м, 2-м, … , t-м годах расчетного периода продолжительностью Т-лет (сум). Причем, t – целое число.

Суммируя приведенные выражения, получим модель первого уровня:

$$B_{инв} = \sum_{t=1}^{T} \mathrm{N_t}\ , \qquad (2)$$

Из формул (1) и (2) следует, что инвестиционный капитал, совершающий движение в процессе воспроизводства, формирует величину и время связывания таковых в указанном процессе. Этот вид является основой для минимизации рассматриваемых показателей.

Формула критерия оценки прибыльности инвестиций на протяжении расчетного периода имеет вид модели второго уровня:

$$\overline{K}_{оэф} P_{инв} = \sum_{□=1}^{T} \left(Ц_□ - C_□\right) / B_{инв}\ , \quad (3)$$

где: $\overline{K}_{оэф} P_{инв}$ - средний коэффициент рентабельности инвестиций на протяжении расчетного периода Т $\left(\frac{1}{год}\right)$: $Ц_1$, $Ц_2$, … , $Ц_t$ и C_1, C_2, … , C_t - соответственно, продукция в оптово-отпускных ценах предприятия (без НДС) и текущие затраты в 1-м, 2-м, …, t-м годах расчетного периода Т $\left(\frac{сум}{год}\right)$.

Из формул (1), (2) и (3) следует, что наряду с минимизацией единовременных затрат и максимизацией прибыли, прибыльность инвестиционного капитала может быть повышена и за счет их перераспределения по годам инвестиционного периода, то есть за счет уменьшения величины и времени их связывания в процессе воспроизводства.

Единство статических и динамических формул рентабельности инвестиций заключается в том, что они имеют одинаковое экономическое содержание.

Отличия же этих формул следующие:

1) разные продолжительности периодов времени для оценки экономической эффективности объекта (при помощи первых можно судить о состоянии исследуемого объекта только в течение года, а для ряда лет – только о постоянной величине инвестиционного капитала и прибыли; при

помощи вторых – об изменении во времени величин инвестиций и прибыли на протяжении ряда лет);

2) первые не учитывают влияния фактора времени, вторые – учитывают.

Выбор той или иной модели оценки эффективности инвестиционных вложений, как правило, зависит от субъективного отношения к такой оценке эксперта, проводящего аналитическую работу, именно поэтому, важна его квалификация, а также добросовестное отношение к своей работе, позволяющим с необходимой достоверностью провести оценку, оказывающую влияние на принятие решений в направлении дальнейшего развития предприятия, в частности, его инвестиционной составляющей.

З.Ж.Саидахмедова – ТМИ катта ўқитувчиси
Ж.Хайитов – СамДУ магистранти

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда инвестициялаш тушунчасининг қўлланилиш амалиёти, унинг иқтисодий мазмуни ва бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги аҳамияти ўрганилган. Инвестициялашни ўстиришдаги мавжуд муаммолар аниқланган ва муҳим тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестиция фаолияти, инвестор, инвестиция турлари, инвестициялаш манбалари, инвестиция объекти.

Аннотация: В статье изучена практика применения понятия инвестиций, ее экономическая сущность и значение в условиях модернизации нынешней экономики. Определены существующие проблемы увеличения объемов инвестиций и разработаны важные предложения.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестор, виды инвестиций, источники инвестиций, объект инвестиций.

Abstract: There is considered in the article the concept of practice investments implementation, itseconomic substance and meaning in terms of economic modernization. As well it is identified existing problems of the investments growth.

Keywords: investments, investment activity, investor, investments types, sources of investment, an investment object.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб қилишда “очиқ эшиклар” сиёсатини олиб борилиши Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизида ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилиши ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда чет эл сармояларини жалб этиш назарда тутилган. Албатта, иқтисодиётимизни юксалтирилишида иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини

рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда келгусида такомиллаштириб бориш зарурдир. Чунки, юқорида таъкидланганидек, чет эл технологияларини олиб келиш ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этиш, корхоналарни техник-технологик янгилаш асносида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларни ташқи бозорда ўз харидорларига эга бўлишини таъминлаш лозим. Муаммонинг ҳозирги вақтда долзарблигини инобатга олиб, уни тадқиқот ишига мавзу сифатида қабул қилинди, мақсад ва вазифалар белгиланди. Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш Иккинчидан, Республика иқтисодиётига кенг жалб қилиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш Учинчидан,хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш Тўртинчидан,маблағларни энг устувор соҳаларга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва мамлакат экспорт имкониятини кенгайтирш кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади ва қуйидагиларни талаб этиш билан белгиланади. Маълумки, жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эриша олган эмас. Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикасида бу сиёсатни қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоқда: - ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш; - республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш; - жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда иқтисодиётнинг замонавий тузилмаларини барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиш; - маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш. Бу борада мамлакатимиздаги мавжуд қонунчилик хорижий самоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар беришини таъминлайди.

Шу ўринда хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизда накадар зарурлигини эътироф этган ҳолда: хорижий сармоядорлар Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсатига, қонун устуворлигига энг асосийси тўлов қобилиятига қодир бўлган кучли шерик сифатида ишончларини қозониш лозим. Бунинг учун иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини такомиллаштириш зарур.

Албатта, мамлакатга инвестиция киритаётган ҳар бир хорижий инвестор унинг бой имкониятлари билангина эмас, балки: - авваламбор, республикада ижтимоий сиёсий вазиятнинг барқарорлиги; - иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ равшанлиги; - республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги; - хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари тўғри белгиланганлиги билан ҳам уларда қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий инвестицияларини жалб этар эканмиз, ички жамғарма манбаларини сафарбар этмасдан ва корхоналарнинг ўзлари фаол инвестиция ишлари билан шуғулланмасдан туриб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади. Инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта қуроллантириш учун маблағ қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилинар экан, бунда бизнинг асосий вазифамиз чет мамлакатлардан келадиган сармояларни ишга солиб, хомашё етказиб берадиган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлантириш орқалигина биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга киритилиши тадбиркорликнинг келажаги сифатида баҳоланди. Ушбу имкониятдан фойдаланиш қандай натижалар бериши асосланди. Белгиланган тадбир ва вазифаларни ечимини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйилди. Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда олдиндан белгилаб олинган тамойилларга асосланган ҳолда инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилди. Хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилди. Имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари белгиланди. Бу борада қуйидагиларни келтириш жоиз: - ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар кам тўлаш ҳуқуқи берилди; - Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этилди; - хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисми солиқдан озод этилди; - ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга олиб кетиш имконияти берилди; - Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун молмулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш рухсати берилди; - жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, хорижликларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишлари таъминланди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан

фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш танлов асосида сотиб олиш белгиланди. Булар билан биргаликда хорижий инвесторларга уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар берилди. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция тарзида ишлатиш, республика банкларида счётга ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб. Бунинг учун эса авваламбор, жойларда қулай шароит яъни, инфраструктура яратмоқ лозим. Чунки, кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфратузилма яратиш керак. Хорижий инвестицияни иқгисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли - ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдан иборат. Иқтисодий ислоҳотларни иккинчи босқичида, чет эл сармояларини жалб этиш амалиёти натижаларини инобатга олган ҳолда, уларни тез фойда келтирадиган соҳаларга кириб келганини ҳисобга олиб, инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи тизимини жорий этишга каратилди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш мақсадида корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизмини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида асосий эътиборни иқтисодиётимизда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга ва тез суръатларда сафарбар этилган хорижий сармоялар эвазига рақобатбардошли моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратилди. Бунинг учун ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилма ўзгаришларга эришиш мумкин. Дарҳақиқат, хорижий шериклар билан мулоқот бошланганда, албатта, улар шерик сифатида сармоя ажратишга тайёр бўлса ҳам, авваламбор ўзга Хорижий инвесторлари билан ҳамкорлик муносабатларининг самараси Энг замонавий технологияларга эга бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини йўлга қўйиш Янги технология, замонавий жиҳозларни, юқори унумли ускуналарини қўлга киритишда Янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш Қўшма корхоналар тузиш, илғор тажрибага эга бўлиш, рақобатни тўғри йўлга қўйиш Замон даражасида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот таннархини камайтириш Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш Бозор талабини қониқтирадиган маҳсулот (хизматларни) етиштиришда Жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан мавқега эга бўлиш Юксалиш ва фаровонликка эришишда Мамлакат хазинасини тўлдириш, мекҳнат эвазига қонуний бойлик орттириш шерик имкониятлари билан қизиқиши табиийдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ички имкониятларни, яъни ички сармояларимизни сафарбар қилиш билан бирга хорижий сармояларни кенг равишда жалб этиш тўғрисида бош қотиришни тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси Ҳукуматимиз томонидан хорижий сармояларни қай даражада жалб этилиши охир-оқибатда иқтисодиётимизни келажагини кўп жиҳатдан аниқлаб бериши тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг келгуси ҳолати кўп жихатдан биз бугун хорижий сармояларни қай даражада кўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Бу борада хорижий сармояларни биринчи навбатда янги технологияларни жорий этилишига ва янги қувватларни ишга туширилишига қаратилиши кўзда тутилади. Хорижий сармояларга баҳо берилганда уларни жуда қийинчилик билан ва узоқ вақт мобайнида белгиланиши[9], ўзининг йўналишини танлов асосида ўзгартириши ҳамда тикилган сармояни кўпайтириши зарурлигини тан олган ҳолда, мумкин бўлган йўқотишлар ҳам бўлишини, аммо капитал капитални кўпайтириши, фойдали тарзда маблағ йиғиб, ундан қўшимча фойда олиши мумкин бўлган майдонни қидиришини, капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмаслигини таъкидлаш мумкин.

Албатта, ҳамма бизнес қилишни, айниқса сармоядорларни ўз бойлигига бойлик қўшишни истайди. Бу эса ўз навбатида сармояларни жалб қилиш учун шароит яратилишини талаб этади. Бунинг учун энг аввало сармоядорнииг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишонч ҳосил қилишига боғлиқ. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилаётган минтақадаги имкониятлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, ресурслар нархнавоси, инфратузилманинг ривожланиш ҳолати, ахборот ишончлилиги, хизмат кўрсатиш яъни алоқа, транспорт ривожланиш ҳолати ва истиқболи ҳамда жозибали лойиҳаларни мавжудлиги инвесторлар қизиқишини янада орттиради. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутади. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари — хорижий инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳуқуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Инвестиция муносабатларининт моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга

солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг характери ҳамда моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характерига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларидан иборат. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар стратегиясининг жуда муҳим шарти сифатида белгиланган бўлиб, кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш учун ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш лозим: биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аник мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Бунда товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш;. - иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни Республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш; - учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш; - тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга - республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-енергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш лозим. Чунки, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.
2. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.81 3. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17 “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил № 3, 2017 www.iqtisodiyot.uz 8
4. Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8. 5. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия», Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.
6. Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. – Калининград, БИЭФ, 2001. С.121. 7. Стахова Л.В. Управление инвестицями-М., 2001. С-356. 8. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьяновлар А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с. 9. Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д. Джонк. Основы инвестирования. -М.: Дело, 2007, С.10.

Ш.Ж.Мамаджанов – Наманган муҳандислик- технология институти катта ўқитувчиси
М.С.Хамроев – СамИСИ таянч докторанти
С.Алибоев – СамИСИ, МДМ -119 магистранти

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ТИББИЙ СУҒУРТАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотатция: Ушбу мақолада тиббиёт соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган тиббий суғуртанинг аҳамияти, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига малакали ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишда тиббий суғуртанинг зарурлиги ва республикамизда мазкур тизимни жорий этиш бўйича мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: мажбурий тиббий суғурта, тиббиёт тизими, шахсий тиббий суғурта, суғурта қопламаси, суғурта полиси, тиббий суғурта жамғармаси.

Аннотация: В статье рассмотрена важность медицинского страхования, являющегося одним из важных факторов развития медицины, необходимость медицинского страхования для защиты здоровья человека, повышения качества квалифицированной и современной медицинской помощи и внедрения этой системы в стране.

Ключевые слова: обязательное медицинское страхование, медицинская система, личное медицинское страхование, страховое возмещение, страховой полис, фонд медицинское страхование.

Abstract: This article discusses the importance of health insurance, which is one of the most important factors in the development of health care, the need to increase the quality of qualified and modern medical care to the population and the need for health insurance in the country.

Keywords: insurance, insurance activity, insurance coverage, insurers, insurance agency, health insurance, insurance policy.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим кўрсаткичлардан бири унинг тиббиёт соҳаси ҳамда унинг қай даражада ривожланганлиги ҳисобланади. Юртимизда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасида талайгина амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур мавзуда мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган тиббий суғуртанинг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтамиз.

Тиббий суғурта хизмати тобора ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига малакали ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда мазкур суғурта турини ташкил этишнинг зарур механизмлари яратилган. Бугунги кунда йигирмага яқин суғурта компаниялари ушбу йўналишда аҳолига суғурта хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Илм-фаннинг кундан-кунга тараққий этаётгани, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар чуқурлашаётгани тиббий суғурта хизмати

кўрсатишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Маълумки, юртимизда мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш мақсадида жорий йилдан тизимнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда ҳамда ушбу жараён 2021 йилдан жорий этиш бошланади ва биринчи навбатда, йирик ташкилотларда мажбурий суғурта таъминланади. Мажбурий тиббий суғурта тизимини ташкил қилиш концепцияси 2018 йилнинг декабрь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган бўлиб, у соҳада режалаштирилаётган ислоҳотлар аҳолининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириб унга молиявий ресурсларни жалб қилиш ва уларни самарали харажат қилишга қаратилган.

Давлат тиббий суғуртасини республикада жорий қилишга йўналтирилган ҳукумат қарори лойиҳаси хорижий тажриба ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, дастлабки босқичда тиббий муассасаларни ахборотлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатиш янги моделини ва тиббий муассасаларни молиялаштиришнинг янги механизмларини тадбиқ этишни ўз ичига олади”

Мажбурий тиббий суғуртанинг 2021 йилда бошланадиган биринчи босқичида тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида жорий этилади. 2023 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида, 2025 йилдан бошлаб мазкур тизим бутун республикамиз бўйлаб амал қилади.

Тиббий суғуртанинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги Қонунини қабул қилишдан қуйидаги масалаларни жорий қилиш ва ҳал этиш кўзда тутилган:

аҳолининг сиҳат-саломатлигини таъминлашнинг профилактика тизимини кучайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш ва ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш;

давлат томонидан кафолатланган ягона тиббий хизматлар ҳажмини беморлар ҳақ тўлаши назарда тутилган хизматлардан аниқ ажратиш, тиббий хизматлар учун норасмий тўловлар даражасини камайтириш;

тиббиёт тизимига йўналтирилаётган молиявий ресурсларни ошириш ва соҳадаги ислоҳотларни қўллаб-қуватлаш;

тиббиёт муассасаларини молиялаштиришининг “ҳар бир даволанган ҳолат” учун ҳақ тўлаш тамойилини жорий этиш билан тиббиёт соҳасида рақобатни рағбатлантириш;

ҳар бир фуқаронинг ўз соғлиғи учун молиявий жавобгарлигини ошириш орқали соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш.

Жаҳон амалиётида тиббий суғуртанинг асосан икки тури, яъни ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта амал қилади. Сўнгги йилларда тиббий хизмат нархлари қимматлашиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолатда аҳолининг заиф қатламларида юқори малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш учун моддий имконият бўлмай қолиши мумкин.

Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий мақсади ҳам айнан юқоридаги муаммони бартараф этган ҳолда, тиббий хизматлардан фойдаланишда барчага бир хил имконият яратиб бериш, содда қилиб айтганда, фуқаро соғлиғи ёмонлашиб қолганда тиббий хизматлар учун бирданига катта миқдордаги маблағни тўлай олмаслик хавфини олдини олишдан иборат.

Мажбурий тиббий суғурта жорий этилиши тиббий хизматлар нархининг арзонлашишига олиб келиб, фуқароларга бир хил нархда хоҳлаган тиббиёт муассасасида сифатли тиббий хизмат олиш имконини беради. Энг асосийси, фуқароларнинг тиббий хизмат учун ўз ҳисобидан тўлайдиган пул миқдори камаяди, бу эса ўз навбатида, мажбурий тиббий суғуртада иштирок этаётган фуқаролар соғлом пайти ҳам суғурта мукофотлари тўлашлари мумкин бўлади.

Тиббий суғуртанинг муҳим афзаллиги шундан иборатки, бугунги кундаги тиббиётдаги муҳим муаммолардани ҳисобланган касаллик бўйича қаерга мурожаат қилиш, врач қабулига ёзилиш, врач ёзиб берган дориларни қаердан топиш ечими осонлашади, дори-дармон, даволаниш харажатлари ва тез тиббий ёрдам харажатлари тўлаш мумкин бўлган харажатлардан анча арзонга тушади.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. 800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашади.

Ривожланган 33та давлатдан 32тасида умумий мажбурий тиббий суғурта тизими жорий қилинган бўлиб, улар қуйидаги 3 турдаги мажбурий тиббий суғуртадан бирини қўллашади, яъни хусусан Буюк Британияда ягона тўлов тизими-давлат соғлиқни сақлаш тизим учун фуқаролардан алоҳида солиқ ундиради. 32та давлатдан 12тасида бу тизим жорий этилса, 6та давлатда эса мажбурий суғурта полиси сотиб олинади.

Мазкур тизим барча фуқаролардан иш берувчи орқали ёки давлатдан мажбурий тиббий суғурта сотиб олишни назарда тутади, ушбу тизим Германия амалиётида кузатилади. Қолган 9та давлатда икки поғонали, яъни давлат бюджети ва хусусий суғурта компаниялари тизими жорий этилган бўлиб, бу тизимда давлат энг асосий тиббий хизматлар учун фуқаролардан солиқ ундиради ва бу тиббий хизматларни бепул таъминлаб беради. Фуқаролар қўшимча тиббий хизматлар учун ўзлари мустақил тўловларни амалга оширишлари мумкин. Буни эса Франция тажрибасида кўришимиз мумкин.

Технологик тараққиёт тиббиётдаги оғриқли масалаларни ҳал қилаётган бўлса-да, кўплаб давлатларда қашшоқлик аҳоли саломатлиги даражаси кўтарилишига йўл қўймаяпти, натижада, очлик ва носоғлом яшаш тарзи миллионлаб одамлар ҳаётини оғирлаштирмоқда.

Ушбу муаммони самарали ечимлардан бири мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш бўлиб, бунда молиявий бақувват бўлмаган аҳолининг барча қатлами ҳам тўлиқ тиббий хизмат билан қамраб олинади. Аммо

саноқли ривожланган давлатларгина ушбу суғурта турини амалиётга муваффақиятли киритган. Чунки тизимни йўлга қўйиш учун тиббиёт бутун мамлакат бўйлаб бир хил даражада ривожланган бўлиши талаб этилади, бундан ташқари бир қанча иқтисодий-ижтимоий омиллар тиббий суғуртани амалиётга татбиқ этишга тўсиқ бўлади.

Тиббий суғурта шундай имкониятки, у нафақат аҳоли саломатлигини кафолатлайди, балки тиббиётдаги оғриқли масалалар (тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси, коррупция, бюрократизм, навбатда туриш, кадрлар тақчиллиги ва бошқалар) ни ҳам ижобий томонга ўзгартира олади.

Амалиётга жорий этилаётган мажбурий тиббий суғурта тизимида аҳолидан умуман пул йиғилмайди, балки барча харажатлар ташкил этилаётган жамғарма ҳисобидан қопланади. Жамғарманинг даромадлари манбаси сифатида давлат бюджети ҳамда аҳолининг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулот (алкоголь, тамаки ва шу каби) ишлаб чиқарувчиларга қўшимча равишда тўловлар жорий қилиш таклифи илгари сурилмоқда.

Амалиётга жорий этилаётган мажбурий тиббий суғуртани бирданига бутун мамлакат бўйлаб жорий этиш эмас, балки, аввал Сирдарё вилоятида эксперимент тариқасида жорий этиб, унинг натижаларидан келиб чиқиб, бошқа ҳудудларга ҳам оммалаштириш кўзда тутилмоқда.

Мавзуни кенгроқ ёритиш учун тиббий суғурта йўналишидаги айрим хорижий давлатларнинг тажрибаларига назар соламиз. Энг ривожланган, бой мамлакатлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак ҳам, тиббиёт тўлиқ бепул бўлишининг имконияти йўқ. Албатта, бу соҳада биз кўпроқ хусусий-давлат шерикчилиги имкониятларидан фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак. Хорижий давлатлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, уларда айрим ҳолатларда 90 фоиз тиббий ёрдам хусусий сектор томонидан кўрсатилади.

Мазкур йўналиш бўйича биринчи ўрин Швецияга тегишли бўлиб, ушбу давлатда иқтисодий кўрсаткичлари ва тоза экологиясидан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам фуқароларига кафолатланган сифатли, қулай ва ҳамёнбоп тиббий хизмат йўлга қўйилган. Соҳага кетадиган харажатларнинг 97 фоизи ҳукумат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиб, 3 фоизигина шведларнинг ўзлари томондан сарфланади. Бунга қарамай, тиббиёт юксак даражада, ўта замонавий асбоб ускуна, профессионал врачлар ва самарали дори-дармонлар билан таъминланган бўлиб, мамлакатда фақатгина тиш даволашга (стоматология) давлат томонидан маблағ ажратилмайди.

Майдони кичик, лекин жуда бой (қиммат) бўлган Швейцария давлати фуқароларининг соғлигига жиддий эътибор беради. Шунинг учун ҳам бу ерда узоқ умр кўрадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич эркакларда-80,5 йил, аёллар-85 йилни ташкил этади. Бунинг сабабларига асосан, швейцарияликларнинг яшаш даражасидаги маиший қулайликлар ва моддий таъминоти яхшилиги боис соғлиги ҳақида қайғуриши ва бошқа омиллар киради. Швецияга ўхшаб тиббиёт тўлиқ бепул бўлмаса ҳам, ҳукумат томонидан харажатларнинг кўп қисми қопланиб туради. Қолган қисмини фуқаролар шахсий тиббий суғурта орқали тўлаб туришади. Ҳар бир швейцар-

нинг суғурта полиси мавжуд.

Осиё давлати ҳисобланган Жанубий Корея тиббиёт соҳаси ривожланган давлатлар қаторига киритилган бўлиб, ҳукумат учун соҳадаги энг катта муаммо-экологиянинг ёмонлиги, унинг оқибатида махаллий халқ ичида кўпгина касалликлар юзага келишидир. Бу ҳолатга жавоб тариқасида, битта тизимга бирлашган соғлиқни сақлаш тизими жорий этилган. Ўз навбатида барча фуқароларга 100 фоиз тиббий назорат ҳуқуқига эгадир.

Япония юқори технологиялар соҳасида тиббиёти энг олдинги ўринларда турувчи давлат бўлиб, мамлакат ўз фуқароларига универсал тиббий суғурта билан таъминлаган. Ишлаётган япониялик иш берувчисидан қўшимча равишда хусусий суғурта олади. Кам таъминланган қатлам учун ҳукумат субсидияси мавжуд бўлиб, улар тиббиёт учун тўланадиган тўловлардан мутлақо озод қилинган.

Давлат тиббий суғуртасини республикада жорий қилишга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳаси хорижий тажриба ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, дастлабки босқичда тиббий муассасаларни ахборотлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатиш янги моделини ва тиббий муассасаларни молиялаштириш янги механизмларини тадбиқ этишни ўз ичига олади.

Концепцияни амалга ошириш ва тажриба-синов лойиҳаси натижасида соғлиқни сақлаш тизимидаги самарасиз харажатлар улушини босқичма-босқич қисқартириш, тиббиёт муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш, аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишга хусусий тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш ҳисобига рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда тиббий хизматлар сифатини оширишга эришиш кутилмоқда.

Мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида тегишли меъёрий ҳужжатлар босқичма-босқич ишлаб чиқилмоқда. Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни тиббий суғурталаш тўғрисида”ги Қонуни, иккинчи босқичда уни бевосита амалга ошириш механизми ва дастакларига суғурта бадалларини тўлаш тартибини таъминловчи қонуности ҳужжатлари учинчи босқичда эса идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилади.

Уни йиллар кесимида ўргандиган бўлсак, суғурталаш республикамизда 2021 йилдан бошлаб 2025 йилгача 3 босқичда жорий қилиш кўзда тутилган бўлиб, қисқа муддатда-тайёргарлик босқичи 2019-2021 йилларни, ўрта муддатли истиқболда-мажбурий тиббий суғуртани жорий этишнинг дастлабки босқичи-давлат ва хусусий ташкилотлар ходимларини суғурталаш 2021-2023 йилларни ҳамда узоқ муддатда-мажбурий тиббий суғуртани кенгайтирилган жорий этиш босқичи-аҳолининг барча қатламларини суғурта билан қамраб олиш 2023-2025 йилларни ўз ичига олади.

Тиббий суғуртанинг фуқаро учун афзаллик томони шундаки, у битта тиббий муассасага, яъни поликлиникага боғлаб қўймайди. Фуқаро қўлидаги

тиббий суғурта полиси билан мамлакатнинг исталган еридаги ўзи хохлаган тиббий муассасага мурожаат қилиши ва тегишли тиббий хизматларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бунинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам катта таъсири бўлиб, мажбурий тиббий суғуртага ўтиш орқали кўплаб одамлар иш билан таъминланиши мумкин, яъни янги суғурта компаниялари ташкил этилади, ҳар бир шифохонанинг ўз молия мутахассислари пайдо бўлиб, кўплаб хусусий тиббиёт муассасалари очилади. Бора-бора тиббиёт соҳаси ўзини-ўзи таъминлашга ўтади ва тиббиёт ҳам солиқ тўловчига айланади. Бу фақатгина доимий равишда нархни ошириб бориш дегани эмас, балки сифатли хизмат кўрсатган тиббиёт муассасалари ривожланиб боради, малакали хизмат кўрсата олмаган муассасалар эса ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Яна бир муҳим жиҳати тиббиёт яхши бўлса, туристлар окими яхшиланади, инвесторлар ҳам кириб келади. Масалан, инвестиция киритилаётган чекка бир жойда инвесторнинг соғлиги ёмонлашиб қолса ва унга яхши тиббий хизмат кўрсатилмаса, инвестор бу ерни тарк этади, чунки саломатлик ҳар бир инсон учун биринчи ўринда туради.

Тиббий суғууртанинг яна бир муҳим жихати шундан иборатки, мажбурий тиббий суғурталашни фақатгина жамғарма томонидан амалга оширилади, суғурта компаниялари эса мазкур жараёнда иштирок этмайди. Чунки халқаро тажрибада улар фақат воситачи вазифасини бажариши мумкин, яъни мижозни топиб, шартнома тузади холос. Молиялаштириш эса жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу жараёнда суғурта компанияларининг иштироки ижобий ҳол, албатта, аммо амалиётда унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташланади. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, ушбу вазиятда суғурта компаниялари аҳолининг соғлом қатламига кўпроқ эътибор бера бошлайди.

Суғурта компанияларининг асосий мақсади фойда олиш бўлгани учун, улар аҳолининг ижтимоий жихатдан кам ҳимояланган қатлами ҳисобланган қариялар ва ногиронларга суғурта полисини расмийлаштиришдан қочишга ҳаракат қилишади, чунки суғурта компанияларининг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, фикримизча ушбу тизимни жорий этишдан олдин тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини бутун республика бўйлаб имкон даражасида бир хил бўлишига эришиш, пойтахт фуқароси билан чекка қишлоқ аҳолисига тенг даражада тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш лозим. Албатта бунга бирдан эришиб бўлмайди ва маълум вақт талаб қилади. Ривожланган давлатларда ҳам мазкур тизимни жорий этиш учун 20-30 йиллаб вақт кетган.

Ўзбекистон шароитида яқин йиллар ичида тизим йўлга қўйиладиган бўлса, албатта, бошида камчиликлардан ҳоли бўлмайди. Лекин энг муҳим жиҳати шундаки, мажбурий тиббий суғурта тиббиёт ва суғурта соҳасининг ривожланиши йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Тошкент.2002 й.
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент, 2019 й.
3. Суғурта агентлари учун қўлланма. Тошкент, 2010 й.
4. https://kun.uz/35774125
5. https://daryo.uz.
6.https://effect.uz.

Хасанова Ю.М. – старший преподаватель Каршинский инженерно-экономический институт
Холмуродов О.Н. – старший преподаватель Каршинский инженерно-экономический институт

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И ЕЁ ВЗАИМОСВЯЗЬ С РАЗВИТИЕМ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Annotatsiya: Maqola O‘zbekistonda investitsiya faoliyati va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish o‘rtasidagi o‘zaro bog'liqlik masalalarini o‘rganishga bag'ishlangan. Raqamli iqtisodiyot umuman iqtisodiyotni rivojlantirishning eng yuqori ustuvor yo‘nalishi hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyot va uning investitsiya faoliyati bilan o‘zaro bog'liqligi, chunki investitsiya investitsiyalari raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga ta'sir qiladi va eng samarali investitsiya vositalari raqamli iqtisodiyot bilan bevosita bog'liqdir.

Kalit so‘zlar: raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, investitsiyalar, investitsiya muhiti, raqamlashtirish, ustuvorlik, moliyaviy investitsiyalar.

Аннотация. Статья посвящена изучению вопросов взаимосвязей между инвестиционной деятельностью и развитием цифровой экономики в Узбекистане. Цифровая экономика является наиболее приоритетным направлением в развитии экономики в целом. Цифровая экономика и её взаимосвязь с инвестиционной деятельностью яляются взаимосвязанными, потому-что инвестиционные вложения влияют на развитие цифровой экономики, а наиболее эффективные инструменты для инвестирвания имеют прямое отношение к цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровизация, цифровая экономика, инвестиции, инвестиционный климат, цифровизация, приоритетқ, финансовые вложения.

Abstract: The article is devoted to the study of the issues of the relationship between investment activities and the development of the digital economy in Uzbekistan. onomy is the highest priority in the development of the economy as a whole. The digital economy and its relationship with investment activities are interconnected, because investment investments affect the development of the digital economy, and the most effective investment instruments are directly related to the digital economy.

Keywords: digitalization, digital economy, investments, investment climate, digitalization, priorityқ, financial investments.

Ключевым аспектом развития нашей страны на сегодняшний день является цифровизация экономики. На сегодняшний день в мире не

существует единого понимания такого явления, как «цифровая» экономика, зато существует множество определений. Технологический прорыв последних лет кардинально изменил не только социальный быт, но и скорректировал общее направление развития человечества, обеспечив огромным набором устройств и программного обеспечения с самым широким функционалом. Однако несмотря на исключительный рост цифровизаци во всех экономически важных отраслях отмечается весьма скромный вклад в экономику страны, среди главных причин которого называют низкие объемы инвестиций.

В Республике Узбекистан в национальную экономику внедряются активно элементы цифровой экономики. Так, в соответствии принятого постановления Президентом Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёевым от 3 июля 2018 года № ПП 3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» которое представляет собой документ о всесторонней стратегии развития информационных технологий в стране на ближайшее десятилетие. Как отмечает Президент Узбекистана Ш. М. Мирзиёев в своем послании к Парламенту страны: «…в целях устойчивого развития мы должны глубоко освоить цифровые знания и информационные технологии, это даст нам возможность идти по самому короткому пути к достижению всестороннего прогресса. В современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах. Широкое внедрение цифровых технологий способствует эффективности государственного и общественного управления, развитию социальной сферы, одним словом, кардинальному улучшению жизни людей [1].

Инвестиции являются одной из наиболее сложных и динамичных сфер с точки зрения правового регулирования в современной экономике. В частности, правовое обеспечение инвестиционной деятельности в регионах Республики Узбекистан имеет большое значение для создания условия их социально-экономического развития и повышения уровня жизни населения. Законодательная деятельность должна выступать одним из инструментов инвестиционной стратегии регионов, являющейся базой улучшения инвестиционного климата региона [2]. В этой связи, инициативная роль представительной власти в лице Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, который представляет интересы регионов, в отличие от Законодательной Палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, должна повышаться для обеспечения интересов и специфики каждого региона страны, особенно во время разработки предложения по совершенствованию правовой базы инвестиционной деятельности.

Данная тема актуальна тем, что в ней определена важность роли инвестиций в развитии цифровой экономики. Потому-что, что развитие цифровой экономики невозможно без капитальных вложений, при этом отдача от результатов цифровизации не только высокорентабельная, но и имеет относительно небольшие сроки окупаемости, что делает развитие цифровой экономики инвестиционно привлекательным. Вместе тем

отсутствие стабильности на рынке инвестиций и в инвестиционном климате приводит к их минимизации вложений, что не дает достаточного стимула к дальнейшему развитию.

Одним из ключевых моментов развития любого социально-экономического направления, в том числе и цифровой экономики, является привлечение инвестирования, размер и доступность которого напрямую зависит от инвестиционного климата страны. Об этом пишут, в частности, З.А. Авласко и П.В. Авласко [3], последовательно раскрывая показатели эффективности инвестиций, в том числе внутренние затраты на исследования и разработки, индикаторы стратегии инновационного развития, обороты предприятий, износ основных фондов и другие.

Значимость роста цифровой экономикой и необходимость инвестиций в нее выявлена и обоснована. Стоит также отметить, что цифровая экономика, в своем развитии, дает толчок для перехода на более качественный технико-технологический уровень. Отсюда очевидна и взаимосвязь цифровой экономики и инвестиционной деятельности (рисунок 1). Как правило, в связи с утвержденными в сфере инвестирования выделяют два основных источника: государственные и частные. Каждое из этих источников инвестирования нуждается в различных направлениях цифровизации.



Рисунок 1 – Взаимосвязь цифровой экономики и инвестиционной деятельности

Так, для государства, в первую очередь, наиболее актуальными задачами является перевод в цифровой формат государственных услуг, формирование современной техногенной городской среды и повышение финансовой грамотности населения. Кроме этого, исследователями выделено ряд проблем, решение которых позволит существенно улучшить процесс цифровизации экономики, выведя темпы развития на новый, более высокий уровень. К ним относятся:

1) необходимость комплексного перехода к цифровизации ряда отраслей и видов деятельности, что позволит преодолеть разрывы в деятельности экономических субъектов;

2) увеличение вариантов цифровых решений в различных секторах экономики.

Очень важным на наш взгляд, является разработка такого механизма, при котором инвестиционная деятельность будет согласована с инновационной деятельностью и будет включать следующие составляющие:

- корректировку действующего законодательства, а также разработку новых нормативно-правовых документов регулирующих вопросы привлечения инвестиций в инновационную деятельность;
- создание и координацию работы научно-технического совета по отбору инновационных проектов для участия в международных программах финансирования;
- оказание и поддержка консалтинговых услуг инновационных субъектов по вопросам привлечения инвестиций.

В заключение следует отметить, что разработка инвестиционных программ и дальнейшее повышение инвестиционной привлекательности республики и регионов при подготовке нормативных правовых актов, указов Президента, указов, постановлений Кабинета Министров и других соответствующих нормативных правовых актов, использование предложенных вариантов при разработке комплекса мер по развитию поможет повысить привлекательность инвестиционного климата в регионах.Таким образом, государство принимает разнообразные меры по привлечению инвесторов, делая большую ставку именно на зарубежные инвестиции, что позволит осуществить программу по развитию цифровой экономики и, осуществлению заметных позитивных преобразований в экономике страны.

Список использованной литературы:

1.Мирзиёев, Ш. М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису/ Народное слово, 24 января 2020 г.

2.Курпаяниди, К. И. Пути активизации внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан в условиях глобализации // Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. 2018. № 6 (32).

3.Авласко З.А., Авласко П.В. Оценка показателей эффективности инвестиций в научные инновации и разработки в РФ в условиях цифровой экономики. Международный студенческий научный вестник. – 2018. – № 4-6. – С. 884-888.

Н.Ш. Шавкатов– Тошкент молия институти таянч докторанти

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АМАЛИЁТИ ОРҚАЛИ ХУСУСИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИНИ ОШИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада давлат хусусий шериклик амалиёти орқали хусусий сектор маблағлари ҳисобидан мамлакат инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтиришга, давлат-хусусий шериклик лойиҳларини амалга оширишда хусусий секторнинг аҳамиятига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Давлат-хусусий шериклиги, минимал дароамадлилик, капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати, ички даромадлилик меъёри, соф жорий қиймат.

Аннотация: В статье представлены научные предложения и практические рекомендации, направленные на развитие инфраструктуры страны за счет частного сектора через практику государственно-частного партнерства, роль частного сектора в реализации проектов государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: Государственно-частное партнерство, минимальная доходность, средневзвешенная стоимость капитала, внутренняя норма прибыли, чистая приведенная стоимость

Abstract: This article presents scientific proposals and practical recommendations aimed at the development of the country's infrastructure at the expense of the private sector through the practice of public-private partnership, the role of the private sector in the implementation of public-private partnership projects

Keywords: Public-private partnership, minimum profitability, weighted average cost of capital, internal rate of return, net present value.

Маълумки, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишда асосий ички манбалар бу энг аввало давлат ва шу мамлакатда фаолият юритаётган хусусий бизнес субъектлари ҳисобланади. Шу учун ҳам иқтисодчи олимларнинг таъкидларига кўра, давлат билан хусусий секторнинг хўжалик юритишдаги ҳамкорлиги - бу кенг қамровдаги фаолият соҳаларида ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган институционал ва ташкилий хамкорликдир. Жамиятдаги очлик, қашшоқлик, ижтимоий нотенглик каби муаммолар қисқа муддатда ҳал қилиш имконинг мавжуд эмаслиги туфайли давлат ва хусусий сектор орқали шериклиги орқали узоқ муддатли инвестицион ва бошқарув стратегияларни амалга ошириш орқали мамлакатда юқори ижтимоий қиймат яратилиши мумкин[1]. Давлат-хусусий шериклиги - бу илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир. Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга оширишдан эришиладиган самарадорликни 3 тург ажратилиши мумкин:

1. Иқтисодий самара - кўп ҳолларда хусусий тармоқ эришадиган фойда назарда тутилади. Хусусий сектор шериклик муносабатларида иштирок этиши натижасида яратиладиган қўшимча қиймати айнан иқтисодий самарада акс этиши мумкин.
2. Сиёсий самара - давлат-хусусий шериклик натижасида давлат томонидан ички ва ташқи сиёсатда кўзланган мақсадларга эришиши тушунилади.
3. Ижтимоий самара – давлат-хусусий шерикликни амалга оширилиши натижасида мамлакатда инфратузилмани ривожланиши, транспорт-коммуникация тизимини яхшиланига, қўшимча иш ўринларини яратилиши каби жиҳатлар ҳисобга олинади.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузати-

[1]Howard W. Buffet and William B. Eimicke. Social value investing: a management framework for effective partnerships. , Columbia Uniwersity Press, 2018

шимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади.

“Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб етарлича бўлмаган ёки етарлича ишламайдиган инфратузилма юзага келтираётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳукуматлар ва бизнес томонидан ечилиши давр талаби бўлмоқда”[1]. Шу жиҳатдан, Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллар транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг етарлича ривожланмаганлиги, ҳамда ушбу тармоқларда инфратузилма объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг етишмаслиги ва замонавий техҳнологияларни жалб этиш даражасининг пастлиги асосий муаоммолардан ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда дунё амалиётида энг самарали усуллардан бири давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

Илмий тадқиқотларга кўра иқтисодиётга хусусий сектор томонидан қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ошиши иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар учун ЯИМ сезиларли даражада ошишига хизмат қилади. Хусусий сектор маблағларидан фойдаланган ҳолда инфратузилмани яхшилаш ривожланаётган давлат иқстисодий тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра 2010-2019 йиллар оралиғида иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда хусусий сектор иштирокида инфратузилма лойиҳаларига йўналтирилган инвестициялар динамикаси қуйидагича акс этган (1-расм).

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, ривожланаётган малакатларда инфратузилма лойиҳалари молиялаштирилган хусусий сектор иштирокидаги инвестициялар ҳажми 2019 йилда 96.7 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 409 лойиҳа амалга оширилган. 2018 йилга қараганда 3 фоизга камайиш кузатилган, шунингдек, 2019 йилда сўнги 5 йилликдаги ўртача 103.5 млрд.АҚШ долларидаги миқдорга нисбатан 7 фоизга пасайиш қайд этилган. Келтирилган 10 йилликдаги энг паст кўрсаткич 2016 йилда 76.8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. 2019 йилда амалга оширилган лойиҳалар сони 2018 йилга қараганда 4 фоизга пасайган бўлсада, 2016 ва 2017 йилларда мос равишда 386 ва 353 та амалга оширилган бўлиб, ушбу миқдорларга нисбатан 16 ва 6 фоизга мос равишда ўсиш кузатилган. 2019 йилда амалга оширилган 409 та лойиҳанинг 160 таси ёки 40 фоизи хорижий инвесторлар томонидан амалга оширилган ва ушбу йилга тўғри келган инвестиция маблағларининг 55 фоизи хорижий хусусий компаниялар ҳиссасига тўғри келади. Сўнги 10

[1] Atamurodov T., Hamroyev B. Xususiy tarmoq va davlat hamkorligi. Monografiya, Toshkent moliya instituti. –T.: ―Iqtisod-Moliya‖, 2013. - 96 b.



1-расм. 2010-2019 йилларда ривожланаётган мамлакатларда хусусий-сектор иштирокида инфратузилмага инвестициялар ва лойиҳаларини амалга оширилиши[1]

йиллик давомида хусусий сектор инвестициялари инфратузилмани риволантиришга йўналтирилмаган давлатлар Белоруссия, Белизе, Кабо Верди, Камарос, Куба, Малави, Судан ва Ўзбекистон Республикаларида 2019 йилда хусусий сектор иштирокида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жараёнлари кузатилди[2]. Шунингдек, Жаҳон банкининг 2019 йилдаги ҳисоботида "Ўзбекистон 2019 йилда мамлакатда илк бор энергетика соҳасида давлат-хусусий шериклиги асосидаги лойиҳа учун хусусий инвестор танлашда тендери ғолибини эълон қилди. Шунингдек, келгуси 10 йилда 25 та қуёш энергиясига асосланган лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Мамлакат 2019 йилда давлат-хусусий шериклик муносабатларининг ҳуқуқий асосларини қабул қилди. Мамлакатда хусусий инвесторларни инфратузилмани молиялаштиришга жалб этиш амалиёти охирги йилларда яхши ривожланаяпти ва булар глобал инвестициялар бозорига яхши сигнал бўлиб хизмат қилмоқда"[3] деб келтирилади.

Ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан биридир. Инфратузилманинг етарли даражада шаклланмаганлиги иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади, аҳоли учун кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади ва тадбиркорлик фаолияти жадъаллигини пасайтиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда давлат-хусусий шериклиги асосида дунё амалиётида мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик муносабатлари мамлакат иқтисодиётини

[1] Private Participation in Infrastructure (PPI), The World Bank annual report, 2019/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
[2] Private Participation in Infrastructure (PPI), The World Bank annual report, 2019.p-5.
[3] Private Participation in Infrastructure (PPI), The World Bank annual report, 2019.p-12.

ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади;

Давлат-хусусий шериклик энг аввало давлат ва хусусий сектор(бизнес)нинг инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашувидир. Бундай ҳамкорликда муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Айни дамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равшан қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимдир. Шу билан биргаликда, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, бу борада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаш, давлат-хусусий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаш долзарб ҳисобланади.

N.X.Ruzibayeva – SamISI katta o‘qituvchisi,
J.A.Haydarov – SamISI kengash kotibi

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH SHAROITIDA MOLIYAVIY INNOVATSIYALAR

Annotatsiya. Maqolada raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga ta'sir qiluvchi asosiy omillar tasniflagan, shuningdek, raqamli texnologiyalarga sarmoyalar kiritish orqali korxonalarning ish unumdorligini oshirish va biznesning raqamli o‘zgarishiga olib keladigan kanallar taklif qilingan.

Kalit so‘zlar: innovatsiya, raqamli texnologiyalar, raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, blockchain.

Аннотация. В статье классифицированы основные факторы, влияющие на развитие цифровой экономики, а также предложены каналы, которые могут повысить производительность предприятий за счет инвестиций в цифровые технологии и привести к цифровой трансформации бизнеса.

Ключевые слова: инновации, цифровые технологии, цифровизация, цифровая экономика, блокчейн.

Annotation. The article classifies the main factors affecting the development of the digital economy, and also proposes channels that can increase the productivity of enterprises through investments in digital technologies and lead to the digital transformation of business.

Key words: innovation, digital technologies, digitalization, digital economy, blockchain.

Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi nafaqat iqtisodiyotda, shuningdek jamiyatning o‘zida ham tub o‘zgarishlarni yuzaga keltiradi. Shunday ekan, axborot narxining pasayishi tufayli raqamli texnologiyalar davlat, kompaniyalar va jismoniy shaxslar uchun iqtisodiy va ijtimoiy operatsiyalar narxini sezilarli darajada pasaytiradi, innovatsiyalarni rag'batlantiradi, bunda tranzaksiya

xarajatlari deyarli nolga tenglashadi va samaradorlikni keskin oshiradi, mavjud faoliyat va xizmatlar arzonlashadi, tezroq yoki qulayroq bo‘ladi. Va nihoyat, raqamli texnologiyalar integratsiyani osonlashtiradi: ya’ni, odamlar ilgari ular uchun mavjud bo‘lmagan xizmatlardan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ladilar[1].

AKT va raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish maqsadida 2020 yil 28 aprelda Prezident "Raqamli iqtisodiyotni va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g'risida"gi qarorni imzoladi, unda yangi rivojlanish maqsadlari va vazifalari belgilab qo‘yildi. Farmon, xususan, raqamli iqtisodiyotni jadal shakllantirishni va uning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2023 yilga qadar 2 baravar ko‘paytirishni shuningdek, "Elektron hukumat" tizimini rivojlantirish va elektron davlat xizmatlari ulushini 2022 yilgacha 60 foizga etkazishni nazarda tutadi[2]. Dasturiy mahsulotlar ishlab chiqarish va texnologik platformalar yaratish orqali "raqamli tadbirkorlik"ni rivojlantirish ustuvor yo‘nalishlar qatorida ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravarga oshirish, ularning eksportini 2023 yilgacha 100 mln. dollarga etkazish belgilangan[3].

Rivojlanayotgan iqtisodiyotlarda sanoat ishlab chiqarishining o‘sishi, boylik va aholining o‘sishi texnologiyaga bo‘lgan talabni kuchaytirdi. Shu bilan birga, rivojlangan iqtisodiyotlarda investorning yuqori rentabellikga intilishi xarajatlarni tejashga va katta moliyaviy innovatsiyalarga bo‘lgan ehtiyojni oshiradi. Joylashuvidan qat'i nazar, o‘sishni istagan kompaniyalar rivojlanayotgan iqtisodiyotning qismlari - raqamli bozor va rivojlanayotgan dunyo bilan o‘zaro aloqada bo‘lishi kerak. Bu rivojlanayotgan va rivojlangan iqtisodiyotlarda raqamli bozorni rag'batlantirib, ijobiy tezlikni yaratadi. Bugungi o‘zaro bog'liq sharoitda texnologik taraqqiyotning ushbu mohir doirasi bozorni tezkor o‘zgarishiga olib kelishi mumkin. Tarixga nazar tashlaydigan bo‘lsak, rivojlangan iqtisodiyotdagi aksariyat tashkilotlar ichki strategiya doirasida modernizatsiya qilinib, avval o‘z chegaralarida rivojlanib, so‘ngra boshqa mamlakatlarda o‘z bizneslarini takrorlaydilar. Texnologiyalar global kapitalga va boshqa manbalarga kirishni juda osonlashtiradi, rivojlanayotgan mamlakatlar kompaniyalariga global bozor uchun o‘z strategiyasini tezda rejalashtirishga imkon beradi.

Raqamli innovatsiyalar raqamli iqtisodiyot va jamiyat rivojlanishini rag'batlantiradi, ko‘plab sohalarda ishlanmalarni qo‘llashga imkon beradi va iqtisodiyotning o‘zgarishiga olib keladi. Yunonistonlik amerikalik IT mutaxassisi Nikolas Negroponte tomonidan "raqamli iqtisodiyot" atamasi tilga olinganidan so‘ng, bu atama juda ko‘p o‘zgarishlarga duch keldi. Bugungi kunda u ham mashhur, ammo ilmiy jamoatchilikda uning yagona ta'rifi mavjud emas. Ushbu atamaning mohiyatini to‘liq tushunish uchun yana bir nechta vakolatli ta'riflarni berish foydali bo‘ladi.

Gartner[4] tahlilchilari raqamli iqtisodiyot tashkilotlarda raqamli mahsulotlar, xizmatlar va aktivlar bilan bog'liq qiymatni yaratish, iste'mol qilish va boshqarish bilan bog'liq deb hisoblashadi.

[1] Word Bank. World Development Report 2016: Digital Dividends / Word Bank Group, 2016.
[2] https://review.uz/post/cifrove-investicii-rost-na-fone-pandemii
[3] https://stat.uz/
[4] Gartner – AQShning axborot texnologiyalari bozorlariga ixtisoslashgan tadqiqot va konsalting kompaniyasi.

The Boston Consulting Group[1] ma'lumotlariga koʻra, raqamli iqtisodiyot - bu iqtisodiy tizimning barcha ishtirokchilari (jismoniy shaxslardan tortib yirik kompaniyalar va shtatlarga qadar) tomonidan onlayn imkoniyatlar va innovatsion raqamli texnologiyalardan foydalanish.

OECD raqamli iqtisodiyotni elektron tijorat orqali tovarlar va xizmatlar savdosini engillashtiradigan raqamli bozor deb ta'riflaydi. Jahon banki guruhi tomonidan berilgan ta'rif qiziq: raqamli iqtisodiyot - bu tezlashtirilgan iqtisodiy rivojlanish uchun yangi paradigma. Raqamli texnologiyalar bizning turmush tarzimizni, ishimizni, iste'molimiz va tovar va xizmatlarni ishlab chiqarishni oʻzgartirmoqda. Bugungi kunda raqamli iqtisodiyotning eng muhim tendentsiyalaridan biri bu bulutli hisoblash, blockchain texnologiyasi, rivojlangan robototexnika, rivojlangan analitika, biotexnologiya, ijtimoiy tarmoqlar, uch oʻlchovli (3D) bosib chiqarish, kengaytirilgan va virtual haqiqat, keng polosali Internet va simsiz mobillik.

Keng miqyosli transformatsiyaning asosiy sabablaridan biri bu moliyaviy xizmatlar sohasida ham, umuman inson, davlat va kompaniya hayotida raqamli texnologiyalarning rolini kuchaytirishdir. Moliyaviy xizmatlar iste'molchilar uchun muhim segmentlardan biri, shuningdek, asosiy tarmoq ekanligi sababli, koʻplab yangiliklar (moliyaviy texnologiyalar) va moliyaviy yutuqlardan, masalan, reestr texnologiyasi yoki identifikatsiyalash tizimlaridan kelib chiqadigan asosiy yutuqlar va oxir-oqibat texnologiyalar.

Moliyaviy xizmatlar iste'molchilar uchun muhim segmentlardan biri, shuningdek, asosiy tarmoq hisoblanganligi sababli, koʻpgina innovatsiyalar (moliyaviy texnologiyalar) ham, fundamental yutuqlar va oxir-oqibat texnologiyalari ham aynan moliyaviy rivojlanish natijasida paydo boʻldi. Biroq, tashqaridan kelgan bir qator texnologiyalar (masalan, kvant texnologiyalari yoki robototexnika komponentlari) sanoatni sezilarli darajada oʻzgartirmoqda. Bularning barchasi moliyaviy xizmatlar sanoatida biznes modellari va biznes jarayonlarini oʻzgartiradigan raqamli oʻzgarishga olib keladi.

Raqamli iqtisodiyotning YaIMdagi ulushi Oʻzbekistonda 2,2 foizni tashkil etadi. Shu bilan birga, oʻrtacha optimal koʻrsatkich 7-8% ni, Buyuk Britaniyada bu 12,4%, Janubiy Koreyada - 8%, Xitoyda - 6,9%, Hindistonda - 5,6%, shu bilan birga Rossiya - 2, 8%, Qozog'iston - 3,9% tashkil qiladi[2].

Texnologiyalarning rivojlanishini taxminan ikkita asosiy yoʻnalishga boʻlish mumkin. Birinchi yoʻnalish - deyarli har qanday biznes sohasida ishlatilishi mumkin boʻlgan asosiy uchidan oxirigacha texnologiyalarni ishlab chiqish. Ikkinchisi - aniq tarmoqlar va tarmoqlarga moʻljallangan texnologiya va ixtisoslashtirilgan texnologiyalarning oʻziga xos dasturlarini ishlab chiqish. Ikkinchisiga, xususan, fintex[3], shuningdek moliyaviy xizmatlar sohasidagi ba'zi

[1] The Boston Consulting Group – 50 ta mamlakatda 90 ta ofisga ega bo'lgan eng yirik xalqaro konsalting kompaniyalaridan biri. Qo'shimcha qiymat qo'shadigan loyihalar, strategiyalar, innovatsiyalar, raqamli texnologiyalar va boshqalarga ixtisoslashgan.

[2] Юрий Кутбитдинов. Цифровая экономика в цифрах и сопоставлениях. Экономическое обозрение №10 (238) 2019

[3] Moliyaviy texnologiyalar maʼnosida

jarayonlarni o‘zgartirishga qaratilgan moliyaviy texnologiyalar kiradi. Fintex mavjud kompaniyalar doirasida va bozorning yangi ishtirokchilari doirasida va umuman texnologiyalarni rivojlantirishda kuchli kompaniyalar ichida paydo bo‘lishi mumkin. Biroq, turli mamlakatlarda moliyaviy texnologiyalar butunlay boshqacha tarzda rivojlanmoqda.

Raqamli texnologiyalar turli sohalarda samaradorlikni oshirishga, kompaniyalarga foyda va bozor ulushini ko‘paytirishga imkon berib, doimiy innovatsiyalarni rivojlantirishga qodir. Raqamli kompaniyalar zamonaviy axborot texnologiyalaridan raqobatdosh ustunlik sifatida foydalanadilar va uzoq muddatli o‘sishga e'tibor berishadi. An'anaviy kompaniya raqamli biznesni o‘zgartirish yo‘lidan o‘tadi va bozorga yangi raqamli mahsulotni taklif qiladi. Kompaniyalar raqamli transformatsiya sarmoyalarini mijozlarga xizmat ko‘rsatish darajasini oshirish nuqtai nazaridan baholashlari kerak.

Biznesning asosiy qiymati - bu uning butun mijozlar bilan ishlash tsikli davomida bitta mijozdan oladigan foydasi. Bugungi kunda foydalanuvchining sayohatini kuzatish, uni jalb qilish va o‘zgaruvchan ehtiyojlarga moslashish muhim ahamiyatga ega. Ushbu jarayonlar mijoz bilan muloqot qilish, uning afzalliklari asosida shaxsiy xizmatlarni taklif qilish imkonini beradigan katta miqdordagi ma'lumotlarni avtomatlashtirish va tahlilisiz amalga oshirish mumkin emas. 1 – rasmda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga ta'sir qiluvchi asosiy omillar ko‘rsatilgan.



1 – rasm. Raqamli iqtisodiyotning tarkibiy qismlari

Moliyaviy innovatsiyalar ekotizimlar tomonidan boshqariladi. Bozorning individual ishtirokchilari platformaviy biznes modellarida ishlashni yoki boshqacha

ishlashni tanlashlari mumkin bo‘lsa-da, umumiy tendentsiya - keyingi avlod moliyaviy xizmatlari ekotizimga aylanib bormoqda. Ekotizimlar alohida elementlardan foydalangan holda sanoatni shakllantirishga kompleks yondashishni nazarda tutadi. Ekotizim yondashuvi kompaniyalar uchun raqamli transformatsiya strategiyasini amalga oshirish uchun markaziy hisoblanadi. Raqamli transformatsiyani raqamlashtirish va axborotlashtirishdan ajratib turadigan narsa, avvalambor, uning biznes yo‘nalishlarini ilgari ma'lum bir korxona bilan bog'liq bo‘lmagan yangi sohalarga diversifikatsiya qilishdir, ya'ni yangi biznes modellari va mahsulotlarni qidirish raqamli xizmatlar va texnologiyalarning kirib borishi. Ekotizimning markaziga aylanishga intilayotgan kompaniyalar bozorning kattaroq segmentini qamrab olishi, mijozga xizmat so‘rovini shakllantirishdan tortib to mahsulot yoki xizmatni olganidan keyin mijozning sadoqatini saqlab qolish bilan yakunlanishi kerak[1].

Moliyaviy innovatsiyalar ushbu o‘n yillikning boshida moliyaviy xizmatlar sohasini o‘zgartira boshladi va shu o‘n yillikning oxiriga kelib, aksariyat kompaniyalar uchun ham yirik etakchi bozorlarda, ham rivojlanayotgan moliyaviy xizmatlar bozorlarida katta paradigma o‘zgarishiga olib keldi. Shunday qilib, raqamlashtirish butun iqtisodiyot uchun turli xil oqibatlarga olib kelishi mumkin. Uning foydasi yuqori tashkiliy va inson kapitali yuqori darajadagi bilimlarni talab qiladigan firmalar orasida katta bo‘lishi mumkin. Biroq, rivojlangan iqtisodiyotlarda va hatto raqamlashtirishning umumiy ko‘rsatkichlari bo‘yicha yuqori darajadagi mamlakatlarda ham mahsuldorlikning tezlashib borayotganining bir necha belgilari mavjud.

Xulosa qilib aytish mumkinki, raqamli iqtisodiyotda moliyaviy innovatsiyalar, iqtisodiy o‘sish va ijtimoiy farovonlikning kuchli katalizatori bo‘lib, uning O‘zbekistonda rivojlanishi zamonaviy davr talabidir. Raqamlashtirishni chuqurlashtirish va kengaytirish jahon iqtisodiyotidagi ichki iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshiradi, innovatsion iqtisodiyot va intellektual salohiyat darajasiga bosqichma-bosqich o‘tish uchun sharoit yaratadi, shuningdek, moliyaviy innovatsiyallarni amaliyotga joriy etish aholi turmush darajasi va sifatini yaxshilaydi. Raqamli iqtisodiyotga o‘tishni samarali boshqarish uchun siyosatchilar qisqa va o‘rta muddatli istiqbolda iqtisodiyotning yangi muammolar va imkoniyatlarga moslashuvchanligini ta'minlashlari kerak.

[1] Финансовые рынки в условиях цифровизации: монография / Криничанский К.В., под ред. – Москва: Русайнс, 2020. - 371 с.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

M.Q.Pardayev – SamISI professori, i.f.d.
Sh.V.G‘aniyev – TMI, «Byudjet hisobi va g‘aznachilik ishi» kafedrasi dotsenti

BYUDJET HISOBINI TASHKIL ETISHDA DAVLAT SEKTORI UCHUN MOLIYAVIY HISOBOT XALQARO STANDARTLARIDAN FOYDALANISH MASALALARI

Annotatsiya: Maqolada byudjet hisobini tashkil etishda davlat sektori uchun moliyaviy hisobot xalqaro standartlarining shakllanishi, xalqaro standartlari Kengashining ishlab chiqishga mas’sulligi bo‘yicha takliflar berilgan.
Kalit so‘zlar: Byudjet, standart, davlat sektori, xalqaro standart, kontsepsiya, kassa usuli, modifikatsiya.
Аннотация: На данной статье рассмотрены вопросы роль и места МСФОГС при ведении бюджетного учета, подготовлены предложении по повышению ответственности Совета по подготовке международных стандартов финансовой отчетности.
Ключевые слова: бюджет, стандарт, государственный сектор, международный стандарт, концепция, кассовый метод, модификация.
Abstract: The article makes suggestions on the formation of international standardization of public sector reporting in the budget organization and it helps to increase the responsibility for the development of the Council of International Standards.
Keywords: budget, standard, public sector, international standard, concept, accrued method, modification.

Byudjet ijrosining tashkiliy jarayonida aktivlar va majburiyatlarning, shuningdek mazkur aktivlar va majburiyatlarni o‘zgartiruvchi operatsiyalarning holati to‘g‘risidagi ma’lumotni to‘plash, ro‘yxatdan o‘tkazish va umumlashtirishning tartibga solingan tizimi bo‘lgan byudjet hisobini yuritishga qo‘yilgan yagona kontseptual talabni byudjet hisobi uchun Davlat sektorining moliyaviy hisobot xalqaro standartlari belgilaydi.

Jumladan, byudjer tizimida hisob siyosatini shakllantirishga qo‘yiladigan talablar, hisob ob’yektlarini tan olish me’zonlari, baholash, hisobotlarda aks ettirish me’yorlarini belgilab beradi.

O‘zbekiston Respublikasi davlat sektorida ham buxgalteriya hisobi va hisobotini takomillashtirish byudjet tizimida amalga oshirilayotgan islohatlarni asosiy yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilandi va kontseptsiya qabul qilindi.

Kontseptsiyaga ko‘ra byudjet hisobi standartlarini qabul qilish belgilandi.



Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari Xalqaro buxgalterlar uyushmasi tarkibidagi Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari Kengashi tomonidan ishlab chiqiladi. Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari Kengashi a’zolari Xalqaro buxgalterlar uyushmasi tomonidan tayinlanadi. Jami 18 nafar a’zo bo‘lib, 15 nafari Xalqaro buxgalterlar uyushmasi tomonidan, 3 nafari jamoatchilikdan tavsiya etiladi. Kengashning jamoatchilik a’zolari har qanday shaxsdan yoki tashkilotdan tavsiya etilishi mumkin. Bundan tashqari Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari Kengashiga cheklangan miqdorda davlat sektorida moliyaviy hisobotga manfatdor organlardan kuzatuvchilar tayinlanadi va ular yig‘ilishda fikr bildirish huquqiga ega lekin ovoz berish huquqiga ega hisoblanishmaydi.

Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari Kengashi tomonidan maslahat guruhi tashkil etiladi va ular ishchi guruh hisoblanib ovoz berish huquqidan foydalanmaydi. Maslahat guruhi rahbari bo‘lib, Kengash raisi hisoblanadi.

Byudjet hisobini tashkil etishda Davlat sektori uchun moliyaviy hisobot xalqaro standartlaridan foydalanish masalalarini hamda mablag‘larning sarflanishini va shaffofligini ta’minlash muhim hisoblanadi. Jumladan, mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Oliy majlisiga murojaatnomasida “Parlament nazoratining ta’sirchan shakllaridan biri bo‘lgan Davlat byudjetini qabul qilish va uning ijrosini ko‘rib chiqishga alohida ahamiyat berishimiz zarur”[2] – deb ta’kidlaganlari Davlat sektorida buxgalteriya

[1] Mualliflarning ilmiy izlanishi natijasida tayyorlangan.
[2] O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga

hisobi xalqaro standartlari butun jahonda moliyaviy hisobot standartlarining yaqinlashishida, kelishuvida va yanada yaxshilanishida muhim rol o‘ynadi.



2-rasm. Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari Kengashi tononidan amalga oshiriladigan asosiy vazifalar[1]

Ulardan quyidagi maqsadlarda foydalaniladi:

- ko‘pchilik mamlakatlarda hisob va hisobotga qo‘yiladigan milliy talablar uchun asos bo‘lib xizmat qilish;
- hisob va hisobotga nisbatan o‘z talablarini ishlab chiqayotgan alohida mamlakatlar uchun xalqaro etalon sifatida ishlatilishi;
- hisobni yuritishda to‘la foydalanish uchun qabul qilish (standartlardan o‘zgartirishlarsiz foydalanish).

Davlat sektori buxgalteriya hisobi xalqaro standartlarini mamlakatlarda qo‘llash yanada yuqori sifatli moliyaviy hisobotlar davlat sektori faoliyati natijalarini baholashga katta imkoniyat yaratadi, axborotlarni shaffofligini oshiradi, byudjerga moliyaviy hisob va statistik hisobotlarni yuqori darajada integratsiyalashuvini ta’minlaydi, axborotlarni ishonchliligi va to‘liqligini oshishi hisobiga davlat aktivlarini samarali boshqarish imkonini beradi, moliyaviy hisobotlarni boshqa mamlakatlar moliyaviy hisobotlari bilan solishtirish imkoniyati yaratiladi, xalqaro munosabatlarni globallashuvi sharoitida mamlakat majburiyatlari qandayligi va uni o‘z resurslari bilan qanday boshqarayotganligi shuningdek moliyaviy xolatni tushinish asosida chet el ivestitsiyalarini xajmini oshishi va donorlik mablag‘larini ko‘payish imkonini beradi.

Jahon amaliyotida davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining kassa metodi, modifikatsiyalashtirilgan kassa metodi, modifikatsiyalashtirilgan hisoblash metodi va hisoblash metodi mavjudligi haqida alohida xususiyatlarini yoritishga harakat qilamiz. Davlat sektori uchun *buxgalteriya hisobining kassa metodi.* Mazkur metodda barcha hodisalarni pul mablag‘larining harakati bo‘yicha qayd qilish ko‘zda tutiladi. Bunda aktivlar va majburiyatlarga doir ko‘pgina hodisalar buxgalteriya hisobi doirasida hisobga olinmay qoladi. Mazkur metod sharoitida sotib olingan asosiy vositalar sotib olib kelingandan so‘ng bir yo‘la xarajatlarga qo‘shib yuborilishi maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Murojaatnomasi, 29.12.2020yil.

[1] Mualliflarning ilmiy izlanishi natijasida tayyorlangan.

Д.Р. Рафеев– СамИСИ доценти, и.ф.н.,
Б.Д. Рафеев– Самарқанд вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА КЎМАКЛАШИШНИ ҲИСОБЛАШДА «ТЕМИР ДАФТАР»НИНГ ТУТГАН ЎРНИ(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация: мақолада камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашишни мазмуни, “Темир дафтар” тизимининг ўрни Самарканд вилояти маълумотлари асосида ёритиб берилган.

Аннотация: в статье раскрывается содержание сокращения бедности, нуждающиеся семьи и место “Темир дафтар” на основе данных Самаркандской области.

Abstract: the article reveals the content of poverty reduction, needy families and the place of “Temir daftar” based on the data of the Samarkand region.

Калит сўзлар: камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, темир дафтар тизими, пандемия , кам таъминланган, дастак, йўналиш.

Ключевые слова: сокрашение бедности, нуждающиеся семьи, система темир дафтар, пандемия, мало обеспеченность, рычаг, направление.

Keywords: poverty alleviation, needy families, temir daftar system, pandemic, low security, leverage, direction.

Ўзбекистон тарихида илк бор камбағаллик масаласи 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида кўтарилиб, мазкур мавзу ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий кун тартибига айланди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича 2020 йилда кўп ишлар қилинди.Энг катта натижа деб шуни айтиш мумкинки, пандемия даврида олиб борилган ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий сиёсат республикада камбағалликни кўпайишига олиб келмади. Қашшоқликни келтириб чиқармади. Аҳолининг бирорта қатлами қашшоқликка тушмади. Савол туғилади.Нима ҳисобига бундай кўрсаткичларга эришилди?

Бунинг асосий сабабларидан бири«Темир дафтар» аталмиш тизимни жорий этилишидир.Унинг асл маъноси шундаки, у жуда ҳам кенг қамровли. Бунда фақатгина пул ёки озиқ-овқат билан ёрдам беришгина назарда тутилмаган. «Темир дафтар» биринчи навбатда кам таъминланган аҳолини ишга жойлаштиришни назарда тутади.

Бир сўз билан айтганда, «Темир дафтар» пандемия даврида халқимизнинг қийналиб қолмаслиги учун энг катта хизмат кўрсатган дастак ва йўналиш бўлди, деб айтиш мумкин.

2020 йил 29 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатида ҳам «Темир дафтар» масаласига алоҳида урғу берилди.

“Темир дафтар”га киритилган эхтиёжманд оилалар тўғрисида маълумотларни Самарканд вилояти мисолида кўриб чиқамиз (жадвал 1)

Т/р	Ҳудудлар номи	"Темир дафтар"да дастлабки шаклланган оила			Қўшимча янги киритилган оила			"Темир дафтар"га киритилган жами оила		
		оила сони	оила аъзоси сони	меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони	оила сони	оила аъзоси сони	меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони	оила сони	оила аъзоси сони	меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони
Вилоят бўйича		**47 770**	**215 313**	**60 772**	**4 207**	**17 820**	**5 870**	**51 977**	**233 133**	**66 642**
1	Самарқанд ш.	5 613	22 282	3 993	610	2 761	737	6 223	25 043	4 730
2	Каттақўрғон ш.	1 053	4 754	1 736	95	324	48	1 148	5 078	1 784
3	Булунгур	2 106	9 951	1 934	43	154	29	2 149	10 105	1 963
4	Жомбой	2 170	9 994	3 442	176	706	354	2 346	10 700	3 796
5	Иштихон	2 515	11 444	3 398	440	2 057	521	2 955	13 501	3 919
6	Каттақўрғон т.	3 556	15 692	4 857	196	836	283	3 752	16 528	5 140
7	Нарпай	3 011	13 871	4 482	298	1 200	354	3 309	15 071	4 836
8	Нуробод	1 893	8 474	2 369	83	375	309	1 976	8 849	2 678
9	Окдарё	1 845	8 024	2 299	64	225	68	1 909	8 249	2 367
10	Пастдарғом	4 596	21 143	5 541	447	1 814	735	5 043	22 957	6 276
11	Пахтачи	2 766	12 059	3 233	262	1 054	642	3 028	13 113	3 875
12	Пайариқ	3 472	16 833	4 465	109	480	135	3 581	17 313	4 600
13	Самарканд т.	2 248	10 439	2 401	206	908	204	2 454	11 347	2 605
14	Тайлоқ	2 166	9 921	3 721	295	1 176	432	2 461	11 097	4 153
15	Ургут	6 795	30 792	9 550	627	2 602	737	7 422	33 394	10 287
16	Кўшработ	1 965	9 640	3 351	256	1 148	282	2 221	10 788	3 633

«Нима учун мамлакатимизда «Темир дафтар» жорий этилди? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш. Биринчи навбатда, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш мақсад қилинган.

Президент мурожаатида маълум қилинишича, 2021 йилдан бошлаб «Темир дафтар» тизими янги босқичга кўтарилади. Яъни «Ижтимоий реестр»га қамраб олинган барча эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йил бошида вилоят бўйича 47 770 та камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, “Темир дафтар”га киритилган. Вилоятнинг 16 туманлари ичида энг кўп эҳтиёжманд

“Темир дафтар”га киритилган эхтиёжманд оилалар тўғрисида маълумотларни Самарканд вилояти мисолида кўриб чиқамиз

Т/р	Ҳудудлар номи	"Темир дафтар"дан чиқарилган жами оила				"Темир дафтар"да қолган оила			
		оила сони	оила аъзоси сони	доимий бандлиги таъминланган оила аъзоси сони	оила сониган исбатан фоизда (%)	оила сони	оила аъзоси сони	меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони	оила сонига нисбатан фоизда (%)
Вилоят бўйича		**35731**	**165581**	**52 045**	**69%**	**16246**	**67552**	**14597**	**31%**
1	Самарқанд ш.	3 472	13 832	4 276	56%	2 751	11 211	454	44%
2	Каттақўрғон ш.	745	3 469	1 141	65%	403	1 609	643	35%
3	Булунгур	1 177	5 917	1 324	55%	972	4 188	639	45%
4	Жомбой	1 676	7 420	3 504	71%	670	3 280	292	29%
5	Иштихон	2 153	10 043	3 160	73%	802	3 458	759	27%
6	Каттақўрғон т.	2 729	13 349	4 248	73%	1 023	3 179	892	27%
7	Нарпай	1 880	8 738	3 390	57%	1 429	6 333	1 446	43%
8	Нуробод	1 357	6 365	2 108	69%	619	2 484	570	31%
9	Окдарё	1 308	6 299	1 879	69%	601	1 950	488	31%
10	Пастдарғом	3 261	14 755	3 687	65%	1 782	8 202	2 589	35%
11	Пахтачи	2 298	10 086	3 229	76%	730	3 027	646	24%
12	Пайариқ	2 534	12 601	3 443	71%	1 047	4 712	1 157	29%
13	Самарканд т.	1 734	8 607	2 381	71%	720	2 740	224	29%
14	Тайлоқ	1 450	6 791	2 970	59%	1 011	4 306	1 183	41%
15	Ургут	6 174	28 382	8 237	83%	1 248	5 012	2 050	17%
16	Кўшработ	1 783	8 927	3 068	80%	438	1 861	565	20%

оилалар сони Ургут туманида 6795, Самарқанд шаҳрида 5613, Пастдарғом туманида 4596, Каттақурғон туманида 3556, Пайариқ туманида 3472 ва Нарпай туманида 3011тани ташкил этган .

2020 йил давомида сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар ҳамда ҳомийлар томонидан кўрсатилган кўмаклар ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тегишли далолатномалар бўйича 35 731 та оилалар сессия қарорлари асосида “Темир дафтар” рўйхатидан чиқарилган.

2020 йил давомида аҳоли билан жойларда мунтазам равишда ўтказилган мулоқотлар натижасида яна 4 207 та оила “Темир дафтар” рўйхатига қўшилган.

2020 йил 31 декабрь ҳолатига 16 246 та оила (67 552 та оила аъзолари) “темир дафтар” рўйхатида қайд этилган.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида 51 977 та оилаларга жами 37,1 млрд.сўмлик ёрдамлар кўрсатилган (озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотлари билан таъминланди, чорва моллари, парранда, асалари уялари тарқатилган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 июлдаги 346-Ф-сонли фармойишига асосан “Қурбон ҳайити” айёми арафасида10 минг та оилага 1,0 млн сўмдан, жами 10,0 млрд сўмлик бир марталик моддий ёрдам берилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сон Фармонига асосан 37 315 та оиланинг ҳар бир аъзосига 220,0 минг сўмдан, жами 36,5 млрд. сўмлик бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги ПҚ-4815-сон қарорига асосан “Темир дафтар”даги оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига мактаб ўқув қуроллари ҳамда кийим-кечаклар учун ҳар бир болага 500,0 минг сўмдан, жами 35,6 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Бундан ташқари, “Темир дафтар”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисмидан 12 млрд.сўм маблағ “Саховат ва кўмак” жамғармасига ўтказиб берилган.

2020 йилда “Темир дафтар”даги 66 642 нафар фуқаролардан 65 381 нафари бандлигини таъминланган. Жумладан, 381 нафари оилавий тадбиркорликка, 102 нафари ҳунармандчиликка, 4 357 нафари жамоат ишларига, 448 нафари саноат лойиҳаларига,5 009 нафари агросаноат лойиҳаларига, 858 нафари кооперация асосида ер ажратиш ҳисобига, 7 547 нафари такрорий экинга, 23 997 нафари расмий ўзини-ўзи банд қилиш ҳисобига бандлиги таъминланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Темир дафтар” - бу оилаларни камбағалликдан чиқариш, ижтимоий аҳволи ҳамда турмуш шароити оғир бўлган оилаларни доимий бандлигини ва даромад манбаи билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилалар қайд этиладиган электрон дастуридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президети Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида.ПҚ-4653-сон 2020 йил 26 март.

3. Короновирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаи яратишнинг “Вақтинчалик тартиби”. 2020 йил 16 июнь.

С.Н. Ташназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Т.Ҳ. Турабоев – СамИСИ магистранти

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Аннотация: Мақолада корхоналарда бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида тузиш тўғрисида тушунчалар ва қоидалар келтирилган. Бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида тузиш илмий жиҳатдан асосланган. Корхоналарда бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида тузиш услубиятини яхшилашга қаратилган тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: Бухгалтерия баланси, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисобот, изоҳлар.

Аннотация: В статье представлены концепции и правила составления баланса предприятий на основе международных стандартов. Составление баланса на основе международных стандартов научно обосновано. Даны рекомендации по совершенствованию методологии составления баланса предприятий на основе международных стандартов.

Ключевые слова: бухгалтерский баланс, переход на международные стандарты финансовой отчетности, публичная финансовая отчетность, комментарии.

Abstract: The article provides concepts and rules for compiling the balance sheet of enterprises on the basis of international standards. The preparation of the balance sheet on the basis of international standards is scientifically based. Recommendations are given to improve the methodology of compiling the balance sheet of enterprises on the basis of international standards.

Keywords: Balance Sheet, transition to International Financial Reporting Standards, public financial reporting, comments.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида ҳар бир соҳада ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Масалан, бухгалтерия ҳисоби тизимини бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари ва молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ташкил қилиш масаласини келтириш мумкин. Халқаро ҳисоб тизимига ўтиш натижасида ҳисоботларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳисоботнинг барча фойдаланувчи-лари учун тушунарли, аниқ ва фойдали ҳисоб маълумотлари билан таъминлашга эришилади.

2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда молиявий ҳисобот халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига чуқур урғу берилган.

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно.[1]

МҲХСга ўтиш молиявий ҳисоботнинг шаклларини, жумладан бухгалтерия балансини халқаро стандартларга уйғунлаштиришни тақозо этади.

МҲХСларни қабул қилиш жараёни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг юқори сифатда тайёрланишини таъмин этишга ҳаракат қилади. Чунки, стандартлар аниқ иқтисодий муҳитда унга монанд бўлган бухгалтерия амалиётини қўллашни кўзда тутади. Стандартларни қабул қилиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Муаммони ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда "Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари" қўлланилишининг имкониятларини баҳолаш;
2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий талаблари ва амалиётини ўрганиш ва стандартларни белгилайдиган миллий органлар билан фикр алмашиш;
3. Васийлик Институти ва Маслаҳат Кенгаши билан МҲХСКнинг кун тартибига мазкур мавзуни киритиш бўйича маслаҳатлар ўтказиш;
4. Ишчи гуруҳни тузиш;

МҲХСларини ишлаб чиқиш жараёнида Кенгаш стандартда кўриб чиқилаётган масалалар муҳокама учун муаммоли мақолалар чоп эттириш орқали ёритиб бериш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида молиявий бухгалтерия ҳисоби асосларини ташкил қилиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қаторига, жумладан қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиёт ютуқларидан фойдаланиб, миллий ютуқларимиз ва хусусиятларимизни инобатга олиб, ҳисобнинг умумқабул қилинган принциплари ва қоидаларини ишлаб чиқиш;

2) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги миллий ҳисоб стандартларини чуқур ўрганиш асосида, миллий хусусиятларимизни инобатга олиб, босқичма – босқич Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш;

3) Компаниялар бошқариш тизимида молиявий ҳисобнинг объектлари хусусидаги молиявий ахборотларни шакллантириш ва фойдаланиш билан шуғулланувчи махсус мутахассислашган бўлим ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлади, яъни дастлаб принципларни ўз ичига олган концептуал асос ишлаб чиқилди, сўнгра бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларни босқичма-босқич ишлаб чиқишга киришилди.

[1] Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 24.02.2020 й.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш учта қадамда олдинга силжиш ҳисобланади:

1.МҲХСларига мувофиқ келадиган ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади, қайсики, бутун тизимни МҲХСларга ўтишини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишда энг замонавий усул ва услубларни қўллаш имконияти юзага келади.

2.МҲХСлари бўйича кириш бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисобот шакллари тузилади. Мисол учун, 31.12.2017 йил учун молиявий ҳисобот МҲХСларига мувофиқ тузилаётган бўлса ўтиш нуқтаси бўлиб 01.01.2015 йил ҳисобланади. Чунки, бунда ахборотларнинг солиштирувчанлиги таъминланади. Таққосланувчанлик халқаро ҳисоботнинг энг муҳим афзалликларидан ҳисобланади. Халқаро стандартларга кириш бухгалтерия баланси бошқа ҳисобот турларини ҳам МҲХСларига ўтказишга асос бўлади.

3.Молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ошади. Молиявий ҳисоботлар-даги ахборотларнинг ишончлигини ва объективлигини таъминлайди. Ахборот фойдаланувчиларнинг қизиқишлари билан биргаликда уларнинг сони юксалади.

- Молиявий ҳолат тўғрисида кириш ҳисоботи МҲХСларини биринчи марта қўллаётган компаниянинг молиявий ҳисоботи комплекти таркибига киради (шундай қилиб, учта молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот тузилади: 2014 йил 1-январ ҳолати бўйича кириш ҳисоботи, 2015 йил 1-январь, 2015 йил 31-декабрь ҳолати бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботлар);
- Агар 2015 йил МҲХС биринчи марта қўллаётган компания 2014 ва 2015 йилларнинг тўлиқ молиявий ҳисоботи комплектига қўшимча равишда ўтган 2014 йил учун МҲХСлари бўйича танланган молиявий ахборотларни тақдим қилишни режалаштирган тақдирда ҳам 2014 йил 1 январь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисида кириш ҳисоботини албатта тақдим этишлари шарт.

1-сон МҲХС “МҲХСларини биринчи марта қўллаш”да қуйидаги атамаларга тавсиф келтирилган (3.1-жадвал):

Умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисобот – бу ўзларининг махсус ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳисоботни талаб қила олмайдиган фойдаланувчиларга мўлжалланган ҳисоботдир.

Изоҳлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, алоҳида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари тўғрисидаги ҳисоботларга қўшимча маълумотларни берувчи ахборотларни қамраб олади. Изоҳлар кўрсатилган ҳисоботлардаги моддаларни баён этилиши ёки деталлашган расшифировкасини ҳамда ушбу ҳисоботларга очиқлашларни, шунингдек, ҳисоботда тан олиниши кўзда тутилмаган моддалар ҳақида ахборотларни ўз ичига олади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (бухгалтерия баланси) – Хўжалик юритувчи субьектларнинг фаолияти кўзгуси ҳисобланади. Корхонанинг балансида узоқ муддатли ва жорий активлар,хусусий капитал ва

мажбуриятлардан иборат.Ҳисоботда корхонанинг активлари ва мажбуриятлари бўйича маьлумот бериб корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида ахборотлар беради.Корхонанинг келажакда кутилаётган фойда,корхонанинг молиявий ҳолати бўйича корхона молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот орқали прогноз қилиш мумкин.Молиявий ҳисоботдаги маьлумотлар қанча аниқ,очиқланган, тўғри бўлса ҳисоботнинг инвесторларни жалб қилиш ҳолати ортади.Бу эса корхонанинг келажакда юксалишига катта замин яратади.

Д.Р. Рафеев– СамИСИ, и.ф.н, доцент,
Ф.З. Юсупова– СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ТАННАРХИ ВА УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА УЙҒУНЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида 2-сон МҲХСлари ва 4-сон БҲМСларидаги умумий қоидаларни солиштириш натижалари акс эттирилди. Захиралар таннархини шакллантириш, уларни баҳолаш масалалари баён қилинган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисоботнинг методологик тартиби асосланди. Захираларнинг бухгалтерия балансида таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Калит сўзлар: захиралар, паррандачилик, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, реализациянинг эҳтимол қилинаётган соф қиймати, адолатли қиймат, захиралар таннархи.

Аннотация: в статье отражается результаты сравнения общих правил на МСФО №2 и НСБУ №4 в условиях модернизации экономики. Описывается вопросы формирования себестоимости запасов и их оценки. Обоснуется методологический порядок составления отчета о себестоимости произведенных продуктов. Разработаны предложений по совершенствования состава запасов в бухгалтерском балансе.

Ключевые слова: товарно-материальные запасы, птицаводства, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, вероятная чистая цена продажи, справедливая стоимость, стоимость запасов.

Abstract: the article is devoted results of comparisons 2-IAS and 4-NAS in the condition of modernization of economy. In the article is described problems of forming cost of inventory and their valuation. Will settle metrological aspects of preparing reporting of cost of the production. Elaborated of proposals of developments structure of inventory in balance sheet.

Keywords: inventory, poultry, financial reporting, IFRS, probable net realizable value, fair value, inventory value.

Бугунги кунда Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон республикасида мавжуд корхона ва компанияларнинг молиявий

ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузилиши ҳозирги давримизнинг талаби ва зарурати жуда каттадир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш" [1] белгиланган.Ушбу қарорни ижросини таъминлаш максадида Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 24 август 507-сон "Молиявий ҳисоботнинг халкаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўгрисида" низомни тасдиклаш хакида карор қабул килди. ПҚ-4611-сонли қарорнинг 1-иловасининг 2-бандида "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш" белгиланган. Бу каби вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодганиётининг шиддат билан ўсишини таьминланиши учун катта қадам бўлиб ҳисобланади. Шундай корхоналарнинг ривожланишини, материалллар таьминоти, материалл захиралари ва маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришни, таннархни камайтиришнинг имкониятлари ва резервларини топишни, халқаро стандартларда ва тажрибаларда кўзда тутилган илғор тизимларини жорий қилишни зарурат қилиб қўймоқда.

Ваҳоланки Молиявий Ҳисоботнинг Ҳалқаро Стандартларига исталган пайтда, тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Агарда тайёргарликсиз молиявий ҳисобот МҲХСлар бўйича трансформация қилинган тақдирда ҳам кутилган натижани бермайди. Шу боис, МҲХСларни биринчи марта қўллашда ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни трансформация қилишдан олдин ҳар бир халқаро стандартлар билан алоҳида танишиб ўрганиб чиқилиб ва энг асосийси миллий стандартлар билан солиштиришлар олиб борилиши лозим. Ҳозирги кунда ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона бўлмасин материал захираларисиз, материалларнинг таьминотисиз корхона фаолият юритиш имконияти сустлашади ва ҳатто мумкин бўлмай қолади.Бугунги кунда захираларни тан олиш, уларнинг таннархини аниқлаш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттиришга доир халқаро стандартлардаги масалаларини ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни ёритиб бериш ўта долзарб масалалар сирасига киради. Бундан ташқари халқаро стандартларда келтирилган атамаларни мазмун моҳиятини аниқлаштирш зарурати мавжуд.

Бу долзарб вазифаларни бажариш бўйича Молия вазирлиги, бухгалтер-лар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан бир қаторда олимлар ҳам кенг кўламли иш олиб бормоқдалар. Булар қаторига Ташназаров

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори.

С.Н., Тўлахаджаева М.М., Ҳайдаров Ш.У., Ҳамдамов Б.К., Ризаев Н.К. ва бошқалар[1].

Мақолада 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” стандартида келтирилган атамалар тавсифи, тамойиллар ва қоидалар 2-сон МҲХС “Захиралар” стандартидаги қоидалар билан солиштирилган.

Солиштирилган маълумотларидан кўриниб турибдики, халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжуд. Жумладан:

- халқаро стандартда захираларнинг актив сифатида тан олинадиган таннархини ҳамда тегишли тушумни тан олгунга қадар келгуси даврларга ўтказиладиган суммасини аниқлашга устувор аҳамият қаратилган бўлса, миллий стандартда эса мулк ҳуқуқига тегишли бўлган ТМЗларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишини белгилаш, деб таърифланган. Фикримизча, стандартнинг мақсади кўпроқ ишлаб чиқарилган, сотилган захиралар ҳамда ҳали сотилмаган қолдиқдаги захиралар таннархини аниқлаш тартибини белгилашга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.
- миллий стандартларда сотишнинг соф қиймати ва жорий қиймати тушунчаларининг мантиқан мазмунига аниқлик киритиш лозим. Бу тушунчаларни тўлиқ халқаро стандартдаги контекстида қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.
- миллий стандартимизда инвентар ва хўжалик анжомлари тушунчаси киритилган ва бу каби инвентарлар таркибини махсус асбоблар ва мосламалар, махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал, кўрпа тўшаклар, ёзув-чизув анжомлари, ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар мисолида келтиришимиз мумкин. Халқаро стандартларда “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси мавжуд эмас. Уларнинг бир қисми ҳисоб сиёсатида кўрсатилган тартибда машина ва асбоб-ускуналар таркибида ҳисобга олинади. Чунки, халқаро стандартларда асосий воситалар (мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар)га қиймати бўйича чегара қўйилмаган. Бир қисми эса материаллар таркибига киради ва умумий тартибда ҳисобга олинади. Шу боис, “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси, уни тан олиш мезони ва мезонлардаги талаблардан қатъи назар таркибига киритиладиган моддаларини тўлиқ халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Бунинг учун қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш керак. Амалиётимизда асосий воситалар (“бино, машина ва асбоб-ускуналар”)ни тан олишда қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан кам бўлмаслиги керак” деган мезонни олиб ташлаш керак. Натижада, узоқ муддатга хизмат қиладиган моддий активларнинг таркибини халқаро стандартларда келтирилган мезонлар доирасида компаниялар ўзлари

[1] Ташназаров С Н., Finance.uz, 23 08 2016й “Заҳиралар молиявий ҳисоботнинг методологик масалалари” , Ташназаров С.Н., “Товар-моддий заҳиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 10 б.

белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши умумий қоидалардаги тафовутларни қисқартиради ва миллий молиявий ҳисоботни трансформациялаш жараёнини енгиллаштиради.

Тадқиқот олиб бораётган обьектимиз “Мароқанд-Парранда” МЧЖ, ишлаб чиқариш корхонаси бўлганлиги сабабли корхонада олиб борилаётган барча ҳисоботлар миллий стандартлар талабига мос ва уйғун тарзда олиб борилади. Бироқ корхонанинг ривожланиши, четдан янги инвесторларни жалб қилиниши ёки тайёр маҳсулотларини хориж мамлакатларига экспорт қилишлари учун харидорларни жалб қилишлари имкониятини юксалтириш мақсадида МЧЖ ҳам молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансфармация қилиши ва кейинчалик бутунлай ҳисоботларини халқаро стандартлари асосида юритилишини таьминлаши лозимдир.

2-сон МҲХС “Заҳиралар” стандартининг талабларига мувофиқ захиралар мажбурий тартибда қуйидаги миқдорлардан энг кичиги бўйича баҳоланиши шарт: таннархи ёки реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати. Агар реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати материалларнинг таннархидан паст бўлса, захира реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қийматида акс эттирилади. Акс ҳолда эса, яъни реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати уларнинг таннархидан катта бўлса захира таннархда ифодаланади. Тадқиқотларимизда “ 4-сон БҲМС ва 2-сон МҲХСларидаги заҳиралар таннархи билан боғлиқ бўлган тушунчаларни халқаро ва миллий стандартларда белгиловчи қоидаларнинг акс эттирилиши ҳам кўриб чиқилган.

Паррандачилик субьектларида халқаро стандартлар асосида маҳсулот таннархи қуйидаги кўрсаткичларда ифода этишимиз мумкин. Ҳар бир кўрсаткич босқичларда шаклланганлиги боис, паррандачиликда маҳсулот таннархи кўрсаткичларини тўртта босқичга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишлаб чиқаришга чиқарилган материал таннархи (биринчи босқич)
2. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи (иккинчи босқич)
3. Тайёр маҳсулот таннархи (учинчи босқич)
4. Маҳсулотни сотиш таннархи (сотилган маҳсулот таннархи) (тўртинчи босқич).

Маҳсулот таннархининг шаклланишини босқичларга бўлишдан мақсад, биринчидан, захиралар ҳаракатининг молиявий натижалар шаклланишига таъсирини аниқ акс эттириш ва иккинчидан, бутун бухгалтерия ҳисоби тизимининг ҳар бир босқичида захиралар таннархи шаклланиши ва ўсишини аниқлашга устувор аҳамиятни қаратишга эришиш ҳисобланади.

Бошқа устама харажатлар товар-моддий захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ уларни ҳам маҳсулот таннархига киритиш қабул қилинган. Бундай харажатларга мисол қилиб аниқ мижозлар учун маҳсулотлар бўйича қилинадиган қўшимча ишланмалари харажатларни ҳамда захираларни жорий жойига келтириш билан боғлиқ меҳнат ҳақи ва транспорт харажатларини киритиш мумкин. Бу

харажатларни стандарт талабларига мувофиқ захиралар таннархига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, захиралар таннархи (ЗТ) бу захиралар харид таннархи (ЗХТ), захираларни қайта ишлаш таннархи (ЗҚИТ) ва плюс бошқа устама харажатлари (БУХ) йиғиндисидан иборатдир. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ЗТ = ЗХТ + ЗҚИТ + БУХ$$

Юқорида қайд этилган таклиф ва тавсиялар захиралар таннархини тўғри шакллантириш ҳамда захираларга оид ахборотларни молиявий ҳисоботда халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ ҳолда акс эттириш имкониятини беради ҳамда миллий стандартларимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, захираларга оид атамалар тавсифи ва уларнинг таркиби бўйича белгиланган қоидаларни солиштириш натижасида халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжудлиги ва уларни бир-бирига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар қилишга имконият яратди. Шу боисдан корхонада товар-моддий заҳиралар (материаллар)нинг баҳоланиши ҳамда уларнинг халқаро стандартлар билан мослашишида қуйидаги тавсиялар келтирилди:

- молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича . Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижросини ўз вақтида амалга ошириш;
- корхонада материаллар ҳисобининг юритилишини автоматлаштиришни;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисоботни тузиш зарурлигини;
- бухгалтерия балансини кенг ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиш ва нашр эттириш мақсадида товар-моддий захираларни таннархи бўйича битта сатрда акс эттириш бўйича таклиф берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон қарори “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида” низом.

3.Ташназаров С Н., Finance.uz, 23 08 2016й “Заҳиралар молиявий ҳисоботнинг методологик масалалари” ,

4.Ташназаров С.Н., “Товар-моддий заҳиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 10 б.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турлари бўйича ривожланиш динамикаси таҳлили ёритиб берилган**.** Унда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини таҳлил қилишнинг аҳамияти, хизматлар соҳасини ривожланиш қай даражада эканлиги ҳамда ривожланиши бўйича ички имкониятлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, хизмат, хизмат кўрсатиш, **х**измат кўрсатиш соҳаси, таҳлил, самарадорлик, динамика.

Аннотация: В статье дан анализ динамики развития основных видов услуг в нашей стране. Он подчеркивает важность анализа эффективности предприятий в сфере услуг, уровня развития сферы услуг и ее внутреннего потенциала для развития.

Ключевые слова: экономика, сервис, услуга, сфера услуг, анализ, эффективность, динамика.

Abstract: The article provides an analysis of the dynamics of development of the main types of services in our country. It highlights the importance of analyzing the efficiency of enterprises in the service sector, the level of development of the service sector and its internal potential for development.

Keywords: economy, service, service, service sector, analysis, efficiency, dynamics.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиёт тармоқларининг таркибий қисми ҳисобланади. Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини таҳлил қилишнинг аҳамияти мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Ушбу соҳа мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин эгалламоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси кейинги йилларда бутун дунёда энг тез ўсаётган ва ривожланиш тенденциясига эга бўлган соҳалардан бири эди, лекин пандемия даврида ривожланиш тенденцияси бироз пастлади. Шунга қарамай хизмат кўрсатиш корхоналарининг айримлари пандемия даврида ҳам жадал суръатлар билан ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Иқтисодиётнинг хизматлар соҳаси сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Пандемия даврида онлайн савдо хизматлари, етказдириб бериш хизматлари, масофавий таълим хизматлари алоқа хизматлари ва шу кабилар ривожланиш даражаси юқорироқ бўлди. Ушбу соҳанинг 2020 йилда 218853,3 млрд сўмни ташкил қилиб 2019 йилга нисбатан 102,3 фоизга ўсганлиги қайд этилган. Хизматлар соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 51,5 фоизи кичик

тадбиркорлар улуши ташкил этади, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 6393,2 минг сўмни ташкил қилган[1].

Кейинги йилларда кўпгина мамлакатларда, хусусан ўзимизда ҳам шаҳарларда яшовчиларнинг хордиқ чиқариши учун дам олиш кунлари қишлоқларга чиқиши одат тусига кириб бормоқда. Бу шунга олиб келдики, қишлоқ аҳолиси хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иккинчи ихтисосликка эга бўлиш ва қишлоқнинг хушманзара жойларида туристик мажмуаларни ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини қуриб ишга туширишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаб олиш имконини яратади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМидаги улуши муттасил ошиб бораётганлиги мазкур соҳа тармоқлари мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринга эга бўлиб бораётганлигидан ва бунинг натижасида аҳоли турмуш даражасининг яхшиланаётганлигидан далолат беради.

Шуни эътироф этиш керакки, хизматлар таркибида унинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, таълим, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия каби замонавий хизмат турлари билан бирга пандемия шароитида онлайн хизматлар ҳам жадал суръатда ривожланмоқда.

1-жадвал

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми[2] ***)**

(млрд.сўм ҳисобида)

	2010 й.	*2011 й.*	*2012 й.*	*2013 й.*	*2014 й.*	*2015 й.*	*2016 й.*	*2017 й.*	*2018 й.*	*2019 й.*
Хизматлар – жами	27 126,8	35 196,3	44 386,0	55 872,8	68 032,1	78 530,4	97 050,0	118 811,0	150 889,8	193 697,8
жумладан асосий турлари бўйича:										
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2 080,2	2 653,0	3 219,3	3 749,8	4 541,3	5 181,5	6 306,8	8 196,7	10 332,6	10 891,7
молиявий хизматлар	2 643,7	3 346,6	4 208,8	5 546,5	6 728,2	8 206,7	9 898,4	15 023,8	21 296,3	34 036,6
транспорт хизматлари	10 524,4	13 571,7	16 498,8	20 562,0	23 781,0	26 817,3	30 617,8	36 217,2	44 159,4	54 473,5
шу жумладан: автотранспорт хизмати	5 124,0	6 462,4	8 054,4	10 313,9	12 954,7	16 032,1	19 216,7	20 232,9	21 786,8	25 527,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари	292,7	381,2	463,4	590,1	729,1	890,6	3 038,7	3 649,6	4 673,3	5 933,6
савдо хизматлари	6 620,8	8 789,9	11 533,6	14 807,9	18 979,2	21 366,9	27 368,2	32 006,9	39 743,4	48 748,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	809,3	1 063,8	1 408,6	1 755,3	2 236,0	2 757,3	3 405,1	4 026,5	4 949,2	5 950,7
таълим соҳасидаги хизматлар	763,1	1 027,4	1 385,3	1 793,0	2 154,4	2 681,4	3 263,0	4 402,0	5 416,5	7 164,9
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	258,0	354,4	498,8	671,9	869,9	1 100,4	1 416,3	1 701,5	2 220,0	3 104,3
ижара хизматлари	548,0	694,4	902,7	1 177,2	1 494,6	1 801,6	2 270,1	2 589,2	3 297,4	3 733,5

[1] Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

[2] Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	624,2	762,9	944,1	1 122,8	1 388,3	1 724,5	2 187,8	2 329,2	2 630,7	3 200,1
шахсий хизматлар	756,5	963,9	1 233,6	1 558,0	2 036,4	2 366,5	2 915,5	3 134,4	3 700,6	4 575,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	299,2	383,1	537,2	661,1	748,7	841,0	1 132,6	1 611,7	2 953,6	4 543,1
бошқа хизматлар	906,7	1 204,0	1 551,8	1 877,2	2 345,0	2 794,7	3 229,7	3 922,3	5 516,8	7 342,0

*) Алоҳида фаолият турларини ҳисоблаш услубиятининг ўзгариши сабабли 2010 йилдан маълумотлар аниқлаштирилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 йилда хизматлар ҳажмида энг юқори улушга, транспорт хизматлари 38,8 фоизини, ундан кейинги ўринларда савдо хизматлари 24,4 фоизини, молиявий хизматлар 9,74 фоизини, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 7,67 фоизини ташкил қилган. Энг паст улушга эга бўлган хизматлар бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 0,95 фоизини, яшаш ва овқатланиш хизматлари эса 1,08 фоизини, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 1,1 фоизини ташкил қилган.

2019 йил маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак энг юқори улушга эга бўлган хизматлар ўзгармаган, лекин уларнинг улушидаги фарқларни кўришимиз мумкин. 2019 йилда транспорт хизматлари 28,1 фоизини, ундан кейинги ўринларда савдо хизматлари 25,16 фоизини, молиявий хизматлар 17,57 фоизини, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 5,62 фоизини ташкил қилганлигини кўришмиз мумкин. 2019 йилда энг паст улушга эга бўлган хизматлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 1,6 фоизини, компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 1,65 фоизини, ижара хизматлари 1,92 фоизини, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 2,34 фоизини, шахсий хизматлар 2,36 фоизини, яшаш ва овқатланиш хизматлари эса 3,06 фоизини ташкил қилган.

Таҳлил қилинаётган давр оралиғида хизматлар таркибининг ўсиш динамикаси қарайдиган бўлсак хизматлар ҳажми шу давр оралиғида 7,14 марта ошган. Хизматлар таркиби бўйича энг тез ўсиш суръатига яшаш ва овқатланиш хизматлари 20,27 баробар, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 15 баробар, молиявий хизматлар қарийиб 13 баробар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 12 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Энг секин ўсиш суръатига эга бўлган хизматлар шахсий хизматлар 5,12 баробар, транспорт хизматлари 5,17 баробар, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 5,23 марта ошганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мамлакатимзда хизмат кўрсатиш соҳаси бундан кейинги йилларда янада ривожланишда бўлишини прогноз қилиш мумкин. Бу соҳада айниқса яшаш ва овқатланиш хизматлари

(меҳмонхоналар, ресторанлар, кафелар ва шу кабилар) ривожланиш имконияти янада юқори баҳоланди.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасига асосланган корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, улар фаолиятларини доимий равишда такомиллаштириб бориш механизмларини яратиш муҳимдир. Мазкур соҳа ривожланишида давлат маҳаллий бошқарув органларининг ўрни аҳамиятли эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорлар фаолиятига аралашмаслик билан бирга уларга маълум даражада, айниқса, тадбиркорларни ишлаб чиқариш бинолари, иншоатлар, омбор ва савдо жойлари билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда амалий ёрдам беришлари лозим.

Sh.V.G‘aniyev – TMI, «Byudjet hisobi va g‘aznachilik ishi» kafedrasi dotsenti
B.B. To‘ymatov– TMI, «Byudjet hisobi va nazorati» yo‘nalishi magistranti

BYUDJET HISOBINI TASHKIL ETISHDA DAVLAT SEKTORI UCHUN MOLIYAVIY HISOBOT XALQARO STANDARTLARIDAN FOYDALANISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada byudjet hisobini tashkil etishda davlat sektori iuchun moliyaviy hisobot xalqaro standartlarining shakllanishi, xalqaro standartlari Kengashining ishlab chiqishga mas’sulligi bo‘yicha takliflar berilgan.

Kalt so‘zlar: Byudjet, standart, davlat sektori, xalqaro standart, kontsepsiya, kassa usuli, modifikatsiya.

Аннотация: На данной статье рассмотрены вопросы роль и места МСФОГС при ведении бюджетного учета, подготовлены предложении по повышению ответственности Совета по подготовке международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: бюджет, стандарт, государственный сектор, международный стандарт, концепция, кассовый метод, модификация.

Abstract: The article makes suggestions on the formation of international standardization of public sector reporting in the budget organization and it helps to increase the responsibility for the development of the Council of International Standards.

Keywords: budget, standard, public sector, international standard, concept, accrued method, modification.

Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarning chuqurlashib borishi va uning jahon iqtisodiy tizimiga tobora uyg‘unlashuvi mavjud qonunchilik asosini doimiy ravishda takomillashtirib, uni xalqaro me’yorlar hamda standartlarga moslashtirib borishni taqozo qiladi. Bu borada sohaga oid mavjud qonunchilik asoslarini zamon talablari darajasida takomillashtirish orqali, davlat byudjetining daromadlarini shakllanishi hamda mablag‘larning sarflanishini oshkoraligi va shaffofligini ta’minlash muhim hisoblanadi.

Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev O‘zbekis-

ton Respublikasi Oliy majlisiga murojaatnomasida “Byudjet hisobidan mablag‘ ajratiladigan har qanday dastur yoki loyihaning sifat va miqdor ko‘rsatkichlaridan iborat, natijaga yo‘naltirilgan indikatorlari bo‘lishi kerak”[1] – deb ta’kidlaganlari byudjet tizimi byudjetlarida hisob yuritish va moliyaviy hisobotlarni shakllantirish jarayonida xalqaro me’yor talablarini ilmiy o‘rganish va tadqiq etish orqali amaliyotga joriy etish zarurati mavjudligini anglatadi.



1-rasm. Kassa usulida hisob yuritishning kamchilik va afzalliklari[2]

Kassa usulida operatsiyalar va barcha xodisalar pul mablag‘lari harakatiga

[1] O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi, 29.12.2020 yil.
[2] Mualliflarning ilmiy izlanishi natijasida tayyorlangan.

bog‘liq bo‘lgan holda qayd qilinadi yoki tan olinadi. Amaliyotda bir qator mamlakatlar kassa usulida hisobni yuritadilar.

Hisob amaliyotida kassa usulini qo‘llanilishining o‘ziga xos afzalliklari va kamchiliklari ham mavjuddir (1-rasm).

Kassa usulidagi davlat sektorida buxgalteriya hisobining xalqaro standarti majburiy talablar hamda majburiy bo‘lmagan talablar (axborotlarni ochib berishda moliyaviy hisobotning moliyaviy hisobdorligini hamda shaffofligini oshirish uchun sub’ekt tomonidan hisob siyosatida qo‘shimcha belgilangan usullarni e’tirof etish)dan iborat. Ya’ni, kassa usuliga asoslangan davlat sektorida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkilotlarga ixtiyoriy ravishda moliyaviy hisobotdagi hisoblash usuliga o‘tishga qulaylik yaratilishini ta’minlaydi.

Davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining modifikatsiyalashtirilgan kassa metodi. Mazkur metodda hisobot yili tugagandan so‘ng keyingi yilning birinchi oyida sodir bo‘lgan va avvalgi hisobot yiliga doir barcha hodisalar tugagan hisobot yiliga tegishli deb qabul qilinadi, bu davr ichida avvalgi hisobot yilida qabul qilingan barcha majburiyatlarni davlat to‘lab beradi va davlat Byudjetiga avvalgi hisobot yilida olishi kerak bo‘lgan daromadlarini oladi. Bu tartib hisobotlar davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining hisoblash metodi bo‘yicha tuzilganda ham sakdanib qoladi. Bu esa qandaydir darajada aktivlar va majburiyatlarni baholash imkonini yaratadi. Mazkur metod sharoitida ham sotib olingan asosiy vositalar sotib olib kelingandan so‘ng bir yo‘la xarajatlarga qo‘shib yuborish tartibi saklanib qoladi.

Davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining modifjatsiyalashtirilgan hisoblash metodi. Mazkur metodda sodir bo‘lgan barcha hodisalar sodir bo‘lishi bilan daromadlar daromad deb, xarajatlar xarajat deb hamda ayrim aktivlar va majburiyatlar ham sodir bo‘lgan paytda tan olinadi. Mazkur metod sharoitida kassa metodidagi kabi sotib olingan asosiy vositalar sotib olib kelingandan so‘ng bir yo‘la xarajatlarga qo‘shib yuborish tartibi saklanib qoladi. Bu esa hisobni osonlashtirish imkonini beradi hamda davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining hisoblash metodiga o‘tishini ancha osonlashtiradi.

Davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining hisoblash metodi. Mazkur metodda sodir bo‘lgan barcha hodisalar sodir bo‘lgan paytda tan olinadi. Bu metod qo‘llanilganda asosiy vositalar sotib olib kelingandan so‘ng bir yo‘la xarajatlarga qo‘shib yuborish tartibi amal qilmaydi. Barcha aktivlar qiymati ulardan foydalanish davri davomida ularning xizmat qilish muddatiga mutanosib ravishda eskirish hisob- lanib, bu eskirish summasi xarajatlarga eskirish sifatida qo‘shib boriladi.

Yuqorida ta`kidlaganlarimizdan ko‘rinib turibdiki, davlat sektorida kassa metodiga asoslangan buxgalteriya hisobi yuritilganda sodir bo‘lgan hodisalar bo‘yicha pul mablag‘larining kelib tushishi yoki pul mablag‘larining to‘lanishchi paytida tan olinsa, davlat sektorida hisoblash metodiga asoslangan buxgalteriya hisobi yuritilganda esa sodir bo‘lgan hodisalar aktivlarning qiymati va majburiyatlarning summasi paydo bo‘lgan yoki ularning iqtisodiy qiymati o‘zgargan paytda tan olinadi.

Davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining hisoblash metodida aktivlarning



2-rasm. Hisoblash usulida hisob yuritishning kamchilik va afzalliklari[1]

sof qiymatini ko‘paytiruvchi hodisalar daromadlar deb, aktivlarning sof qiymatini kamaytiruvchi hodisalar esa xarajatlar deb tan olinadi. Davlat boshqaruv

[1] Mualliflarning ilmiy izlanishi natijasida tayyorlangan.

sektorining aktivlari sof qiymati hamda ular faoliyatining natijalari bo‘lib davlat boshqaruv sektorining aktivlari qiymati bilan majburiyatlari summasi o‘rtasidagi farq hisoblanadi. Quyidagi 2-rasmda mazkur usulning kamchilik va afzalliklarini tahlil qilib chiqamiz.

Hisoblash usulini byudjet tashkilotlarida Moliyaviy hisobotlar oldiga qo‘yilgan maqsad va vazifalarni bajarishi uchun hisoblash usuli bo‘yicha tuzilishi lozim. Bu usulga binoan, voqea va hodisalar ro‘yobga chiqarilishi bilanoq tan olinishi va byudjet tashkilotining moliyaviy hisobotida amalga oshirilgan davrda aks ettirilishi lozim. Hisoblash tamoyiliga binoan tuzilgan hisobot nafaqat bo‘lib o‘tgan voqea xodislar, balki byudjet tashkiloti tamonidan bajarilishi zarur bo‘lgan majburiyatlarini, olishi kerak bo‘lgan iqtisodiy resurslari haqida ma’lumotlarni beradi. Shunday qilib, foydalanuvchilar iqtisodiy qarorlar qabul qilishi uchun muhim axborotni taqdim etish imkoniyati paydo bo‘ladi deb hisoblaymiz.

С.Н. Ташназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
С.И.Адҳамов – СамИСИ магистранти

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини такомиллаштириш бўйича тушунчалар келтирилган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш илмий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: Молиявий натижа, Таъсис ҳужжатлари, Бош китоб, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, алоҳида солиқлар бўйича ҳисоб- китоблар, молиялаштириш бўйича харажатлар, операцион (асосий) фаолият натижалари, солиқ бўйича харажатлар, оддий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар.

Аннотация:: В этой статье рассказывается о том, как улучшить аудит отчета о финансовых результатах. Улучшение отчета о финансовых результатах основано на международных стандартах.

Ключевые слова: Финансовый результат, Учредительные документы, Главная книга, отчет о финансовых результатах, раздельные налоговые расчеты, финансовые расходы, результаты операционной (основной) деятельности, налоговые расходы, прибыль или убыток от обычной деятельности.

Abstract:: This article provides insights on how to improve the audit of the financial results report The improvement of the financial results report is based on international standards.

Keywords: Financial result, Constituent documents, General ledger, statement of financial results, separate tax calculations, financing expenses, results of operating (main) activities, tax expenses, profit or loss from ordinary activities.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти мунтазам равишда иқтисодий ўсишга еришмоқда. Хусусан, 2020-йил Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида

ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – “ГСП+” тизимини татбиқ этиш бўйича, муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим келгусида республикамизда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламасдан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратади.

Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Иқтисодиётимизда юз бераётган модернизация жараёни уларнинг натижаси ўлароқ вужудга келаётган юқори қийматга ега бўлган маҳсулот ва хизматлар, технологиялар,инвестициялар, мажбуриятлар, хусусий капитал ва охирги молиявий натажаларга оид ахборотларни хорижий инвесторлар талабларига мос келадиган, умум тан олинган меъёр ва қоидаларга мос равишда шакиллантириш долзарб масалалардан биридир.

Юқоридагиларни ижобий ҳал етиш ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит олдига ҳам бир қанча масалаларни долзарб қилиб қўяди, жумладан: хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлар талаблари асосида ҳисобда акс еттириш, молиявийхўжалик фаолиятини ва иқтисодий барқарорлигини таҳлил қилиш, молиявий ҳисоботини ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида аудиторлик текширувини ўтказиш ҳамда бошқа малакали хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи юзасидан хулоса беришда аудиторлар ўзларининг шахсий, ҳаққоний ва мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билимларига таянишлари лозим, зеро аудиторлар томонидан хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботлари тўғрисида берилган беғараз хулосадан мулк егалари, инвесторлар, кредиторлар, банклар акцияларни сотиб олишда ва сотишда, кредитлар ва қарзлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда фойдаланадилар.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида даромадлар ва харажатлар алоҳида муҳим объект сифатида қаралади ва ушбу кўрсаткичлар якуний молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(фойда ёки зарар) елементлари бўлиб ҳисобланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот берилган ҳисобот даврининг бошига ва охирига бўлган баланслар ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда корхонанинг провард мақсади бўлган фойдасини ўзида акс еттирган молиявий натижалар

тўғрисидаги ҳисобот хар қандай ички ва ташқи инвесторлар учун мухим ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Ўшбу ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ишончлилиги, шаффофлиги ўз ўрнида аудиторлик текшируви жараёнида аниқланади. Шуни инобатга оладиган бўлсак Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитнинг ҳам муҳим объекти бўлиб ҳисобланади.

Молиявий натижаларнинг аудити маълум хусусиятларга ега , уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- Молиявий натижаларнинг шаклланиши бир қанча кўрсаткичларга боғлиқ;
- Молиявий натижа ҳисобот давридаги корхона фаолиятининг якуни ҳисобланади;
- Корхонанинг фойда билан ишлаши ёки ҳисобот даврини зарар билан якунланиши молиявий натижаларни шакллантирувчи кўрсаткичларга бевосита боғлиқ бўлади;
- Молиявий натижаларга олдиндан аниқ бўлмаган хавф-хатарлар, тасодифий ҳодисалар ўз таъсирини кўрсатади.
- Молиявий натижалар аудитидан мақсад бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботида корхона фойда ва зарарлари ишончли акс етганлиги, соф фойда қонуний тақсимланганлиги ва фойдаланганлигини аниқлашдир.

Молиявий натижаларни текшириш учун маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлиси баённомалари, буйруқлар, фармойишлар.

2. Дастлабки ҳужжатлар (кирим ва чиким касса ордерлари, тўлов қайдномалари, чипталар, счетлар, тўлов топшириқномалари, илова килинган сўмдаги ва валютадаги счетлари бўйича банк кўчирмалари, сотиш, фойда ва зарарлар, солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдадан фойдаланиш счетлари бўйича ҳисоб регистрлари (қайдномалар, журнал ордерлар, машинограммалар).

3. Бош китоб, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, алоҳида солиқлар бўйича ҳисоб- китоблар ва бошқалар ҳисобланади.

Молиявий натижалар аудитининг асосий вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

- молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- фойданинг тўғри ишлатилишини текшириш;
- молиявий натижаларни бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс еттирилганлигини аниқлаш;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг асослиги ва тўғри тузилганлигини текшириш.

Молиявий натижаларни аудит қилиш жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсатгичлари таҳлил қилинади ва тегишли тавсиялар берилади. Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларга қуйи-дагиларни киритиш мумкин:

- ❖ корхонанинг мулкий ҳолати;
- ❖ корхона балансининг ликвидлиги;
- ❖ корхонанинг тўлов қобилияти;
- ❖ корхонанинг молиявий барқарорлиги;
- ❖ корхонанинг молиявий натижалари;
- ❖ корхонанинг рентабеллик даражаси.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини такомиллаштири учун аввало молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандарларга муофиқ формага келтириш керак. Биламизки халқаро стандартлар ҳисоботларга алохида қатий тартибда шаклга солиб қуйилмаган. Бизда еса малум шакл (Молиявий ҳисоботнинг 2-шакли) га солинган. Шуни инобатга олган ҳолда таклифлар қуйдагилар:

- ➢ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни катий тартибдан чикариш лозим, ҳисоботни чеклаш емас балки хар қайси фаолият туридаги корхона узининг асосий молиявий кўрсаткичларини очиб беришга шароит яратмоқ лозим. Ҳисоботда фақат курсати ўтилиши керак бўлган моддаларни тартибга солиш лозим ва булар қуйдагилар:

(а) сотиш;
(б) молиялаштириш бўйича харажатлар;
(в) операцион (асосий) фаолият натижалари;
(г) солиқ бўйича харажатлар;
(д) оддий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар;
(е) давр бўйича соф фойда ёки зарар.

О.Х.Холиқулов –СамИСИ таянч докторанти

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМ ИНЖЕНЕРИ ЁКИ УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ COVID-19 БЎЙИЧА ДАВОЛАШ ПУЛИ ҲИСОБИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада республикамизда юзага келган пандемия шароитида қурилиш ташкилотлари механик инженерининг даволаниш пули ҳисобини реал ифодаланиш хусусиятлари тадбиқ этилган.

Калит сўзлар: Пандемия, бухгалтерия ҳисоби, қурилиш машина-механизмлар, **COVID-19,** инженер-механик, коронавирус.

Аннотация: В данной статье представлены особенности реального представления стоимости лечения инженера-механика строительных компаний в условиях пандемии в стране.

Ключевые слова: Пандемия, бухгалтерия, строительная техника, COVID-19, инженер-механик, коронавирус.

Abstract: This article presents the features of the real representation of the cost of treatment of a mechanical engineer of construction companies in a pandemic in the country.

Key words: Pandemic, accounting, construction equipment, COVID-19, mechanical engineer, coronavirus.

Ҳозирги кунга қадар бутун дунёда ҳукмронлик қилаётган COVID-19 коронавируси ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини сусайтиришга сабаб бўлиб келмоқда. Пандемия шароитида мамлакатда мавжуд ташкилотларда фаолият юритиб келаётган ходимлар ижтимоий шароитига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Шуни таъкидлаш жоизки, юзага келган ҳар қандай бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатларни мавжуд меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар асосида ҳисобга олиш, бу бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизда 2020 йил 16 мартдан карантин жорий этилганлиги муносабати билан, Республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгиланган фармонлар асосида **коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш,** шу жумладан:

✓ даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

✓ хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

✓ коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш[1].

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

✓ 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча 10 фоизга оширилсин[2].

Шу боис фаолият юритиб келаётган қурилиш ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари республикамиз томонидан, қонун хужжатлар асосида ижтимоий ҳимояланиши мақсадга мувофиқдир. “СУФАТ и Д” МЧЖ да қурилиш машина-механизм инжинери пандемия вақтида унган кўрсатилган тиббий хизмат ҳақини тўлаб беришни илтимос қилиб, ташкилот раҳбариятига мурожаат қилди ва қуйидаги ҳужжатларни бухгалтерияга тақдим этди.

Қурилиш машина-механизм инжинери тиббий хизмат кўрсатишга муҳтожлиги ва унинг фарзандларига ёрдам беришга тайёр бўлса, ташкилот раҳбарияти қуйидагиларга асосан амалга ошириши мумкин, яъни:

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.МИРЗИЁЕВ нинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги № 5996 Фармони. Тошкент ш., 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.МИРЗИЁЕВ нинг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги № 5996 Фармони. Тошкент ш., 2020 йил 18 май,ПФ-5996-сон. *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.05.2020 й., 06/20/5996/0597-сон).*

1. қурилиш машина-механизм инжинери томонидан ҳаражатларни тўлашни сўраб раҳбар номига ёзма аризаси;

2. соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан берилган асос бўлувчи йиғма ҳужжатлар (шартнома, хизматлар ҳақини тўлаш учун ҳисоб рақам).

Ташкилот бухгалтери тиббий хизмат ҳақи тўланганлигини раҳбар буйруғи билан расмийлаштириш керак. Буйруқда ҳаражатлар суммасини ва уларнинг ҳақини тўлаш усулини акс эттириш керак. Ташкилот бу операция бўйича юзага келган тўлов суммасини қуйидаги йўл билан тўлаб беришга ҳақлидир.

- соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоб рақамига маблағларни ўтказиб бериш;
- соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида қурилиш машина-механизм инженерига кассадан нақд пул бериш;
- қурилиш машина-механизм инженерининг банкдаги ҳисобварағига маблағларни қайд этиш;
- қурилиш машина-механизм инженерининг шахсий (Uzcard ёки HUMO) пластик картасига пул маблағларини ўтказиб бериш.

Қурилиш машина-механизм инженерининг ўзи нақд пулни ололмаса, у оила аъзоларига ёки ота-онасига берилиши мумкин. Солиқ Кодексига асосан, ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун иш берувчилар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида эса - унинг оила аъзоларига, ота-онасига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, бу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади[1].

Қурилиш машина-механизм инженерига кассадан нақд пул бераётганда ёки ташкилот асосий ҳисоб рақамидан унинг банкдаги ҳисобварағига маблағларни ўтказаётганда ходимдан тиббий хизмат ҳақи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш талаб этилади. Бу операция якуни учун касса чеки ёки терминал чеки бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агарда бухгалтерия ҳисобида маблағлардан мақсадли фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, асоссиз равишда солиқ органлари имтиёз тўғри қўлланганини тан олмасликлари мумкинлигини юзага келтиради.

“СУФАТ и Д” МЧЖ да ушбу операция бўйича қуйидаги солиқ оқибатлари юзага келди. Иш берувчининг стационар ва амбулатор тиббий

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 54-боб. “Солиқ имтиёзлари”. 378-модда.3-банди. *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон)*

хизмат кўрсатиш учун харажатлари ходимнинг моддий наф тарзидаги даромадларига киради[1] . Буларга қуйидаги солиқ турлари солинмайди, яъни:

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- ижтимоий солиқ.

Юқорида келтирилган солиқ турлари бўйича харажатлар фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш вақтида чегирилмайди.

“СУФАТ и Д” МЧЖ қуйидаги ҳолларда жисмоний шахслардан олинадиган дармад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланишга ҳақлидир:

✓ қурилиш машина-механизм инженери ва унинг фарзандларига тиббий хизмат кўрсатиш учун маблағлар тўланган ва сарфланган бўлса;

✓ қурилиш машина-механизм инженери томонидан қилинган ҳаражатлар суммасига доир ва улардан мақсадли фойдаланилганини асос бўлувчи ҳамда тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса.

Ушбу вазиятда ёрдам миқдори меъёри белгиланмагани туфайли, у қанча миқдорни ташкил этишидан қатъи назар, солиқ имтиёзларини қўллашингизни талаб этади. Қурилиш машина-механизм инженерига кўрсатилган тиббий хизмат ҳақи тўланишига асос бўлувчи соғлиқни сақлаш ташкилотларининг йиғма ҳужжатлари маблағлар тўланган санадан аввалроқ расмийлаштирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

“СУФАТ и Д” МЧЖ солиқ органига тақдим этган ҳисоботида акс эттириш бухгалтернинг асосий вазифалари сирасига киради. Солиқ ҳисоботларида акс эттириш тартиблари муҳим саналади.

1. Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ҳужжатлари асосида ҳақи тўланган тиббий хизмат кўрсатиш харажатлари суммасини қуйидагиларда акс эттиринг:

➢ ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида (4-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.);

➢ 012-сатрда;

➢ банд ва имтиёз мазмунини танлаб, 2-илова «Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари ёйилмаси»нинг 0301-сатрида;

6-илова «Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулкий (дивиденд ва фоизлардан ташқари), моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида маълумот» да.

2. Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-«Харажатлар» иловаси 0118-сатрининг 3 ва 4-устунларида **(**3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.).

Ташкилот бухгалтерия ҳужжатларида юзага келган операцияларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш муҳимдир.

“СУФАТ и Д” МЧЖ бухгалтерия ҳужжатларида ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

а) “СУФАТ и Д” МЧЖ томонидан тўлов соғлиқни сақлаш ташкилотининг счётига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда (1-жадвал):

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 53-боб. “Жами даромад”. 376-модда.1-қисм,3-банди. *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон)*

1-жадвал

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси*[1]	
		дебет	кредит
1	Тиббий хизмат кўрсатиш учун маблағ ўтказилди	4330	5110
2	Ходимнинг даромади ҳисобланадиган кўрсатилган тиббий хизмат учун корхона харажатлари акс эттирилди	9430	6731
3	Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан хизматлар кўрсатилгани акс эттирилди	6731	6010, 6990
4	Илгари берилган аванс ҳисобга олинди	6010	4330

б) “СУФАТ и Д” МЧЖ касасидан қурилиш машина-механизм инженерига нақд пул берилганда (2-жадвал):

2-жадвал

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Нақд пул маблағлари берилди (тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш шарти билан)	4790	5010
2	Ходимнинг даромади ҳисобланадиган кўрсатилган тиб-бий хизмат учун корхона харажатлари акс эттирилди	9430	6731
3	Илгари берилган аванс ҳисобга олинди (тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда)	6731	4790

в) маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилганда (3-жадвал):

3-жадвал

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Пул маблағлари ходимнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилди (тасдиқловчи асосий ҳужжат билан)	4790	5110
2	Ходимнинг даромади ҳисобланадиган кўрсатилган тиббий хизмат учун корхона харажатлари акс эттирилди	9430	6731
3	Илгари берилган аванс ҳисобга олинди (тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда)	6731	4790

[1] Изоҳ:*”*СУФАТ И Д” МЧЖ ҳисобварақлар ишчи режасига асосан 6731-«Моддий наф тарзидаги даромадлар бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш» счётини киритиш тавсия этилади.*

9430-«Бошқа операцион харажатлар»,5110-«Ҳисоб-китоб счёти»,4330-«Бошқа берилган бўнаклар»,6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 6990-«Бошқа мажбуриятлар», 4330-«Бошқа берилган бўнаклар»,4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари»,5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»

Юқоридаги бухгалтерия ёзувларидан кўриниб турибдики, қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятида ҳам бевосита уларни механик инженери соғлиги муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам механик инженерни моддий рағбатлантириш асосий меҳнат ҳаражатларининг бир бўғини саналади. Бизга маълумки, 2020 йили бутун дунё миқёсида пандемия шароити айниқса ҳар бир фуқаронинг моддий рағбатлантириш манбаларини излаб топишга асосий туртки бўлиб хизмат қилди.

S.K. Boyjigitov– SamISI, “Marketing” kafedrasi assistenti,
R.O‘. Shodiqulov– SamISI, MR-317 guruh talabasi

KORXONALARDA TOVAR SIYOSATINI TAHLIL QILISHDA BCG MATRITSASINI QO‘LLASH MEXANIZMLARINI OSHIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada BCG (Boston Consulting Group) matritsasining asosiy mazmuni keng ko‘lamda yoritib berilgan. Bundan tashqari ushbu maqolada tovar siyosatini tahlil qilishda BCG matritsasining qo‘llash imkoniyatlarini bilish va asosiysi BCG matritsasining tovar siyosatini tahlil qilishdagi o‘rni haqida batafsil yoritilib berilgan.

Kalit so‘zlar: tovar, tovar siyosati, BCG matritsa, xizmat ko‘rsatish, raqamli iqtisodiyot.

Аннотация: В этой статье дается общий обзор матрицы BCG (Boston Consulting Group). Кроме того, в данной статье подробно рассказывается о применении матрицы BCG в анализе товарной политики и, что наиболее важно, о роли матрицы BCG в анализе товарной политики.

Ключевые слова: товар, товарная политика, матрица BCG, услуга, цифровая экономика.

Abstract: This article provides a comprehensive overview of the BCG (Boston Consulting Group) matrix. In addition, this article details the application of the BCG matrix in the analysis of commodity policy and, most importantly, the role of the BCG matrix in the analysis of commodity policy.

Keywords: commodity, commodity policy, BCG matrix, service, digital economy.

Mamlakatimiz yangi bozor iqtisodiyoti bosqichga ko‘tarilishi oqibatida barcha sohalarda keng ko‘lamli axborotlashtirish, baholash ishlari amalga oshirilib kelmoqda. Axborot texnologiyalarining rijojlanishi oqibatida elektron tijorat tizimi, bozor imkoniyatlari ham yangi bosqichga ko‘tarildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020 yil 5 oktyabrdagi ““Raqamli O‘zbekiston - 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son Farmonida raqamli iqtisodiyotda korxonaning tovar siyosatini tahlil qilishda BCG matritsasini qo‘llash va uni to‘g‘ri amalga oshirish belgilab berilgan. Raqobatli bozor jarayonlarida korxona tovar siyosatini to‘g‘ri tanlashi uning bozordagi mustahkam o‘rnini belgilashga asos bo‘ladi.

Bozor [1] — sotuvchilar bilan haridorlar o‘rtasidagi tovar ayirboshlash munosabatlari; ishlab chiqarish bilan iste’molni o‘zaro bog‘lovchi mexanizm. Iqtisodiyotda bozor atamasi ostida bozor sub’yektlari (xaridorlar va sotuvchilar) orasidagi pul-mol almashinuvi tizimi tushuniladi.

Tovar[2] – murakkab ko‘p qirrali tushuncha, biroq bunda eng asosiy narsa iste’mol xususiyatlari, ya’ni tovaming o‘z vazifasini bajarish-unga ega boMgan iste’molchining extiyojlarini qondirish xususiyatidir.

Hozirgi bozor iqtisodiyotiga o‘tish sharoitida mamlakatimizni iqtisodiy salohiyatini mustahkamlash va rivojlanishda, dunyo bozorida ildam qatnashishda tovarlar sifatini ko‘tarib, ulami raqobatbardosh tovarlarga aylantirish eng dolzarb muammolardan biridir.

Har qanday tovar bozorga chiqishi bilanok o‘z raqobat qobiliyatini yo‘qota boshlaydi, bu jarayonni sekinlatish mumkin, bu iqtisodiy foyda va oldingi buyum raqobat qobiliyatini to‘la yo‘qotish paytigacha bozorga yangi tovar bilan chiqish imkoniyatini beradi.

Xo‘jalik portfeli matritsasi-diversifitserlangan kompaniya faoliyatining (biznesini) har bir turdagi strategik holatini taqqoslovchi ikki o‘lchamli modeli hisoblanadi. Diversifitserlangan kompaniya faoliyati turining sifatini baholashda keng tarqalgan usullaridan biri bo‘lib, xo‘jalik portfelining matritsali tahlili hisoblanadi.

Xo‘jalik portfeli matritsasi diversifitserlangan kompaniyaning har bir tarkibiy tuzilmasini strategik xolatini taqqoslaydigan jadvaldan iborat bo‘ladi .

Matritsa strategik xolatni harakterlovchi istalgan juftlik ko‘rsatkichlar asosida tuzilishi mumkin. O‘ta ahamiyatli bo‘lib tarmoq o‘sish sur‘atlari, bozor ulushi, tarmoqni uzoq muddatli jozibadorligi, raqobatbardoshligi va mazkur mahsulotning yoki bozorning rivojlanish bosqichi hisoblanadi. Odatda matritsaning bitta o‘qi tarmoq jozibadorligini ifodalaydi, boshqasi esa undangi faoliyatning konkret turi holatini aks ettiradi. Xo‘jalik portfeli matritsasini 3 xili keng qo‘llaniladi – BKG kompaniyani tomonidan ishlab chiqilgan — “o‘sish / ulush” matritsasi, General Electric kompaniyasi tomonidan yaratilgan “tarmoq jozibadorligi/raqobatdagi holati” matritsasi va Hofer/A.D.Little tarmog‘ining “hayotiy sikli” matritsalaridir.

BKG matritsasi diversifitserlangan kompaniya xo‘jalik bo‘linmasini xolatini tarmoq o‘sish sur‘ati va bozorning nisbiy ulushi kursatgichlari asosida taqqoslaydi va xulosa qiladi.

Eng ko‘p qo‘llaniladigan to‘rt kvadrantdan tashkil topgan mehnat faolligi portfeli matritsasi yetakchi konsalting kompaniyasi bo‘lgan Boston Consulting Group (BKG) tomonidan ishlab chiqilgan.

Kompaniya xo‘jalik portfelini tahliliga ixtisoslashtirilgan ko‘pgina ekspertlar bozorni yuqori va past nisbiy ulushlari o‘rtasidagi chegarani o‘tkazish asoslanmagan deb hisoblaydilar, chunki faqatgina o‘z bozorlarida yetakchilik qiluvchi biznesgina jadvalning chap qismiga tushadi. Ular chegarani 0,75-0,80

[1] https://laws.studio/kniga-menedjment/ryinochnaya-privlekatelnost-38548.html
[2] Qosimova M.S., Yusupov M.A., Ergashxodjayeva SH.D. M arketing. Darslik, - T.: TDIU, 2010. 265 b

oralig‘ida o‘rnatish maqsadga muvofiq deb hisoblaydilar, chunki chap kvadrantga o‘rtadan yuqori darajada joylashgan (lekin, yetakchi bo‘lmasa ham) kuchli kompaniyalar ham tushib qolishi mumkin, shu tarzda o‘ng kvadrantlarga raqobatchilarga aniq yutqazuvchi yoki o‘rtachadan past darajada joylashgan firmalar ham tushib koladi.

Bozorning nisbiy ulushi kompaniya raqib kuchlarini va foizlarda ifodalangan bozorni haqiqiy ulushga qaraganda, bozordagi pozitsiyasini belgilovchi ko‘rsatkich bo‘lib hisoblanadi.

BKGni — “o‘sish/ulush” matritsasini asosiy afzalligi shundaki, u naqd mabalg‘lar harakatiga va har bir biznesni investitsion tavsifiga e‘tiborni kuchaytiradi, hamda korparatsiya barcha portfeli ish faolligini optimallashtirish maqsadida xo‘jalik bo‘linmalari o‘rtasida moliyaviy resruslar qanday taqsimlangan degan savolga javob beradi. BKG xulosalariga mos ravishda korparatsiyani ishochli uzoq muddatli strategiyasi resurslarni egallovchilarni bozor ulushini oshirishni moliyalashtirish uchun, o‘sish uchun o‘z shaxsiy mablag‘lari hozircha yetarli bo‘lmagan yosh yulduzlar uchun, yulduzlarga o‘sib chiqishga yaxshi imkonitlarga ega bo‘lgan qiyin bolalar uchun sog‘in sigirlardan tushadigan qo‘shimcha mabag‘lardan foydalanish zarur. Agar muvaffaqiyat qozonsa resurs egallovchilar yulduzga aylanadi hamda, moliyalashtirishga bo‘lgan ehtiyojini to‘liq o‘zi qonlaydi. So‘ng, qachonki bozorda yulduzlar o‘sish sur‘ati sekinlashsa va bozor pishib-yetilishi bosqichiga o‘tsa, yulduzlar sog‘in sigirlarga aylanadi (o‘tadi).

Korxonalarda Tovar siyosati tahlilini amalga oshirishda BCG matritsasining imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda quyidagi xulosa va takliflarga kelishimiz mumkin:

1 Mezonlarni faqatgina past-yuqori deb baholavchi to‘rt katakli matritsa ko‘pgina xo‘jalik bo‘linmalari bozorda o‘rtaga temp o‘sishi bilan ishlashligini aks ettirmaydi va ularni nisbiy bozor ulushi yuqori ham past ham emas, balki o‘rtasida bo‘lishini ta’minlashi.

2 Xo‘jalik bo‘linmalarini yulduz, sog‘in sigirlar itlar va so‘roq belgilari kabi ko‘rib chiqib, ularga nisbatan sodda yondashuv bo‘lib hisoblangan to‘rt guruhga bo‘lishga to‘g‘ri keladi. Bundan shunday xulosa keladiki, baholashni talab etuvchi tayanch (asos) harakteristikasi (tavsifi) bo‘lib, bozorda kompaniyani nisbiy ulushi trendi bo‘lib hisoblanadi.

3 Xo‘jalik bo‘linmalari guruhini o‘zoq muddatli jozibadorligini to‘g‘ri baholash uchun strategiyalar nafaqatgina tarmoq temp o‘sishini balki bozorni nisbiy ulushini ham tahlil qilinishi zarur.

4 Bozorni nisbiy ulushi va daromadlilik o‘rtasida bog‘liqlik egri tajriba samarasi kabi kuchli emas. Harajatlarni pasaytirish uchun to‘plangan ishlab chiqarish tajribasining muhimligi bir tarmoqdan boshqasiga o‘zgarib turadi.

Ba‘zida yuqori bozor ulushi past tannarx hisobidan afzallikka aylanadi, ba‘zida yo‘q. Bundan, strategiyalar tanlashda juda ehtiyot bo‘lish kerak, chunki egri tajriba samarasi total raqobat afzalligini beruvchi yetarli darajadagi kuchli

omil bo‘lib hisoblanadi (egri tajribadan boshqa ham juda yuqori raqobat ustunligi manbalari amal qiladi).

Korxonaning qay darajada faoliyat ko‘rsatayotganini, uning bozorda qanday faoliyatda bo‘lishini ularning tanlagan strategiyalari aniqlab beradi. Bu strategiyalarni shakllantirishda esa har xil tahlil usullaridan foydalansa bo‘ladi. Ana shunday aniq tahlil usullaridan BCG matritsasi tahlil usuli Tovar siyosatini tahlil qilishda foydalanish imkonini beradi. Bu tahlillarga asosan korxonaning tovarilarini BKG tahlil usulida tahlil qilinishi, bu tovarlarning korxonadagi ulushlarini aniqlab, tovarlarning har biriga mos ravishda eng yaxshi, ya’ni optimal strategiya qo‘llaymiz. Bu strategiyalar asosida esa xizmatlarning sifatini yanada oshirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ergashxodjaeva Sh. J., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik.- T.: Iqtisodiyot, 2018.-315 b.
2. Ergashxodjaeva Sh.Dj., Samadov A.N., Alimxodjayeva N.E., Sharipov I.B. Marketing kommunikatsiyasi. O‘quv qo‘llanma.-T.:Iqtisodiyot, 2019.-418 b.
3. Gary Armstrong, Philip Kotler, Michael Harker, Ross Bernnan. Marketing an introduction. England, 2016, Paperback: 720 pages, Pearson.
4. Воронюк А. Актуальный интернет-маркетинг/А.Воронюк- «IPIO», 2018. 214 с.

Ф.З.Юсупова – СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

ПАРРАНДАЧИЛИК ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАР ТАННАРХИ КЎРСАТКИЧЛАРИ АУДИТИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ

Аннотация: ушбу мақолада паррандачиликда қилинадиган харажатлар, харажатларнинг турлари ва материаллар таннархи кўрсаткичлари аудитининг ўтказиш тартиби, объекти сифатидаги таснифи ва тавсифлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: парандачилик,харажатлар, таннарх, материаллар, ҳақиқий харажат, бевосита ва билвосита харажатлар, чорвачилик, ишлаб чиқарилган маҳсулот.

Аннотация: в статье описывается классификация и описание показателей затрат на птицеводство и материальных затрат как объекта аудита

Ключевые слова: птицаводства, затраты, стоимость, материалы, фактическая стоимость, прямые и косвенные затраты, животноводство, промышленная продукция.

Abstract: this article describes the classification and description of indicators of costs for poultry farming and material costs as an object of audit

Keywords: poultry farming, costs, materials, actual cost, direct and indirect costs, livestock, industrial products.

Ишлаб чиқариш харажатлари аудитини ўтказишни қийин саволларини кўриб чиқиш пайтида иқтисодий-ҳуқуқий категория сифатида таннархни иқтисодий моҳиятини умумий қоидаларини аниқлаш зарурати вужудга келади.

Ҳар қандай корхонада хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган вақтда табиий тарзда хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, ишчиларга иш ҳақи тўланиши, уларга ягона ижтимоий тўлов ажратилирши, амортизаця ҳисобланиши ва яна бир қанча харажатлар амалга оширилади. Муомала жараёни ёрдамида бу харажатлар доимо корхонани маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олган тушумидан (даромадидан) қопланади, бу эса ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлайди. Корхона бўйича ҳамма харажатлар суммаларини ҳисоблаш учун уларни ягона махражга келтириш лозим, яъни пулда ифодалаш лозим. Шундай кўрсаткич бўлиб таннарх ҳисобланади.

Харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофиқ: маҳсулот (ишлар, хизмат)лар таннархи бу маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва бошқа харажатларни қийматини баҳоланишидир.

Ҳар қандай корхона ўзини фаолиятини бошлашдан олдин қанча фойда олишини аниқлайди. Корхона фойдаси асосан маҳсулот нархи ва уни ишлаб чиқаришига қилинган харажатларга боғлиқ бўлади. Маҳсулот нархи эса талаб ва таклифга биноан белгиланади. Бозор нарх шаклланиши қонунлари таъсири остида, эркин рақобат шароитида, маҳсулот нархи ишлаб чиқарувчини ёки харидорни хохишига қараб баланд ёки паст бўлолмайди – у автоматик ҳолда тенглашади. Бошқа масала бу маҳсулот таннархини шакллантирувчи - харажатлардир. Улар ишлатилаётган меҳнат ва моддий ресурсларни ҳажми, техника даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, ошиши ёки камайиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатилган ресурсларни таннархи тушунилади. Ушбу таърифда қуйидаги калитли атамалар борлигини кўрсатади: таннарх тушунчаси, ресурслар, ишлаб чиқариш жараёнлари, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш. «Таннарх» атамаси нисбатан янги бўлиб, Рудановский А.П., Тер-Давидов М.П. асарларида 1912 йилда пайдо бўлган. Унгача «ўзини қиймати», «ишлаб чиқариш қиймати», «ҳақиқий қиймат», «ҳақиқий нарх» деб ёзганлар. Бу синонимлар керакли сўзни икки маънодан иборатлигини аниқлади:

Барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун кетган харажатларни;

Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)га тушадиган харажатларни.

Айрим адабиётларда ресурсни захира деб эътироф этишади. (масалан, Ожегов С.И.ни луғатида). Бухгалтерия ҳисобида ресурслар – бу активлар (келгуси давр харажатларини айриб ташлаб). Иқтисодий маъносидан келиб чиқиб ресурслар уч турга бўлинади: моддий, меҳнат ва молиявий. Замонавий бухгалтерия ҳисоби тизимида меҳнат ресурслари активлар таркибига киритилмайди, моддий ва молиявий ресурслар эса корхонага потенциал фойда (иқтисодий наф) келтирувчи ҳисобланади.

Шундай қилиб, таннарх таркибида корхонанинг барча харажатлари

киради ва айнан улар уни миқдорини белгилайди.

Ишлаб чиқариш жараёни вақтида активлар ресурс сифатида уларни ҳисобдан чиқариш натижасида аввал ишлаб чиқариш харажатларига, кейинчалик тайёр маҳсулотга айланади. Тайёр маҳсулот сотилганда ресурслар (активлар) таркибида ўзгариш вужудга келади, чунки товарлар сотилганда, корхона уларни сотиш таннархи бўйича харажат қилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

-Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни тегишли моддалар бўйича ўз вақтида ва тўғри акс эттириш;

-Фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурсларни оператив назорати бўйича ахборот тайёрлаш ҳамда уларни тегишли норма, нормативлар ва сметалар билан таққослаш;

-Маҳсулот таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш, унумсиз харажатлар ва нобудгарчиликлар олдини олиш;

-Корхона таркибий тузилмалари бўйича ички хўжалик ишлаб чиқариш натижаларини аниқлаш.

-Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда ташкил қилиниши лозим:

-Харажатлар ҳисоби кўрсаткичларини режа кўрсаткичлари билан таққослаш;

-Барча ҳисобот даври маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини уни таннархига қўшилганлиги;

-Харажатларни ишлаб чиқариш бўлимлари, маҳслот турлари, элементлари ва харажат моддалари бўйича акс эттириш ва гуруҳлаш;

-Харажат объектларини калькуляция объектлари билан мувофиқлиги;

-Ишлаб чиқариш харажатларини мавжуд нормалар ва улардан четланишларни алоҳида-алоҳида акс эттирилганлигини таъминлаш;

-Маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри олиб бориладиган харажатлар таркибини кенгайтириш;

-Харажатлар ҳисоби методологияси ва ташкил этилишини халқаро стандартларга максимал яқинлаштириш;

-Бухгалтерия ҳисобида харажатларни иқтисодий жиҳатлари ва моддалри бўйича, маҳсулот турлари ва корхона бўлинмалари бўйича гуруҳлаштириш;

-Маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг таннархини калькуляциялашга доир харажатлар ҳисобининг қабул қилинган услубияти йил давомида ўзгармаслиги;

-Харажатлар ҳисоби объектларини маҳсулот таннархини калькуляция қилиш объектлари билан мувофиқлаштириш;

-Даромадлар ва харажатларни ҳисобот даврларига тўғри киритиш;

-Ҳисобда ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатларни ажратиш.

Ушбу тақдим этилган вазифалардан келиб чиқиб, корхона энг муҳим шартлардан бирига риоя қилиши лозим, айнан: ишлаб чиқариш харажатлари

ҳисобини маҳсулот (ишлар, хизмат)ни ва материалларни алоҳида турлари бўйича аниқ амалга ошириш; умум қабул қилинган таснифлашга риоя қилиш. Ушбу таснифлашни асосига қуйидаги белгилар қўйилган (1-жадвал):

1-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларнинг умум қабул қилинган таснифи

Т/р	Харажатлар таснифи
1	Жавобгарлик марказлари
2	Харажатлар марказлари
3	Айрим харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги
4	Технологик жараёнга муносабати
5	Харажат турлари
6	Харажатларни даврийлиги
7	Ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни
8	Солиққа тортишга муносабати
9	Фойдалилик

Бошқарувни такомиллаштириш ва харажатларнинг тўғри ва ўз вақтидаги бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қаттиқ назоратни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажатлар ва талафотларни ҳар томонлама камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг энг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўғрисидаги ахборотни шакллантиришнинг ягона тамойилларини таъминлаш учун давлат томонидан маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, даромад ва харажатларни гуруҳларга ажратиш, корхоналар фаолияти тури, мулкчилик шакли ва идоравий буйсунишидан қатъи назар уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг умумий тартиби белгиланган.

Ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» низом ишлаб чиқилди.

Низомда молиявий натижаларни шакллантириш услубияти белгиланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий –хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш фаолияти натижасида олинадиган даромадлар рўйхати келтирилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини мақсадга мувофиқ ташкил этиш бу харажатларнинг аниқ ва асосланган таснифланишини талаб этади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагича гуруҳланади (2-жадвал):

Шу сабабли харажатлар моддаларининг гуруҳланиши қуйидагича кўринишда бўлади (3-жадвал).

2-жадвал.

Харажатларни гуруҳланиши

Т/Р	Харажатлар гуруҳлари
1	Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар
2	Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар
3	Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари
4	Фавкулодда зарарлар, у даромаддан олинадиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган харажатлар

3-жадвал

Харажатлар моддаларининг гуруҳланиши

Т/Р	Харажатлар гуруҳлари	Харажатлар моддалари
1	Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	• бевосита ва билвосита моддий харажатлар • бевосита ва билвосита меҳнат сарфлари • бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар
2	Давр харажатлари	• сотиш харажатлари • бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар) • бошқа операцион харажатлар ва зарарлар • келгусида солиқ солиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари
3	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	• фоизлар бўйича харажатлар • хорижий валюта билан операция бўйича манфий курс тафовутлари • қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш • молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар
4.	Фойда солиғини тўлаш учун фойда ёки зарарни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинадиган фавкулодда зарарлар	• Фавқулодда зарарлар

Бошқарув ҳисобида харажатларнинг қуйидаги таснифидан фойдаланилади (4-жадвал).

Қуйида 4-жадвалда келтирилган харажатлар таснифининг айримларига изоҳ келтирамиз.

Маҳсулот таннархига қўшилиш усулига қараб ишлаб чиқариш харажатлари икки гуруҳга: бевосита (тўғри) харажатлар ва билвосита (эгри)

4-жадвал

Бошқарув мақсадларига қараб харажатларнинг таснифи

Т/р	Харажатлар белгиси	Харажатлар номлари
1	Иқтисодий мазмунига қараб	Моддий харажатлар Меҳнатга ҳақ тўлаш харажтлар Асосий воситалар амортизацияси Бошқа харажатлар
2	Калькуляция моддалари бўйича	Тармоқлар меъёрий хужжатларига мувофиқ
3	Турлилик даражасига қараб	Бир элементли Комплексли
4	Таннархга қўшиш усулига қараб	Бевосита (тўғри) Билвосита (эгри)
5	Технологик жараёнга қараб	Асосий Устама
6	Харажатни келиб чиқиш соҳасига қараб	Ишлаб чиқариш Ноишлаб чиқариш
7	Режани қамраб олиш даражасига қараб	Режалаштирилган Режалаштирилмаган
8	Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан	Ўзгарувчан харажатлар Шартли - доимий харажатлар
9	Харажатларни бошқариш даражасига қараб	Бошқариладиган Қайтарилмайдиган

харажатларга бўлинади.

Бевосита (тўғри) харажатлар бирламчи ҳужжатларга асосан маълум бир маҳсулот турининг ёки ишнинг таннархига киритилиши мумкин бўлган ва уларни яратиш ёки бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Билвосита эгри харажатлар – бир неча хил маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ (электр қуввати, сув, буғ ва ҳоқазолар сарфи), шунинг учун улар мазкур маҳсулот турлари ўртасида тақсимотнинг аниқ базаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқлик даражасига қараб харажатлар икки гуруҳга: ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар - миқдори, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикасига мутаносиб равишда ўзгарувчи харажатлар ҳисобланади. Буларга хом ашё ва асосий материалларга, асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар иш ҳақига, бу иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ҳоказо харажатлар киради.

Шартли-доимий харажатлар – ҳажми ҳар доим бир хилда бўлиб қоладиган ёки чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори ўсиши ёки камайиши билан катта аҳамият касб эмайдиган даражада ўзгарадиган (амортизация,

ижара тўлови ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича бошқа) харажатлардир. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маълум даражасигача ишлаб чиқариш цехлари бошқарув ходимлари иш ҳақи ва бошқа харажатлар ўзгармас бўлиб қолади, аммо ишлаб чиқаришнинг кўпроқ ошиши янги дастгоҳлар сотиб олишни, янги цехларни ишга тушуришни талаб этади, бу эса уларни бошқариш харажатларини оширади.

Шартли-доимий харажатлар мутлақ миқдор бўйича нисбатан ўзгармай қолиб, ишлаб чиқариш ўсганда таннархни пасайтиришнинг муҳим омилига айланади, чунки бунда уларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган миқдори камаяди.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қараб бир элементдан иборат бўлган (материаллар, иш ҳақи ва ҳоказо) бир турдаги (бир элементли) ва бир неча элементдан иборат бўлган (умумишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва ҳоказо) комплекс бўлиши мумкин.

Чорвачилик деҳқончилик сингари қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ олдида турган бош вазифа аҳолини гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарини чорвачиликдан олинадиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғи ўз ичига қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, пиллачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик ва бошқаларни олади. Чорвачиликнинг ҳар бир тармоғи, ўз навбатида, турли гуруҳларга бўлинади. Чунончи, республикамизда кенг тарқалган чорвачиликнинг алоҳида тармоқлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади (5-жадвал).[1]

5-жадвал

Чорвачилик тармоқлари ва уларда харажат объектлари

Тармоқлар	Харажат объектлари
1. Қорамолчилик	1. Сут йуналишида: • асосий пода • ёш ва боқувдаги моллар 2. Гўшт йуналишида • асосий пода ва саккиз ойгача бўлган моллар • саккиз ойдан катта буқалар ва боқувдаги моллар
2. Қўйчилик	Гўшт йуналишида • асосий пода ва саккиз ойгача бўлган қўйлар • саккиз ойдан катта қўчқорлар ва боқувдаги қўйлар
3. Чўчқачилик	1. Асосий пода 2. Икки ойдан тўрт ойликкача бўлган чўчқалар 3. Тўрт ойликдан катта чўчқалар
4. Паррандачилик	1. Тухум йўналишида 2. Гўшт йўналишида

[1] Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошка тармокларда бухгалтерия хисобининг хусусиятлари. -.Т.:-Adib, 2011. – 200 b

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларини худди деҳқончилик ишлаб чиқаришдагидек турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Чунончи, *иқтисодий мазмунига кўра* чорвачилик харажатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

**моддий харажатлар* – чорвачилик ишлаб чиқаришга сарфланган барча моддий харажатлари (ем-хашак, дори-армонлар, тўшаш материаллари, ёқилғи ва бошқа материаллар);

**меҳнат харажатлари* - чорвачилик ишлаб чиқариши билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари;

**ижтимоий суғуртага ажратмалар* – чорвачилик ишлаб чиқариши билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фондидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;

**амортизация* – чорвачилик ишлаб чиқаришга алоқадор асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш сўммаси;

**бошқа харажатлар* - чорвачилик ишлаб чиқаришига тегишли барча ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

Калькуляция моддалари бўйича чорвачилик ишлаб чиқариши харажатлари қуйидаги моддаларга ажратилган ҳолда акс эттирилади:

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;
2. Ем-хашак;
3. Дори-дармонлар;
4. Тўшаш материаллари;
5. Иш ва хизматлар;
6. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари;
7. Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари;
8. Суғурта тўловлари;
9. Бошқа харажатлар.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар» моддасида чорва молларини ўстириш, парваришлаш, боқиш, соғиш, жунни қирқиш ва шу каби бошқа ишлар билан банд бўлган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, меҳнат таътилларига ҳақ тўлаш ҳамда бу сўммаларга нисбатан ҳисобланган тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобга олинади. Бу харажатлар бошланғич хужжатлар асосида бевосита тегишли чорва моллари ва иш турларига ўтказилади.

«Ем-хашак» моддасида чорва молларини боқиш учун сарфланган ем-хашаклар ҳисобга олинади.

«Дори-дармонлар» моддасида чорва молларини парваришлашда сарфланган дори-дармон препаратлари харажатлари ҳисобга олинади.

«Тўшаш материаллари» моддасида чорва моллари сақланаётган жойларда моллар тагига тўшаладиган материал харажатлари киритилади.

«Иш ва хизматлар» моддасида чорвачилик фермаларига бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари акс эттирилади.

«Асосий воситаларни сақлаш харажатлари» моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга бу асосий воситаларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари, амортизацияси ажратмалари ва тузатиш харажатлари киритилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, ёрдамчи ишлаб чиқариш, шунингдек чет ташкилотлар хизматлари ва бошқа харажатлари киритилади.

Тузатиш харажатларига аввало, таъмирлаш устахоналарининг харажатлари киритилади.

Амортизация харажатларини асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ташкил қилади. Амортизация ажратмалари ҳар ойда алоҳида «Чорвачиликда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланган амортизация» аналитик счётида қайд этиб борилади. Йил охирида асосий воситаларнинг эскириш сўммаси чорва моллари гуруҳлари ва иш турлари бўйича тақсимланади ва бу махсус қайднома орқали расмийлаштирилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётида ҳисобга олинган жорий тузатиш харажатлари амортизация сўммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

«Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари» моддасида чорвачиликка доир умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади.

«Суғурта тўловлари» моддасида чорва молларини суғурта қилиш харажатлари ҳисобга олинади.

«Бошқа харажатлар» моддасида чорвачилик ишлаб чиқаришга бевосита дахлдор, аммо юқорида кўриб чиқилган моддаларга киритилмаган харажатлар акс эттирилади.

Хулоса қиладиган бўлсак мақолада харажатларнинг паррандачилик субьектларида материаллар таннархининг шаклланишидаги ўрни, харажатларинг турлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида харажатларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри ва тўлиқ акс эттирилиши моҳиятлари кўриб чиқилди. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қараб бир элементдан иборат бўлган (материаллар, иш ҳақи ва ҳоказо) бир турдаги (бир элементли) ва бир неча элементдан иборат бўлган (умумишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва ҳоказо) комплекс бўлиши мумкинлига таклиф берилди.

Паррандачилик деҳқончилик сингари қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Паррандачиликда сарфланаётган материалларнинг баҳоланиши, материалларга қилинадиган харажатларнинг тўғри ҳисобга олиб борилиши корхонанинг ривожланиш тенденсиясини яхшилинишига олиб келади.

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

D.Q.Usmanova – SamDU, dotsenti, iqtisodiy fanlar nomzodi
M.M.Rabbimov – SamDU magistranti
Z.N.Xudoyorov – SamDU magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TA’LIM SOHASIDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya: Maqolada ta'lim jarayonining dolzarbligi, jamiyat hayotida tutgan o‘rni, innovatsion texnologiyalaridan foydalanishning afzallik tomonlari, ta’lim jarayonidagi kamchiliklar ko‘rsatilib o‘tilgan. Shu bilan birga yurtimizda ta’lim sohasida, raqamli innovatsion texnologiyalarni joriy etishning afzalliklari va har tomonlama yituk, iqtidorli, tashabbuskor, g‘oyalar va loyihalar ortidan tinmaydigan, innovatsiyalar yaratishga qodir yosh avlodni tarbiyalashda bir qancha samarali yo‘llari keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Innovatsiya, innovatsion texnologiya, raqamli tiqtisodiyot, masofaviy ta’lim, sun’iy intellect, Khan academy, Knewton, PISA, PIRLS, MOOC.

Аннотация: В статье подчеркивается актуальность образовательного процесса, его роль в обществе, преимущества использования инновационных технологий, недостатки образовательного процесса. В то же время в сфере образования в нашей стране преимущества внедрения цифровых инновационных технологий и ряд эффективных способов воспитания молодого поколения способных, разносторонних, талантливых, инициативных, неутомимых в реализации идей и проектов.

Ключевые слова: Инновации, инновационные технологии, цифровая экономика, дистанционное обучение, искусственный интеллект, Академия Хана, Knewton, PISA, PIRLS, MOOC.

Abstract: The article highlights the relevance of the educational process, its role in society, the advantages of using innovative technologies, the shortcomings of the educational process. At the same time, in the field of education in our country, the advantages of the introduction of digital innovative technologies and a number of effective ways to nurture a young generation capable of comprehensive, talented, enterprising, tireless in pursuing ideas and projects.

Keywords: Innovation, innovative technology, digital economy, distance learning, artificial intelligence, Khan academy, Knewton, PISA, PIRLS, MOOC.

Dunyo bizning ko‘z o‘ngimizda o‘zgarib bormoqda. Raqamli texnologiyalar asta-sekin kundalik hayotning har bir sohasini ajralmas qismiga aylanib bormoqda. O‘tkan yillarni barcha sohalarda elektron, kompyuter, tarmoq va boshqa ko‘plab

muhim avtomatlashtirilgan texnologiyalar yordamida tasavvur qilish qiyin edi. Hozirgi kunda “Raqamli iqtisodiyot” tushunchasi juda ko‘p marta qo‘llanilmoqda. Darhaqiqat, ko‘plab rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyot ularning rivojlanish omillariga sezilarli darajada ta’sir o‘tkazgan. Jamiyat hayotida raqamli iqtisodiyot muhim rol o‘ynaydi, ta’limda aloqada, sotib olishdan-to tovar ishlab chiqarishgacha va iqtisodiyotning barcha bo‘g‘inlari raqamli muhitga o‘zgardi.

Jamiyatining asrlar davomida to‘plangan tajribasi inson intelektual salohiyati muhim ahamiyat kasb etayotgan hozirgi davrda yana bir bor shuni isbotlamoqdaki, davlat va jamiyat ertasini belgilab beradigan yosh avlodni tarbiyalashga, el-yurt taraqqiyotiga xizmat qiladigan asosiy vositalardan biri-ta'limdir.

Ta’lim biz umurguzaronlik qilayotgan dunyoning ajralmas qismi bo‘lib, inson ma’naviy ehtiyojlarini bevosita qondirish orqali moddiy farovonlikni ta’minlaydi. Jumladan, rivojlangan mamlakatlarda yosh avlodga ta’lim-tarbiya berishga katta e’tibor qaratiladi. Chunki ularda butun ta’lim tizimiga qilingan sarmoya jamiyatga kelajakda 15-17 barobar miqdorda foyda keltiradi. Bizda mazkur ko‘rsatkich 4 barobarni tashkil etadi. AQSH YaIMning 7.5%ini, Norvegiya 7.6%ini, Xitoy esa 4%ini ta'limga sarflaydi. Shuningdek,iqtisodiyotni rivojlantirishda bilimlarni va inson resurslarini asosiy omil sifatida qaraydigan rivojlangan mamlakatlar asosan boy tabiiy resurslarga ega bo‘lmagan davlatlar(Yaponiya, Shvetsiya va b.)dir. BMT taraqqiyot dasturi o‘tkazgan tadqiqot natijalari yer yuzasida hozirgi kunga qadar to‘plangan jami kapitalning 16%i moddiy ko‘rinishdagi kapitalga, 20%i tabiiy boyliklarga va qolgan 64%i inson kapitaliga to‘g‘ri kelishini ko‘rsatmoqda[1].

Ta’lim jarayonida inson bilimini shakllantiradi, rivojlantiradi, aqliy va ijodiy qobiliyatlarini rivojlanadi, insonni kuchli, irodali professional kadr bo‘lishi uchun ta’lim birinchi o‘rinni egallaydi. Ammo, fan-texnika taraqqiy etgan bugungi kunda innovatsion texnika- texnologiyalarni ya’ni, kompuyterlar, planshetlar, electron doskalar, electron darsliklar, interaktiv o‘quv qo‘llanmalari, o‘qitishning interfaol (klaster, keys stadi, venn diagrammasi va h.) metodlarini ta’limga joriy etmay turib, yuqori intellekual salohiyatli, ijodkor, jahon mehnat bozorida o‘z o‘rniga ega raqobatbardosh kadrlarni shakllantirib bo‘lmaydi.

Yurtimizda ta‘lim sohasini modernizatsiya qilish, ta’limga innovatsiyalarni, raqamli texnologiyalarni keng targ‘ib qilish, talaba yoshlarni sifatli ta’lim materiallari bilan ta’minlash, yoshlarni ta’lim qamrovini oshirish yuzasidan ko‘plab chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, 2020-yilda oily ta’limga qabul parametrlari 2016-yilga nisbatan 2,5 barobarga o‘sdi, yoshlarni oily ta’lim bilan qamrab olish darajasi 9%dan 25%ga yetdi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan “Ta’lim tizmida innovatsiyalarni shu jumladan, o‘qitishning interaktiv va ijodiy uslublarini joriy etish orqali targ‘ib qilishga ko‘maklashish, raqamli texnologiyalardan foydalanishni nazarda tutuvchi innovatsion o‘quv dasturlarni ishlab chiqishni ta’minlash” vazifalari belgilab berildi.

Innovatsiyalar hayotimizning barcha soha va tarmoqlariga yangi texnik,

[1] O‘zbekiston respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi “Ta’lim sifatini nazorat qilish” davlat inspeksiyasi. www.tdi.uz

texnologik vositalarning, boshqarish, tashkillashtirishning yangi usullarini, shakllarini, turlarini joriy etilishini va amaliyotda foydalanishni anglatadi.

Ta’lim jarayonida innovatsion texnologiya bu - ta’lim-tarbiya shakllari, metodlari va usullariga yangicha yondashish, ta’limda yangi dasturiy- texnik vositalardan foydalanishdir.

Ta’limda raqamli innovatsion texnologiyalardan foydalanish pedagog-o‘qituvchi tomonidan qo‘llaniladigan yangi pedagogik texnologiyalarga qaraganda samaradorligi yuqori hisoblanadi. Masalan, online ta’limni ushbu ko‘rinishida ish faoliyati va kundalik yumushlaridan ajralmagan holda ta’lim olish imkonini beruvchi sun’iy intellektga asoslangan-ochiq masofaviy talim tizimi *(massive open distance education sistem)*. Bu tizim internetda sun’iy intellect orqali ma’ruzalar tinglash imkonini beradi, uning afzalliklarini quydagicha ifodalash mumkin:

- vaqt yo‘qotishlarning oldini oladi, sarf-xarajatlarni kamaytiradi.
- fanlarni chuqur o‘zlashtirishga sharoit yaratadi. Chunki berilgan mavzuni o‘zlashtirmasdan turib, boshqasiga o‘tib bo‘lmaydi.
- dunyoning istalgan joyida yashovchi xatto, eng chekka qishloqda yashovchilarning ham zamonaviy va sifatli ta’lim olish imkoniyati paydo boladi.

Ushbu tizimning salbiy tomoni shundaki, o‘quvchi yoki talaba AT - axborot texnologiyalari bilan taminlangan bo‘lishi kerak, ya’ni internet, kompiyuter (planshet, gadjet, telefon, va b)

Bunday dasturiy - texnik vositaga asoslangan tizimlardan yana biri-Khan academy. Ushbu tizimda o‘quvchi-talabalar ma’ruzalarni uyda, ko‘chada ketayotgan vaqtda va shunga o‘xshash joylarda tinglash imkoniga ega bo‘lib, auditoriyaga kelganlarida esa, o‘qituvchi bilan birgalikda vazifalarini bajarishadi. O‘quv jarayonida ushbu tizimdan foydalanish orqali o‘qituvchi o‘quvchining qaysi mavzuni o‘zlashtirgan yoki qaysisini o‘zlashtira olmagan, qaysisini o‘zlashtirishda qiyinchilikka duch kelganligini aniqlay oladi va o‘quvchini mavzu yuzasidan qiynayotgan masalalarni tezkorlik bilan hal qilish imkoniyatiga ega bo‘ladi. O‘quvchi esa, o‘z vaqtida mavzularni puxta egallashga erishadi.

Knewton o‘quv tizimi har bir o‘quvchi-talabaga maxsus o‘quv dasturi tuzib berishda o‘quvchi bilimining bo‘sh va sayoz joylarini aniqlash, unga o‘qitishning qaysi usulda(matn, video, avdio) amalga oshirish yaxshiroq samara berishini inobatga olgan holda yondoshadi. Qolaversa, o‘quvchi-talaba berilgan mavzuni qay darajada o‘rgandi, yangi mavzuga o‘tish kerakmi yoki yo‘q degan tomonlarini ham o‘z ichiga oladi. Talaba yoshlarning individual xususiyatlarini, ularning kamchiliklarini hisobga olgan holda yondashish ularni berilayotgan bilimlarni chuqur o‘zlashtirishining kafolatidir.

Ta’limda yana bir raqamli innovatsion texnologiya-video o‘yinlari orqali ta’lim olish. Uni ta’lim jarayonida qo‘llash ta’lim oluvchilarga boshqa turdagi media vositalariga qaraganda mavjud bilim va ko‘nikmalarni virtual dunyoga kirgan holda yaxshiroq egallash imkonini yaratadi. Agarda oddiy tarix kitoblarini olib qaraydigan bo‘lsak, ulardan o‘tmishda bo‘lib o‘tgan voqea-hodisalar to‘g‘risida ma’lumot olamiz. Ammo, katta miqyosdagi va yaxshi tashkil qilingan

o‘yin simuliyatorlari undan ko‘ra ko‘proq va muhimroq ma’lumotlarni aniqlash va anglash imkonini beradi.

Xalqaro o‘quvchilarni baholash dasturida (PISA – The Programme for International Student Assessment) PISA tadqiqotlarida 2015-yilda 72 ta mamlakatdan 500000 nafardan ortiq va 2018-yilda 79 ta davlatdan 600000 nafardan ko‘proq 15 yoshli yigit-qizlar ishtirok etishgan. PISAning o‘ziga xos xususiyati shundaki, u sof bilimni emas, balki turli sohalarda savodxonlikni baholaydi. Savodxonlik - “o‘quvchilarning asosiy mavzular bo‘yicha bilim va ko‘nikmalarni qo‘llash qobiliyati, turli vaziyatlarda muammolarni aniqlash, talqin qilish va hal qilishda samarali tahlil qilish, mulohaza yuritish va muloqot qilish qobiliyati” sifatida izohlanadi. PISA dasturi doirasida har 3 yilda takrorlanuvchi sikllarda o‘quvchilarning matematik, tabiiy fanlar va o‘qish fanlari savodxonligi baholanadi.[1]

PISA dasturi 2000-yilda tashkil etilgandan buyon Finlyandiya unda muntazam qatnashib kelmoqda va erishgan natijalari bilan fin ta’lim tizimi dunyodagi ko‘plab mamlakatlarining e’tiborini o‘ziga jalb qilmoqda. O‘tkazilgan yettita PISA siklining natijalarida ozgina tebranishlar va so‘nggi ikki siklda biroz pasayish kuzatilsada, Finlyandiya ta’lim tizimi PISA tadqiqotlari natijalari bo‘yicha uzoq davrda eng yaxshi natijalarga erishgan davlatlardan biri hisoblanadi.

Finlandiya o‘quvchilarining PISA dagi natijalari

Savodxonlik turi	2000	2003	2006	2009	2012	2015	2018
O‘qish	546 (1)*	543 (1)	547 (2)	536 (2)	524 (3)	526 (2)	520 (5)
Matematika	536 (4)	544 (1)	548 (1)	541 (2)	519 (6)	511 (7)	507 (12)
Tabiiy fanlar	538 (3)	548 (1)	563 (1)	554 (1)	545 (2)	531 (3)	522 (9)

*Qavs ichida Finlyandiyaning PISA tadqiqotidagi reytingi ko‘rsatilgan.

Ma’lumot uchun: Finlyandiya Respublikasi PIRLS (The Progress in International Reading Literacy Study – boshlang‘ich 4-sinf o‘quvchilarining matnni o‘qish va tushunish darajasini baholash) tadqiqotida 2011 (568 ball) va 2016 (566 ball) yillarda ishtirok etgan va mos ravishda 3 va 5-o‘rinlarni egallagan. Finlyandiya ta’lim tizimini batafsil tahlil qilish orqali ko‘plab xulosa va takliflar ishlab chiqish mumkin. Ulardan ba’zilari quyidagilar:

• Finlyandiya muvaffaqiyatini bitta omil yordamida tushuntirish mumkin emas, chunki bir-biri bilan juda bog‘liq bo‘lgan omillar tarmog‘i mavjud;

• Fin xalqining asosiy qadriyatlari Finlyandiyada ta’lim muvaffaqiyatining muhim qismidir. Tenglik va hamkorlik Finlyandiya ta’lim tizimini hamjihatlikda ishlashga majbur qiladi.

• O‘qituvchilarning salohiyati eng muhim omil va bu boshqa ko‘plab omillar bilan, masalan, o‘qituvchilarni tayyorlash ta’lim sifati, o‘qituvchilik kasbining jamiyatdagi obro‘si va o‘qituvchilarning mehnat sharoitlari bilan bog‘liq.

[1] O‘zbekiston respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi “Ta’lim sifatini nazorat qilish” davlat inspeksiyasi. www.tdi.uz

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, ko‘plab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar ta’lim tizimidagi zamonaviy yutuqlarni tahlil qilish orqali, yurtimizda fan yutuqlarini qo‘llashimiz, ta’limda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning asosiy mazmuni ta’lim sifatini boyitishga, ta’lim jarayonida beriladigan bilim va ko‘nikmalarning tahsil oluvchilar tomonidan to‘laqonli o‘zlashtirilishiga hamda ularning o‘z ustilarida mustaqil ishlab yuqori marralarga erishishidir. Natijada erkin fikrli, dunyoqarashi keng, ijodkor, innovatorlar yetishib chiqadi bu esa bizning oily maqsadimiz.

Ж.А.Жабборов –Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА АҲОЛИ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимини ривожлантиришда кадрлар сиёсатининг аҳамияти, аҳолининг динамикаси, малакали кадрларни тайёрлашда давлатнинг роли, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда демографик индикаторлар ва кадрларнинг аҳамияти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий манфаатлар, иқтисодий ўсиш, ривожланиш, индикатор, кадрлар сиёсати, аҳоли динамикаси, стратегия, таҳлил, демография.

Аннотация: В статье анализируется роль кадровой политики в развитии экономической системы Республики Узбекистан, динамика численности населения, роль государства в подготовке квалифицированных кадров, демографические показатели и роль персонала в обеспечении экономической безопасности.

Ключевые слова: экономическая безопасность, экономические выгоды, экономический рост, развитие, индикатор, кадровая политика, динамика населения, стратегия, анализ, демография.

Abstract: The article analyzes the role of personnel policy in the development of the economic system of the Republic of Uzbekistan, the dynamics of the population, the role of the state in training qualified personnel, demographic indicators and the role of personnel in ensuring economic security.

Keywords: economic security, economic benefits, economic growth, development, indicator, personnel policy, population dynamics, strategy, analysis, demography.

Кириш. Ҳар бир жамият ривожланишининг асосий шартларидан бири, иқтисодий тизимнинг барқарорлигини ҳамда фуқароларнинг фаровонлиги таъминланишидир. Мамлакат иқтисодий тизими яхлит механизм бўлиб, унинг тўғри ишлаши, ривожланиши ички ва ташқи омилларга, таҳдидларга боғлиқ. Бу таҳдидларнинг олдини олиш, уларни самарали бартараф этиш ва иқтисодий тизимнинг барқарор ишлаши учун малакали кадрларни тайёрлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик ҳолатини бахолаб бориш стратегик

муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳар қандай иқтисодий тизим фаолиятини амалга ошириш биринчи навбатда кадрларга боғлиқ.

Ушбу илмий ишнинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси динамикасини ва давлат томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида таълимга бўлган эътиборни таҳлил қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инсоният тарихи бошлангандан бери ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, давлат бошқарувида иқтисодий сиёсат ўз долзарблигини йўқотмади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бошқарув тўғрисида бизгача етиб келган диний ва илмий адабиётлар, шунингдек, «Калила ва Димна», Аристотелнинг «Сиёсат» асари, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари, Никола Макиавеллининг «Ҳукмдор» асари, Адам Смитнинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини ўрганиш» ва бошқа кўплаб адабиётлар давлат бошқаруви сиёсатини ташкил этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва кадрларни танлаш, иқтисодий тизимни бошқариш ва унинг хавфсизилигини таъминлаш учун зарур маълумотларни ва билимларни беради.

Давлатнинг иқтисодий ҳимояси бўйича замонавий фикрлар, сиёсий иқтисод бўйича илмий қарашлар меркантилизм мактаби намоёндалари У.Стаффорд, Г.Малейнс, Б.Даванзатти, Г.Скаруффи, Т.Ман, Л.Робертс, У.Поттер, А.Серраларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Классик иқтисодий мактаб тарафдорлари бўлган У.Петти, П.Л. де Бугильбер, Ф.Кенэ, А.Р.Ж.Тюрго, А.Смит, Д.Рикардолар ўз илмий ишларида миллий бойликни яратиш, халқнинг турмуш шароитларини яхшилаш, иқтисодий бойлик яратиш масалаларини тадқиқ этишган.

XIX асрнинг таниқли иқтисодчиларидан бири бўлган немис иқтисодчиси Ф. Лист (1789-1846) ўзининг «Сиёсий иқтисодиётнинг миллий тизими» асарида миллий хавфсизлик масалалари бўйича ўз фикрларини билдирган. Унга кўра, ҳар бир давлат ўзининг тарихий шаклланиши, жамиятнинг ахлоқий меъёрлари ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожланади.

Миллий хавфсизликнинг (ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий) кўплаб жиҳатларини иқтисодчи олим, сиёсатчи, инглиз давлат арбоби Дж.М.Кейнс (1883-1946) ўз асарларида очиб берган[1].

МДҲ давлатлари олимлари ичида В.К.Сенчагов, Л.И. Абалкин, А.И.Архипов, А.Е.Городецкий, Б.М.Михайлов каби олимлар иқтисодий хавфсизликнинг назарий жиҳатларини биринчилардан бўлиб тадқиқ этишган бўлса, кейинчалик С.М.Дробышевский, А.А.Куклин, Е.С.Митяков, Ю.П.Лукашин, О.Н.Лапаева [2] каби олимлар иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг статистик-математик усулларини, иқтисодий хавфсизликни баҳолашда индикаторлардан фойдаланган ҳолда таҳлил олиб боришни тадқиқ этишган. Ушбу илмий тадқиқотларда аҳоли турмуш тарзини ошириш, мавжуд

[1] Кейнс Дж. М. Избранные произведения. М.: Экономика, 1993. С. 514—515

[2] Лапаева, О. Н. Многопроекционная сравнительная оценка альтернатив в экономике / О. Н. Лапаева. – Нижний Новгород: НГТУ им.Р. Е. Алексеева, 2017. – 210 с.

камчиликларни бартараф этиш, демографик ва кадрлар хавфсизлигининг аҳамияти ҳам кенг ёритилган.

Ўзбекистонлик олимлар ва тадқиқотчилардан хавфсизлик масалалари бўйича дастлабки илмий ишлар Х.П.Абулкасимов, И.Мавланов, А.Хикматов, А.Бедринцев, А.Исаходжаев, Н.Абдусамедов, Д.Ортиқовалар ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бугунги кунда иқтисодий хавфсизликнинг назарий жиҳатлари ва уни баҳолаш бўйича Ўзбекистонлик олимлар ва тадқиқотчилардан Б.И.Исроилов, Н.Г.Каримов, Ф.Хамидова, Ф.А.Мухитдинова, Ф.А.Бакаева, Ш.Ш.Сайдуллаев, У.С.Зиядуллаев, Ж.А.Жабборов, С.А.Раджабов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Б.И.Исроилов ва Н.Г.Каримов бошчилигидаги муаллифлар жамоаси ўзларининг илмий тадқиқотларида иқтисодий хавфсизлик тушунчаси, унинг таркибий тузилиши, иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичлари, иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи таҳдидлар ва уларни камайтириш йўлларини, хўжалик юритувчи субъектлар, минтақавий ҳудудлар, давлатнинг иқтисодий хавфсизилигини таъминлаш масалалари, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти мавзуларини тадқиқ этишган ва назарий асослашган[1].

Тадқиқот методологияси. Иқтисодий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш учун бир неча босқичли таҳлилий амалий ишлар бажарилади. Ахборотни бирламчи қайта ишлашда кўрсаткичларни гуруҳлаш, таққослаш,таҳлил қилинаётган маълумотларинг график тасвири, нисбий ва ўртача қийматларни ҳисоблаш усулларини қўллаш мумкин. Ушбу мақолада юқоридаги усуллардан ташқари, абстракция, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, динамик қатор, назарий талқин ва таҳлилий услублардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон аҳолиси улушида ёшлар кўпчиликни ташкил этиб, инсон капитали, меҳнат ресурсларига бўлган талабни қондириш имкониятига эга. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун меҳнат қобилиятига эга аҳолини иш билан таъминлаш зарур. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ҳам айнан фуқароларининг фаровон ҳаётини таъминлаш, уларни доимий иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояни амалга ошириши билан боғлиқдир.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси динамикаси[2]

Йиллар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳоли сони, минг киши	28001,4	29123,4	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5	31575,3	32120,5	32656,7	33255,5	33905,2

1 жадвалда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси динамикаси кўрсатилган бўлиб, у ижобий тенденцияга эга. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2000-

[1] Исроилов Б.И., Каримов Н.Г., Колесников Ю.Л. и др. Экономическая безопасность: Учебное пособие/ авторский коллектив-СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2018. – 255 с.

[2] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2 сайти маълумотлари асосида муаллиф томондан тайёрланди. (мурожаат санаси 14.01.2021 йил)

2020 йиллардаги маълумотларидан келиб чиқиб, кейинги йиллар учун қуйидаги эмперик формула ёрдамида прогноз қилинди:

$$□ = 9.7607 * □^2 + 266.84 * □ + 24138 \quad (1)$$

Ушбу формуланинг детерминация коэффициенти $□^2 = 0.9963$ га тенг бўлиб, вақт омилининг аҳоли ўсишига таъсири 99.63% га тенглигини кўрсатади.

2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси динамикаси прогнози[1]

№	Йиллар	t вақт омили	Аҳоли сони, минг киши	Аҳоли сони прогнози, минг киши
1	2010	11	28 001,4	28 254,3
2	2015	16	31 022,5	30 906,2
3	2020	21	33 905,2	34 046,1
4	2025	26	-	37 674,1
5	2030	31	-	41 790,1
6	2035	36	-	46 394,1
7	2040	41	-	51 486,2

2 жадвалдаги прогноз маълумотлариига кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2040 йилга бориб, 51,48 млн нафарга етиши прогноз қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида, иш ўринларини яратишни, таълим муассасаларини кўпайтиришни, инфраструктурани ривожлантириш масалаларининг ҳал қилинишини талаб этади. Кейинги босқичда кадрлар тайёрлашда давлатнинг роли таҳлил қилинади.

Мамлакат иқтисодий тизимини ривожлантиришда кадрлар тайёрлаш тизими муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Республикаси Конституциясининг 37, 41 ва 42 моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги каби ҳуқуқлари кафолатланган[2].

3-жадвал. ОТМ га ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси сони[3]

№	Ўқув йили	ОТМ га ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси	
		бакалавриат	магистратура
1	2011/2012	56 722	5 880
2	2012/2013	56 722	6 300
3	2013/2014	58 022	5 000
4	2014/2015	58 022	5 000
5	2015/2016	58 022	5 000
6	2016/2017	58 022	5 000
7	2017/2018	66 586	5 000
8	2018/2019	80 965	5 903
9	2019/2020	102 400	7 695
10	2020/2021	139 950	10 425

[1] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2 сайти маълумотлари асосида муаллиф томондан тайёрланди. (мурожаат санаси 14.01.2021 йил)

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси электрон манба http://constitution.uz/uz/clause/index#section7 (мурожаат санаси 13.01.2021 йил)

[3] http://lex.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

3 жадвал маълумотларида Республикамиздаги Олий таълим муассаларига олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасининг динамикаси келтириб ўтилган. Охирги 5 йилда қабул квоталари 2011/2012 ўқув йилидаги қабулдан 2 баробардан ортди. Бу эса олий таълимга давлат томонидан қаратилаётган эътиборнинг ортганини кўрсатмоқда. Лекин қабул квоталари умумий абитуриентларнинг 10-11% фоизини ўқишга қабул қилиш имконини беради. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки иқтисодий ижтимоий хавфсизликни таъминлаш учун қамров даражасини кўтариш талаб этилади. Кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта таълимдан ташқари қуйидаги масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Малакали кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иш фаолиятини таҳлил қилишда қуйидаги асосий индикаторларни таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ:

– «Таълимга йўналтирилган давлат харажатларининг ЯИМга нисбати» – ушбу индикатор таълимнинг (мактабгача таълим, умумтаълим тизими, ўрта махсус таълим ва олий таълим) давлат томонидан қай даражада молиялаштирлишини кўрсатади. Бундан кўзланган мақсад, аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратишдан иборат;

– «Илм-фан ва илмий тадқиқотларга йўналтирилган давлат харажатларининг ЯИМга нисбати» – ушбу индикатор илм-фанни ва илмий тадқиқотларни (олий таълимдан кейинги таълим ва илмий лойиҳалар) давлат томонидан қай даражада молиялаштирлишини кўрсатади. Бундан кўзланган мақсад, илмий технологик янгиликларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жихатдан ривожланган мамлакатлар даражасига чиқишдир;

– «Илмий изланиш билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг иқтисодий фаол бўлган ҳар 10000 (ўн минг) кишига нисбати» – ушбу индикатор мамлакатдаги илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш даражасини, тадқиқотчиларнинг ва тадқиқотларнинг динамикасини кўрсатади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда илмий тадқиқотчиларнинг ўрни беқиёс бўлиб, улар давлатлараро рақобат шароитида мамлакат илм-фанини мустақил ривожлантириш имконини беради.

Таълимга йўналтирилган давлат харажатларининг ЯИМга нисбати индикатори бўйича Ўзбекистон ўртача 5% миқдорида харажат қилади, баъзи давлатларда бу кўрсаткич 7% дан 18% гача, ривожланган давлатларда эса 4% дан 7% гача, лекин шуни қайд этиш лозимки, ривожланган давлатларнинг ЯИМ миқдори билан Ўзбекистоннинг ЯИМ миқдори орасида тафовут бир неча ўн баробарга юқори.

1 расмдаги маълумотлар ривожланган давлатларга таълимга бўлган муносабатнинг юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Қайд этиш лозимки, юқоридаги расмда кўрсатилган ривожланган давлатларнинг ЯИМ миқдори ҳам юқори эканлиги, илм-фан ва илмий тадқиқотларга қилинаётган харажатларнинг кўплигини кўрсатади.



1-расм. Давлатлар кесимида илм-фан ва илмий тадқиқотларга йўналтирилган давлат харажатларининг ЯИМга нисбати[1]



2-расм. Давлатлар кесимида илмий изланиш билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг иқтисодий фаол бўлган ҳар 10000 (ўн минг) кишига нисбати, 2016 йил маълумотлари [2]

Мамлакат иқтисодий тизими ривожланиши учун олимлар, тадқиқотчилар ва илмий ҳодимларнинг ўрни беқиёс. 2 расмдаги маълумотлардан келиб чиқиб, ривожланган давлатларда илм-фанга эътибор юқори ва кўпчилик илм-фан билан шуғулланишмоқда. Бу эса технологияларни ишлаб чиқишдаги рақобатнинг кучлилилиги билан изоҳланади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва технологик қарамликни камайтириш учун илм-фанни ва илмий тадқиқотларни давлат томонидан моляилаштириш бугунги кундаги долзарб ва энг муҳим вазифалардан биридир.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлил маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон аҳолиси нисбатан ёш, шунингдек, олий таълим

[1] https://issek.hse.ru/news/221864403.html электрон ресурс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. (мурожаат санаси 13.01.2021 йил)
[2] https://issek.hse.ru/news/221864403.html электрон ресурс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. (мурожаат санаси 13.01.2021 йил)

олишга қизиқиш юқори. Ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, ёш авлодни тўғри тарбиялаш ва малакали кадрлар тайёрлаш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиши лозим. Таълимга киритилган инвестиция энг фойдали эканлиги сир эмас. Муаллиф томонидан, илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришни кўпайтириш, таълим сифатини назорат қилишни такомиллаштириш, муаллифлик ҳуқуқи бузилиши олдини олишнинг самарали механизми ва таъсир чоралари ишлаб чиқилиши тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кейнс Дж. М. Избранные произведения. М.: Экономика, 1993. С. 514—515
2. Лапаева, О. Н. Многопроекционная сравнительная оценка альтернатив в экономике / О. Н. Лапаева. – Нижний Новгород: НГТУ им.Р. Е. Алексеева, 2017. – 210 с.
3. Исроилов Б.И., Каримов Н.Г., Колесников Ю.Л. и др. Экономическая безопасность: Учебное пособие/ авторский коллектив-СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2018. – 255 с.
4. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2 сайти маълумотлари асосида муаллиф томондан тайёрланди. (мурожаат санаси 14.01.2021 йил)
5. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2 сайти маълумотлари асосида муаллиф томондан тайёрланди. (мурожаат санаси 14.01.2021 йил)
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси электрон манба http://constitution.uz/uz/clause/index#section7 (мурожаат санаси 13.01.2021 йил)
7. http://lex.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди (мурожаат санаси 14.01.2021 йил)
8. https://issek.hse.ru/news/221864403.html электрон ресурс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. (мурожаат санаси 13.01.2021 йил)
9. https://issek.hse.ru/news/221864403.html электрон ресурс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. (мурожаат санаси 13.01.2021 йил)

Базарова М.С – Бухоро Мухандислик технология институти “Менежмент”кафедраси ассистенти

Худайбердиева О.Қ. – Бухоро Мухандислик технология институти “Менежмент”кафедраси ассистенти

Носирова Г., Рамазонов Р. – Бухоро Мухандислик технология институти магистрантлари

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ СТРАТЕГИЯСИ

Аннотация: Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш қаратилган.

Калит сўзлар: Рақамли технология, меҳнат бозори, инсон капитали,

Аннотация:: повышение качества подготовки высоко квалифицированных кадров, обеспечение надежной интеграции современных информационно-коммуникационных технологий и образовательных технологий.

Ключевые слова: Цифровые технологии, рынок труда, человеческий капитал, Это стратегические цели развития системы образования.

Abstract: to improve the quality of training of highly qualified personnel, to ensure reliable integration of modern information and communication technologies and educational technologies.

Keywords: Digital technology, labor market, human capital, These are the strategic goals of the education system development.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади. Мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш. Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш лозим. Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади.бунинг асосида рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишга каратилган. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратишлиги тугрисида.Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, "blended learning", "flipped classroom" технологияларини амалиётга кенг жорий этиш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этишга. Маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи "E-MINBAR" платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида "булутли технологиялар"дан фойдаланиш.

Масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш. Миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш керак.

Олий таълим муассасасининг магистрлик ва докторлик диссертацияларидан иборат илмий-техник маълумотлар электрон базасини

яратиш, келгусидаги илмий-техник маълумотлар янгилигини таъминлаш мақсадида антиплагиат тизимидан фойдаланишни кенг жорий этиш лозим.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш. Олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини электронлаштиришни таъминловчи "Электрон университет" платформасига босқичма-босқич ўтиш, таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий этиш

Олий таълим муассасалари педагог ходимлари, бакалавриат, магистратура талабалари ва докторантларига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ва мунтазам янгиланиб борувчи электрон база (Student Record System) юритилишини йўлга қўйиш асосида унинг миллий тизимини яратиш.

Халқаро молия ташкилотлари кўмагида олий таълим соҳасидаги ўқув-услубий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек давлат интерактив хизматлари кўрсатишга доир маълумотларни ўзида мужассам этган ва мунтазам янгиланиб турадиган олий таълимнинг ягона ахборот платформаси - "Олий таълим бошқаруви ахборот тизими"ни ишга тушириш, унда вакант ўринларга ўтказилаётган танловларга оид эълонларни ҳамда аризаларни онлайн қабул қилиш имкониятларини назарда тутиш.

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади.Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи "Университет 3.0" концепциясини босқичма-босқич жорий этиш. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш керак.

Профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалавриат талабаларини ташкил этиладиган технопаркларда илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи "spin-off" ва "spin-out" корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш.

Халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш.

Инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини такоминлаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тешабаев Т.З.,Отақўзиева З.М. Ахборотлашган иқтисодиѐт: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган: Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги; Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети-Тошкент:Алоқачи 2017.-Б.17.
2. Арипов А.Н. Закономерности и тенденции формирования информационного общество: материалы научного методического семенара.- Ташкент, 2013

Б.Б.Адизов – Бухоро давлат университети магистранти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларининг (Урганч давлат университети мисолида) ўзини-ўзи молиялашриш тизимига ўтгандан кейинги молиявий ҳолати ва унинг таълим сифатига таъсири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Молиявий барқарорлик, бюджет, молиялаштириш,такомиллаштириш, иқтисодий тараққиёт, иновацион шакиллари, методлар, аутсорсинг, структура, акциялаштир.

Аннотация: В статье анализируется финансовое положение высших учебных заведений (на примере Ургенчского государственного университета) после перехода на хозрасчетную систему и его влияние на качество образования.

Ключевые слова: Финансовая устойчивость, бюджетирование, финансирование, улучшение, экономическое развитие, инновационные формы, методы, аутсорсинг, структура, акционирование.

Abstract**:** The article analyzes the financial situation of higher education institutions (on the example of Urgench State University) after the transition to a self-financing system and its impact on the quality of education.

Keywords: Financial stability, budgeting, financing, improvement, economic development, innovative forms, methods, outsourcing, structure, corporatization.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги 967-сон қарорида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим

тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қароригамувофиқ 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг айрим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказишга розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги ваилмий педагогик салоҳияти юқори, молиявий фаолияти барқарор, моддий-техника базаси етарли даражада, таълим хизматлари бозорида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилигини инобатга олиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасалари рўйхати тасдиқланган.

2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига қуйидаги Олий таълим муассасалари ўтказилган:

1. Самарқанд давлат чет тиллар институти
2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
3. Тошкент давлат юридик университети
4. Тошкент давлат иқтисодиёт университети
5. Тошкент молия институти
6. Тошкент давлат шарқшунослик институти
7. Тошкент фармацевтика институти
8. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
9. Урганч давлат университети
10. Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Жумладан Урганч давлат университети (бундан кейин УрДу) 2020 йил 1 январдан бошлаб тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтди. Ушбу таълим муасасасининг олий таълим бошқаруви тартибида тасдиқланган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича 2019 йил харажатлар смета ва ижроси шунингдек ўзини ўзи молиялаштиришга тартибида тасдиқланган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича 2020 йил харажатлар сметаси ва ижросини таҳлил қилганда қуйидагиларни кўриш мумкин.

Бюджет маблағлари ҳисобидан тасдиқланган 2019 йил даромадлар ва харажатлар сметасида давлат бюджети томонидан жами **28 526 988** минг сўм, 2020 йилда эса **46 288 252** минг сўм ажратилган бўлиб, улар қуйидаги харажат моддалари бўйича тақсимланган:

Урганч давлат университети ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтгандан кейин бюджет ҳисобидан тасдиқланган штатлар жадвалидаги профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларининг штат бирликлари бюджетдан ташқари (ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар) даромадлар ва харажатлар сметасининг штатлар жадвалига ўтказилган бўлсада, уларга тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар

бюджет ҳисобидаги харажатлар сметасида режалаштилганлигини кўриш мумкин бўлади.

Ушбу маблағ яъни **24 036 231** минг сўм бюджет ҳисобидаги харажатлар сметасининг 48.21.190 харажатлар моддасига режалаштирилган. Аммо иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар харажатлар сметасининг I гурух харажатларида 41.11.100 моддасида акс эттириб тўланишини инобатга олиб, 48.21.190 харажатлар моддасидан ишлатиш имконияти мавжуд эмас.

Смета харажатларининг тахлили натижаларида давлат бюджети томонидан молиялаштирилган (харажатлар моддаси асосида) бошқа турдаги маблағлар қуйидагича тақсимланган:

1. Олий таълим муассаси профессор ўқитувчиларга тўланадиган соатбай иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган (ягона ижтимоий тўлов) тўловлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3655-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сон қарорининг 16 бандида назарда тутилганўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш маблағлари олий таълим муассасасининг меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўтказиладиган ўқув ишларининг кутилаётган ҳажмига кўра, штатдаги профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 4 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар (даромадлар ва харажатлар) сметаларда назарда тутилади.Ўқув юкламасини бажариш учун штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибига шахсларни жалб этиш имконияти бўлмаган айрим ҳолатларда, олий таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда харажатлар (даромадлар ва харажатлар) сметаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида ўқув ишларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўтказиш учун шахсларни жалб этиш ҳуқуқи берилади деб кўрсатилган.

2.Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш, илм-фан ва таълим соҳасида юқори малакали кадрларнинг билим ва тажрибаларини амалда қўллашни молиявий рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сон қарори асосида Урганч давлат университетининг бюджет хисобидаги харажатлар сметасининг 41.11.240 харажатлар моддасига УрДу профессор ўқитувчиларига тўланадиган қўшимча иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган (ягона ижтимоий тўлов) тўловлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4359-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасалари талабалари учун стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорига “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом аососида 48.21.400 харажатлар моддасига давлат буюртмаси билан талабаликка грант асосида қабул қилинган Урду талабаларига тўланадиган стипендия тўловлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат Дастури тўғрисида”ги 573-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги “Ўрта махсус, Касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровсиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида Урганч давлат университетида тахсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун қуйидаги харажатлар моддаларига маблағлар ажратилган 47.21.900 (Пул шаклидаги бошқа ижтимоий ёрдам нафақалари), 47.22.200 (Қишки кийим ва пойабзал билан таъминлаш харажатлари), 47.22.400 (Йўл чиптаси билан таъминлаш харажатлари) ва 42.22.900 (Натура шаклида бошқа турдаги ижтимоий ёрдам нафақалари).

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорининг4 бандида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг кундузги таълим шакли бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларига асосланиб 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 1:14,0 нисбат булгиланган.Урганч

давлат университети даромадлар ва харажатлар сметасининг 48.21.190 харажатлар моддсига ажратилган маблағ юкоридаги қарор асосида давлат бюртмаси асосида талабаликка гарант асосида қабул қилинган талабалар контингенти ҳисобланиб ҳар бир талабага кетадиган ўртача харажат суммаси давлат бюджети томонидан молиялаштирилган.

Юқоридаги бюджет маблағлари ҳисобидаги жадвалда танланма йўли билан синов тариқасида ўзини-ўзи молиялаштиришга ўткандан кейин 2019 йилга нисбатдан 2020 йил учун харажатлар сметасига бюджетдан олдинги олий таълим бошқаруви давридаги сақлаш харажатлари ўртача ҳисобланиб **24 036 231** минг сўм маблағ бюджет ҳисобидаги харажатлар сметасининг 48.21.190 харажатлар моддасига режалаштирилган.Ушбу маблағ Урганч давлат университети синов тариқасида ўтганлигини ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет ҳисобидан режалаштирган. Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобидаги жадвалда 2019 йилда бюджет томонидан молиялаштирилган 4-гурух (товар моддий захира ва бошқа харажатлар) тўлалигича ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағ хисобида молиялаштирилган. Бюджет маблағлари ҳисобидан тасдиқланган 2019 йил даромадлар ва харажатлар сметасида давлат бюджети томонидан жами **28 526 988** минг сўм, 2020 йилда эса **46 288 252** минг сўм режалаштирилган бўлиб, 2020 йилга молиялаштирилмаган **24 036 231**минг сўммаблағни чегириб ташланса **22 252 021** сўм маблағ бюджет томонидан молиялаштирилган.Республикада хар йилги иш ҳаққи ва ситипендияларни ошишини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаси ўзини-ўзи молиявий бошқариши имконияти етарли даражада деб хулоса қилсак бўлади.

Олий таълим муассасаларини ўзини-ўзи молиявий таъминлаш имкониятлари.

1. Хорижий фуқаро, талабалар, профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ошади.
2. Талабаларни қабул қилиш квотаси мустақил шаклланади.
3. Иқтидорли ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабларни рағбатлантириш мустақил ўзи белгилайди.
4. Ўқитишнинг иновацион шакиллари ва методларини жориш этиш, ОТМнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, ўкув лабораториялар ташкил этиш, лабаратория жихозларини харид қилиш мустақил бўлади.
5. Профессор-ўқитувчиларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, хорижий давлатларда ўқитиш, малакасини ошириш имкони ошади.
6. Адабиётлар, ўқув қўлланма дарсликлари нашр этиш мустақил амалга оширилади.
7. Айрим хизматларни аутсорсингга бериш имконияти пайдо бўлади.
8. Бакалавр, магистратура ва докторантура янги йўналишларини қабули ва контракт суммаларини ҳамда тўлаш муддатларини мустақил белгилайди.

9.Ректор университет структурасини мустақил белгилайди.

10. Университетларни акциялаштириш имкони пайдо бўлади.

Ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ОТМлар юқорида кўрсатилган қарор ва фармонларда кўрсатилган тўловлардан ташқари барча маблағларни жумладан бюджет ҳисобидан тасдиқланган штатлар жадвалидаги профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган ва бошқа даромадлар ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда ҳозир кунда хорижий тажрибани ўрганиш асосида салоҳиятли олий таълим муассасаларини танлаб, босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тартибини жорий қилинган муассасаларидан бири Урганч давлат университи ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтишдаги жарёнлар ўрганилди. Олдинги олий таълим бошқаруви давридаги сақлаш харажатлари (коммунал,товарлар харид қилиш ва ҳоказо) тўлиқлигича университетнинг ўқитишнинг тўлов контрак шаклидан тушган маблағлар ҳисобидан қопланган. Олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишда молиявий барқарорлигини таъминлаши, таълим жараёниларида фойдаланиладиган ўқув адабиётлари лабаротирия жихозлари шунингдек ахборот комуникация воситаларини зарур вақтда тўғридан-тўғри харид қилиш имкониятлари яратилиб, таълим сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириб Республика ҳамда хорижий олий таълим муассасалари ўртасида рақобатбардошлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги 967-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сон қарори.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорига “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат Дастури тўғрисида”ги 573-сон қарори.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон карори.

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

Н.Н.Мўминов – СамВМИ доценти, т.ф.н.,
Ш.А.Ишниязова – СамВМИ кафедра мудири, доцент, к.ф.н.,
Б.Кодирова – СамВМИ магистранти

ПАРРАНДАЛАРГА КОМПЛЕКС ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Калит сўзлар: комплекс ишлов бериш, қайта ишлаш, рационал, техник маҳсулотлар, чиқит, самарадорлик..

Аннотация: паррандачилик маҳсулотларининг чорвачилик тармоғида тутган ўрни, паррандаларга комплекс ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари ва чиқитларни иккиламчи ресурс сифатида ишлатиш кўриб чиқилган.

Ключевые слова: комплекс, переработка, рационал, технические продукты, отход, эффективность.

Аннотация: В работе рассмотрена значение птицеводства в народном хозяйстве, особенности комплексной переработки птиц и использование отходов переработки птиц как вторичных ресурсов.

Keywords: complex, recycling, rational, technical products, waste, efficiency.

Abstract: The paper considers the importance of poultry farming in the national economy, the features of complex processing of birds and the use of waste from processing birds as secondary resources

Паррандачилик чорвачиликнинг муҳим тармоғи ҳисобланади ва халқимизга кўплаб сифатли парҳез таом – тухум ва гўшт етказиб беришда аҳамияти катта. Паррандалардан товуқ, ўрдак, ғоз ва курка муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Улардан қисқа вақт ичида кўп миқдорда маззали гўшт етиштирилади. Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўштидан анча устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой бўлади. Жумладан, 2 ойлик жўжа гўштида 20%га яқин оқсил, 10-12% ёғ бўлади. Тухумида 13% оқсил, 11% ёғ, 1% минерал моддалар ва витаминлар комплекси учрайди. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 дона товуқ тухуми 0,8 кг мол гўштига тенг. Тухумда 85%га яқин сув бўлиб, қолгани соф оқсил, витамин ва ферментлардан иборат. Тухумнинг сариқ моддасида 52% сув, 32% ёғ ва 16% га яқин оқсил бўлади.

Илғор хўжалик тажрибасига кўра, ҳар бош товуқдан йилига 240-260 дона тухум олинади ёки 160 кг гўшт етиштирилади. Ўрдакларнинг ҳар биридан эса 200 кг, куркалардан 400 кг ва ғозлардан 120-160 кг гўшт етиштириш мумкинлиги аниқланган. Бундан ташқари, улардан енгил саноат учун пар ва пат етиштириб берилади, гўнгидан ўғит сифатида фойдаланила-

ди. Ҳар бир паррандадан ўртача 50 г пар ва пат олинади.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришни жадал негизга ўтказиш паррандачиликда ҳам тез суръатлар билан амалга оширилмоқда. Хусусан, қайта ташкил этилган йирик паррандачилик фабрикалари тўла саноат типидаги корхоналардир.

Иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳолда ташкил этилган паррандачиликнинг самарадорлиги тез ўсмоқда, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш муттасил такомиллашиб бормоқда.

Паррандачиликда маҳсулотларни саноат асосида ишлаб чиқаришда асосий вазифа тармоқнинг биологик қийматларидан кенг ва тўлиқ фойдаланиб кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ аҳоли ва бозор талабини қондирадиган тухум ва парранда гўшти – бройлер ишлаб чиқаришдир.

Паррандачилик фабрикаларида асосан четдан ташиб келтириладиган озиқалардан фойдаланилади, чунки уларнинг ўз хўжаликларида озиқа етиштирилмайди. Паррандачилик тармоғи, паррандаларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот етиштириш бўйича шартнома топшириқларини бажариш ва табиий-иқтисодий масалаларни ҳисобга олган ҳолда тухум етиштириш, тухум-гўшт етиштириш ва наслдор паррандачилик йўналишлари бўйича ихтисослашган.

Тухум етиштириш йўналишидаги паррандачилик фермалари товуқчилик фермаларидагина ташкил этилади. Товуқ тухуми озиқ-овқат учун маззали, иқтисодий самарадор, товуқ боқиш учун озиқа базаси қулай бўлган ҳудудларда кенг тарқалган. Бошқа тухум, яъни ўрдак, курка, ғоз тухумини етиштириш товуқ тухумини етиштиришга нисбатан қиммат. Ўрдак ва курка тухумига 3-4 борабар, ғоз тухумига 10 баробар кўп озиқа бирлиги сарфланади. Шунинг учун ўрдак, ғоз ва курка фермалари тухум йўналишида бўлмай, уларда гўшт етиштириш учун жўжалар боқилади. Гўшт етиштириш йўналишидаги фермаларга асосан ўрдак, ғоз ва курка фермалари ихтисослашган. Бу йўналишдаги хўжалик фермалари товар гўшт (ўрдак, ғоз ва курка жўжаларидан бройлер) етиштириб берадилар.

Тухум-гўшт етиштириш йўналишидаги фермалар асосан паррандачилик хўжаликларига хосдир. Мазкур йўналишдаги фермалар гўшт ва тухум етиштриб беради. паррандачиликда наслчилик ишларининг асосий йўналиши инкубаторлар учун товар маҳсулот сифатида тухум ва инкубациядан ўрдак, ғоз ва курка жўжалари чиқаришдан иборатдир.

Ҳар бир туман ва ҳудуд олдида турган вазифага мувофиқ, табиий-иқтисодий шароитларга қараб, паррандачилик ферма ва хўжаликлари маҳсулот етиштиришгагина эмас, балки айрим ишлаб чиқариш жараёнларига, масалан, гибридлар яратиш ва кўпайтириш, гўшт учун жўжа чиқариш ва уни семиртиришга боқиш, тухум учун товуқ боқиш, парранда сўйиш ва қайта ишлашга ҳам ихтисосланиши мумкин.

Паррандаларни комплекс ишлов бериш, уларга ишлов бериш даврида озиқавий, техник маҳсулотлари ва чиқиндиларини нисбатан тўлиқ ишлатишнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини таъминлаши лозим.

Комплекс ишлов бериш учун мослаштирилган ишлаб чиқариш, қўшимча бўлим ва цехларни ташкил этиш, материал ва меҳнат ҳаражатлари лозим бўлади. Комплекс ишлов бериш юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлса ҳам, корхонанинг хўжалик фаолиятида иқтисодий қизиқиш бўлмаганлиги сабабли жуда секин намоён бўлаяпти.

Паррандаларни комплекс ишлов беришнинг бошланиши – ҳамма хом ашёни тўлиқ тўплаш, уларнинг чиқиш миқдорини махсус нормативлар (меъёрлар) асосида назорат қилиш ва шу нормативлар асосида бажариш муҳим ҳисобланади. Лекин, корхонанинг иқтисодий жиҳатдан бу йўналишга қизиқиши бўлмаганлиги сабабли, амалда хом ашёни тўплаш имконият даражасидан анча паст, айниқса уни қайта ишлашнинг рационал усулларини қўллашни эътиборга олганда, паррандаларни қайта ишлаш корхоналарининг кўпида парранда пепсинини тайёрлаш учун керакли хом ашё бўлган парранда сангдонини тўплашмайди, паррандалар патлари тўлиқ йиғиштирилмайди, мол ва паррандаларга емиш тайёрлашда ишлатиш керак бўлган паррандалар қанотлари ва чиқиндилари чиқариб ташланади, парранда ички ёғлари ва стандарт талабларига асосан сотувга рухсат берилмайдиган тухумлар тўлиқ йиғиштирилмайди.

Паррандаларни комплекс ишлов беришнинг иккинчи томони – паррандага ишлов берилганда ажратиладиган маҳсулотларни иқтисодий жиҳатдан самарали усулларини қўллаш, назарий жиҳатдан тўлиқ асослаб берилмаган ва амалиётда эса бунга энди эътибор берилаяпти. Лекин, ҳозирги даврда бу соҳа ишлаб чиқариш иқтисодиётининг энг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади.

Паррандага ишлов берилганда озиқавий, техник, мол ва паррандаларга емиш маҳсулотлари олинади. Озиқавий маҳсулотларга, сотиш ва саноат миқёсида қайта ишлаш учун мўлжалланган парранда гўшти (танаси), ишлов берилган суб маҳсулотлари (жигар, юраги, ошқозон мускуллари), бўйни, калласи, оёқлари; техник маҳсулотларга – парранда патлари, ошқозон ёғлари ва сангдони; емиш маҳсулотларга – ишлаб чиқариш чиқитлари – парранда қони, ичаклари, зоби, ўт халтаси, жиғилдон, қизил ўнгач, кекирдаги, тухумдони, катикуласи ишлатилади.

Озиқавий, техник ва емиш маҳсулотлар орасида қатъий чегараланиш йўқ, чунки айрим ишловдан ўтган маҳсулотларни озиқавий, техник ва емиш сифатида ишлатиш мумкин. Масалан, озиқавий ҳисобланган парранда калласини, оёқларини ва техник маҳсулот ҳисобланган парранда патларини, сангдонини кўпинча емиш ун тайёрлаш учун жўнатишади, ошқозон ёғини озиқавий маҳсулот сифатида консерва тайёрлашда ишлатишади. Лекин, саноат корхоналари тажрибасига асосан хулоса қилиш мумкинки, хом ашёни тўплаш ва уларни мўлжалланган йўналиш бўйича ишлатиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Демак, озиқ-овқат маҳсулотларини – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, техник маҳсулотларни – техник маҳсулотлар ишлаб чиқариш, емиш маҳсулотларни – мол ва паррандаларга емиш маҳсулотлари тайёрлашни ташкил этиш ҳақида таклиф киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

K.N. Zaynalova – Samarqand davlat universiteti assistenti,
A.Y.Talibova – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti assistenti
M.N. Zaynalov – O‘zbekiston Milliy banki Samarqand filiali yetakchi mutaxassisi

RAQAMLI IQTISODIYOTNING ASOSIY TAMOYILLARI TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Industriya 4.0 mazmun-mohiyati ko‘rib chiqilgan va uning zamonaviy holati va iqtisodiyot sohalarini raqamli transformatsiya jarayonini amalga oshirishni rivojlantirish istiqbollari o‘rganib chiqilgan. O‘tkazilgan tadqiqot natijalari asosida raqamli texnologiyalarni qo‘llashda paydo bo‘ladigan xavflarni bartaraf etish shartlari aniqlanilgan.

Kalit so‘zlar: industriya 4.0, raqamli transformatsiya, raqamli iqtisodiyot, barqaror rivojlanish

Аннотация. В статье рассматриваются концептуальные аспекты Индустрии 4.0, анализируется современное состояние и перспективы развития цифровой трансформации отраслей экономики. На основании проведенного исследования были определены основные условия для обеспечения успешного цифрового преобразования и снижения рисков цифровых инноваций предприятий.

Ключевые слова: индустрия 4.0, цифровая трансформация, цифровая экономика, устойчивое развитие

Abstract. The article examines the conceptual aspects of Industry 4.0, analyzes the current state and prospects for the development of digital transformation of economic sectors. Based on the conducted research, the main conditions for ensuring successful digital transformation and reducing the risks of digital innovation of enterprises were identified.

Keywords: industry 4.0, digital transformation, digital economy, sustainable development

Hozirgi raqamli transformatsiya jarayoni yoki Industriya 4.0 dunyo bo‘yicha barcha jabhalarni qamrab olmoqda. Raqamli texnologiyalar ilmiy sohadan chiqib barcha iqtisodiy sohani qamrab oldi, keyinchalik ijtimoiy sohaga o‘tishi bilan tubdan o‘zgarishlarga sabab bo‘lmoqda. Ya’ni dunyo raqamli texnologiyalarni joriy qilish ostonasida turibdi. XXI asrda yuzaga kelgan 4-sanoat inqilobi va iqtisodiy munosabatlarda raqamli transformatsiyani kuzatilishi keyinchalik Industriya 4.0 deb nomlanildi.

Industriya 4.0 atamasi 2011 yilda Gannover yarmarkasida tilga olingandan so‘ng ishbilarmonlar va hukumat rahbarlarining keng diqqatiga sazovor bo‘ldi [1]. Ammo ikki asr davomida olib borilayotgan iqtisodiy siyosat, ya’ni cheklangan moddiy resurslar cheklangan bir paytda iste’molchilarning talablarining doimiy o‘sishi bir qator ijtimoiy va ekologik muammolarga olib kelmoqda [2]. Ushbu muammolarning yechimi sifatida Industriya 4.0 texnologiyasi nazarda tutilmoqda va bu “barqaror rivojlanish” g‘oyasini ilgari surmoqda. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2030 yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 20-oktabrdagi 841-sonli Qarorini keltirish mumkin. Ushbu qarorda keltirilgan barqaror rivojlanishning 17 ta maqsadi – bu keng qamrovli

konsepsiya ekanligi va jamiyatimizning koʻpgina sohalarini qamrab olinganligini koʻrish mumkin.

Keltirilgan maqsadlarda nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilish, balkim iqtisodiy va ijtimoiy resurslarni tejashga qaratilgan choralar ishlab chiqilgan. Ushbu uchta yoʻnalishni quyidagicha ta'riflash mumkin [3].

1) Ekologik barqarorlik – bu ekotizimda muvozanatni saqlashga qaratilgan boʻlib, tabiat resurslarini iste'moli va qayta tiklashdagi balansni belgilaydi. Shu orqali ekologiyani yaxlitligini ta'minlaydi [4].

2) Iqtisodiy barqarorlik – bu ekologik va ijtimoiy resurslarni saqlagan holda doimiy iqtisodiy oʻsishni ta'minlaydi [5].

3) Ijtimoiy barqarorlik – bu biznesda, tashqi muhitda, iqtisodiyot va texnologiyada ijobiy va salbiy jarayonlarni aniqlashga va boshqarishga qaratilgan [6].

Asrlar davomida amalga oshirilgan sanoat inqiloblari iqtisodiyotda, ekotizimda, ijtimoiy sohada keskin vaziyatlarga olib kelmoqda. Shu bois, Industriya 4.0 oqibatlarini oʻrganish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Shu bilan birga Industriya 4.0 texnologiyasi asosida kompyuter tarmoqlari, intellektual buyumlar va materiallarning oʻzaro munosabatlari, tashqi muhit bilan boʻlgan aloqalari natijasida ishlab chiqilgan boshqaruv qarorida inson omilini nolga yaqinlashtiradi [7]. Shu bilan birga ushbu jarayonda mavjud axborot oqimi Industriya 4.0 texnologiyasining "qoni" hisoblansa, telekommikatsiya kanallari uning qon tomiri boʻlib xizmat qiladi. Ma'lumotlar almashuvi Industriya 4.0 texnologiyasining kuchi hisoblanadi va bu kuch bevosita iqtisodiyotga, ekologiyaga va ijtimoiy barqarorlikga ta'sirining qarama-qarshi jihatlari mavjud [8]. Ishlab chiqarishni va biznes jarayonlarni raqamlashtirish va hozirda rivojlanayotgan sun'iy intellektli qurilmalar bilan jihozlanishi bevosita Industriya 4.0 ning afzalligini kuzatish mumkin, masalan, ishlab chiqarishning samaradorligini oshirish, chiqindilarni qisqartirish va b. [9]. Faqatgina ishlab chiqarish jarayonini avtomatlashtirish juda katta resurslarni talab qilishi va bu oʻz navbatida ekologiya muhitiga salbiy ta'sir qilishi hammaga ma'lumdir [10]. Shu bilan birga, raqamli transformatsiya iqtisodiyot tarmoqlarida boshqa salbiy oqibatlarga ham olib kelishini kuzatish mumkin, masalan, ishsizlik holatini nazorat qilishni izdan chiqarishiga olib kelishi qayd qilingan. Olimlarning fikricha, sanoatni raqamlashtirish koʻpgina ish oʻrinlarini qisqartirilishiga olib keladi. Shu bilan birga dasturlovchilarga boʻlgan talab keskin kuchaydi, masalan, boshqaruv tizimini avtomatlashtirsh, mashinali oʻqitish va sun'iy intellekt sohalarida.

Globallashuv jarayonlarining oxirgi qisqa davrida asosiy harakatlantiruvchi mexanizmlaridan biri boʻlgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sohasida davr talabiga mos keluvchi yangi yoʻnalishdagi texnologiyalar yaratilmoqda. Bu texnologiyalar kompyuter tarmoqlari klassik modellaridan yetarlicha katta farq qilishi bilan birga, ayrim paytlarda aynan oʻxshash tamoyillar asosida ish yuritadi. Industriya 4.0 texnologiyasining shiddat bilan rivojlanib borishi va iste'molchilar talablarining uzluksiz oʻsib borishi natijasida XXI asrdan boshlab ommaviylashib, rivojlanish bosqichiga oʻtmoqda.

Jamiyatning turli ijtimoiy-iqtisodiy sohalarida Industriya 4.0 texnolo-

giyalaridan foydalanish imkoniyatlariga oid ilmiy tadqiqotlar bir qator xorijiy iqtisodchi olimlar tomonidan olib borilgan. Shu oʻrinda, Industriya 4.0 konsepsiyasi ilk bor faqat qayta ishlash sanoatiga mansub deb qabul qilingan edi [11], keyinchalik esa raqamli transformatsiya sifatida sanoatning barcha tarmoqlari va iste'mol bozori nazarda tutila boshlandi [12].

Industriya 4.0 konsepsiyasini anglab olishda hissa qoʻshgan ilmiy izlanishlarni tahlil qilish va mavjud asosiy tamoyillarni oʻrganish muhim hisoblanadi [12]. Industriya 4.0 konsepsiyasining asosini har xil texnologik jarayonlar tashkil qiladi, masalan, sun'iy intellekt, raqamli texnikalarning tarmogʻi, mikrokontrollerlar, bulutli ma'lumotlar, "big data" va boshqalar . Ushbu texnologiyalar ishlab chiqarishni, ya'ni texnik jixozlarni, inson resurslarni, materiallarni va jarayon kontrollerlarini, ijtimoiy tarmoqlar kabi, real vaqt rejimida oʻzaro aloqada boʻlishini ta'minlaydi.

Industriya 4.0 texnologiyasining virtuallashtirish tamoyili bevosita barcha qurilmalardan olingan ma'lumotlarni raqamli modelllashtirish orqali yaratilgan intellektual modelini ishlab chiqarish jarayonini optimallashtirish va prognozlash uchun mislsiz imkoniyatlarni yaratib beradi. Bunda raqamli mahsulotning hayotiy sikli virtual tahlil qilinadi va real mahsulotni ishlab chiqarishda asos boʻlib xizmat qiladi. Industriya 4.0 modullik tamoyili bevosita mijozlarning talablariga binoan bir zumda oʻzgaruvchanlik, ya'ni adaptiv xususiyatiga ega boʻladi. Modullik va adaptiv tamoyillari oʻz navbatida mahsulotlarni individuallashtirishga olib keladi.

Shunday qilib, Industriya 4.0 texnologiyasining iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy nuqtayi nazar barqaror rivojlanishga ta'sirini oʻrganishni davom ettirish zarur. Industry 4.0 texnologiyasining asosida raqamlashtirish jarayoni boʻlganligi sababli hozirda uning ijobiy ta'sirini kuzatish mumkin boʻlmoqda. Tarkibiy modellashtirishni interpretatsiya qilish orqali Industriya 4.0 texnologiyasining barqarorlikni ta'minlash konsepsiyasi va funksional imkoniyatlari oʻrganib chiqildi.

Industriya 4.0 nomini olgan raqamli transformatsiya barcha iqtisodiyot sohalaridagi texnologiyalarning jadal bilan rivojlanishiga sabab boʻlmoqda. Ushbu jarayon inqilobiy oʻzgarishlarga sabab boʻlmoqda, masalan, oxirgi yillarda ijtimoiy sohada va ish oʻrinlarida raqamli texnologiyalardan foydalanishni qay darajada oʻskanligini kuzatish mumkin. Aniqlangan barqarorlik funksiyalaridan iqtisodiy barqarorlikga asos soluvchi ishlab chiqarish samaradorligi va innovatsion biznes modellari bevosita keyingi ijtimoiy va ekologik barqarirlik funksiyalariga asos solib beradi, masalan, zararli chiqindilarning kamaytirish. Keltirilgan funksiyalar Industriya 4.0 texnologiyasini chuqur anglab olishga imkon beradi va bu kelgusida rahbar xodimlar va olimlar tomonidan raqamli inqilobning barcha imkoniyatlarni tushunish va qoʻllashda asos boʻlib xizmat qiladi. Bu esa barqaror rivojlanishni bir tekisda olib borish uchun sharoit yaratib beradi.

Tahlil natijasida aniqlangan har xil funksiyalar barqaror rivojlanishni ta'minlashga qaratilgan boʻlib, ular orasida darajalar va uzviy bogʻlanishlar mavjud. Ammo, jamiyatni raqamlashtirishni ijobiy oqibatlari bilan birga salbiy jihatlarini ham kuzatish mumkin.

Keltirilgan tahlillar asosida Industriya 4.0 texnologiyasining faqatgina ijobiy xossalari borligi ko‘rib chiqildi. Ammo, ushbu raqamlashtirish jarayonini nazoratsiz qoldirilsa, natijada barqaror rivojlanish asoslariga zarar yetkazilishi mumkin. Shu bois, kelgusida quyidagi muammolarga e’tibor berish kerak bo‘ladi:

1) Industriya 4.0 texnologiyasida mavjud modullik tamoyili bevosita tovarlarni ishlab chiqarish jarayonini tezlashtirish bilan birga ularni eskirish vaqtini ham tezlashtiradi. Bu esa atrof muhitga katta zarar yetkazadi. Shu bois ushbu yo‘nalishda yagona davlat siyosatini va davlatlar orasida kelishuvlar orqali raqamli texnologiyalarning atrof muhitni muhofaza qilishga qaratilgan nazoratini ham kuchaytirish talab etiladi.

2) Mamlakatlar orasida mavjud iqtisodiy tengsizlik bevosita Industriya 4.0 texnologiyasi uchun katta muammo bo‘lib qoladi. Nazariya nuqtayi nazar Industriya 4.0 texnologiyasi insonlarning yashash sharoitini va daromadlarini oshirishga olib keladi. Ammo shu paytgacha dunyo aholisining anchagina qismi oddiy talablari qondirilmagan, masalan, toza ichimlik suvi, elektr ta’minoti, tibbiy xizmatlari, ijtimoiy himoya. Hozirgi kunda yuzaga chiqqan kiberxavfsizlik muammolari, raqamlashtirishdagi moliyaviy xarajatlar, patent tizimi va shu kabi to‘siqlar faqatgina rivojlangan mamlakatlar uchun imkoniyatlarni kengaytirishda sharoit yaratib beradi. Bu esa raqamlashtirish oqibatida tengsizlikni yanada oshirishi mumkin.

3) Jamiyatdagi ta’lim tizimida mavjud kamchiliklar oqibatida Industriya 4.0 texnologiyasini joriy qilishda ushbu tizim noqulay vaziyatda qoladi va rivojlanishda orqaga qoladi, ya’ni kadrlar o‘rtasida salohiyat nuqtayi nazar katta farq paydo bo‘ladi. Ushbu xavfni oldini olish uchun ta’limda tenglikni ta’minlash talab etiladi, buning uchun esa hukumatlar tomonidan ta‘lim sohasida tenglikni ta’minlashga qaratilgan istiqbolli strategiyani ishlab chiqish talab etiladi.

Shunday qilib, agar Industriya 4.0 texnologiyasining ijobiy va zaif jihatlari e’tiborga olinmasa kelgusida iqtisodiyot bilan bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy munosabatlar bevosita muammolar ostida qolib inqirozga duch keladi. Albatta, har bir mamlakatning o‘ziga hos jihatlari mavjud, masalan, madaniyati, urf-odatlari, shu bois iqtisodiyotni raqamlashtirish har bir mamlakat doirasida har xil kechishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ghobakhloo, M., 2018. The future of manufacturing industry: a strategic roadmap toward Industry 4.0. J. Manuf. Technol. Manag. 29 (6), 910—936.
2. Beier, G., Niehoff, S., Xue, B., 2018. More sustainability in industry through industrial internet of things? Appl. Sci. 8 (2), 1-12.
3. Ford, S., Despeisse, M., 2016. Additive manufacturing and sustainability: an exploratory study of the advantages and challenges. J. Clean. Prod. 137 (1), 1573—1587.
4. Glavic, P., Lukman, R., 2007. Review of sustainability terms and their definitions. J. Clean. Prod. 15 (18), 1875—1885.
5. Choi, S., Ng, A., 2011. Environmental and economic dimensions of sustainability and price effects on consumer responses. J. Bus. Ethics 104 (2), 269—282.

6. Dempsey, N., Bramley, G., Power, S., Brown, C., 2011. The social dimension of sus¬tainable development: defining urban social sustainability. Sustain. Dev. 19 (5), 289—300.
7. Gilchrist, A., 2016. Industry 4.0: the Industrial Internet of Things. Springer, Heidelberg.
8. Kamble, S., Gunasekaran, A., Dhone, N.C., 2019. Industry 4.0 and lean manufacturing practices for sustainable organisational performance in Indian manufacturing companies. Int. J. Prod. Res. 1—19. https://doi.org/10.1080/00207543.2019.1630772.
9. Tortorella, G.L., Fettermann, D., 2018. Implementation of Industry 4.0 and lean production in Brazilian manufacturing companies. Int. J. Prod. Res. 56 (8), 2975-2987.
10. Liu, X., Bae, J., 2018. Urbanization and industrialization impact of CO2 emissions in China. J. Clean. Prod. 172 (1), 178-186.
11. Xu, L.D., Xu, E.L., Li, L., 2018. Industry 4.0: state of the art and future trends. Int. J. Prod. Res. 56 (8), 2941—2962.
12. Morteza Ghobakhloo. Review Industry 4.0, digitization, and opportunities for sustainability. Journal of Cleaner Production. https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2019.119869

З.Э.Мамарасулов – СамИСИ кафедра ассистенти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ПИЁЗНИ ҚАЙТА ИШЛОВИДА ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТИ

Аннотация: Ишда илдиз мевалардан бош пиёзни қайта ишловидаги ҳозирги вақтда мавжуд тозалаш усуллари таҳлил қилинган. Пиёзни узлуксиз тозалашда юқори босимли ҳавони қўллаш усули таклиф этилган.

Калит сўзлар: илдиз мева, бош пиёз, тозалаш усули, юқори босимли ҳаво.

Аннотация: В работе анализированы существующих в настоящее время, способы очистки корнеплодных овощей лука. Предложен способ применения воздуха высокого давления при непрерывной очистке лука.

Ключевые слова: корнеплоды, лук репчатый, методы очистки, воздуха высокого давления.

Abstract: The paper analyzes the currently existing methods of cleaning onion root vegetables. A method of applying high pressure air for continuous cleaning of onions is proposed.

Key words: root crops, bulb onions, methods of cleaning, high pressure air.

Бугунги кунга келиб Юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг сифатига алоҳиджа эътибор бериб келинмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 11 майда “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4709-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжлаги маҳсулотларини мақчсадли етиштириш ва

уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чоралар кўрилмоқда.

Биргина мисол қилиб, Самарқанд вилоятини оладиган бўлсак, ҳозирги кунга қадар 1336,3 минг тонна сабзавотлар ва 626270 тонна картошка етиштирилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу етиштирилган маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлаш ва уларни аҳолига ва четга экспорт қилиш муҳим масала ҳисобланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда илдиз мевалардан пиёзни қайта ишловида тозалаш усулларининг тадқиқоти ўта долзарб ҳисобланади.

Илмий ишимизнинг мақсади илдиз мевалардан бош пиёзни қайта ишловидаги ҳозирги вақтда мавжуд тозалаш усуллари тадқиқотини таҳлил этиб, янги усулни илмий асослашдир.

Бош пиёз ўзининг биологик тузилиши билан бошқа илдиз мевалардан ажралиб турадики, шунинг учун уни қайта ишловида унинг овқатга қўлланилмайдиган қисмлари: пўстлоғи, илдизи ва қуриган дум қисмидан самарали ажратиш мураккаб технологик жараён ҳисобланади. Ҳозирги вақтда уни тозалашнинг физикавий, механикавий, кимёвий ва комбинирлашган турли усуллардан иборат.

Физикавий усулда бош пиёз аланга ёки буғ ёрдамида тозаланади. Алангада куйдиришда иссиклик агрегатларида 1200-1300^{0}С ҳароратда бир неча дақиқада устки пўстлоғи куйдирилади ва сўнг махсус шёткали агрегатларда ювилиб тозаланади. Албатта, бундай усулда жараён тез бажарилсада, лекин тозалашнинг сифат кўрсаткичлари нисбатан паст ҳисобланади. Жараён даврида пўстлоқлар эгилиб турлича ёнишади ва пўстлоқ ости қатламлар қисман пишиб қолганлиги туфайли кейинги тозалашда қолган пўстлоқлар билан аралашиб чиқади. Олиб борилган тадқиқотлар (газли куйдиргичда) жараённинг мураккаблигини, энергия сарфининг кўп ва чиқинди чиқиш фоизи ҳам кўп бўлганини кўрсатди.

Худди шунингдек, тўйинган буғда тозаланганда, яъни тозалаш камерасида пиёз 0,8-1,1 МПа босим таъсирида бўлади, камерадан чиққан вақтда босимнинг атмосфера босимига тенглашиши билан устки қатлам ёрилиб, қисман ажралади ва кейинги босқичларда шёткали камерада сув билан ювилиб тозаланади. Бу усул ўзинигг моҳияти билан мураккаб ҳисобланиб амалиётда кенг қўлланилмаяпти.

Бош пиёзни кимёвий усулда тозалаганда у ишқор эритмасида қайта ишланади. Бунда илитилган ишқор эритмасида қайта ишланиши ёки тўлалигича бош пиёзни ишқордан ўтказиш билан олиб бориш мумкин. Икки ҳолатда ҳам кейинги босқичда роликли машиналарда тозаланиб, яхшилаб ювилади. Сўнг тозаланган-ювилган пиёздаги қолдиқ ишқор таъсирини нейтраллаш мақсадида лимон кислотаси ёки сирка эритмаси билан қайта ишланади. Кўпгина илмий ишларда кимёвий ва буғли ишлов беришни биргаликда олиб борилишининг самаралиги кўрсатилган. Бунда, аввал илдиз

мева 12% ли каустик сода билан 75-80^{0}С ҳароратда 10 мин. вақтда, кейин эса 1 мин. 0,5-0,6 МПа босимли тўйинган буғ билан қайта ишлов бериш таклиф этилган.

Ушбу методларни таҳлил этар эканмиз, уларнинг оммавий амалиётда қўлланилмагани ва келгусида катта микдорда тозалаш учун энг аввал картошка, сабзи ва олхўри каби меваларга мўлжалланганини кўриш мумкин. Албатта келгусида бундай ишлар такомиллаштирилса, унда пиёз илдиз меваларни ҳам тозалаш мумкин бўлади.

Ҳозирги вақтда саноат миқёсида амалиётда илдиз меваларни тозалашда энг кўп қўлланилаётган усул, бу механикавий усул ҳисобланади. Бунда илдиз меваларнинг юза қатлами махсус абразив (ғадир-будур) материал юзасига сидириш билан олиб борилади. Абразив материаллар таркибида қора кремний карбамид КЧ-160 суюқ Б маркали бакелит ва алибастердан ташкил топган масса яхши аралаштирилиб, керакли шалда прессланиб, 9 соат давомида 100-200^{0}С ҳароратда бакелизаторда қиздирилгандан сўнг ҳосил бўлади. Улар ҳам камерали – узлукли ва узлуксиз машиналарда қўлланилади. Бундай машиналар асосан картошкаларни тозалашга мўлжалланганлиги учун улар картошка тозалагичлар деган ном олган. Лекин, буларда бошқа илдиз меваларни тозалаш каби бош пиёз ҳам тозаланади. Бошқа илдиз мевалардан фарқли равишда пиёз тозалашнинг қийинлиги шундаки, биринчидан тозалаш вақтида пиёз таркибидаги эфир мойларининг буғи тозаловчиларга ноқулайликларни олиб келади, уларнинг кўзга таъсири натижасида кўзни издан чиқариши ёки ўткир сурункали специфик ҳиди билан инсоннинг соғлигига таъсир этиши кузатилади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бошқа илдиз меваларнинг тозаланишига нисбаттан бош пиёзни бундай қурилмаларда тозаланишида чиқинди чиқиш миқдори кўпрок бўлади. Чунки, пиёзнинг шарсимон бўлмаганлиги, унинг ажралувчи пўстлоғини икки томондан илдиз қисми ва дум қисмининг таранг ҳолда яхлит ушлаб туриши, жараённинг дастлабки босқичида сувнинг қўлланилиши аксарият қуриган пўстлоғининг бу машинлардаги сув таъсири натижасида ҳўлланиши ва бошқалар сабаб бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, биз пиёзни узлуксиз тозалашда юқори босимли ҳавони қўллаш усулини таклиф этдик. Ушбу усул, кетма-кет узлуксиз уч босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда ҳаракатланувчи лентали транспортёрда кўндаланг ўрнатилган бош пиёзнинг бир вақтда илдизи ва думи икки томондан пружиналарда ўрнатилган ўткир кескичлар билан кесилиб ажратилади ва бўйламасига пўстлоғи қалинлигида пўстлоғининг бир неча жойидан кесилади ва иккинчи босқичда юзаси ғадир-будурланган металли роликлар ўрнатилган ишчи камерага солиб роликлар ёрдамида кучсизлантирилган пўстлоқ ажратила бошланади ва айнан шу вақтда юқорида ўрнатилган бир неча ҳаво «пушкалари» орқали тозаланаётган пиёз юқори босимдаги (1,8-2,0 МПа) ҳаво оқими билан вақт уч қисмга бўлинган. Камерада пиёз тозалангунича зарба берилиб, ажратилган пўстлоқлар ва

тозалаш вақтида ажралган эфир мойлари ҳаво билан чиқариб юборилади. Учинчи босқичда сирт қисми резина билан қопланган роликлар орқали сув душидан ўтказилиниб тозаланади ва чиқариб юборилади. Ушбу олиб борилган синов тадқиқотлари танланган усулнинг самарали эканлигини кўрсатаяпти.

Юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, илдиз меваларни тозалаш жараёни мураккаб ва кўп томонлама илмий тадқиқотларни давом эттириш лозим. Ҳозирда мавжуд иссиқлик билан кимёвий усулларда ва комбинирлашган тозалаш усулларини ҳам илмий тадқиқоти олиб борилиши лозим. Айниқса, ҳозирги вақтда амалиётда кенг қўлланиб келинаётган механикавий машиналарни такомиллаштириш ишлари ҳам олиб борилмокда. Жумладан, таклиф этилган бош пиёзни узлуксиз тозалашда юқори босимли ҳавони қўллаш усулини бир бутун машинада амалиётда синовдан ўтказиб, унинг оптимал вариантини аниқлаб мукаммаллаштириш керак бўлади.

А.Ю. Худайбердиев– к.т.н., доцент СамИВМ,
Ш.А. Ишниязова– х.т.н., доцент, зав.кафедрой СамИВМ,
Д.Каримова – магистрант СамИВМ

ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ КОСТНОГО ПРЕПАРАТА

Аннотация: Мақолада чорвачиликдаги ажратилган хом ашёни қайта ишлаш натижасида оқсилга, айниқса минерал моддаларга бой препарат ишлаб чиқариш ва уни озиқ-овқат саноатида фойдаланиш йўллари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: чорва, хом ашё, чиқиндисиз технология, суяк хом ашёси, майдалаш, суяк препарати, кимёвий таркиби.

Аннотация: В статье рассмотрена технология производства костного препарата, производимого животноводства. Изучен химический и минералный состав костного препарата, содержаший белкий и богатий на болшое количества минералных веществ.

Ключевые слова: животповодства, мясо, употробление, безотходноя технология, сыре, кость, измелчения, костный препарат, химический и минералный состав

Abstract: The article discusses the technology of production of a bone preparation produced by animal husbandry. The chemical and mineral composition of the bone preparation, containing protein and rich in a large amount of mineral substances, has been studied.

Key words: animal husbandry, meat, consumption, waste-free technology, cheese, bone, grinding, bone preparation, chemical and mineral composition

В настоящее время особую актуальность приобретают исследования посвященные рациональному использованию животного сырья, разработки и внедрению безотходной технологии переработки кости крупного рогатого скота и применению получаемых компонентов для пищевых целей.

Исследования зарубежных и отечественных авторов свидетельствуют о принципиальной возможности более полного использования кости в пищевых целях.

Целью нашей работы является разработка технологии безотходной переработки костного остатка после механической дообвалки с использованием получаемого костного препарата при производстве мясных изделий.

В качестве объекта исследования при выполнении работы использовали обваленные, охлажденные кости молодняка крупного рогатого скота.

На первом этапе исходное сырье подвергли механической дообвалки на установке К 25.046. Костный остаток после механической дообвалки автоклавировали на аппарате К 7-ФБ2-В при давлении острого пара р=0,20-0,40 МПа в течение 2,5-3,0 часа при температуре 130^0С-140^0С. После автоклавирования костный остаток высушивали при температуре 150^0С в сушильном аппарате СБ-2000. Продолжительность сушки 90 мин.

Обезжиренный и подсушенный костный остаток диспергировали на различных измельчителях (молотковой, шаровой и экспериментальной ударно-центрабежной мельнице. Установлено, что по основным показателям (размеры, формы) наилучшим оказался костный препарат (порошок), полученный на экспериментальной мельнице.

Из данных таблицы 1 видно, что в костном порошке содержатся белок (до 16%), влага (3%), жир (6%) и минеральных вещества (до 75%).

Из анализа аминокислотного состава следует, что для белка костного порошка характерен дефицит триптофана, изолейцина, метионина и цистина, а также наличие повышенных количества оксипролина. Анализ результатов исследования минерального состава показал, что костный порошок содержит комплекс макро и микроэлементов, при этом преобладающими элементами являются кальций и фосфор. Это позволяет придти к заключению о возможности его применения в качестве обогатителя макро и микроэлементами мясных продуктов.

В числе микроэлементов в костном порошке исследовали содержание токсичных элементов, таких как кадмий, ртуть, свинец, мышьяк, из них в максимальном количестве содержится кадмий (таблица 2). Установлено, что на основной максимально допустимый уровень (МДУ) количество вводимого костного препарата, с учета содержания кадмия в нем, не должно превышать 4% к массе основного сырья.

Таблица 1

Показатель	Костный препарат
Массовая доля, %	
влаги	3,14±0,37
белка	16,09±0,51
жира	6,32±0,21
минеральных веществ	74,45±0,90

Массовая доля незаменимых аминокислот, г/100 г белка	
изолейцин	0,90±0,08
лейцин	2,80±0,14
лизин	5,90±0,36
метионин+цистин	0,90±0,07
фенилаланин+тирозин	4,80±0,31
триптофан	-
треонин	2,60±0,14
валин	3,70±0,21

Таблица 2

Группа элементы	**Содержание, % к золе**	**Группа элементы**	**Содержание, мг/кг**
Макроэлементы		Микроэлементы	
кальций	34,5±0,76	железо	19,30±0,09
фосфор	9,52±0,11	цинк	32,86±0,21
калий	0,03±0,009	марганец	4,23±0,03
натрий	0,90±0,041	медь	6,15±0,05
хлор	0,025±0,012	стронций	42,10±0,17
сера	0,06±0,001	мышьяк	следы
		кадмий	1,25±0,02
		ртуть	следы
		свинец	0,94±0,01

С учетом наличия существенных количеств белков и незначительных количеств жира и влаги исследовали микробиологические характеристики костного порошка после измельчения, а также при хранении его герметичной упаковке при комнатной температуре. В результате установлено, что в 1 г свежеизготовленного костного порошка содержатся $13 \cdot 10^2$ микроорганизмов, после хранения в течении 12 месяцев микробиологическая обсемененность составляет $39 \cdot 10^2$. До и после хранения в костном препарате бактерий группы кишечной палочки и бактерий рода «proteus» не обнаружено.

Результаты микробиологических и органолептических исследований свидетельствуют о возможности использования костного порошка по санитарным соображениям как обогатителя минеральных веществ при производстве пищевых продуктов.

Н.Н.Мўминов – СамВМИ доценти, т.ф.н.,
А.Худойбердиев – СамВМИ доценти, т.ф.н.,
Ҳ.Ҳасанов – СамВМИ магистранти

ГЎШТНИНГ МАҚСАДЛИ ИШЛАТИЛИШИ ВА ИССИҚЛИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация: Мақолада мол танасини пазандалик бўлакларга бўлиш, уларни мақсадли ишлатишда иссиқлик ишлов беришнинг таъсири, мускул ва бириктирувчи толалар оқсилларининг иссиқлик денатурацияси натижасида ўзгариши кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: коллаген, эластин, перемизий, оқсиллар, денатурация, дезагрегация.

Аннотация: В работе рассмотрена кулинарный разруб говяжей туши, их целевое использование, влияние тепловой обработки и денатурации на изменение мышечных и соединительных белков.

Ключевые слова: коллаген, эластин, перемизий, белок, денатурация, дезагрегация.

Abstract: The article considers the culinary cutting of beef carcasses, their intended use, the effect of heat treatment and denaturation on the change of muscle and joint proteins.

Key words: collagen, elastin, premise, protein denaturation, disaggregation.

Овқатланиш корхоналарида сўйилган мол танасини пазандалик бўлакларга бўлиш қоидалари, уни чакана савдо корхоналарида бўлишдан тубдан фарқланади.

Ҳайвонот таналари гўштлари озуқавий ва биологик қийматлари, ширадорлиги ва юмшоқлиги бўйича бир-биридан фарқ қиладиган пазандалик қисмлардан иборат бўлади. Пазандалик қисмлар маълум бир таомлар ва пазандалик маҳсулотларини тайёрлаш ва иссиқ ишлов бериш услуби билан фарқланади.

Мол танаси 13 та пазандалик қисмларга бўлинади: бўйин, курак, тўш, биқин, қалин талиқ қисми, юпқа талиқ қисми, пуштимағиз, пешноб, орқа соннинг юқори қисми, орқа соннинг сиртқи қисми, орқа соннинг ён қисми, орқа соннинг ички қисми, пайчоқ.

Мол танасини пазандалик қисмларга бўлишдан олдин пуштимағиз гўшти ажратиб олинади ва ярим тана олдинги ва кейинги қисмларга, яъни чорак таналарга бўлинади. Ажратилган олдинги қисми бўйин, курак, тўш, биқин, қалин талиқдан иборат.

Пазандалик қисмлар суяклардан ажратилади, пайлар, қалин пардалар, сочўсарлар, ортиқча ёғлардан тозаланади, бўлакчалар учлари ва қирралари кесиб олинади.

Тозаланган пазандалик гўшт қисмлари таркибидаги озиқавий моддалар ва бирлаштирувчи тўқималар миқдорига қараб таом тайёрлашда турли хил ишловлар берилади. Гўштнинг қаттиқлиги, яъни бирлаштирувчи тўқималар

миқдори, коллаген ва эластин оқсилларининг миқдорига боғлиқ бўлади. Тириклигида мол танасининг қайси қисмлари кўп жисмоний иш бажарган бўлса, унда шунча кўп коллаген оқсили шаклланади ва гўшти қаттиқ бўлади.

Пуштимағиз, юпқа ва қалин талиқ, сон гўштининг ички ва юқори қисмларида бирлаштирувчи тўқималар кам бўлади ва тезда юмшайди. Бу қисмлардан ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар иссиқлик таъсирида тез юмшагани учун қовуриш учун ишлатилади.

Сон гўштининг ён ва ташқи қисмлари ошпазлар болғачаси билан гўштдаги бирлаштирувчи тўқимани эзиб юмшатиб отбивной, яъни юмшатилган гўштли таомлар тайёрланади.

Курак ҳамда биқинда бирлаштирувчи тўқималар кўп бўлганлиги сабабли, улар узоқ муддат давомида 100^0Сда қайнатиб ёки димлаб пиширишда юмшайди.

Бўйин, пешноб гўштларида бирлаштирувчи тўқималар кўп ва мураккаблиги сабабли, улар гўшт қиймалагичдан ўтказилади ва маълум бир шакл берилгандан кейин қиймаланган ярим тайёр маҳсулотларни буғда, димлаб ёки қовуриб пиширириш мумкин.

Ҳайвонотлар гўштлари пазандалик қисмларининг мақсадли ишлатилиши 1-жадвалда келтирилган.

Гўштнинг юмшоқлигига таъсир этувчи омиллардан бири, уни иссиқлик таъсирида ишлов бериш ҳисобланади.

Оқсилларнинг иссиқлик денатурацияси натижасида ўз тузилишини ўзгартириши, мускул толалари орасидаги сувни, унда эриган моддалар билан бирга қисман сиқиб чиқаради. Натижада мускул толалари диаметри кичиклашади ва толалар зичлашади. Иссиқлик муддати қанча чўзилса мускул толалари шунча зичлашади ва гўштнинг қаттиқлиги ошади.

Иккинчи томондан, бириктирувчи толалардаги коллаген ўз тузилишини ўзгартиради, яъни дезагрегацияга учрайди ва эрувчан глютинга айланади, перемизий қатламлари юмшайди, мускул толалари дасталари орасидаги боғлар бўшашади ва мускул толалари орасидаги механик боғлиқлик юмшайди.

Гўштларга пазандалик ишлов бериш, унинг таркибидаги бириктирувчи толалар мустаҳкамлигига боғлиқ. Бириктирувчи толалар унинг таркибидаги коллаген туфайли мураккаб тузилишга ва иссиқликка чидамлиликка эга ва перемизийнинг мураккаблашиши билан бу чидамлилик кучая бошлайди.

Молнинг орқа ва бел қисми, ҳамда белнинг ички қисми мускулларидан ташқари, қолган кўп қисми мускуллари мустаҳкам перемизийга эга бўлиб, уларни истеъмолга тайёр ҳолатгача юмшатиш учун уларни фақат суюқликда, яъни қайнатиб ёки димлаб пиширириш мумкин.

Қовуриш мускулдаги перемизийни керакли даражада юмшатаолмайди. Чунки, қовуриш жараёнида намлик узоқ муддат коллагенга таъсир қилмайди.

Мол танасининг бел қисми, орқа қисми ва белнинг ички қисми денатурация натижасида оқсиллардан ажралиб чиқаётган сув, коллагеннинг дезагрегацияга учраши учун етарли ва натижада гўшт юмшайди. Шунинг

1-жадвал

Мол пазандалик қисмларининг иссиқлик таъсирида ишлов бериш усуллари

Пазандалик ишлов бериш усуллари	Пазандалик бўлаклари,	Хом ашё вазнига нисбатан, %
I-категория		
Қовуриш	Пуштимағиз, қалин ва юпқа талиқ қисми, соннинг юқори ва ички қисмлари	12,0
Димлаб пишириш ва суюқ таомлар	Соннинг ён ва ташқи қисмлари, курак, тўш	20,5
Қиймаланган котлет массаси	Бўйин, пешноб, гўшт бўлакчалари	41,5
Бульон	Суяк ва пайлар	35,5
Жами:		**99,5**
II -категория		
Қовуриш	Пуштимағиз, қалин ва юпқа талиқ қисми, соннинг юқори ва ички қисмлари	9,5
Димлаб пишириш ва суюқ таомлар	Соннинг ён ва ташқи қисмлари, курак, тўш	16,5
Қиймаланган котлет массаси	Бўйин, пешноб, гўшт бўлакчалари	43,0
Бульон	Суяк ва пайлар	34,5
Жами:		**99,5**

учун мол танасининг бу қисмларини қовуриш мумкин.

Гўштнинг юмшашига таъсир этувчи муҳитлардан яна бири иссиқлик таъсирининг давомийлигидир. Узоқ муддат иссиқлик таъсир этилганда коллаген парчаланади. Мол гўштидан 80^0С ва 125^0С ҳароратда жаркое таоми пиширганда, 80^0Сда пиширилган гўшт кўп миқдорда коллаген гидролизга учрагани учун 125^0Сда пиширган гўштдан юмшоқлиги аниқланган.

Кўп олимлар қайд этганларидек, гўштнинг юмшашига гўшт бўлагининг марказидаги кейинги ҳарорат ҳам таъсир этади.

Ярим тайёр гўшт маҳсулотларини қовурганда уч хил ҳолатда тайёрлаш мумкин: чала пиширилган (гўшт маркази ранги қонли-қизил), ярим ҳолатда тайёр пиширилган (гўшт бўлаги четлари жигарранг, ўртасининг ранги очиқ гулоб рангда) ва тўла тайёр пиширилган (гўшт бўлаги атрофи ва ўртаси оч жигарранг рангда).

Тажрибалар асосида аниқланишича, марказида 80^0С ҳарорат бўлган гўшт бўлаги, марказида ҳарорат 61^0С бўлган гўштдан қаттиқроқ. Лекин, марказида 80^0С ва 100^0С ҳарорат бўлган гўштлар қаттиқлиги фарқи деярли билинмайди.

Хом ва қайнатиб пиширганда юмшоқ ҳолатда бўлган ва таркибида оз миқдорда коллаген толалари бўлган гўшт пиширганда қаттиқлиги ошади.

Таркибида ўртача миқдорда коллаген толалари бўлган гўштни қайнатиб пиширганда қаттиқлиги деярли ўзгармайди.

Иссиқлик таъсирида қайнатиб ишлов берилганда таркибида кўпроқ миқдорда коллаген толалари бўлган гўшт анча юмшайди.

Лекин, таркибида кўп миқдорда бириктирувчи толалар оқсиллари коллаген ва эластин бўлган гўштни қовуриб пиширганда бу гўшт юмшамайди. Чунки, мускул толаларидан иссиқлик таъсирида ажралиб чиқаётган сувлар коллагеннинг глютинга айланиб, юмшаши учун етарли эмас.

Юқорида қайд этилганларга асосан чакана савдо шахобчаларида мол гўштини навларга ажратмасдан, пазандалик ишлатилишига қараб бўлаклаб сотишни ташкил этиш ҳақида таклиф киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

S.K. Boyjigitov– SamISI, “Marketing” kafedrasi assistenti
J.A.Sharofiddinov– SamISI, MR-120 guruh talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA ULGURJI SAVDO KORXONALARINI AVTOMATLASHTIRISH TIZIMLARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida ulgurji savdo korxonalarini avtomatlashtirish tizimlaridan foydalanish imkoniyatlari mazmuni keng ko‘lamda yoritib berilgan. Bundan tashqari ushbu maqolada bozor avtomatlashtirish tizimlarining ulgurji savdodagi o‘rni haqida batafsil yoritilib berilgan.

Kalit so‘zlar: bozor, ulgurji savdo, avtomatlashtirish tizimlari, xizmat ko‘rsatish, raqamli iqtisodiyot.

Аннотация: В статье рассматривается широкий спектр возможностей использования систем оптовой автоматизации в цифровой экономике. В этой статье также обсуждается роль систем автоматизации рынка в оптовой торговле.

Ключевые слова: рынок, оптовая торговля, системы автоматизации, сервис, цифровая экономика.

Abstract: This article covers a wide range of opportunities to use wholesale automation systems in the digital economy. This article also discusses the role of market automation systems in wholesale trade.

Keywords: market, wholesale, automation systems, service, digital economy.

Ulgurji savdoda faoliyati doimo rivojlanib borayotgan juda foydali sohalardan biridir. Savdo kompaniyasining barcha filiallarining yagona ma’lumotlar bazasida to‘liq bog‘lanishini ta’minlash uchun ulgurji omborni samarali va innovatsion avtomatlashtirish zarur. Bunga qo‘shimcha ravishda, bunday tizim barcha xaridlarni va sotishni tahlil qilish va keyinchalik rejalashtirish, shuningdek, tovarlar harakati va tovarlarning ombor yozuvlarini samarali yuritilishini hisobga olish imkonini beradi. Hozirda savdo biznesini yuritish tez, samarali va qulay bo‘lishi kerak, faqat bu holda daromad va muvaffaqiyat bo‘ladi. Shuning uchun korxonani tashkil etishga ehtiyotkorlik bilan yondashish juda muhimdir.

Tovarlarni qabul qilish va iste’mol qilishni hisobga olish omborning muvaffaqiyatli ishlashi uchun shaxsiy kompyuterlar, ma’lumot yig‘ish terminallari va boshqa maxsus jihozlar asosida avtomatlashtirilgan hisobga olish tizimini tashkil etish kerak. Omborning o‘lchamiga qarab, har qanday joydan tovarlarni qabul qilish yoki jo‘natishda asosiy ma’lumotlar bazasi bilan ma’lumot almashish imkoniyatini ta’minlash muhimdir. Bunday holda dasturiy ta’minot real vaqt rejimida ham, davriy aloqa seanslari orqali ham ma’lumotlarni to‘plash terminallari bilan almashinuvga imkon berishi kerak.

Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning har qanday tizimi tizimda to‘plangan ma’lumotlarni qayta ishlash va ko‘rib chiqish va tahlil qilish uchun qulay shaklda yig‘ilgan ma’lumotlarni olish imkoniyatiga ega bo‘lgandagina o‘z vazifalarini bajaradi. Qoidaga ko‘ra, buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish tizimida bunday muammolarni hal qilish uchun hisobot hujjatlarini yaratadigan kichik tizim mavjud (ular chiquvchi hujjatlar deb ham ataladi). Bunday quyi tizim tizim foydalanuvchilarining ishonchli va batafsil chiqish ma’lumotlariga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish uchun etarli bo‘lgan turli xil hisobot hujjatlar to‘plamini yaratishi mumkin.

Ushbu loyihada ishlab chiqilgan avtomatlashtirish tizimi “Frutimport” xususiy unitar korxonasining ulgurji omborlaridagi tovarlarni hisobga olish uchun mo‘ljallangan. Ushbu korxonaning ulgurji omborlari yetkazib beruvchilardan katta miqdordagi mahsulotlarni qabul qiladi va ularni kichik partiyalarda buyurtmachilarga yetkazib beradi (ushbu xulosalar korxonaning o‘rganilayotgan me’yoriy hujjatlariga asoslanadi). Kirish va chiquvchi tovarlar, yetkazib beruvchilar va mijozlarning miqdoriy va xarajat hisobini yuritish, tushum va xarajatlar schyot-fakturalarini rasmiylashtirish, shuningdek bajarilgan operatsiyalar bo‘yicha hisobot hujjatlarini shakllantirish talab qilinadi.

Omborda moddiy va axborot oqimlarining harakati mavjud. Ombor tayyor mahsulotni qabul qiladi va saqlaydi, bu operatsiya kvitansiyani shakllantirish bilan birga keladi. Mahsulotlar hisob-faktura asosida yuboriladi. Tovarlarni qabul qilish va sotish to‘lov shartnomalarini bajarish bilan birga amalga oshiriladi, buning asosida keyinchalik to‘lov amalga oshiriladi. Shu sababli, siz to‘langan, to‘lanmagan va muddati o‘tgan shartnomalar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ko‘rishingiz kerak.

Korxonalarda tovarlarni hisobga olish va nazorat qilishni avtomatlashtirish zarurati tovar ayirboshlash hajmining tez o‘sishi munosabati bilan yuzaga keldi. Kuniga 200 - 500 ta savdo bitimlari aylanmasi bilan qo‘lda yozuvlarni saqlash muammoga aylanadi. Korxonalarda, shuningdek, shahar bo‘ylab tarqatiladigan bir nechta omborlar mavjud, shuning uchun qo‘lda qog‘oz bilan ishlash usulidagi omborlardagi qoldiqlarni tezkor hisobga olish ko‘p vaqt talab etadi va vaqt o‘tishi bilan imkonsiz bo‘lib qoladi. Aynan ushbu korxona uchun ofislarni boshqarishning avtomatlashtirilgan tizimiga o‘tish zarur.

Tizimni qurishda quyidagi muammolarni hal qilish kerak:

- Xuddi shu turdagi mahsulotlarning katta assortimenti bilan ishlash;
- Korxonada hujjatlar aylanishini to‘liq avtomatlashtirish;
- Real vaqt rejimida bir nechta omborlardagi qoldiqlarni kuzatish;
- Qonun hujjatlariga muvofiq korxona hisobini yuritish;
- Axborot bazalariga va hujjatlarga kirish huquqini farqlash.

Bundan kelib chiqadiki, axborot oqimlarining harakati uni qabul qilishning muayyan bosqichida zarur bo‘lgan hujjatlarni tayyorlash bilan birga keladi. Ishlatilayotgan ma’lumotlarning ko‘payishi va hujjatlar va hisobotlarni qayta ishlash vaqtini qisqartirish zarurati bilan bog‘liq holda, tovarlarni hisobga olish jarayonini osonlashtiradigan va tezlashtiradigan avtomatlashtirilgan tizimni yaratish zarurati paydo bo‘ldi.

Ulgurji Savdo[1] — tovarlarni ishlab chiqarish iste’moli yoki qayta sotish uchun yirik partiyalarda sotib oladigan yoki saklaydigan, ularni chakana Savdoga, iste’molchi yoki boshqa savdo tashkilotlariga sotadigan muassasalarmajmui.

Zamonaviy **ulgurji avtomatlashtirish tizimi** savdo kompaniyasining turli bo‘limlarining yagona axborot tizimida o‘zaro bog‘liqligini ta’minlashi kerak. Xarid qilish va sotishni rejalashtirish qobiliyati, shuningdek, pul oqimlarini rejalashtirish tizimning muhim xususiyati, shuningdek operatsion hisobni hisobga olishdir.

Ulgurji savdoni avtomatlashtirish tizimida quyidagi xulosa va takliflarni keltirishimiz mumkin:

- katta hajmdagi tovarlar katalogini qo‘llab-quvvatlash, nomenklaturani tarkibiy tavsiflash imkoniyati, tovarlarning omborda joylashganligi to‘g‘risida ma’lumotlar bilan ishlash tizimini joriy qilish;
- tovarlarning to‘liq to‘plami, to‘plamlarni sotish imkoniyati baholash;
- yetkazib beruvchilar va mijozlar to‘g‘risida batafsil ma’lumotni saqlash, kontragentlarning aloqador shaxslari, kontraktlar va hisobvaraqlar bo‘yicha ma’lumotlarning saqlanish tizimini ishga tushurish;
- raqobatchilar bilan narxlarni taqqoslash, yetkazib beruvchilar narxlarini saqlash, xarid narxlaridan avtomatik ravishda sotish narxini hisoblash, individual narxlarni qo‘llash, tovarlarga chegirma yoki markirovka o‘rnatish imkoniyati;
- xarid qilishni, sotishni, naqd pulni manfaatli rejalashtirish;

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Savdo

- xaridorlar uchun ma’lum bir seriyagacha bo‘lgan tovarlarni zaxirada ham, kelajakda ham yetkazib berish;
- tijorat uskunalarini ulash imkoniyati;
- kompaniyamiz tarkibiga kiradigan boshqa yuridik shaxsning omboridan tovarlarni sotish, “minus” yuklarni jo‘natish imkoniyati;
- to‘lov va qarzlarni online boshqarish tizimini joriy etish;
- rahbarlarga ish haqi miqdorini hisoblash.

Savdoni avtomatlashtirish odatdagi jarayonlarni amalga oshirishni soddalashtiradi: masalan, tovarlarni qabul qilish, narxlarni belgilash, inventarizatsiya nazorati, hujjatlarni boshqarish va boshqalar. Amaliyot shuni ko‘rsatadiki, **savdo integratsiyalashgan avtomatlashtirishdan foydalanish foydani o‘rtacha 5-15% ga oshirishga imkon beradi**.

Agar siz kassa apparati va dasturlarini (kassa dasturi va buxgalteriya xizmati) to‘g‘ri tanlasangiz, keraksiz xarajatlarni kamaytirib, do‘konni optimallashtirishingiz mumkin. Kichik do‘konlarda asosan quyidagi ish turlari avtomatlashtiriladi:

- kassa operatsiyalari;
- tovarlarni hisobga olish;
- buxgalteriya hisobi.

Xulosa qilib aytganda, biznes egasi juda ko‘p muammolarni hal qiladi: ombor va xaridlarni oqilona boshqaradi, ish jarayonini, tahlil va marketingni avtomatlashtiradi va o‘z xodimlarini masofadan nazorat qiladi. Masalan, inventarizatsiya dasturidan foydalanib, har bir smenaning boshlanish va tugash vaqtlarini, o‘rtacha tekshiruvni, naqd pul qancha ekanligini, qaytish sonini, har bir sotuvchining faoliyatini tekshirishingiz mumkin. Shunday qilib, tadbirkor hatto ta’til paytida ham do‘kondan “xabardor bo‘lishi” mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. U.Sharifxodjayev, Z.Xakimov. Interaktiv va raqamli marketing. O‘quv qo‘llanma. – T.: Iqtisodiyot. 2019.-271 b

2. Ergashxodjaeva Sh. J., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik.-T.: Iqtisodiyot, 2018.-315 b.

3. Ergashxodjaeva Sh.Dj., Samadov A.N., Alimxodjayeva N.E., Sharipov I.B. Marketing kommunikatsiyasi. O‘quv qo‘llanma.-T.:Iqtisodiyot, 2019.-418 b.

4. Gary Armstrong, Philip Kotler, Michael Harker, Ross Bernnan. Marketing an introduction. England, 2016, Paperback: 720 pages, Pearson.

5. Воронюк А.Актуальный интернет-маркетинг/А.Воронюк- «IPIO», 2018. 214 с.

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Пардаев М.Қ. Пардаев О.М. Халилов С. Ш.	Инновациянинг турлари ва улар таснифини такомиллаштиришнинг назарий масалалари	4
Низамов А.Н. Мирбабаев М.М.	Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат трансформациясининг объектив зарурлиги	17
Сафарова Н.Н.	Камбағалликни аниқлашдаги илмий қарашлар ва уни қисқартириш механизмлари	20
Азимова Х.Э.	Роль и значение формирования цифровой экономики в Узбекистане	23
Пўлотов Ш.Ш., Хамидов Р., Равшанова Г., Камбаров Ф.	Пути развития цифровой экономики в Узбекистане	27
Alimova Sh.A. Halimova D.R.	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish – Buxoro viloyatida innovatsion natijadorlikka erishish	29
II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Досчанов Т. Нурматов У.И.	Инновацион ривожланиш шароитида озиқ-овқат импортида божхона хизматларини такомиллаштириш масалалари	32
Хайитов Ш.Н. Музаффарова М. Каримов М., Мухитдинова Н.	Проблемы и перспективы формирования цифровой экономики в Узбекистане	36
Sholdarov D.A., Temirov B.N.	Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida aholi bandligi va turmush darajasini oshirish masalalari	38
Олтаев Ш.С.	Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили	42
Худайбердиев А. Мўминов Н.Н. Саидхонов Т.	Ҳалол чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган талаблар	44
Каршибоев Х.К.	Эластичность спроса для малых предприятий	48
Шолдаров Д., Халилова Ш.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий соҳасини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш	51

Урунбаева Ю.П. Умурзоқова М.И Абдуллаева М.	Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш тенденциялари	54
Бектемиров А.А.	Тадбиркорлик рисклари ва уларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари	62
Xolmamatov D.H Umurzaqov L.R.	Ulgurji savdoda logistik servisni joriy qilish yo‘llari	65
Norqulova D.Z., Tohirova Z. Sh.	O‘zbekistonda xotin-qizlarga qaratilayotgan e'tibor	68
Базарова М.С. Бобомуродов Қ., Барноев З.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш йўллари	71
Аминова Н.У.	Механизм управления инновационной средой в условиях цифровой экономики	75
Джалолова С.З.	Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг хусусиятлари	78
Шарипов Ж.О. Ҳомидов М.Ш.	Исследование многослойных покрытий для дисковых фрез	83
Адизов Б.И.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ёшлар бандлигини таъминлашда уларнинг узлуксиз бандлик мониторинги амалиётини жорий қилиш	86
Муйдинов О.Б.	Пандемия шароитида Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш йўллари	90
Mamatqulova G.F	Raqamli iqtisodiyot sharoitida xotin-qizlar bandligini ta’minlash	93
Акбаров Б.С.	Минтақада аҳоли ва меҳнат ресурслари сонини математик моделлаштириш ва башоратлаш	95
Ochilova M.T.	O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning raqamli iqtisodiyot sharoitidagi muammolari	100
III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Doschanov T., Ro‘zmetov B.Sh.	Turizmni rivojlantirshda muzeylar faoliyatiga raqamli texnologiyalarni qo‘llash masalalari	103
Худояров А.А.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида зиёрат туризмининг самарадорлигини ошириш механизмлари	107
Усманова Д.К. Умиров И.Ф.	Повышение конкурентоспособности туристической индустрии на международной арене современными методами	

Norqulova D.Z. Malikova F.Sh.	O`zbekistondagi tur firmalar faoliyatidagi yuzaga keluvchi muammolarning tahlili va yechimlari	116
Нарзиев М.М	Международный опыт создания гостиничных кластеров и применение их в Республики Узбекистан	119
Tursunova G.R.	Dunyodagi noodatiy va eng g‘aroyib - «Giraffe manor» mehmonxonasi	122
Жуманиязова Ш.	Рақамли технологиялардан фойдаланишнинг туризм бозори ривожланишига таъсири	125
Зокирова Б.З.	Экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масалалари	128
IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Худояров А.А.	Ўзбекистон “Ziyarah tourism” брендини халқаро туризм бозорларига олиб чиқишда интеграциялашган маркетинг концепциясининг ўрни ва аҳамияти	132
Musayeva Sh.A., Sattarov M.A.	The role of marketing in improving the system of agricultural production	138
Хусанов Б.Ш., Баратов С.Н.	Маҳаллий бошқарув органлари томонидан капитал бозоридан ресурслар жалб этиш йўналишлари	142
Musayeva J.K., Xodjiyeva S.Sh. Murodova D.J.	Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda raqamli iqtisodiyot va marketingning xususiyatlari	145
Камолиддинов И. Ахмедов М.Ш	Инновацион маркетингни Ўзбекистонда ривожланиш самарадорлиги	149
Холбоев У.Х., Абдуллаева М.	Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бошқаришнинг тамойиллари	152
Аллаёров Р.А.	Ҳудуд рақобатбардошлигини оширишда ҳудудий маркетингнинг ўрни ва аҳамияти	155
Бахронов Ш.А. , Холбоев У.Х.	Бошқарув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида	158
Тошназарова Н.	Ишлаб чиқариш соҳасида бошқарувни такомиллаштириш	163

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Зайналов Дж.Р. Нурбоев Ш.	Динамические показатели эффективности инвестиционного капитала	166
Мусаев Р.М. Хайитов Ж.	Мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилган шарт-шароитлар	171
Досчанов Т. Олланазаров Б. Атаев Ж. Қўчқоров Ш.	Инновацион фаолиятни инвестициялашда давлат-хусусий шерикчилигининг ўрни	174
Шолдаров Д., Жўраев Қ.	Бюджет тизимида назоратни ташкил этиш	178
Касимова Г. Абдужалилова Д.	Бюджет тизими бюджетлари ижросини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг зарурлиги	181
Алиева С.С., Расулов Ш.Ж.	Модель оценки экономической эффективности инвестиционных вложений на производстве	185
Саидахмедова З. Хайитов Ж.	Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари	189
Мамаджанов Ш. Хамроев М.С., Алибоев С.	Суғурта хизматлари бозорида тиббий суғуртанинг ўзига хос жиҳатлари	195
Хасанова Ю.М. Холмуродов О.Н	Инвестиционная деятельность и её взаимосвязь с развитием цифровой экономики	201
Шавкатов Н.Ш.	Давлат-хусусий шериклик амалиёти орқали хусусий инвестициялар ҳажмини ошириш	204
Ruzibayeva N.X., Haydarov J.A.	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida moliyaviy innovatsiyalar	208
VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Pardayev M.Q. G‘aniyev Sh.V.	Byudjet hisobini tashkil etishda Davlat sektori uchun moliyaviy hisobot xalqaro standartlaridan foydalanish masalalari	213
Рафеев Д.Р., Рафеев Б.Д.	Эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашишни ҳисоблашда «Темир дафтар»нинг тутган ўрни (Самарқанд вилояти мисолида)	216

Ташназаров С.Н. Турабоев Т.Ҳ.	Бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида тузиш ва тақдим қилиш тартиби	220
Рафеев Д.Р., Юсупова Ф.З.	Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш	223
Холиқулов А.Н.	Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турлари бўйича ривожланиш динамикаси таҳлили	228
G‘aniyev Sh.V., To‘ymatov B.B.	Byudjet hisobini tashkil etishda Davlat sektori uchun moliyaviy hisobot xalqaro standartlaridan foydalanishning o‘ziga xos xususiyatlari	231
Ташназаров С.Н. Адҳамов С.И.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини такомиллаштириш масалалари	235
Холиқулов О.Х.	Пандемия шароитида қурилиш машина-механизм инженери ёки унинг фарзандларини Covid-19 бўйича даволаш пули ҳисобининг аҳамияти	238
Boyjigitov S.K., Shodiqulov R.O‘.	Korxonalarda tovar siyosatini tahlil qilishda BCG matritsasini qo‘llash mexanizmlarini oshirish yo‘llari	243
Юсупова Ф.З.	Паррандачилик харажатлари ва материаллар таннархи кўрсаткичлари аудитининг объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи	246
VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Usmanova D.Q. Rabbimov M.M. Xudoyorov Z.N.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ta’lim sohasida innovatsion metodlardan foydalanish	255
Базарова М.С. Худайбердиева О Носирова Г., Рамазонов Р.	Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш стратегияси	259
Жабборов Ж.А.	Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда кадрлар сиёсати ва аҳоли динамикаси таҳлили	265
Адизов Б.Б.	Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини иқтисодий самарадорлиги	268

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Мўминов Н.Н. Ишниязова Ш.А. Кодирова Б.	Паррандаларга комплекс ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари	274
Zaynalova K.N. Talibova A.Y. Zaynalov M.N.	Raqamli iqtisodiyotning asosiy tamoyillari tahlili	277
Мамарасулов З.Э.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан пиёзни қайта ишловида тозалаш усулларининг тадқиқоти	281
Худайбердиев А. Ишниязова Ш.А., Каримова Д.	Химический состав костного препарата	284
Н.Н.Мўминов Худойбердиев А Ҳасанов Ҳ.	Гўштнинг мақсадли ишлатилиши ва иссиқлик ишлов беришнинг таъсири	287
Boyjigitov S.K. Sharofiddinov J.A	Raqamli iqtisodiyot sharoitida ulgurji savdo korxonalarini avtomatlashtirish tizimlaridan foydalanish imkoniyatlari	290

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари

2021 йил. Қоғоз бичими А5,

Офсет қоғози. Times New Roman" гарнитураси
Босма тобоғи 18,75 б.т.
Буюртма № 10/21, Адади 80 нусха

"Наврўз полиграф" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021